

Нобель мұкофоти совриндорлари кутубхонаси  
ФРАНСУА МОРИАК

# Илюмінар Коміса

Роман

(Қайта күрилған ва түлдирилған  
иккінчи нашри)



**Нобель мукофоти совриндорлари кутубхонаси  
ФРАНСУА МОРИАК**

*Илюмбар  
башда*

**Роман**  
*(Қайта кўрилган ва тўлдирилган  
иккинчи нашри)*



“Нихол” нашриёти  
“Зилол Булок” нашриёти МЧЖ

Тошкент 2017

**УЎК 821.133.1-31**

**КБК 84(4Фра)6**

**М 75**

Мориак, Франсуа.

Илонлар комида [Матн]: роман / Ф. Мориак. - Тошкент : «Offset-Print» МЧЖ, «Nihol» нашриёти, 2017. - 176 б.

**ISBN 978-9943-23-109-2**

**УЎК 821.133.1-31**

**КБК 84(4Фра)6**

**Нашрга тайёрловчи**

**ва таржимон:**

**Бош мұхаррир:**

**Мұхаррир:**

**Мусаххиха:**

**Ш. Миноваров**

**М. Нурмұхамедова**

**Х. Самсакова**

**Г. Миноварова**

Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультети француз тили кафедрасы томонидан нашрга тавсия этилган.

**Тақризчи:**

**Филология фанлари номзоди Р. Ширинова**

*Пул ва мол-мұлкка ҳирс қўйши, ҳасислик ва қизғанчилик оқибатида яқин кишиларини йўқотиш, барча инсоний фазилатлардан жудо бўлиш, ҳаётининг сўнгги кунлари дагина ҳаётий ҳақиқатни кашф этиши – адабиёт соҳасида халқаро Нобель мукофотининг совриндори, машҳур француз ёзувчиси Ф. Мориакнинг шоҳ асари “Илонлар коми”да романнада ана шу азалий ва умуминсоний мавзулар тўгрисида сўз боради.*


**ISBN 978-9943-23-109-2**

©Ш. Миноваров, 2017 й.

©“Нихол” нашриёти, 2017 й.

©“Offset Print” МЧЖ, 2017 й.

©“Зилол Булоқ Нашриёти” МЧЖ, 2017 й.



## ИЛОНЛАР КОМИДА<sup>1</sup>

### Биринчи боб

Ушбу хатни пўлат сандиқдаги кимматли ҳужжатлар устида кўриб ҳайрон бўларсан. Балки бу хатни ўлимимдан кейин сенга бериб қўйиш шарти билан нотариусга топширганим ёки кўздан панароқ жойга яширганим маъқулроқмиди?! Чунки баданим совушга улгурмасданоқ болалар ёзув столини очиб ярим аср давомида хаёлимда қайта-қайта пишигтан интиком хотини топиб олишлари мумкин. Лекин ташвиш тортма, кўнглинг хотиржам бўлсин. Банқдан қайтгач, йўлакда турибоқ қимматли ҳужжатларнинг ўз жойида турганидан хабар топиб, ғоят шодланишингни ва юзингдан чимматни кўтармасданоқ болаларга: “Қимматли ҳужжатлар ўз жойида турган экан”, – деб қичқиришингни эшигандек бўляпман.

Керакли чора-тадбирларни кўрмаганимда, ҳужжатлар пўлат сандиқдан осонгина ғойиб булиши мумкин эди. Агар истаганимда, сизлар бугун уй ва ердан бошқа ҳамма нарсадан маҳрум этилардингиз. Бахтингизга нафратимни енга олдим. Мен узоқ вақт ўз нафратимни ўзимдаги энг боқий нарса деб билиб келгандим. Бугун уни ҳар ҳолда сезмаяпман. Қариб-қартайдим, куни кеча оғир касалликка йўлиққанимни, тунларни қандай қилиб ўч олиш режасини тузиш билан эмас, балки уни амалга ошириш йўлини ҳам ўйлаб ўтказганимни эслаш менга жуда оғир. Бу режа аста-секин портлаши керак бўлган бомба сингари пухта ўйлаб тузилганди ва мен бундан фахрланардим. Банқдан қайтар эканман, эгилган бошларингизни кўриб яна яшагим келарди. Пўлат сандиқни очишга бўлган ваколатни сенга барвақт эмас, балки аксинча, иложи борича кечроқ бериш ниятида эдим. “Ҳужжатлар қани?” – деган сизларнинг аянчли хитобларингизни эшитиб, сўнгги бор хузурланмоқчи бўлгандим. Ӯшанда менга жон чиқар пайтидаги энг даҳшатли азоб ҳам, бу туйғу олдида хеч

<sup>1</sup> F.Mauriac. *Le noeud de vipères*. Paris, 1932, Collection Pourpre.

гап бўлмайдигандек кўринган эди. Ҳа, мен ана шундай қора ниятларга кобил бўлиб қолгандим. Нега шу кўйга тушдим, ахир илгарилари бунчалар ёвуз, бағритош эмасдим-ку?

Соат тўрт бўлди, стол устида эса менга нонушта олиб келинган патнусни ва бетартиб қалашиб ётган ликопчаларни пашшалар талаяпти. Бехуда қўнғироқ қилдим; қишлоқда қўнғироқларни ҳеч ким эшитмайди. Сабр билан кутиб ётишга мажбурман. Болалигимда шу хонада ётиб юрганман, кўзим ҳам шубҳасиз шу хонада юмилади. Кўзим юмилгач, қизимиз Женевьева болаларга биринчи қаватдаги хоналарни бирма-бир кўрсатиб чиқади. Кенг ва энг кўзга кўринарли хонани Женевьевага бўшатиб бермоқчи бўлганман, аммо пастки қаватнинг муҳити ўпкамга ёқмаслигини айтган доктор Лаказнинг маслаҳати билан аҳдимдан қайтгандим. Бу ишнинг амалга ошмагани яхши бўлган, негаки мен ҳеч иккиланмасдан хонани бўшатиб берган, лекин юрагимдан аламли бир надомат ўрин олган бўларди. Бутун умримни ён босишлар билан ўтказдим. Вақт ўтиши билан аламлироқ бўлиб бораётган пушаймонларим улардан хотира бўлиб қолган.

Жанжаллашишга бўлган иштиёқ оиласизга мерос қолган. Онамнинг тез-тез ҳикоя қилиб беришича, отам ўз ота-онаси билан уришиб қолган, улар эса ўттиз йил давомида ўз қизлари билан юз кўрмас бўлиб яшашган ва шундай оламдан ўтишган экан (ундан марселлик, биз билан борди-келди қилмайдиган аммаваччалар қолган).

Бу жанжалларнинг нимадан келиб чиққанини мен ҳеч қачон билмаганман. Лекин ҳар доим ота-онамни ҳақ деб ҳисоблаб, уларнинг тарафларини олиб келгандим. Ҳаттоки ҳозир ҳам марселлик аммаваччалардан бирортасини учратиб қолгудек бўлсан, ўзимни кўрмаганга ва танимаганга оламан. Узоқлашиб кетган қариндошлар билан юз кўришмаслигимиз мумкин, лекин фарзандларинг ва умр йўлдошинг билан ана шундай муносабатда бўла олмас экансан. Тўғри, аҳил оиласалар кўплаб топилади, лекин бир-бирининг жонига теккан,

бир дастурхондан овқат еб, бир жұмракдан юз ювиб, бир ёстиққа бош қўйиб, бир-биридан нафратланадиган эр-хотинлардан иборат рўзғорлар нақадар кўплигини назарга олсак, ажралишлар сонининг қанчалар кам эканлигига ишонч ҳосил қиласиз! Уларнинг бир-бirlарини кўрарга кўзлари йўқ ва айни пайтда уйларидан бош ҳам олиб кетолмайдилар.

Бугун туғилган куним, ёзишга бўлган бу иштиёқ қаердан келди? Мана, 68 га кирдим ва буни мендан бошқа ҳеч ким билмайди. Женевьеве, Губерт, уларнинг болалари ҳам туғилган кунларида совғага шириналлар, жажжи шамчалар, гуллар олишади... Туғилган кунингда сенга ҳеч нима бермаслигимга сабаб бу кунни унутганим эмас, балки ўч олиш истагидир. Етар... Туғилган кунимда сўнгти гулдастани қўллари қалтираб қолган бечора онам тайёрлаган эди; юраги хасталигига қарамай, у охирги марта бир амаллаб гулхонага бориб келганди.

Каерда тўхтагандим? Ҳа, кутилмаганда ёзишга бўлган бу “жўшқин” иштиёқ, ҳа, айнан шу сўз ҳозирги аҳволимни аниқ ифодалай олади, ҳолатининг қаердан пайдо бўлганига ҳайрондирсан, балки? Ғарб шамоли таъсирида эгилган қарағайлардек қийшайган ҳусниятимни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилишинг мумкин. Кулоқ сол: мен узоқ йиллар мобайнида пишишиб келган ва эндиликда воз кечаетган интиқом ҳақида сенга гапирган эдим. Лекин сенда, фақат ўзингга хос хислат – босиқлигинг борки, мен ўшанинг устидан ғалаба қозонишини истайман. Мени тўғри тушун: сенинг тилинг бийрон, бурро: сен Казо билан паррандалар ёки полиз ҳақида соатлаб гап сотишинг мумкин. Болалар билан, ҳатто кичкинтоллар билан ҳам сен уззукун сўзлашсан ва ҳазиллашасан. Ох, ўз ишларим, ташвишларим ҳақида ҳеч кимга оғиз очолмай, бошим ғовлаб дастурхон атрофида ўтиришларим... Айниқса, Вилнев ишидан кейин, газеталар ёзганидек, жиноий ишлар бўйича машҳур адвокатга айланиб қолган кезларим. Ўшанда қанчалик обруталааб бўлиб борганим сайин, мени шунчалик ерга урадинг. Лекин гап ҳозирча бу ҳақда эмас,

## | Монат Қалиса |

мен бошқача хислатинг учун: узок вақт давом этган ноаҳил турмушимиз давомида ўжарлик билан сукут сақлаганинг учун қасос олмоқчиман. Театрда ёки китоб ўқиётиб ўз-ўзимдан неча марталаб ҳаётда чиндан ҳам “жанжал” қиласидиган, очикчасига гаплашадиган, гаплашишдан енгил тортадиган ошиқ-маъшуқлар ва эр-хотинлар бормикин, деб сўраганман.

Қирқ йиллик машаққатли турмушимиз давомида жиддийроқ мавзулардан ўзингни четга тортиб, гапни ҳар доим қисқа қилиб келдинг.

Ишқий лаззат дамларида ҳам назаримда, аллақандай ёт бир тартибга риоя қиласидингки, бу мен учун узок вақт мобайнида сирлигича қолаверди; бир куни эса бунга тамоман бефарқ қарашингни тушуниб етдим. Қалбингдан ҳам ниҳоятда йироқ эдим. Жонингга текканлигимни ҳам билардим, сабаби мени қўришинг билан ғойиб бўлардинг.

Сен килни қирқ ёрадиган даражада маккора эдинг: шарпамни узоқдан пайқардинг, хонангга тўсатдан кириб қолган пайтларимда эса бирон-бир баҳона топа олар, ёки юмшоқ шапати уриб, юзимдан ўпардинг-да, эшикка йўл олардинг.

Мактубимнинг биринчи сатрларини ўқибоқ, уни йиртиб ташлашингга шубҳа қилмайман, аммо бунчаликка бормасанг керак, чунки бир неча ойдан буён сени ҳайрон колдирияпман, кўнглингта ғулғула соляпман. Қанчалар менга кам эътибор берган бўлмагин, кайфиятимдаги ўзгаришни пайқамай қолмагансан. Ҳа, бу сафар мендан яширина олмайсан. Бир ёқадан бош чикарган гуруҳингиз қаршисида ёлғиз яшаган, толиққан, чангалида пулини маҳкам ушлаган ва шу сабабли парвариш қилиниши лозим бўлган, лекин ўзга оламда азоб чеккан бу адвокатнинг қандай инсон бўлганини сен, ўғлинг, қизинг, куёвинг, набираларинг ва барча яқинларинг билишини истайман. Қайси оламда? Сен ҳеч қачон у оламга киришни истамагансан. Шошилма, гап ўз қўлларим билан ўлимимга атаб ёзилган марсия ҳакида эмас, балки сизларга қўйиладиган айблов тўғрисида боряпти. Феъл-атворимдаги энг ноёб ва

сендан бошқа ҳар қандай аёлни мафтун қила оладиган фазилатим ўта теран фикрлашимдир. Ўз-ўзини алдаб яшаш кўпчиликка ҳамиша қўл келган, менга эса бу нарса доим панд бериб келди. Буни тушуниб етмасимдан аввал ҳеч нарсадан, ҳеч қачон бу даражада нафратланмаганман.

Ёзишдан тўхташга тўғри келди. Чироқ олиб келишмади, деразани ҳам ҳеч ким келиб ёпмади. Томлари турли ёрқин рангларга бўялган уйларни кузатиб ётибман. Теракзор орқасидан қирғовулларнинг бўғиқ сайраши, ховлида кимдир бочка думалатиб ўтаётгани кулоғимга чалинади. Ҳаммаси болаликдагидек ўзгармаган масканда ажални кутиб олиш ҳам омад ҳисобланади. Фақат энди чархпалакни эшак эмас, гувиллаган мотор харакатга келтиради. (Тушлик овқатдан дарак берувчи ва ҳавони булғатувчи почта самолёти ҳам пайдо бўлган).

Дунёни чинакамига англаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди: ўтган умрига бошдан-оёқ назар солишга сабр-бардоши етадиган кишиларгина оламни кашф эта оладилар. Қўлимни кўкрагим устига қўйиб юрагимни уқалаб, бурчакдаги ойнали жавонга қарайман. Унда юрак хуруж қилганда ишлатиладиган ҳамма нарса – тиббий анжом, дори-дармонлар бор. Ёрдамга чақирсан эшитишармикан? Болалар буни ҳазилга йўйишлари ҳам мумкин: бу билан улар хотиржам ухлаш учун ўзларини алдамоқчи бўладилар. Нафас олишим жойида. Кимдир чап елкамга қўлини қўйиб, мени унутма деяётганга ўхшайди. Менга келсак, ўлимни кутилмаганда келади, деб ўйламайман. Сабаби, у атрофимда бир неча йилдан бери айланиб юрибди. Уни сезиб, нафасини ҳис қилиб турибман; у шошмаяпти: сабр билан кутишга мажбур қиляпти, холос. Тузалмас касаллар киядиган тунги кўйлакда, онам ўлими ни қарши олган баланд суюнчиқли ўриндиқда ҳаёт билан хайрлашмоқдаман. Қаршимда дори идишлари билан тўлиб-тошган чорпоя: соқолим чала олинган, димоғимда бадбўй хид: инжиқликларимнинг итоаткор кулига айланиб қолганман. Лекин хулоса чиқаришга

шошилманглар: юрак ўйноғим босилган кезларда яна ўзимни яхши ҳис қиласман. Мени ўлади, деб ўйлаб юрган адвокат Буррю мени яна иш устида учратади. Ҳа, банкларнинг ертўлаларида соатлаб қоғоз пулларнинг белбоғини ечишга ҳали кучим етади.

Ушбу кечинмаларимни ёзиб тутатиш учун, қолаверса, сўзларимни эшлишига сени мажбур қилиш учун ҳали анча яшашим керак. Негаки, йиллар давомида, кечалари ёнингда бўлган кезларимда: “Жуда ҳам уйқум келяпти, мен аллақачон ухляяпман, ухляяпман...” – деб ўзингни уйқуга солиш одатинг бор эди. Сен менинг эркалашларимдан эмас, кўпроқ гапларимдан ўзингни олиб қочардинг.

Ҳали келин-куёвлигимиздаёқ баҳтимизга рахна туша бошлаганди. Ўшанда ёшим 23 да, сен эса 18 да эдинг. Биз икки ёш учун ширин, қайноқ сухбатлар ишқ лаззатларидан афзалроқ туюларди. Болакайлар сингари бир-биримиздан ҳеч нарсани яширмасликка қасамёд қилгандик. Сенга айтадиган гапларим кўп бўлмаганидан ҳаётимда бўлиб ўтган энг арзимас икир-чикирларни ҳам бўрттириб кўрсатишга мажбур эдим, саргузаштларга унчалик мойиллигинг йўқ эди: мендан бошқа бирор йигитнинг исмини ҳам тилингга олишингни тасаввур ҳам қилолмасдим: лекин оқшомларнинг бирида...

Бу воқеа ҳозир мен сенга мактуб ёзаётган мана шу хонада содир бўлди. Девордаги гулқоғозлар алмаштирилган, лекин қизил дараҳт ёғочидан ишланган жиҳозлар ҳамон ўз жойида турибди. Ўшанда стол устида сутрангли шиша стакан ва аллақайси лотореядан ютилган чой идишлари турган эди. Тўлин ой нурлари дераза пардасини ёритар, кум тепаларини кесиб эсаётган жануб шамоли алланималарнинг куйган ҳидини анқитарди.

Дўстинг Родольф ҳақида менга кўп марта гапириб бергансан. Гўёки унинг шарпаси висол онларимизда ўртамизыва туриши керак эди. Бундай ҳолат кўпинча оқшомлари содир бўларди. Ўша оқшом унинг исмини яна тилга олдинг, эсингдан чиқмагандир? Лекин шунинг ўзи билангина кифояланиб қолмадинг.

“Никоҳимиздан аввал сенга айтишим керак бўлган гаплар бор, азизим. Сенга уларни айтмаганимдан афсусдаман... О! Тинчлан, азизим, арзигулик ҳеч гап йўқ...”

Мен хотиржам эдим ва кўнглингдаги гапларингни тўкиб солишга сени мажбур қилмадим. Лекин сирларингни ўзинг бирма-бир ошкор этдингки, аввалига ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Ўшанда сен виждан амрига бўйсунмадинг; менга бўлган иззату хурмат туйғуларига қулоқ солмадинг, тортиниб ва уялиб ҳам ўтирумадинг. Ҳолбуки, салобатинг босади, деб кўп марта айтган эдинг ва бунга ўзинг ҳам ишонардинг.

Йўқ, сен ширин хотираға берилиб, ўзингни тўхтатолмай қолдинг. Эҳтимол, ўшанда баҳтимизга таҳдид солаётган хавфни сезгандирсан, лекин, одамлар айтмоқчи, хотиранг сендан кучлироқ чиқди. Родольфнинг сояси ётогимиз атрофида айланниб юриши-юрмаслиги ҳам ихтиёрингга боғлик бўлмай қолганди.

Баҳтсизлигимизга рашк сабабчи экан, деб зинҳор ўйлай кўрма. Фақат вақт ўтибгина ўта кучли рашкчига айландим. Бироқ ўша 85-йилнинг ёз оқшомида номаълум йигит билан Эксда, таътил пайтида унаштириб қўйилганингни айтганингда рашкка мутлақо ўхшамайдиган ҳиссиётни бошдан ўтказган эдим.

Буни қара-я, қирқ йилдан кейингина бу гапларни айтишга имконият топибман! Бироқ ёзганларимни охиригача ўқирмикансан? Ахир, бу икир-чикирлар сени деярли қизиқтирумайди. Менга алоқадор ҳамма нарсадан юрагинг ўртаниб келган. Бир вақтлар фарзандларимизни деб менинг бор-йўқлигим билан қизикмас эдинг, энди бўлса набираларинг билан оворасан... Начора! Ана шу сўнгти воситани қўлляяпман. Балки ўлганимдан кейин ушбу мактубни ўқиб, бир-икки ҳафта безовта бўларсан! Ҳеч бўлмаганда қизиққанингдан хатни охиригача ўқирсан, деб ишонгим келяпти. Ишонаман ҳам.

## Иккинчи боб

Йўқ, ўша сухбат пайтида сени унчалик рашик қилганим йўқ. Айтган гапларинг мендаги қайси туйғуни поймол килганини сенга қандай тушунтирсам экан? Мен ўша, ўзинг билган бева хотиннинг яккаю ёлғиз фарзанди эдим. Узоқ йиллар давомида сен у билан ёнма-ён яшаб келдинг, лекин унинг қандай одам эканлигини билишга интилмадинг. Сен қудратли, аҳил, серуруғ ва оқсуяқ буржуа хонадонининг фарзанди эдинг, турган гапки, бор-йўғи икки вужуддан, она ва боладан иборат оиласнинг нима эканлигини барибир тушунмаган бўлардинг.

Ха, сен Префектура бошқармасидаги камтарин хизматчининг беваси бўлган муштипар онанинг ўз ўғлига қанчалик ғамхўр бўлишини англаб етмасдинг. Менинг мактабдаги муваффақиятларим онамга олам-олам ғурур бағишлар, ягона қувончим ҳам ана шу эди. Биз камбағал эдик, лекин бундан ор қилмасдим. Камтарона кун кечирардик, онам ниҳоятда тежамкор эдилар. Тўғри, ҳеч нарсадан кам эмасдим. Ўшанда қанчалар эрка ўғил бўлганимни энди тасаввур қиляпман. Онамнинг Остендаги фермалари дастурхонимизни яхшигина таъминлаб турарди ва бирор агар дастурхонингиз тўкин-сочин дегудек бўлса, жуда ҳайрон бўлардим. Буғдой аталаси билан семиртирилган товуклар, қуёнлар, қирговуллардан димламалар мен учун дабдабали хаёт даракчиси эмасдилар. Фермадаги ерларнинг баҳосини арзимас деб эшитган эдим. Чиндан ҳам, бобом болалигида пода боққан ерлар онамга мерос қолган чоғда қурғоқ далалардан иборат эди. Лекин ота онамнинг ўша ерларга қарағай уруғини қадаганларини ва орадан 21 йил ўтиб мен 2 минг гектардан иборат, аллақачон шахта курилишини устунлар билан таъминлаётган етуқ ўрмоннинг соҳибига айланажагимни билмас эдим. Онам ўзининг озгина йиллик даромадидан ҳам тежарди. Отам ҳаётлигига, улар чўнтакларининг шип-шийдам бўлишига қарамай, Калезни сотиб олишганди. (Баҳоси қирқ минг бўлган бу узумзорни ҳозир

бир миллионга ҳам сотмайман!) Биз авлиё Катерина күчасидаги хусусий мулкимиз бўлган уйнинг учинчи қаватида яшар эдик (Бўш ётган ерлар ва уй отамга берилган мерос эди). Бизга ҳафтада икки марта қишлоқдан озиқ-овқатга тўла сават юборишарди: онам “қассобникига” иложи борича камроқ борарди. Мен эса педагогика олий ўкув юртига кириб олиш фикру-зикрида эдим. Пайшанба ва якшанба кунлари “тоза ҳаво олиб келгин”, деб мени мажбуран ташқарига чиқариб юборишарди. Мен ҳар доим яхши ўқийдиган ва ўзини бу натижага осонлик билан эришгандек қилиб кўрсатадиган мақтанчоқларга асло ўхшамасдим. Мен қобилиятим билан фахрланардим: ҳа, шунака, ёдлашни қотириб қўярдим. Лицейдалигимда Вергилий ёки Расинни қайта-қайта ўқиб, жиндай бўлса ҳам қониққанимни эслай олмайман. Мен учун улар дарсдан ўзга нарса эмасди. Инсон заковати билан дунёга келган бу асарларнинг ичидан дарсга тааллуқлиларини ажратардим, шуларгина мен учун аҳамиятли эди: мен фақат имтиҳон оладиганларга манзур бўладиган фикрларни қоғозга туширадим. Қанчалар овсар эканман, ўшанда!

Педагогика институтига кириш имтиҳонларига икки ой қолганида онамни даҳшатга солиб, қон тупура бошладим. Агар шу воқеа рўй бермаганида ва онамнинг даъвати билан институтга киришдан воз кечмаганимда, овсарлигимча қолаверган бўлардим.

Бир ерда тинимсиз мутолаа қилиш, бадантарбия машкларини бажармаслик мендек ўсмирга салбий таъсирини ўтказа бошлаганди.

Ёзганларимни ўқишдан зерикмадингми? Сени зериктириб қўйишдан жуда кўрқаман. Лекин бирор сатрини ҳам қолдирмай ўқи, чунки ўта муҳим мавзулар ҳақида сўз юритяпман. Сен эътибор бермаган ёки унубиб юборган ва мен ҳикоя қилаётган ана шу икир-чикир воқеалар замирида, иккимизнинг ризқимиз бўлган ошга оғу туша бошлаган эди. Қолаверса, кўриб турганингдек, илк сатрларданоқ ўзимни ҳам аямаяпман. Бу ҳол сенга ёқишига ишончим комил. Йўқ, йўқ, эътиroz

билдирма; мен ҳақимда үйлашинг билан кайфиятинг осмонида кора буултлар пайдо бўлиши аник.

Бинобарин, ўзимга – луғатлар устида мук тушиб ўтирган ана шу нимжон, чорасиз болага нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишдан ҳам қўркаман. Ўзгаларнинг завқ билан ёзилган болалик хотираларини ўқир эканман, беихтиёр алам билан: “Нега хаёлимда болалигимдан бирон-бир ширин хотира йўқ, ахир ўзгаларда гидек шод-хуррам кунлар менда ҳам бўлгандир, балки уларни унутиб юборгандирман?” – деб ўйлаб қоламан. Аммо хотирамда жон-жаҳд билан ёд олишлару ҳаммадан ўзиб кетишга интилишлар, Генок ёки Родригга ўхшаган мактабдошларим билан бўлган шафқатсиз рақобатгина сақланиб қолган, холос. Тенгдошларимнинг мен билан дўстлашишга бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларини ички бир адоват билан сезмаганликка олардим. Ўқищдаги муваффақиятларим ва ҳаттоқи мағрурлигим баъзи бирорларни ўзига жалб қиласарди. Бироқ мен ўзимни ёқтирадиганлардан нафратланардим ва “кўнгилчанлик”ни асло тан олмасдим.

Агар касбим ёзувчи бўлганида ҳам ўқувчилик давримдаги ҳаётим ҳақида кўнгилни ҳаяжонга соладиган бирон-бир воқеани ҳам ёза олмаган бўлардим. Шошма... айтмоқчи, унутилаёзган бир нарсада кўнгилчанликдан нишона бордек эди. Отам хотирамда элас-элас сақланиб қолганди. Баъзан ўзимни отам ўлмаган, но маълум сабаблар туфайли қаёққадир жўнаб кетган, деб ишонтиардим. Авлиё Катерина кўчаси бўйлаб лицейдан қайтарканман, кўчада пиёдалар кўп бўлганидан секин юришга сабрим чидамай, йўлнинг ўртасидан, от-аравалар оралаб уй сари шошилардим. Зиналардан ҳатлаб-ҳатлаб юқорига чиққанимда, онам дераза олдида кийим ямаб ўтирган бўларди. Отамнинг сурати эса ҳар доимги жойида, каравотнинг ўнг томонида осифлик туарди. Онамнинг ўпичига жавоб берар-бермас китобларимни оча бошлардим.

Тақдиримни ўзгартириб юборган ўша қон тупуришдан кейин Аркашондаги боғ уйимизда зерикарли ойларни ўтказдим; ўкиш ҳақидаги ташвишлардан

бутунлай халос бўлганим туфайли соғлиғим тикла-на бошлади. Бечора онамдан жаҳлим чиқарди, назаримда ушалмаган орзуларим уни қизиктирмасди, келажагим тўғрисида қайғурмасди ҳам. Онам ҳар куни “иссиқни ўлчаш” вактини безовталик билан кутарди. Унинг хурсанд ёки хафа бўлиши эса, менинг ҳафтада ўлчанадиган оғирлигимга боғлик эди. Орадан йиллар ўтиб, касали ҳеч кимни қизиктирмайдиган бемор сифатида азоб чекар эканман, болалигимда шафқат нима эканлигини билмаганим, дийдам қаттиқлиги, бор-йўқ меҳрини менга бағишлаган онамга бағритошлиқ қилганим учун тақдир мени жазолаётган бўлса керак, деб ўйлаб қоламан.

Баҳор келиб, кунлар исиб кетиши билан онам айтганидек “яна ютиб чиқдим”. Қайта тирилдим, тўлишдим, кучга кирдим. Аввалги ҳаётимдан ниҳоятда озор топган жуссам, Аркашон ҳали қишлоқлик пайтида, уни ўраб турган, ёғин-сочин кам ёғадиган арчагул ва қарағайлардан иборат ўрмонзор муҳитида ўзини тутиб олди ва тез ўса бошлади. Ушанда мен онамдан келажагим масаласида хотиржам бўлишим мумкинлигини, бизнинг йилдан-йилга тобора ортиб бораётган каттагина мулкимиз борлигини билиб олгандим. Мен хотиржам эдим; бунинг устига ҳарбий хизмат ҳам мени четлаб ўтажаги аниқ эди, ўқитувчиларимни ҳам ҳайратга соларли даражада сўзамол эдим. Онам ҳукуқ билан шуғулланишимни истарди, агар ўзимни сира толиқтирмай, сиёsatга берилиб кетмасам, албатта, осонлик билан машҳур адвокат бўла олишимга шубҳа қилмасди... Онам гапдан тўхтамас, тузиб қўйган режалари ҳакида берилиб сўзлар, мен бўлсан норози қиёфада қовоғимни уйганимча, дераза ойнасидан кўзимни олмай, унга қулоқ солардим.

Мен қизларга илакиша бошладим. Онам бу ишимга ҳадиксирабгина рози бўлганди. Кейинчалик диний ақидалар нұқтаи назаридан бундай шўхликларнинг қанчалар гуноҳлигини сизларнинг уйингизда яшаб юрганимда билдим. Онам учун эса соғлиғимга зарар етмаса бўлгани эди. Саргузаштларимнинг беозорли-

тига ишонч ҳосил килгач, у кечкурунлари уйни тарк этишларимга қаршилик қилмай қўйди, фақат тун ярмигача албатта қайтиб келишимни тайнинларди. Қўрқма, ўша даврларда бошимдан ўтказган ишқий саргузаштларимни сенга сўзлаб бермоқчи эмасман. Сенга бундай нарсалар сира ёқмаслигини яхши биламан. Қолаверса, арзигулик гап ҳам бўлган эмас. Лекин бундай юришлар анчагина қимматга тушиб, менга яхшигина азият етказгани ҳам рост! Мен ёш бўла туриб ёқимтой эмаслигимдан хафа бўлардим. Назаримда жуда ҳам бадбашара эмасдим. Одамлар айтмокчи, истараси иссиқман: Женевьеве менга жуда ўхшаб кетади, у ёшлигиде ниҳоятда чиройли эди. Бироқ мен эрта қарийдиган одамлар тоифасидан эдим: тажант, ранги сўниқ ўспиринга ким ҳам қарапди? Турқи-тароватимнинг ўзиёқ одамларни мендан совутиб қўярди. Буни англаганим сайин асабийлаша бошлардим. Кийинишга, бўйинбоғ танлаш ва уни боғлашга укувим йўқ эди. Ташвишларни бир чеккага йиғишириб қўйиб, чинакамига хурсанд бўлиш, губорсиз кула олиш ҳеч қачон қўлимдан келмаган. Бирон-бир қувноқ даврага қўшилишим мумкинлигини эса тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Негаки, мен ҳамма нарсага заҳар соладиганлар тоифасига кирадим. Бунинг устига ўта таъсирчан эдим ва арзимаган енгил ҳазилни ҳам ҳазм қилиб кетолмасдим. Ўзим эса, аксинча, билмаган ва истамаган ҳолда, юракка ботадиган оғир ҳазиллар қиласдим. Бундай ҳазилларни одамлар ҳеч қачон осонгина унутиб юбормайдилар. Одамлардаги жисмоний етишмовчилик ёки камчиликни қўриб индамай туролмасдим ва уларни очиқчасига мазах қиласдим. Мағрурлигим туфайли аёллардан устунлик қилишга, улар билан насиҳатомуз оҳангда сўзлашишга ҳаракат қиласдим. Аёллар эса бундай муомаладан нафратланадилар. Уларнинг кийинишиларига ялтоқларча баҳо бериш қўлимдан келмасди. Муомалам ёқмаётганини қанчалик ҳис қилганим сайин, қалбимдаги алам-нафратни шунчалик кўз-кўз қиласдерардим. Шу тариқа ўзимни ҳаёт қувончларидан маҳрум қилиб борардим. Барибир ҳеч ким мени ёқтиримайди, деган қатъий қарорга келгандим.

Хақмидим ёки ноҳақмидим, билмайман. Шу аҳволга тушиб қолишимга онам ҳам сабабчи бўлган, деб ўйлардим. У мени болалигимда ҳаддан зиёд эркалатгани, асраб-авайлагани, нозик-ниҳол қилиб ўстиргани туфайли баҳтсиз бўлиб қолганман, деган фикрда эдим. Уни менга ортиқ меҳр-муҳаббат қўйғанликда айблаб, қўпол муомалада бўлардим, ундан бошқа ҳеч кимдан меҳр-муҳаббат кўрмасдим.

Яна шу мавзуга қайтганим учун мени афв эт. Бироқ онамни эсласам, менга буткул бефарқ эканлигингни, ёлғизлигимни тан олишга, чидашга куч топгандек бўламан. Сиймоси қалбимда мангуга муҳрланиб қолган волидаи муҳтарамам, унга етказган азобларим учун ҳаёт мендан қасос олаётганини кўрса, қаттиқ изтиробга тушган бўларди.

Ҳа, мен бағритош эдим: осма чироқ билан ёритилган уйнинг кичкина меҳмонхонасида онамнинг тортиниб бераётган саволларига, “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб берар, ёки ҳеч қандай баҳонасиз ва тушунтиришларсиз қўполлик билан ўша жойни тарк этардим.

Онам нима сабабдан тутақаётганимни билолмас, лекин барча инжиқликларимга сабр-тоқат қиласарди. “Бу хасталикдан, асабларингни ёзиб олишинг керак, – дер эди у юмшоқлик билан. – Мен саводсиз бир аёлман, сени тушунишим мушкул, албатта. Сендеқ йигит учун мендек қариб-қартайган аёлнинг яхши ҳамсуҳбат бўлолмаслигини тушунаман...” Бир вақтлар ўта тежамкор, деярли хасис онам, сўраганимдан ортиқ пул берадиган, ортиқча харажатларга ундейдиган бўлиб қолганди. У менга Бордодан тақмасам ҳам ғаройиб бўйинбоғлар олиб келарди.

Мен биз борди-келди қиласиган қўшниларимизнинг қизига хушомад қила бошладим. Қиз менга ёқмасди. У Аркашонга қищда даволаниш учун келарди. Онам мени касал юқтириб олади ва гуноҳ иш қилиб қўйиб, беихтиёр ўзини боғлаб қўяди, деб жуда қўрқарди. Ўшанда мана шундай беъмани ўй билан кунларимни беҳуда елга совурганимдан пушаймонман.

Бир йилдан кейин биз Бордога қайтдик. Турад жойи-

миз ўзгарганди. Онам аслзодалар яшайдиган даҳадан уй сотиб олган ва буни атайлаб мендан сир тутганди. Уй хизматчиси эшикни очганида ҳайратдан қотиб қолдим. Биринчи қават менга мўлжалланган эди. Ҳамма нарса яп-янгидек эди. Бу дабдаба менга ёқиб тушган бўлса-да, ортиқча сарф-харажатлардан норозилигими ни айтдим.


Шунда онам расмий равишда ҳисоб-китоб қофзларини менга узатди, айтмоқчи ҳеч ким уни бунга мажбур қилолмасди, негаки мулкнинг асосий қисми унинг сепи ҳисобланарди. Ўрмондан тушаётган маблағни ҳисобга олмаганда, эллик минг франк даромад ўша пайтда, айниқса қишлоқ жойда, “яхшигина” давлат ҳисобланарди ва ўрнимда бошқа одам бўлганида келажагини ўйлаб шаҳарнинг оқсуяклари даражасига кўтарилиш учун ундан фойдаланган бўларди. Мен яхшигина шухратпараст эдим. Ҳукуқ факультетидаги ўртоқларимга адоват қўзи билан қарапдим ва буни яшира олмасдим.

Улар оқсуяқ оиласларнинг фарзандлари бўлиб, таълим-тарбияни иезуит руҳонийларидан олган эдилар. Мен эса оддий лицейда таҳсил кўрган оддий чўпоннинг невараси эдим. Ақл бобида ўзимни улардан устун ҳисобласам-да, ўзларини тута билишларига жуда-жуда ҳасад қилардим. Бирордан нафратлансанг ва айни пайтда унга ҳасад қилсанг, ҳаётингга заҳар солганинг ана шу бўлади. Ҳа, уларга ҳасад қилардим ва улардан нафратланардим: уларнинг кеккайишлари эса (балки менга шундай туолгандир) ғазабимни янада оширади. Шунчалар бадфеъл эдимки, уларга яқинроқ бўлиш, улар билан дўст тутиниш ҳакида ўйлаб ҳам кўрмаганман. Аксинча, аста-секин уларнинг рақиблари томонига ўтиб қолган эдим. Иккимизнинг ўзаро душман бўлиб қолишимизга сабабчи бўлган мендаги динга бўлган нафрат 1879 – 1880 йилларда, еттинчи моддага овоз бериш пайтида, машхур қонунлар ва иезуитлар қувғин қилинган йиллари, ҳукуқ факультетида ўқиб юрганимда бошланган эди. Динга бундай муносабатда бўлишимдан сен узоқ йиллар мобайнида азоб чекиб келдинг.

Үша пайтгача мен дин масаласига бефарқ қараб келгандим. Онам бу ҳақда гап очса: “Менинг күнглим хотиржам. Жаннатга биздек бандалар тушмаса, ким тушади”, – дея чекланиб құя қоларди. У мени чүқинтирган эди. Лицейда биринчи бор диний маросимда иштирок этишим менга үта зерикарли расмиятчилик бўлиб туюлганди ва бу ҳақда менда хирагина хотира сақланиб қолган. Иккинчи марта бундай маросимда қатнашмаганман. Дин масалаларида ғирт оми эдим. Болалигимда күчадаги рухонийларни кийимини ўзгартириб олган афсонавий мавжудотларга, никоб кийиб олган масхарабозларга қиёс қиласардим. Диний масалалар устида сира бош қотирмаганман. Уларга мурожаат қилишга тұғри келиб қолганда ҳам, фақат сиёсий нұқтаи назардан ёндошганмаң холос.

Мен Вольтер қаҳвахонасида талабалар тұғарагини ташкил қилдим ва у ерда нутқ сұзлашни машқ қила бошладым. Юзма-юз суҳбатларда тортынчоқ эдим, лекин күпчилик олдида нутқ сұзласам, бошқача бўлиб кетардим. Менинг үз тарафдорларим бўлиб, уларга бошлиқ саналишим менга ёқарди. Бирок, улардан ҳам нафратланардим. Ҳаёт ҳақида, келажакдаги орзулари ҳақида мискин фикрларини содда тилда баён қилганларида, улар билан ҳамфикр эканимни ич-ичимдан тан олишга мажбур бўлардим ва бундан бешбаттар ғазабим ошарди. Улар деганим майда амалдорларнинг, бир вақтлар бадавлат бўлган, эндиликда камбағаллашиб қолган оиласаларнинг фарзандлари бўлиб, ақли, шұхратпраст, айни пайтда бирорни күролмаслик, ҳамма нарсага нафрат күзи билан қарап касалига мубтало эдилар. Хушомад қилишларига қарамай мени ёқтиришмасди. Баъзи-баъзида берадиган зиёфатларимни улар катта тантанадек қабул қилишар ва узоқ вақтгача бу ҳақда гапириб юришарди. Лекин муҳлисларимнинг қиликлари күнглимга ура бошлади. Мен ўзимни уларнинг қалбини жароҳаттайдиган ва бир умрга эсларидан чиқармайдиган кесатик сұзлардан тия олмайдиган бўлиб қолгандим.

Шуни ҳам айтиш керак! Дауд шариф мөн чинакамига



нафратланардим. Ижтимоий адолат ўрнатишга бўлган интилиш ҳам менга бир қадар тинчлик бермаётган эди. Онамни қора нон ва гўжа тановвул қилиб, тирикчилик қиладиган корандаларимиз яшайдиган сомон сувоқли уйларни бузиб ташлашга мажбур қилдим. Умримда биринчи марта онам менга қарши чиқишига уриниб кўрди: “Бир кун келиб сендан миннатдор бўладилар, деб ўйлайсанми?...”

Лекин қилган ишим шу бўлди, холос. Ерга, бойлика нисбатан бўлган хирс рақибларимнинг ва менинг умумий хислатимиз эди. Буни тан олмай иложим йўқ. Жамиятимиз мулқдорлардан ва қашшоқлардан иборат. Ҳар доим мулқдорлар тарафида бўлажагим аниқ эди. Назаримда, мени менсимаётган, лекин қўл чўзсам ҳеч қачон қайтармайдиган диндор ёшларнинг ҳеч бириникидан давлатим кам эмасди. Айтмоқчи, жамоат йигинларида ўнглар орасида ҳам, сўллар орасида ҳам менинг 2000 гектар ўрмон ва узумзорларимни юзимга соладиганлар топиларди.

Эзмалигим учун мени афв эт. Менингдек кўнгли яrim йигитнинг сен билан учрашуви, қолаверса, муҳаббатимизни ана шу икир-чикирларсиз тушунмаган бўлардинг. Онасининг этагини тутиб юрган дехқон ўғлининг Фондодеж хонимга уйланишини ақлга сифдириб бўладими?!

## Учинчи боб

Коронғи тушди, энди ёзолмайман. Бунинг устига пастдан ғўнғир-ғўнғир товушлар эшитиляпти. Сизларнинг паст овозда сўзлашишларингга қулоқ тутиш ёзишдан завқлироқ бўлиб келган. Бир вактлар ана шу хонадан туриб сұхбатларингиздан бемалол баҳраманд бўлардим. Лекин энди эҳтиёткор бўлиб қолгансизлар, фақат шивирлаб гапирасизлар. Яқинда менга: “Қулоғинг оғирлашиб қолибди...” – деган эдинг. Йўқ, йўқ, мен кар эмасман: поезднинг узокдан келаётган овозини аниқ эшитаман. Сизлар атайлаб шивирлаб

гаплашяпсизлар. Қизик, мендан нималарни яшиар экансизлар? Ишлар чатоқмикан? Ана ҳаммаси тилини осилтириб атрофингда ўтирибди: винофуруш катта күёв, танбал кичик күёв, банкнинг саррофлик бўлими хизматчиси, ўғлимиз Губерт... Айтмоқчи, йигирма фоиз фойда тўловчи бу боланинг ихтиёрида бир дунё пул бор.

Менга осилманглар: қўлимдан ҳеч нарсани чиқармайман; бу оқшом менга Губертнинг икки қизи жиҳозлари йўқлиги учун тўйларидан буён қайната-қайнана-наларининг уйида яшаётганини, чордокда қалашиб ётган жиҳозларни уларга бериб турсак бирор еримиз камайиб қолмаслигини уқдирмокчи бўласан. Ҳатто нималардир деб шивирлаётганингни ҳам сезаяпман: “Қизлар биздан хафа, улар энди бу ерга қадам босмайдилар, набираларимдан ажралиб қолдим!” – дея ўксиняпсан.

Кеча оқшом алаҳсираб ёзганларимни қайта ўқияпман. Нега қаҳр-ғазабга бу қадар берилиб кетибман? Ёзаётганим хат эмас, кўпроқ кундаликни эслатади... Ё ҳаммасини ўчириб, қайтадан ёзсаммикан?! Иложи йўқ: вақт мени шоширяпти. Ёзилган нарса шундайлигича қолсин. Майли, бутун бутун сир-асоримдан огоҳ бўл. Қолаверса, асосий мақсадим – қалбимнинг энг теран ерларига сени назар ташлашга мажбур қилиш. Ўттиз йилдирки, назарингда мен минг франклик қофоз пулларни ясовчи машинаман, лекин бу машина баъзида ёмон ишлайди, шунда уни яхшилаб силкитмоқ керак. Негаки, ҳозирча унинг ичидаги яшириб қўйилган пулларни ҳовучлаб-ҳовучлаб олишнинг иложи йўқ.

Яна қаҳр-ғазабга берилиб кетяпман. Бу нафрат қаердан пайдо бўлганди?! Ўша машъум кечани, биринчи учрашувимизни эсингга солмоқчиман.

83-йилнинг августида онам икковимиз Люшонда эдик. “Сакарон” меҳмонхонаси юмшоқ жиҳозлар, ёстиклар, ичига сомон тиқилган ўриндикларга тўла эди. Орадан шунча йил ўтган бўлса ҳам, Этиньи хиёбонидаги аргувон гулларининг ҳиди димогимда қолган. Эрталаблари йўлдан ўтиб бораётган эшакларнинг

майда қадам товуши, кўнгирокчаларнинг ва қамчи-ларнинг овозлари мени уйқудан уйғотарди. Тоғ суви кўчаларда жилға бўлиб оқарди. Чакана савдо қилув-чилар сутга қорилиб ёпилган нон ва тешиккулчалар сотишарди. Йўл бошловчилар ва сайёҳларнинг отда тўп-тўп бўлиб тоғ сайрига жўнашларини кузатардим.

Фондодежлар оиласи иккинчи қаватни – қирол Ле-опольднинг хоналарини банд қилишганди. “Улар пулни кўкка совуришяпти!” – дерди онам. Айни пайтда Фондодежлар бадалларидағи қарзларни тўлашга асло шошилмасдилар (улар ўз молларини сақлаш учун, дengiz соҳилида бизга қарапшли бўлган катта омборларни ижарага олган эдилар).

Биз меҳмонлар учун қўйилган стол атрофида овқатланардик. Лекин сизлар – Фондодежлар учун овқат алоҳида тортилар эди. Дераза ёнидаги думалоқ столни, бошига каҳрабо қадалган қора тўр рўмол ўраган, тўладан келган бувингни яхши эслайман. Оғзининг бичими катта бўлгани учун менга кулимсираб қараётгандек кўринарди. Юзлари шишинқираган, ранги заҳил ва крахмалланган либосларга ўралиб олган роҳиба унга хизмат қиласарди. Онанг... қанчалар гўзал эди у! Нобуд бўлган икки фарзандининг азаси ҳамон давом этаётгани сабабли қора кийиб юрарди. Аввалига сендан эмас, ундан кўпроқ завқ олиб юрдим. Унинг оппоқ бўйни, билаклари ва қўллари мени ҳаяжонга соларди. Онанг ҳеч қандай тақинчоқ тақмасди. Мен стендалча саргузаштларни хаёл қиласарди ва окшомга қадар қандай қилиб унга бирон-бир сўз айтиш ёки хат қистириш ҳақида бош қотирап эдим. Сени эса деярли пайқамасдим. Негаки, ёш қизлар мени қизиқтирмайди, деб ўйлардим. Бунинг устига сен ҳеч кимни назар-писанд қилмасдинг ва ҳаммадан нафратланардинг.

Бир куни қиморхонадан қайтаётib, Фондодеж хоним билан онамнинг сухбати устидан чиқиб қолдим. У яхши тарбия кўрган оқсусяк оиласининг вакилига хос илтифотли, камсуқум товушда гапирав, онам эса бир парда баланд сўзламоқда эди. Унинг назарида Фондодежлар қарзини вақтида тўламаётган қарздорлар

эдилар. Дехқон фарзанди, ер соҳибаси бўлган онам савдо-сотик ишларига ва мудом хавф остида бўлган савдогарларнинг мол-мулклариға ишонмас эди. Онам: “Албатта, мен жаноб Фондодежнинг имзоларига ишонаман, бироқ...” – дейиши билан унинг сўзларини бўлдим.

Биринчи марта иш юзасидан бораётган гапга арала-шайтган эдим. Фондодеж хоним сўраётган тўлов муддатини белгиладим. Ана шу воқеадан кейин дехконларга хос бўлган ички бир ҳиссиёт онамни алдамаганлиги ҳақида кўп бора ўйлаганман. Ўшанда оиласнг менга анчагина қимматга тушганди. Мени ямлаб ютиб юборишларига йўл қўйганимда, ўғлинг, қизинг, набира куёвинг бойлигимни аллақачон чангга қориб ташлаб, тижорат ишларига сарфлаб юборишган бўлишарди. Тижорат эмиш! Биринчи қаватда жойлашган идора, телефон, ёзув машинкаси... Ана шу камтарона жиҳозлар муҳитида юз минглаб пул учуб кетди. Дарвоқе, чалғиб кетибман... Биз – 1883 йилда, Банъер-де-Люшондамиз.

Бу бадавлат оила энди менга кулиб қарайдиган бўлиб қолганди. Бувинг кар бўлганлиги сабабли гапиришдан тўхтамасди. Овқатдан кейин онанг билан бир-икки оғиз сўзлашишнинг иложи топилди. Бироқ сухбатдан тез зерикиб, у тўғрисида ўйлаб юрган орзуларим пучга чиқди. Унинг гапларида маъно йўқ эди. Бундан аччиғинг чиқмасин. У тўрт девор ичида кунини ўтказганлигидан сўз бойлиги шу қадар қашшоқ эдики, уч дақиқа ўтар-ўтмас сухбатни тўхтатишига мажбур бўлдим.

Онангдан кўнглим совигач, эътиборимни сенга қаратдим. Нима учун ҳеч ким сухбат қуришларимизга монелик қилмаётгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмабман. Фондодежларнинг назарида бадавлат қайлиққа айлангандим. Нилуфарлар водийсига қилган сайrimиз эсимда. Бувинг роҳиба билан тўрт ғилдиракли араванинг орқа томонида, биз иккимиз эса, олд томонда ўтирас эдик. Люшонда ёлланма аравалар кўп, аммо Фондодежлар у ерга ўз араваларини чакиртирган эдилар. Атрофда ғуж-ғуж пашша ўйнар, отлар йўргаламай

қадам ташлаб боришарди. Бувинг Этины хиёбонидан сотиб олган, қора буқага ханжар санчаётган матодорнинг расми туширилган елпигич билан ўзини елпирди. Иссиқ бўлишига қарамай узун оқ қўлкопда эдинг. Эгнингдаги уст-бошинг, пошнаси баланд оёқ кийиминггача оппоқ эди. “Акаларимнинг ўлимидан кейин оқ кийиб юришга қасам ичганман!” – деган эдинг менга. Бу нимани англатишини билмас эдим. Оиланг аъзолари қачонлардан бери шунақанги ғалатироқ қасам ичишларга мойил эканликларини кейинроқ билиб олгандим. Ўшанда бу нарсаларнинг ҳаммаси менга сирли туюларди. Менда ўзига хос таассурот қолдирганингни қандай тушунтирсам экан сенга? Кутилмаганда мендан нафратланмаслигингни, ҳаттоки, мени бироз ёқтиришингни сезиб қолгандим. “Ўғил боланинг ҳам киприклари шунақа узун бўладими?” – дегандинг менга ўшанда. Ўша оқшом ҳаётимдаги энг муҳим саналярдан бири бўлиб қолди.

Ҳаётга замонавий қарашимни сендан сир тутардим. Ана шу сайр пайтида араванинг юкини енгиллатиш мақсадида иккимиз ерга тушдик, бувинг ва роҳиба ибодатга тутинишди. Йиллар мобайнида ушбу маросимга кўнишиб кетган аравакаш ибодат давомида “омин” деб турди. Сен эса менга қараб кулимсирадинг. Сукутда эдим. Якшанба кунлари сизларни кундузги ибодатга кузатиб қўйиш менга малол келмасди. Бу маросимга нисбатан кўнглимда ҳеч қандай куфронга фикр йўқ эди, ўзимни сизларнинг тоифангизга мансуб хисоблар ва бундан фахрланардим. Шу билан бирга диний ақидаларга бўлган қатъий муносабатингизни табиий ҳол деб тушунардим.

Ибодатлар чоғида менга яширинча кўз ташлаб кўярдинг. Менинг ҳам кимгадир ёқишим, кимдир томонидан севилишим мумкинлиги вужудимни жунбишга келтирмоқда эди. Нафақат севиб қолганимга, балки севилиб қолганимга ҳам ишончим комил эди. Мен учун муҳими шу эди. Ўзимга сенинг кўзинг билан назар солиб, қалбингда ойнадек акс этаётган сийратим унчалар ёқимсиз эмаслигига ишонаётгандим. Кўнглимда

ёқимли бир ҳаловат пайдо бўлган, ўзимни кун сайин баҳтлироқ ҳис қилиб бораётгандек эдим. Қараашларинг қалбимдаги музларни эритиб юборган, ҳиссиётларим булоқдек жўш урмокда эди. Муҳаббатнинг энг оддий белгилари: астагина қўл сиқиб қўйиш, китоб сахифалари орасига яшириб қўйилган гул япроқлари – буларнинг ҳаммаси мен учун янги, ҳаммаси мени қувонти-рарди.

Лекин онам қувончимга шерик эмас эди. У менинг эндиғина шаклланаётган ва мен амалга ошмайди, деб ўйлаётган орзуимга қарши эди. Унинг завқ-шавқимга шерик бўлмаётгани мени гўр азобига соларди. “Бу одамларнинг сени тузоққа илинти́рмокчи бўлаётгандарини наҳотки кўрмаётган бўлсанг?” – дея ташвишланар, бироқ бу билан муҳаббатимни, қувончларимни оёқ ости қилаётганини хаёлига келти́рмасди. У қанчалар норози бўлмасин, мени севиб қолган, менга турмушга чиқмоқчи бўлган ягона қиз борлигига қаттиқ ишонардим. Чунки шунчалар таникли, шунчалар кудратли эдингизки, икки ёшнинг муҳаббатидан бирон-бир фойда чиқиб қолишидан умидвор бўлиш сизларга ярашмасди.

Онам йирик банклардаги танишларидан керакли маълумотларни йиға бошлади. Улар Фондодежлар хонадонининг сармояларидан фойдаланаётгандарини тан олган кунлари мен тантана килдим. Шунда ҳам онам ўз фикридан қайтмади. “Уларнинг даромадлари жуда зўр, лекин қадам олишлари катта, – деди у гап орасида киноя билан, – ҳамма нарса ошхона-ю, зарҳал кийимларга сарф бўлади. Улар топғандарини йиғиши ўрнига ўзларини кўз-кўз қилишни афзал қўрадилар”.

Банкларнинг маълумотлари мени янада хотиржам килди. Сизларнинг менга хайриҳоҳлигингиз маълум эди: оила аъзоларинг ёқтириб қолганидан менга кулиб қарашаётган экан. Ўшанда менга бирдан ҳаммага ёқа олишим табиийдек кўринди. Улар казино хиёбонларида сен билан мени ёлғиз қолдиришарди. Ҳаётининг муқаддимасида инсонга озгинагина баҳт насиб қилгудек бўлса, нима учун ғойибдан бир овоз уни бун-

## | Чөннүүр Қамшыа |

дан огоҳ қилмайди?! “Қанчалар узок яшамагин, ана шу бир неча соатлик шодликдан бўлак қувончни ҳеч қачон топмайсан. Ана шу соатларда охиригача хузур килиб ол. Биринчи булоқ, охиргиси ҳамдир. Ташналигингни бир умрга қондириб ол: ундан яна сув ичиш насиб этмайди”.

Мен бу ширин дакиқаларни умримнинг ilk лаззатли деб билганиман ва сукутга чўмган дарахтлар остида ўтказган оқшомларимизнинг қандай кечганига етарли эътибор бермаганман. Аммо сенга нотаниш бўлган сарҳадларни кўрганман. Эсингдами, ўша қоронғи оқшом ортида, буралиб-буралиб юқорига қараб кетган йўлакнинг четидаги курсида ўтирас эдик. Бирданига йиғлаб юбординг. Хўл бўлган ёноқларингнинг ҳиди ҳамон димогимда. Мен бу энтикиш ва хўрсимишларингни баҳтнинг қувончли кўз ёшлари деб англадим... Ёш бўлганлигим учун уларни ўзгача изоҳлашга қодир эмас эдим. Сенинг: “Ҳечқиси йўқ, сизнинг ёнингизда эканлигимдан шундай бўляпти...”—деганинг ҳам мени хотиржамлик боғига етаклаганди.

Сен алдамаётган эдинг, мунофик. Кўз ёшларингга ишондим, сен мен билан бирга эканингдан, айнан мен билан биргалигинг учун кўз ёш тўкаётгандинг. Унинг номини эса бир неча ойдан кейин, мен кундалик ёзиб ўтирган мана шу хонада айтгансан. Энди шу совук хонада ажалимни кутиб ётибман. Оила аъзоларим эса меросни бўлиб олиш учун ўлимимни кутишяпти.

Хозир Сюпербанъернинг айланма хиёбонларида юзимни хушбичим кўкрагингта босиб, севинчдан кўз ёш тўкаётган сен ҳурилиқонинг бўйинларингни хидлаганимни эслаяпман. Хўл кўкатлар ва ялпиз ҳиди анқиб турган Пиренея тоғларидаги нам ва илиқ оқшом сенинг исингни олгандек эди. Пастдаги фавворалар майдонини мусиқа дўкони олдидаги дараҳтларни ранго-ранг чироклар ёритиб туар, меҳмон инглиз ўзини ёрукқа ураётган тунги капалакларни узун тўр ёрдамида тутиш билан овора эди. “Рўмолчангизни бериб туринг...”, – дединг менга. Кўз ёшларингни артдим-да, дастрўмолимни ич чўнтагимга солдим.

Бутунлай бошқа бир одамга айланиб қолганимнинг исботи учун шуларнинг ўзини айтиш кифоя. Ҳатто юзимда ўзгача тароват пайдо бўлганди, буни аёлларнинг қарашларидан англардим. Ўша оқшомдан кейин менда ҳеч бир шубҳа уйғонмади. Бундан ташқари, сенга шодлик баҳш этган, менга суюниб бирга сайр этган қанча оқшомлар бўлди. Мен тез юрардим, сен менга етиб юролмасдан чарчаб қолардинг.

Үйингдагилар сени менга атайлаб тиқишириша-ётганини хаёлимга ҳам келтирмаганман ва ана шу ишончга хиёнат қилишга бир марта бўлса ҳам уриниб кўрмаганман.

Хуллас, ўша куни, Нилуфарлар водийсидаги йўл устида аравадан тушганимизда бошқача одам эдим. Буни мен қирқ йилдан кейин тан олишга ботиняпман. Ёзганларимни ўқиб мени мазах қилмассан.

Ирмоқлар жилдираб оқарди, мен ялпиз баргларини эзғилаб борар, тоғ этакларига қоронғи туша бошлаган, лекин тепаликлар ҳали ёруғ эди... Ўзга бир олам бизга соя солаётгандек эди, мен буни ич-ичимдан ҳис қила-ётгандим.

Бу ҳолат бир лаҳзагина давом этди. Кейинроқ ҳам шунга ўхшаш ҳолат яна бир неча марта тақрорланди. Шу ҳиссиётлар сабаб бу лаҳзалар унуптилмас из қолдирди. Шунинг учун ҳам, дин мавзусидаги узоқдан-узоқ баҳсларимизда бу хотирани четлаб ўтишга мажбур бўлганман, буни тан олишим керак. Лекин бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

Кандай унаштирилганимизни эслаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Оқшомларнинг бирида биз келин ва куёвга айланиб қолдик ва бу нарса менинг ҳоҳишимсиз амалга ошди. Сенга ипсиз боғланиб қолгандим, паришон ҳолатда эдим. Буларни эслаш бефойда. Бироқ шундай даҳшатли бир нарса борки, у ҳақда тўхтаб ўтишга мажбурман.

Сен ўша заҳотиёқ талабларингдан бирини олдимга қўйгандинг. “Ахиллик ва ҳамжиҳатлик бўлиши учун” онам билан бир уйда яшашни истамасдинг. Ота-онанг ва ҳатто ўзинг ҳам унаштиришни ана шу шартсиз амалга оширмасликка қарор қилгандинглар.

# | Чониш қашидা |

Орадан шунча йиллар ўтган бўлса-да, меҳмонхонадаги ўша дим хонани, Этиныи хиёбонларига қараб очиладиган ўша деразани ҳамон эслайман! Ёпик дераза ортидан сап-сариқ чанг кўзга ташланар, қамчи товушлари, қўнғироқчаларнинг овози, аллақандай халқ қўшигининг янграши эштиларди. Бош оғриғига дучор бўлган онам камзул ва юбкада диван устида ётарди (у ҳеч қачон халат нима эканлигини билмаган). Бизга биринчи қаватдаги хоналарни бермоқчи ва ўзи тўртинчи қаватдаги биргина хонада яшашини айтаётганида, бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлдим:

“Қулок солинг, ойи. Изанинг фикрича...”. Гапираётиб мен унинг ажин босган юзига ўғринча назар ташладим, у қийшиқ бармоқлари билан камзулининг ёқасини эзғилаб ўтиради. Агар қаршилик кўрсатганида, мен ҳам нимага ёпишиб олишни билардим, лекин онамнинг босиқлиги ғазабимнинг қайнаб кетишига йўл қўймади.

Онам ҳайратда қолганини ва ҳатто буни кутмаганинги ошкор қолмасликка тиришди. Нихоят у, бизнинг алоҳида яшшимизни олдиндан билгандек, хотиржам оҳангда деди:

– Деярли бутун йил давомида мен Оринъида яшайман. Бу бизнинг энг файзли фермаларимиздан бири. Сизларга эса Калезни қолдираман. Оринъида ўзимга уйча қурдираман: уч хонали кифоя қилса керак. Қанчалик арzon тушмасин, бу харажат кўнгилсиз иш, чунки бир йилгача борманими-йўқми, худо билади. Бироқ кейинчалик сен бу уйдан ёввойи кабутар ови учун фойдаланаарсан. У ерда октябрь ойида яшашнинг гашти бошқача. Сен овни ёқтирмайсан, лекин болаларинг унга қизиқиб қолишлари мумкин.

Менинг оқибатсизлигим қанчалар аччик бўлса, онамнинг муҳаббати шунчалар чексиз эди. Ҳар қанча оёқ ости қилиб топтамай, бу муқаддас меҳр булоғи қуримас, балки ўзига йўл топиб, оқишида давом этарди. Лекин ўша куни кечқурун:

– Онангизга нима қилибди, тоблари йўқми? – деб сўраганинг эсимда.

Эртасига онам оёққа турди. Катта қизи ва күёви билан Бордодан отанг келиб қолди. Ҳамма нарсадан хабардор эдилар. Улар тортинмасдан менга бошдан-оёқ разм солиши. “Уни эл-юргатка күрсатиб бўларми-кан?”... Онасини-ку, гапирмаса ҳам бўлади...” – деганлари барага қулоғимга чалинди. Опанг Мария Луизадан таажжубланганимни сира унута олмайман. Сизлар уни Маринетта деб чақирадинглар. Озгин, бўйни узун, соchlари куюқ, кўзлари болаларникига ўхшаш бўлган бу қиз сендан бир ёш катта бўлишига қарамасдан ёш кўринарди. Отанг уни қари барон Филипога турмушга берган эди. Бу одам мени даҳшатга соларди. Лекин марҳум баронни энг толесиз одамларнинг бири сифатида эслайман. Дилбар рафиқасининг кўзига ёш кўриниш учун бу бечора қанчалар азоб чекди! Тор пиджаги, крахмалланган кенг, тик ёқа осилиб ётган лунжаларини ва кўкрагини сиқиб, бўғиб туарар, бўялган мўйлови ва чекка соchlари унинг юзини янада заҳилроқ кўрсатарди. У сухбатдошларининг сўзларини истар-истамас эшитар, доим кўзгу қидирарди, топганида эса унга ўзини солишдан чарчамасди. Бу бизнинг кулгимизни қистатарди. Бечоранинг тишлиари ясама бўлганлигидан кулолмас, гўёки лаблари бир умрга тикиб ташланган эди. У бошининг орқасидаги эчки соқолига ўхшаш бир тутам сочини тўзғитмаслик учун шляпасини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан киярди.

Унинг тенгдоши бўлган отанг эса соқоли оқариб, қориндор, тепакал бўлишига қарамасдан аёлларга ёқар, ҳар қандай иш юзасидан ширин муомалада бўла олар, ҳатто қўнгилларни овлашга уста эди. Аммо онамга унинг тиши ўтмади. Менинг бағритошлиқ қилганим уни янада эҳтиёткорроқ қилиб қўйганди чоғи. Никоҳ шартномасининг ҳар бир банди учун онам олди-сотди ёки ижара ҳақида шартнома тузатгандек роса тортишди. Ўзимни онам қўяётган талаблардан норозидек тутсам-да, манфаатларимнинг ишончли қўлларда эканлигидан пинхона қувонардим. Онам саёқ, пиёниста одамга қиз бераетгандек эр-хотиннинг мулки алоҳида-алоҳида бўлишини талаб қилди. Худо-

## | Шашар Қалаша |

га шукурки, шу сабабдан ҳозирга қадар бойман ва сизларга деярли тобе эмасман.

Оиланг бу талабларга эътиroz билдиrmadi. Демак, мен хотиржам ухласам ҳам бўларди. Негаки, уларга бойлигим эмас, қизларининг баҳти керак, деб ўйлагандим.

Рента ҳақида онам эшитишни ҳам истамади: у сепингни накд пул ёки мулк билан тўлашни талаб қилди. Улар менга катта қизларини сариқ чақа эвазига олган барон Филипони рўкач қиляптилар, деганди онам менга. Бунга сира ишонмайман! Улар ниманидир ютган бўлишлари керак! Бироқ бизнинг йўриғимиз бошқа: улар мени бизга қариндош бўлгани учун эсини еб кўяди, деб ўйлашган шекилли... Тушларини сувга айтишин!

Биз ошиқ-маъшуқлар бу тортишувлардан четда эдик. Фаҳмлашимча, мен онамга қанчалар ишонсам, сен ҳам отангнинг фаросатига шунчалар суюнгансан. Қолаверса, иккимиз ҳам пулга ўч эканлигимизни ўшанда билмагандирмиз...

Йўқ, мен ноҳақман. Сен пулни болаларинг туфайли яхши кўрасан. Уларни бадавлат қилиш учун ҳатто мени ўлдиришга тайёрсан: оғзингдаги ошни-ку, индамай уларга тутишинг аниқ!

Мен эса пулни яхши кўраман, буни тан олишим керак, пулим борки, хотиржамман. Бадавлат эканман, сизлар менга қарши чиқолмайсизлар. Сен: “Озгина пул етади”, - дейсан. Қаттиқ адашяпсан! Пулинг бор экан, ҳамма атрофингда парвона, ҳеч вақосиз қолишинг билан четга улоқтирадилар. Хоҳ дехқон, хоҳ шаҳар хонадонида бўлсин, бойлигидан айрилган қарияларга бўлган бундай қинғир муносабатларни кўп кўрганман.

Шунинг учун ҳам мен камбағал бўлиб қолишдан кўрқаман. Бугун муқаддас жума куни: кечки ибодат вақти ўтиб кетди: қўнғироқлар чалинмади.

Оиланинг барча эркаклари автомобилда келишади. Овқатлангани пастга тушаман. Жамоат жам бўлиб ўтиришларини кўрмоқчиман. Бундай пайтда ўзимни кучли ҳис қиласман. Қолаверса, ана шу тавба қилина-

диган парҳез кунида қийма котлет емоқчиман. Бу инжиқлигимни эмас, балки иродамнинг мустаҳкамлигини ва ҳеч қачон ҳеч нарсада ён босмаслигимни билдиради. Бир мартағина ён берсам, кирқ беш йилдан буён мустаҳкам турган истехкомларим бирин-кетин қулайдилар. Яна бир томони ловия ва мойли сардиналар тамадди қилишга ўрганган оила аъзоларимиз ҳузурида Жума кунида котлет ейишум, қўзим тириклигига мени талаш мумкин эмаслигига яна бир ишорадир.

### Тұртингчи боб

Янглишмаган эканман. Ниятларингизни барбод қилдим. Кичкиналар эса, роса яйрадилар, чунки муқаддас жума кунлари уларга шоколад ва сариёғ сурилган нон берилади. Мен ҳамманинг иштаҳасини қўзғатдим. Болаларнинг қўз ўнгидаги қийма котлет еб ўтиришимни кексалигимга йўйишига уриндинг. Губертнинг ўзига ҳаддан зиёд ишониши менга хунук кўринди. У биржада баҳоларнинг ошиши ҳақида ўта ишонч билан гапирди, ҳатто бу нарсанинг унга боғлиқлиги тўғрисида лоф урди. Бунинг ҳақиқат эканини тан олиш ниҳоятда мушкул. Аммо ишлари орқага кетса нима бўлади? Мижозларига катта-катта фойда тўловчи банкирнинг ўйнаётган ўйини ҳам, хатолари ҳам катта бўлади.... Бир куни келиб оиланинг обрўси хавф остида қолса-чи...? Оиланинг обрўси! Ана шу маъбудага мен ҳеч қачон сажда қилмайман. Олдин бир қарорга келишим керак. Кўнгил бўшлигига йўл қўймаслик, қаттиқ туриш лозим. Балки мен юрмаган йўлга, қария Фондо деж юрар... Айтмоқчи, яна чалғиб кетибман. Эҳтимол, сен баҳтимизни поймол этган тунни хотирлаш мушкул бўлаётгандир.

Ўша илиқ оқшомнинг бир неча соати иккимизнинг тақдиримизни ҳал қилди. Оғзингдан чиқаётган ҳар бир сўз орамиздаги масофани узоқлаштираётганди, сен эса ҳеч нарсани сезмадинг. Минглаб икир-чикир билан тўлиб-тошган хотирангда ўша мудҳищ тун ҳаки-

## | Илониар Қалиса |

да ҳеч нарса қолмаган. Ўшанда менда тақводорлик ва эътиодга хурмат ҳисси уйғонган эди. Сен унга рахна солдинг. Мен сени ва сендаги тақводорликни севардим. Мактаб ўқувчилариникига ўхшаш узун кўйлагингда тиз чўкканингда ҳаяжондан энтикардим.

Биз ана шу сатрлар ёзилаётган хонада яшардик. Тўй саёҳатимиздан кейин нима учун Калезга, онамнинг олдига қайтиб келганимиз эсингдами? Калезни онам қурдирган ва уни ардоқларди. Шунинг учун уни олиб қўйишни истамаганман.

Нафратимни янада аланга олдириш мақсадида назаримдан четга қолган ёки ўзим аҳамият бермаган воқеаларни эсга олдим. Аввалига оиласангдагилар қандайдир узок қариндошингнинг ўлимини баҳона қилиб, Бретан таомилига кўра тантанали тўй маросимини йўққа чиқаришди. Уларнинг жайдари куёвдан орқилаётганлари аниқ эди. Барон Филипо қайнисинглисини Баньер-де-Люшонда анчагина ёқимтой, келажаги порлоқ, бадавлат, бироқ келиб чиқиши номаълум йигитга “ошики бекарор” бўлиб қолгани ҳакида ҳаммага гапириб юради. “Унинг зоти паст”, – дерди у. Мен ҳакимда у никоҳсиз туғилган бола тўғрисида гапиргандек гапирав, серуруғ эмаслигимдан мамнунлигини яширмасди. Онам айтганидек, сен ота-онасини истаган кўйга сола оладиган эркатой кенжа қиз эдинг. Колаверса, менинг бойлигим Фондодежларни тўйимизга рози бўлишга, қолган нарсаларга эътиборсиз қарашга мажбур қилаётганди.

Бу ҳақдаги майда-чуйда гаплар мен учун янгилик эмасди. Бахтиёрлигим мени бу нарсаларга эътибор бермасликка ундар ва яна шуни тан олиш керакки, яширин никоҳ маросими мен учун кўнгилдагидек иш бўлганди. Оч-наҳор танишларим орасида куёв жўра бўладигани йўқ эди. Гурурим кечаги ракибларимга ён беришга йўл қўймасди. Тўй баҳонасида улар билан осонгина ярашиб олсан бўларди.

Айбларимни тан олиб, очик ёзайтган эканман, шу ўринда ўзимдаги бир фазилат ҳакида эслатиб ўтишга ҳаққим бор, деб ўйлайман. Мен ҳеч қачон ҳеч кимга

ялинмаганман ва ўз ғояларимга ҳамиша содик қолганман. Тұғри, түйимиз муносабати билан баъзи масалаларда виждоним амрига қарши боришга мажбур бўлдим. Ота-онангга сени диний эътиқодларингдан юз ўтиришга мажбур қилмасликка сўз бердим, ўзим эса худосизлар жамиятига ўтиб кетмасликка онт ичдим. Сизлар томонингиздан ўзга ҳеч бир талаб айтилмади. Ўша йиллари дин фақат аёлларнинг иши ҳисобланарди. Одоб ва одат юзасидан эр хотинини ибодатга кузатиб бориши лозим эди. Мен Люшондаёқ сизларга бу нарсага монелигим йўқлигини исботлагандим.

85-йилнинг сентяброда Венециядан қайтиб келдик. Ота-онанг ва Филиполарнинг дўстлари Сенон қасрингизда меҳмон бўлиб турганликлари учун бизни қабул қилмасликка ҳаракат қилишди. Шунда биз вақтинча онамницида туришга, унинг ёнида ўзимизга қандай ёқса, шундай яшашга мажбур бўлдик.

Онам қаршилик қўрсатмади:

– Уй сизларники. Кўнглингизга ёқсан одамларни меҳмонга таклиф қилишингиз мумкин, – деди у. – Мен ҳеч кимнинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиласман. Колаверса, уйда кам бўламан.

Чиндан ҳам у кўпинча токзорлар, вино омборлари, товуқхоналарда куймалашар, кир ювиш билан машғул бўларди. Овқатдан сўнг хонасига кўтариilar, ошхонада учрашиб қолсак афв сўрар, ичкарига киришдан олдин эшикни тақиллатарди. Мен унга бундай қилмаслик кераклигини айтишга мажбур бўлгандим. У ҳатто сенга хўжалик ишларини олиб боришни таклиф қилди, рози бўлмадинг, сенда рўзгор ишларига ҳеч бир хошиш йўқ эди. Овунчоғидан маҳрум қилмаганинг учун онам сендан қанчалар миннатдор бўлган эди!

Сен бизни онам тасаввур қилган даражада бир-бirimizdan ажратиб қўймадинг. Тўйдан олдинги даврга нисбатан унга муносабатим яхшироқ эди. Бизнинг шўх-шўх кулишларимиз уни ҳайратга соларди: мен бахти кулган қайлиқ унинг бағритош ўғлига сира ўхшамас эдим. Онамнинг фикрича, у мени қўлга ола билмаган, бунга кучи етмаганди. “Менинг камчиликла-

римни келиним тузатяпти”, – дерди у. Мато ёки қофоз устида расм чизишни машқ қылганингда ёки Мендельсоннинг “Сўзсиз романс”ини пианинода чала-ярим чалганингда онамнинг завқланишлари ҳамон эсимда.

Баъзида ёш дугоналаринг сени кўргани келишарди. Сен уларни огохлантириб: “Хозир сизлар қайна намни, антиқа қишлоқи хонимни кўрасиз”, – дердинг. Онамнинг кўп одатлари сенга ғалати тууларди. Унинг хизматкор билан маҳаллий шевада сўзлашиши сенга жуда ёқарди. Сен дугоналарингга ҳатто онамнинг 15 ёшида бўйнига рўмол ўраб тушган расмигача кўрсатган эдинг. Сенинг “кўп аслзодалардан аслзодароқ” қадимги дехқон оилалари ҳақида айтадиган қўшиғинг бўларди. Қанчалар одобли эдинг ўша кезлар! Аёл бўлиш сенинг асл қиёфангни очиб берди.

Ўша тунни сира эслагим келмайди. Ҳаво дим эди. Кўршапалаклардан кўркишингга қарамай деразаларни очиб қўйдик. Дараҳт баргларининг шилдираши хона ичида бирор бордек ваҳима соларди. Шамол баъзан кўкламдаги кучли жаланинг товушини олиб келар, ботиб бораётган ой нури ерни, сочилиб ётган кийимларимизни хира ёритиб турарди. Ниҳоят борликқа жимлик чўкиб, адирдан келаётган товушлар эшитилмай қолди.

“Ухлайлик... Ухлай қолайлик...”, – дединг. Лекин атрофимизда бир соя айланиб юрарди. Родольфнинг рухи сен билан бирга эди.

Сени бағримдан бўшатганимда ҳам унинг ҳамон шу ердалигини ҳис қиласардик. Менинг алам ва изтиробга бардошим йўқ эди. Бахтиёр кимсалар ҳам ўзларини ҳимоя қилиш ҳиссиётига эгалар. Сени тергамаслик кераклигини билардим. Бу номни муҳаббатимиз осмонида совун пуфагидек ёрилиб йўқ бўлишини истардим. Унутилган сирнинг юзага чиқишини истамасдим. Лекин сен эҳтиросларинг мағзавасини устимга ағдариш пайида эдинг.

“Ким эди ўзи, ўша Родольф?” – деб сўраганим сенга қўл келди. “Тинчлан, хавотирли ҳеч нарса йўқ”, – дединг хотиржам оҳангда.

Бошинг энди елкамда эмас эди.

Шимоллик бадавлат саноатчи ва австралиялик аёлнинг ўғли билан Люшондаги танишувимиздан бир йил олдин, бувинг билан Экс оролига борганингда танишган эдинг. У Кембриждан келаётган эди. Уни менга тасвирлаб бермаган бўлсанг-да, ўзимда йўқ ҳамма фазилатларни хаёлан унга инъом қилгандим. Ой нури менинг дехқонча қадоқ қўлларимни, калта тирнокларимни ёритмоқда эди. Айтишингча, обрўйингни ерга урадиган даражада бирон-бир номаъқулчиллик қилмаган эдинг. Бунинг менга қизиги йўқ эди. Фақат агар уни севмаган бўлганингда, арзимаган, ўткинчи хато сифатида унтиб юборган бўлардим.. Лекин алам-изтиробдан танам оловдек ёна бошлади. “У мени алдабди, ҳаммаси ёлғон экан, – деган фикрга келдим. – Омадим келди деб бекорга хурсанд бўлибман. Ёшгина қизнинг мени севиб қолишига қандай ишона олдим! Менга ўхшаганларни ҳеч ким севмаган, севмайди ҳам”.

Тонг юлдузи бизга ҳамроҳ эди. Кирғовулнинг овози эшитилар, шабада япроқларни, дераза пардаларини “эркалар”, кўзларимизга равшанлик баҳш этар, баҳтиёр онларни ёдга соларди. Ўн дақиқа аввал бу баҳт мавжуд эди, энди эса у ўтмишга айланганди.

– У сенга оғиз согланмиди? – сўрадим сендан. Гапим ҳамиятингга тегди шекилли, дарҳол эътиroz билдиридинг. Табиийки, Родольф Фондодежларнинг қизига уйланишни жуда истаган ва буни ўзига шараф деб билган. Лекин икки акангни сил касаллигидан вафот этгани унинг ота-онаси қулоғига етган, шунинг учун улар бунга қарши бўлишганди.

Сени хотиржам тергаётган эдим. Сен нимани вайрон қилаётганингни хаёлингга келтирмадинг.

– Азизим, буларнинг ҳаммасига, илоҳий тақдир сабаб, – дединг. – Ота-онамнинг мағрурлигини биласан, бир оз кулгили, албаттга! Буни тан оламан. Лекин шуни аниқ айтишим мумкинки, тўйнинг бузилиши уларнинг иззат-нафсига қаттиқ текканди. Жамиятимизда никоҳ ҳақида гап кетар экан, соғлиққа қанчалик аҳамият беришларини биласан. Онамга Родольфнинг мендан юз

## | Ишонар қолида |

үгириш сабабини бутун шаҳар билгандек туюларди. “Қизимга энди ҳеч ким уйланмайди, у қари қиз бўлиб қолади...”, – деган фикр унинг миясига маҳкам ўрнашиб қолганди. Ойлар мобайнида у менга, ўзимнинг ғамим камлик қилгандек, роса азоб берди! Ниҳоят онам мени ва отамни “қари қиз” бўлиб қолажагимга ишонтира олди.

Сени хушёр торгтириши мумкин бўлган бирон-бир сўзни айтишдан ўзимни тийдим. Сен бўлсанг, буларнинг ҳаммаси тақдири азалнинг хоҳиши эканлигини ва унинг иккимизнинг севгимиз учун жуда қўл келганини такрорлар эдинг.

– Мен сени қўришим биланоқ севиб қолганман. Люшонга жўнашимиздан аввал биз Лурда кўп ибодат қилгандик. Сени қўришим билан ибодатимиз қабул бўлганини тушунгандим.

Сўзларинг нафратимни аланга олдираётганини сезмаётган эдинг. Диндан бу даражада пасткашларча фойдаланганинг менга жуда тегиб кетди. Тангридан ўткинчи дунёнинг неъматларини тилаш сизлар учун оддий ҳолатга айланганди. Ҳа, энди бунинг менга унчалик қизиги йўқ эди. Аммо маълум бўлгандики, ота-онанг ва сен оёқларинг остидан чиқиб қолган сода куёвга очқўзларча ташланган эдинглар.

Тўйимизнинг бузилишига сал қолганини ўша лаҳзагача билмаган эдим. Онанг бу ҳақда тентаклик қилиб, аввал отангга сўнгра сенга гапириб қўйганидан кейин маълум бўлгандики, менга турмушга чиққудек бўлсанг, Филиполарни сендан юз ўгиришгача бориб етишлари ҳақидаги дағ-дағасидан кулиб юрган пайтимиизда, у Фондодежларни тўйни тўхтатишга мажбур қилиш учун кўлидан келган барча чорани кўрган эди.

– Азизим, сени ёқтириб қолгандим, шунинг учун у муддаосига етолмади! – дея bemalol сўзлардинг.

Ҳеч нарсадан афсусланмаслигингни менга кўп айтгансан. Дамим ичимда эди. Ўша Родольф билан баҳтили бўлмаган бўлардим, дея таъкидлардинг.

Унинг номини тилга олишинг билан овозинг ўзгарар, кўкрагингда қамалиб ётган афсус-надоматлар тит-

роқ хўрсишиш ила юзага чиқарди. Касалингни яширганинг билан, иситмаси ошкор қилаётганини сезмасдинг.

У сени бахтиёр қилмаган бўларди, чунки у чиройли, истараси иссиқ, ёқимтой эди, бир кун келиб бошқаси сендан айнитиб қўйиши тайин эди. Мен эса бадфеъл, хунуклигим билан одамларни ўзимдан нари қувардим. Шу сабабли сен мен билан хотиржам, бахтли хаёт кечиришинг мумкин эди. “Кембрижда ўқиган ва инглизча қилиқ қиласиган болаларнинг ярамас одатлари Родольфда ҳам бор эди...”, – дегандинг. Наҳотки сен ўзига кийим ва бўйинбоғ танлашни билмайдиган, бадан тарбияни ёмон кўрадиган, чиройли ва бахтиёр кун кечиришни улдалай олмайдиган эрни афзал кўрган бўлсанг? Йўқ, йўқ, кекса онанг “қари қиз” бўлиб қолишингдан ваҳимага тушиб, сени қийнов-қистоқка олган бир пайтда, етарли мол-мулкка эга бўлган мендек йигитнинг сизларга рўпара келиши, менга турмушга чиқишингга сабаб бўлганди.

Қўлларимни мушт қилиб, пастки лабимни тишлаб олганимча, секинроқ нафас олишга тиришаётган эдим. Ҳозиргача ўз-ўзимдан нафратланиб қолгудек бўлсам, хаёлим 1885 йил сари етаклайди. Қўлларини кўксида қовуштириб, илк муҳаббатнинг алансини ошкор қилмасликка жон-жаҳди билан уринаётган йигирма уч ёшли қайлиқни эслаб кетаман.

Аъзойи-баданим титрамоқда эди. Сен буни сезиб қолдинг ва гапиришдан тўхтадинг.

– Совук еяпсанми, Луи?

Мен жунжикаётганимни, хавотирланадиган ҳеч нарса йўқлигини айтдим.

– Рашқ қилмаётгандирсан, ҳар ҳолда? Бу ғирт тентаклик бўларди...

Сенга рашқдан асар ҳам йўқлигини айтиб, алдамагандим. Бу мушкул аҳволимга рашкнинг ҳеч бир алоқаси йўқлигини қандай қилиб ҳам тушунардинг?

Иzzat-нафсимга тегиб қўйганинг ҳақида ўйламаётган бўлсанг-да, сукунатим сени хавотирга солаётганди. Коронгида пайпаслаб пешонамни, юзимни силадинг. Мен оғзимни маҳкам юмиб олгандим. Кўрқиб

## | Илоннар қолиша |

кетдинг. Шамни ёкиш учун устимга эгилдинг! Мен зўрға нафас олмоқда эдим.

– Сенга нима бўлди? Гапирсанг-чи! Мени қўрқит-япсан.

Мен ажабландим. Хавотир олишга ўрин йўқлигига ишонтирдим.

– Қанчалар тентаксан, азизим, мени қўрқитиб юбординг! Шамни ўчираман. Уйкум келяпти, – дединг.

Бошқа гапирмадинг. Мен янги ҳаётимнинг янги тонгини қарши олаётган эдим. Томларда қалдирғочлар сайрашарди. Кимдир ёғоч кавишини судраб ҳовлини кесиб ўтди. Мана қирқ беш йилдан кейин нимани тинглаётган бўлсам, ўшанда ҳам шу товушлар қулоққа чалинар эди: хўрозлар, қўнғироқлар, букри кўприк устидан ўтаётган юк поезди: димофимга урилаётган ўша ҳидлар, дengиздан шамол эсганда, ўт тушган қирлардан келадиган кул иси. Ўрнимдан кескин туриб, ўтириб олдим.

– Иза, Сюпербанъердаги айланма йўл ёқасида, оқшом пайти скамейкада ўтирганимизда, ўшани деб йифлаганмидинг?

Жавоб бермадинг, шунда билагингни шундай сикдимки, ғайриинсоний инграш билан уни тортиб олдинг. Ёнбошингга ўгирилдинг. Сочларинг ёйилиб ётарди. Тонг шабадасидан жунжикиб, устингга чойшабларни пала-партиш ташлаб олгандинг. Болаларникига ўхшашиб бу беғубор уйқудан сени уйғотишга ҳожат қолмаганди. Оғзингдан чиқиши керак бўлган иқрорни мен энди билиб олгандим.

Оҳиста ўрнимдан турдим, оёқ яланг кўзгу олдига бордим. Қаршимда бегона бир одам, тўғрироғи илгариги асл ҳолига қайтган, ҳеч ким севмаган, ҳеч ким ачинмаган инсон турарди. Ёшлигимга ачиндим: дехқонча қўлим билан сарғиш, дағал соқолли юзимни силадим.

Секин кийиниб, бокқа чиқдим. Онам гулзорда эди. У уйни шамоллатиш учун доимо хизматкорлардан олдин турарди. “Тоза ҳаво оляпсанми?” – деди у. Кейин водийни қоплаб олган туманин кўрсатиб, деди:

– Бугун дим бўлади. Соат саккиздаёқ ҳамма деразаларни беркитиб ташлайман.

Мен уни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ меҳр билан ўпдим. “Болагинам!” – дея шивирлади у. Юрагим орзикаб кетди. Оғиз жуфтладим-у, лекин иккиланиб қолдим. Нимадан бошласам экан? Онам буни қандай тушунаркин? Бундай пайтларда сукут қилишни доимо афзал кўриб келганман.

Йўлкага чиқдим. Тоқзорлар ортида дараҳтларнинг таналари ғира-шира кўзга ташланарди. Адирлар тумандан елкаларига ёпингич ташлаган баҳодирларни эслатар, кўнғироқхона, черков биноси эса жонли мавжудотларга ўхшарди. Бундай нарсаларга мени фаҳми етмайди, деб ўйлайсан. Бироқ ўша лаҳзаларда ҳаётими ни поймол, умидларимни барбод қилган сабаблар ҳақида ўйлаб кўрган ва бундан кейин юз берадиган муҳим, айникса, ҳис-туйғуларимизга алоқадор воқеалар тақдирни азалда белгиланган, деган фикрга келган эдим.

Аммо ўша тонгда бу ҳаяжон бир неча лаҳзагина давом этди. Яна уйга қайтдим. Соат миллари эндиғина саккизни кўрсатаётган бўлса-да, қуёш қаттиқ қиздирмоқда эди. Сен дераза олдида сочингни тараётган эдинг. Мени пайқамадинг. Бир лаҳза сенга қаҳр билан кўз тикдим. Нафратимнинг аччиқ таъми ҳамон оғзимда турибди.

Шитоб билан ёзув столим олдига ўтдим. Тортмадан Сюпербанъердаги оқшомларнинг бирида кўз ёшигни артган ва мен шўрлик телба кўксига босиб, асраб юрган ғижим рўмолчани олдим. Кучукваччани чўктираётгандек рўмолчага тош бойладим-да, ботқоқликка ташлаб юбордим.

### Бешинчи боб

Кирқ йилдан буён давом этиб келаётган буюк сукунат даври ўшандаги бошланди. Кейин бошқа кўнгилсизликлар содир бўлмади. Ҳамма нарса одатдагидек

давом этди. Тунги висол лаҳзалари ҳам маромида кечар, Родольфнинг шарпаси энди атрофимизда айланиб юрмас, сен уни тилингга олмай қўйгандинг. Лекин хатарли шарпа қылғиликни қилиб, баҳтимизни бузиб бўлган, иккимизни бундан буён сукут сақлашдан, келажакда тасодифий воқеаларни кутишдан ўзга иложимиз қолмаганди.

Энди иккимиз ҳам аввалгидек сухбатлашмас, баҳслашишга сабаб бўладиган фикрларни бир-бири мизга айтишдан ўзимизни тиярдик, сен ҳам, мен ҳам эҳтиёткор бўлиб қолгандик.

Ярим кечаларда изтироб чекиб, уйғониб кетардим. Қопқонга тушган тулкидек сенга боғланган эдим. Лекин қўполлик қилсам, яна ғиди-бидига борсак, сенинг: “Йўқ сени алдамаганман, сени севганман...”, – дейишингни билардим. Ҳа, бошқа тузукроқ одам топилмагани сабабли, сен мени севгансан. Бирорни севаман, деб ишонтириш учун қовушмоққа уриниш кўл кела-ди. Мен маҳлуқ эмасдим: лекин менга илк бор қўнгил кўйган қиз мени истаган кўйига солиши мумкин эди. Тун қоронғисида баъзан инграб юборардим, лекин сен уйғонмасдинг.

\* \* \*

Оғир оёқ бўлишинг бизни ташвишлардан халос этди ва аста-секин муносабатларимиз яхшиланди. Бу нарса узум узишдан аввал маълум бўлган эди. Биз шаҳарга қайтиб келдик. Олдинроқ қўзинг ёригани учун бир неча ҳафта кўрпа-тўшак қилиб ётдинг. Баҳорда яна ҳомилали бўлдинг. Сени ниҳоятда авай-ламоқ лозим эди. Шундай қилиб, ҳомиладорлик, қўн-гилсизликлар, бўшаниш дамлари бошланди. Ўзимни сендан узокроқ тутиш учун баҳоналар етарли эди. Мен пинҳоний саргузаштларга берила бошладим. Суд мажлисларида энди тез-тез қатнашиб турганлигим, онамнинг тили билан айтганда “ишим билан овора” бўлиб кетганлигим сабабли, обрўйимни эҳтиёт қилишга мажбур эдим. Бинобарин, саргузаштларимни қаттиқ сир тутардим. Хуфия юришларимни маълум соатларда амалга оширишни одат қилгандим. Қишлоқда яшаб,

саёқликни одат қилган кимсалар овчидан қочган парранда мисол жуда эҳтиёткор бўладилар. Ташвишланма, Иза, сени даҳшатга солмоқчи эмасман, деярли ҳар куни ўзим тушиб чиқадиган ўша дўзахни тасвирилаш ниятим йўқ. Сен бу чоҳдан мени тортиб олган эдинг, яна ўзинг мени ўша чоҳга қайта улоқтиридинг.

Эҳтиёт чораларини камроқ кўрган тақдиримда ҳам, сен барибир ҳеч нимани пайқамаган бўлардинг. Сенинг асл қиёфанг Губерт туғилганидан кейин намоён бўлди. Мен эътиборингдан четда қолгандим, кўзингнинг нуридан, қалбингнинг меҳридан факат болаларинг баҳраманд эдилар. Назарингда мен ўз вазифамни адо этиб бўлгандим.

Болалар ҳали мурғак эканлар, уларга етарли эътибор қилмадим ва уларни деб сен-менга борганимиз ҳам йўқ. Биз эр-хотинлик юзасидангина жинсий яқинликда бўлардик, қалбларимиз орасида эса минглаб чақирим масофа бор эди.

Кўзингга болалар атрофимда ўралаша бошласаларгина қўриниб қолардим. Оталик хуқуқини даъво қилишим нафратингга сабаб бўлди. Лекин менда оталик туйғуси йўқ эди. Мехр-муҳаббатингга рашким келарди, холос. Сени жазолаш мақсадида уларни олиб қўймоқчи эдим. Гўёки шу билан оталик бурчини бажараётгандек эдим. Иккинчи томондан, сенек тақводорни деб фарзандларимнинг онгига оғу тушишини истамасдим. Хатти-ҳаракатимни оқлайдиган сабаблар шулар эди.

Бу тарихнинг ниҳояси бормикан? Бундан буёгини ўкишга сабринг чидайдими-йўқми, билмайман. Қолаверса, буларни ўзим учун ёзяпман. Қариб қолган адвокат қофозларини, ҳаётининг, бой берилган ишининг сахифаларини тартибга соляпти. Кўнғироклар... Эртага Пасха. Ана шу муборак кун шарафига эртага пастга тушаман, деб сенга ваъда қилганман. “Болалар дадамизни кўрмаяпмиз, дея ўкинишмоқда”, – дегандинг эрта билан. Қизимиз Женевьева ҳам сен билан бирга каравотнинг ёнида турган эди. Сен бизни ёлғиз қолдириш учун чиқиб кетдинг, у мендан ниманидир сўра-

## | Илонииф Ҳанида |

моқчи эди. Йўлакдаги шивир-шивирингиз қулоғимга чалинувди. “Бу ҳақда ўзинг биринчি бўлиб гай очсанг бўларди!” – деяётгандинг унга... Шубҳасиз, гап ўша Фили, Женевьеванинг куёви бўлмиш ишёқмас безори ҳақида. Суҳбат мавзусини ўзгартиришга, гапни чалғитишга қанчалик уста бўлиб кетибман! Женевьевева бир сўз ҳам айта олмай чиқиб кетди. Нияти менга маълум. Мехмонхонанинг деразаси очик қолган куни ҳамма гапни эшитиб олувдим. Гап Филига банқдан чоракта пай сотиб олиб бериш учун маблағ ажратиш ҳақида боряпти. Тўғри, бу одатдаги сармоя қўйишдек гап... Гўё мен буни билмайдиган, хавф-хатарни сезмайдигандек, пулни ҳам маҳкам ушлашим керак эмасдек... Ўтган ой пулнинг қадрсизланишини сезиб, қандай ишларни амалга ошириб қўйганимни улар билмайдилар.

Ҳаммалари кечки ибодатга кетишиди. Ёлғиз қолдим. Дунё қувончларидан маҳрум бўлган мўйсафи Фауст! Улар қарилик нима эканини билмайдилар. Тушлик пайтида улар менинг биржа ва иш юритиш ҳақидаги ўғитларимни жон деб эшитдилар. Мен Губертга пайтида эсни йиғиб олиш ҳақида гапирдим. Губерт писмиклини билмайди. Фарзандини ташвиш ўртаётганини кўрган шўрлик оналар, уларга кўпроқ овқат едириш пайдада бўлардилар ва шу йўл билан уларга қувват ато этиб, кўнгилсизликларни бартараф қилмоқни кўзлайдилар. Сен ҳам Губертга тўхтовсиз овқат тиқишириар, ўғлинг эса хаёлчанлик билан идишларни бирин-кетин бўшатмоқда эди! Айни пайтда у сенга ўта қўпол муомалада эди. Бир вақтлар мен ҳам онамга шундай қўполликлар қилгандим. Набира қуёвимиз Фили эса ғамхўрлик билан қадаҳимга шароб қуйиб бермоқда эди. Унинг рафиқаси жажжи Жанинанинг сохта эътиборини-ку, аста қўяверасиз: “Буважон, сиз чекмасангиз бўларди. Бир дона сигарет ҳам қўплик қиласи. Айтмоқчи, бу қаҳванинг ичидаги кофеин йўқлигига ишончингиз комилми?” Бечора Жанина, муғомбирликни қотира олмайди, гапнинг оҳанги уни сотиб қўяди. Ёшлигингда сен ҳам муғомбир эдинг. Бироқ илк дафъа ҳомиладор бўлишинг биланоқ сохта қиликлардан воз кечдинг. Жани-

на бўлса умрининг охиригача оқимга қараб сузадиган, бошқалардан дурустрок фикр эшитса, шуни тақорлайдиган, ҳамма нарсада ўзгаларнинг фикри билан иш кўрадиган ва ҳеч нарсанинг фаҳмига етмайдиган аёл бўлиб қолди. Фили ўзининг шундай диди, фаросати билан қандай қилиб ана шу телба билан яшай оларкин? Айтмоқчи, Жанинада сохта бўлмаган ягона хислат – эрига чексиз муҳаббати. У севгисидан бўлак ҳеч нарсанинг мавжудлигини тан олмайди. Шунинг учун ҳам бошқа мавзуларда нимаики демасин сохта чиқади.

Тушликдан кейин ҳаммамиз шийпонда ўтирган эдик. Жанина ва Фили ўз оналари Женевьеве билан мен томон йўналдилар. Сен яширинча “йўқ” ишорасини қилдинг. Шунда Женевьеве ўрнидан туриб, мендан сўради:

– Икковимиз бир айланиб келмаймизми, дада?

Мендан қанчалар қўрқасиз ҳаммангиз! Ўрнимдан қўзғалмокчи эмасдим, аммо унга раҳмим келди. Биз майсазорни айландик. Сизлар шийпондан бизни кузатмоқда эдингиз. Женевьеве чўзиб ўтирмай, гап бошлади:

– Сизга Фили ҳакида гапирмоқчи эдим.

У қалтирарди. Фарзандларингни сендан қўрқишлиари нақадар даҳшатли. Лекин 68 ёшда шафқатсиз қўринишга эга бўлиш ёки бўлмаслик ўзингизга боғлиқ! Бу ёшда ташки белгиларингиз ўзгармайди. Юз қўринишида ўз ифодасини топа билмаган қалб эса бундан изтироб чекади... Женевьеве режалари ҳакида шошиб сўзларди. Гап чоракта пай устида эди. У менга бутунлай ёқмайдиган фикрни маъқуллаётганди. Филининг бекор юриши оилани барбод қиласмиш. Унинг ахлоқи бузилаётганмиш. Мен унга “чоракта пай” билан биржада даллол бўлиш сайёқ юришлар учун баҳона эканлигини айтдим. Женевьеве Филини ҳимоя қила бошлади. “Сиз унинг хатти-ҳаракатига тўғри баҳо бермаяпсиз!” – деди у. Мен уни мақтамаётганимни ҳам ва танқид ҳам қилмаётганимни айтиб, эътиroz билдиридим.

– Филининг мен билан иши йўқ-ку? Менинг нима учун у билан ишим бўлсин?

# | Илонииф қалаша |

– У сизни жуда ҳурмат қилади.

Эхтиётсизлик билан айтилган ёлғон күнглимдаги гапларни айтишга турткы бўлди:

– Уша Филиинг мени “қари тимсоҳ” деб чақириши ҳурматининг ифодаси бўлса керак, қизим. Эътиroz билдиrmай қўя қол, орқамдан айтилган бу сўзларни кўп марта эшитганман... Инкор қилмайман буни, тимсоҳман, тимсоҳлигимча қоламан. Қари тимсоҳ ўлимидан бошқа нарсага қўз тикмайди. Ҳатто ўлганидан кейин ҳам, – қўшиб қўйдим мен, эхтиётсизлик билан, – ўз билганича иш қўра олиши мумкин. (Шу сўзларни айтиб, Женевьеванинг кўнглига ғулғула солиб қўйганимга ниҳоятда афсус қиламан).

Бу лақабдан мени дарғазаб бўлди, дея гумон қилди шекилли, Женевьева эътиroz билдира бошлади. Ёшларни кўрарга кўзим йўқ. Филини ҳам. Шу ёшга кириб, менга насиб қилмаган бу баҳтни бу тирмизак осонгина қўлга киритмоқчи. Мени ушбу ҳасад оловида ўртанаётганимни Женевьева қайдан билсин. Фили деразадан ўғринча келадиган мушук сингари ҳид олиб, уйимга келди. Набирамнинг сепи катта эмасди, лекин ундан жуда-жуда “умид” қилса бўларди. Фарзандларимизнинг умидлари! Уларни амалга ошириш учун фарзандларимиз жасадимизни босиб ўтишлари керак.

Женевьева хиқиллаб, кўзларини артаркан, мен насиҳат тарзида дедим:

– Айтмоқчи эринг ўткир ичимликлар савдоси билан шуғулланади. Уддабурон Альфред куёвига иш то-пиб берса бўлади-ку. Нега энди келиб-келиб мен олиjanобликда сизлардан ўтиб кетишими керак?

Шўрлик Альфред ҳақида гапиаркан, унинг товуши ўзгарди: ана нафрат! Ана ижирғаниш! Женевьеванинг айтишича, Альфред иш кўламини кундан-кунга қисқартириб бораётган кўрқоқ эмиш. Бир вақтлар гуллаб-яшнаган бу корхонада энди икки кишига ҳам жой йўқ эмиш.

Мен унга бундай эрга эга бўлиш омад эканилигини, бўрон туроётганида елканларни туширмоқ лозимлигини айтдим. Келажак Альфредга ўхшаб секин-аста

иш юритадиганларники. Эндиликда кўламнинг кичик бўлиши иш юритишининг асосий шартидир. Женевьевева мени мазах қиляпти деб ўйлади, ҳолбуки бу фикр пулини омонат кассасига ишонмай сандиқда саклаётган одамнинг, яъни менинг фикри комилим эди.

Биз уйга қайтдик. Женевьевева яна оғиз очишга ботина олмади. Мен энди унга суюнмай келаётган эдим. Оила аъзоларимиз бизни келаётганимизни кўришган ва шубҳасиз кўнгилсиз натижа белгиларини муҳокама қилмоқда эдилар. Бизнинг қайтишимиз, афтидан Губерт билан Женевьевеванинг оиласи ўртасидаги баҳсни тұхтатиб кўйди. Ҳа, бир кун келиб пулларимни сизларга беришга қарор қилгудек бўлсан, катта жанг бўлиши аниқ. Ўтирганлардан факат Филигина ўрнидан турди. Шамол унинг итоатсиз соchlарини тортқиламоқда эди. Унинг эгнида ёқаси очик, енглари калта кўйлак бор эди. Ҳозирги замоннинг хотинчалиш йигитларини кўрсам энсам қотади. Филининг ёш болаларникига ўхшаш ёноқларига қизиллик югурмокда эди. Жанинанинг: “Қалай гаплашиб олдингларми?” – деган ахмоқона саволига мен аста: “Биз бир қари тимсоҳ ҳақида сухбатлашдик...”, – деб жавоб бердим.

Такрор айтаман, Филидан нафратланган эмасман. Ёшлар қарилек нима эканини билмайдилар. Ҳаётида ҳеч нарсага эришмаган ва ажалини кутиб ётишдан бўлак юмуши қолмаган инсон учун қарилекнинг қанчалар азоб эканини тасаввур қила олмайсиз. Гап у дунёнинг бор-йўқлиги, бу ҳақда бирон-бир изохнинг мавжуд эмаслиги, ушбу сир-асрорни ҳеч қачон тушуниб ета олмаслигимизда эмас, йўқ... Сен мен тортган азобларни тортмадинг, бир кун келиб мен қийналётгандек қийналмайсан ҳам. Фарзандларимиз сенга ўлим тилашмайди. Улар ўз билганларича сени севадилар, эъзозлайдилар. Улар сира иккиланмасдан сени ҳимоя қила оладилар. Мен уларни севардим. Ҳозиргина танбал күёви учун мендан тўрт юзта мингталикниundiриб олмоқчи бўлган қирқ ёшдаги бесўнақай хотин – Женевьевеванинг қизалоқлигига тиззамда ўтирганлари эсимда. Уни менинг бағримда кўришинг билан

чақириб олардинг. Агар шу тарзда ўтмишни ҳозирги күн билан аралаштираверсам, бу тавба-тазарруимнинг охири кўринмайди. Ёзувларимга бир оз тартиб киришишга уриниб кўраман.

## Олтинчи боб

Ўша даҳшатли тундан кейин, сени бирданига ёмон кўриб қолганим йўқ. Менга нисбатан бефарқ эканингни, кўзларингга ана шу йиғлок, бакироқ ва очкўз гўдаклардан бошқа ҳеч ким кўринмаслигини ҳис қилиб борганим сари дилимда аста-секин сенга нисбатан нафрат уйғониб борди. Сен менинг ўттиз ёшга кирмасданоқ фуқаро ишлари бўйича таникли адвокат бўлиб етишганимни ва машҳурлиқда пойтахт Париждаги адвокатлар кенгашидан кейин турадиган Марселдаги адвокатлар кенгашининг тенг хуқуқли аъзосига айланганимни билмай колгандинг. Вильнев ишидан (1893й.) кейин мен жиноий ишлар бўйича адвокат сифатида ҳам шуҳрат қозондим ва фақат сен мен олиб борган иш кўтарган катта шов-шувга аҳамият бермадинг. (Ҳар икки соҳада машҳур адвокат бўлиш – сийрак учрайдиган ҳол). Ўша йили ўртамиздаги келишмовчилик ошкора жангга айланди.

Машҳур Вильнев иши менга шуҳрат келтириди ва айни пайтда мени сиқиб турган исканжани янада қаттиқроқ тортди: ўша дамгача менда озгина умид бордек эди: Вильнев иши сен учун менинг йўқлигимни исботлади.

Вильневларнинг тарихи эсингдамикан? Турмуш курганларига йигирма йил бўлганига қарамай, бир-бирларини афсонавий муҳаббат билан севишарди. “Вильневлардек ахил” деган ибора кенг тарқалган эди. Улар ўн беш ёшлардаги ёлғиз ўғиллари билан шаҳар ташқарисидаги Орион қасрида истиқомат қилишар, бир-бирларининг дийдорлари кифоя қилганидан камдан-кам меҳмон чақиришарди. “Бундай муҳаббат фақат китобларда учрайди!” – дерди онанг аллаким-

лардан эшитиб олган иборани құллаб (бу одат Женевьевага мерос қолган). Балки уларнинг фожиасини унугандирсан? Гарчи кунларнинг бирида овқат пайтида айтиб берган хотираларимдан кулган бўлсанг ҳам, бу ҳақда сенга ҳикоя қилиб бераман.

Бир куни эрталаб, пастки қаватдаги хоналарни йиғиштириб юрган хизматчи тўппонча ва фарёд овозини эшитиб, юқорига чиқади: Уй соҳибларининг хонаси қулфлоғлиқ эди. Ичкаридан шивир-шивир товушлар, жихозларнинг оҳиста сурилаётгани, кимнингдир ювинадиган хона сари шошиб одимлаётгани қулоғига чалинади. Бир неча сониядан сўнг, хизматчи зулфни тортқилаб, эшикни очади. Енгил кийинган ва қонга беланган Вильнев хоним тўппонча ушлаганича, эрининг оёқ томонида туради. “Мен жаноб Вильневни ярадор қилдим, тезлик билан жарроҳни ва полиция комиссарини чақиринг”, – дейди у.

Айбланувчи адвокат олишни хохламади. Мен Вильнев хонимнинг ҳимоячиси қилиб тайинландим, лекин ўжар аёлдан гап ололмадим. Шаҳарда унинг ҳақида бўлмағур гаплар тарқалганди, мен эса, биринчи кунданоқ унинг бегуноҳ эканлигига асло шубҳа қилмаган эдим: хоним ўз-ўзини айблар, уни жонидан ортиқ севганди эри эса буни тасдиклар эди.

Севгидан баҳраманд бўлмаган кишилар ўзгаларнинг муҳаббатини қучлироқ ҳис қиласидилар. Аёлнинг ўз эрига бўлган муҳаббати тасаввур қилингандан ҳам ортиқ эди. У эрини отмагани аниқ. Бу ерда эри уни ўз гавдаси билан бирон-бир ошиқнинг ҳужумидан ҳимоя қилган бўлиши мумкин. Аммо сўнгти икки кун мобайнода уларникига ҳеч ким келмаган. Таниш-билишлари орасида бу уйга тез-тез қатнайдиган кимсанинг ўзи йўқ.

Судгача мен Вильнев хонимни айбсиз дейищдан нарига ўтмадим. Лекин Вильневларнинг ўғли, ўспирин Ивнинг кўрсатмасини эшитиб, миямга ажойиб бир фикр келди. Тўғри, унинг кўрсатмаси ҳеч нарсани ойдинлаштирмасди. Аммо онанинг синовчан назари, ўғлининг зални тарк этгандан кейин енгил нафас оли-

ши, орадаги “сир парда”сини олиб ташлади. Шундан кейин мен ҳаддан зиёд севимли отани онага рашк қилиб келган, асаблари заиф үғилни айблаб, нутқ сўзладим. Эҳтирос билан, далиллар асосида, фикрларимни ўртага ташладим. Профессор Ф.нинг иқорича, менинг ана шу далилларим асосида у ўсмирларда асаб касалликларини даволашнинг янги усувларини кашф қилган эди.

Қирқ йил илгари барча газеталар суратимни бошиб чиқаргани, шухрат чўққисига кўтарилилганларимни эслатиб, кўнглингда ўша кезлар уйғонмаган завқни энди уйғотмоқчи эмасман, йўқ. Ютуғимга, обрўйимга бефарқ қарашинг мени ёлғизлик, ғариблик азобига ташлаган эди. Айни пайтда, умр йўлдошига бўлган муҳаббати учун ўзини курбон қилаётган, тўрт девор ичида ҳибсда ўтирган аёл бир неча ҳафта мобайнида кўз ўнгимда турди. У фарзанди учун эмас, кўпроқ эри учун ўзини ўтга урган эди. Жабрланувчи эр рафиқасига: “Айбни ўз бўйнингга ол...”, – деб ялинган. У эса: “Эримнинг қотилиман”, – деб ҳаммани ишонтирганди. Уни айбсиз айбдор бўлишга ундан нарса – оналик меҳри эмас, балки аёллик муҳаббати эди (Воқеаларнинг кейинги ривожи буни амалда тасдиқлади. Вильнев хоним үғлини ўзидан ажратди ва турли баҳоналар билан ундан узокда яшади). Мени ҳам ўша Вильневдек севишлари мумкин эди. Иш кўрилаётган кезлар уни бир неча марта учратдим. Унинг ҳеч бир ери менинидан ортиқ эмас эди. Келишган, маданиятли, лекин ўта ақллига үхшамасди. Агар ўша дамда мени ҳам бирон-бир аёл севганида эди, ҳеч шубҳасиз, юқори мансаблар ва даражаларга эришган бўлардим. Инсон ёлғиз ўзигагина ишониб яшай олмайди. Кучимиз ва имкониятларимизга бирон-бир кимса шоҳид бўлиши керак. У мағлубиятлар ва ютуқларимизнинг хисобини олиб боради, мукофот олишимиз керак бўлган кунларда эса бизни тақдирлайди. Бир вақтлар мактабда мукофотга олинган китобларни ушлаб турар эканман, оломон ичидан онамни қидириб топардим, у олтин рангдаги япроқлар тожини тап-тақир бошимга кўндириб кўярди.

Вильнев иши даврида онам ўзини олдира бошлади. Мен буни кейинроқ пайқаб қолдим: мени кўриши билан безовталаниб, ҳурийдиган қора лайчага бўлган ортиқча эътибори онамдаги тушкунликнинг биринчи белгиси бўлди. Олдига ҳар борганимда шу жонивор ҳакида сўзлар, менинг гапларимга эса эътибор бермай қўйганди.

Нима бўлганда ҳам, она меҳри мени ботқоқдан олиб чиқиши мумкин бўлган муҳаббат ўрнини боса олмаган бўларди. Онамнинг энг катта қусури – бойликни, пулни яхши кўриши эди. Бу қусур менга ҳам мерос қолган, пулга ҳирс қўйиш қонимга сингиб кетган. Онам “мўмай пул топадиган” касбимни ўзгартиришимни истамасди ва бунинг учун қўлидан келган барча чораларни кўришга тайёр эди. Мен ижод билан шуғулланишим мумкин эди, газеталар, йирик журналлар ҳол-жонимга қўймаётган, сўл партия сайловларда мени Ла Бастиддан номзодликка таклиф қилаётган бир пайтда (менинг ўрнимга розилик берган кимса осонгина депутат бўлди) шухратдан воз кечдим, чунки “мўмайгина пул топишдан” тўхташни хоҳламадим.

Сенинг ниятинг ҳам шу эди. “Ҳеч қачон қишлоқни тарк этмайман!” – деган эдинг. Мени чинакамига севган аёл эса обрў-эътиборимни ҳамма нарсадан юқори қўйган, шухрат йўлида мешчанларча эҳтирослардан воз кечиб яшаш лозимлигини тушунтирган бўларди. Телба журналистлар вазир ёки депутат бўлган адвокатларни мансабларидан шахсий манфаатларини қондириш учун фойдаланяптилар, деб шовқин соладилар. Ҳолбуки, даромад келтирадиган жиноий ишлардан сиёsat бобида шухрат қозонишни афзал кўрган, истакларини тартибга sola билган бу кимсалар олқишига сазовордирлар. Чинакамига севганингда, мени хасислик дардидан халос қилган ва олий мақсадлар сари ундан бўлардинг.

Лекин қаёқда! Ягона мақсадим –“мўмай даромад” топиш бўлиб қолганди. Мана энди йиллар давомида чеккан машаққатларим эвазига орттирилган бойликдан ўзга нарсага эга эмасман. Мана шу жирканч бой-

## | Чюнаб қолиша |

ликни деб менга ўлим тиляпсизлар. Ўлимимдан хурсанд бўлишингизни ўйласам, даҳшатга тушаман.

Аввалига сизларга ҳеч вақо қолдирмаслик чоралирини кўрганлигимни сенга айтган эдим. Кейинчалик бу интиқомдан воз кечганлигимни ҳам биласан... Лекин юрагимдаги нафрат ўтини денгиздаги сув кўтарилишига қиёслаш мумкин. Баъзан у узоклашади ва мен енгил тортаман... Баъзан у қайтади ва нафратнинг лойка тўлкинлари мени ғарқ қилгудек бўладилар.

Пасха байрами куни мени ўша Филини деб таламоқчи бўлганингиздан бери сизларнинг меросни қандай тақсимлашингизни тасаввур қиласман. Ўшанда ҳозирги аҳиллигингиздан асар ҳам қолмайди: ерларимни, акцияларимни итдек талашасизлар. Ерлар сизларники бўлади, лекин акциялардан умид ҳам қилманглар. Ушбу мактубнинг биринчи саҳифасида айтилган акцияларни ўтган ҳафта энг қиммат баҳода сотиб юбордим: ўшандан бери уларнинг баҳоси ҳар куни тушяпти. Мен ташлаб кетган ҳар бир кеманинг чўкиши муқаррар: мен ҳеч қачон адашмайман. Миллионлаб нақд пулга эга бўласизлар: агар айниб қолмасам, улар сизларники бўлади. Сизларга бир сантим<sup>2</sup> ҳам бермасликка қарор қилганимдан бери кўп кунлар ўтди.

Подага ўхшаб зинадан кўтарилаётганингизни ва шивир-шивирингизни эшишиб турибман. Тўхтадинглар; уйғониб кетишимдан кўркмай гаплашяпсизлар (ҳаммангиз мени кар деб ўйлайсиз); қўлларингиздаги шамларнинг ёғдуси эшик остидан тушиб турибди. Филининг ўткир овозини танидим (у бир оз бўғилиб қолганга ўхшаяпти), кейин бирданига ёш жувонларнинг оҳиста кулгулари, шақиллаб гап сотаётганлари қулоққа чалинди. Уларни уришиб ташладинг. “Сизларни ишонтириб айтаманки, у ухлаётгани йўқ!” – дейсан. Эшигимга яқинлашиб, кулоқ соласан, кейин калит солинадиган тирқишдан мўралайсан. Чироқ мени сотиб кўяди. Тўпланиб турганларнинг олдига қайтасан ва уларга: “У ухлаётгани йўқ, гапларингизни эшишиб турибди”, – дейсан.

2 Сантим – Француз майдада чақаси (юздан бир франк).

Улар оёқ учида узоқлашадилар. Зина пиллапояла-ри ғирчиллади; бириң-кетин эшиклар ёпилади. Пас-ха оқшомида уй жуфтларга тұлиб кетади. Ана шу ёш новдалар мени үз таналари деб тан олишлари мумкин зди. Оталарни ҳурмат киладилар, севадилар, лекин сен менга душмансан, фарзандларим ҳам рақиб томонға үтиб кетғанлар.

Энди орамиздаги адөват масаласига келсак, ёзишга мажолим қолмади. Юрагим хаста бўлса-да, оёқ узатиб ётишни истамайман. Менинг ёшимда уйқуга берилиш ўлимни чорлаш, демакдир. Тик оёқда эканман, ажал мени четлаб ўтадигандек туюлади. Нимадан қўрқаман? Сўнгги азоб – сўнгги ғарғараданми?! Йўқ, лекин ўлим бу интиҳо демакдир ва унинг моҳиятини ман-фийлик “–” белгиси билан ифодалаш мумкин.

## Еттинчи боб

Ҳали уч нафар фарзандимиз гўдак эканлигига ора-мизга совуқлик тушмаганди, уйимиздаги муҳит эса оғир зди. Лекин сен бундан безовта эмасдинг: менга нисбатан бефарқ эдинг, чунки юриш-туришим, ишларим билан мутлақо қизиқмасдинг. Мен уйда кам бўлардим. Эрталаблари соат 11 да нонушта қиласдим-да, Адлия саройига етиб борарадим. Иш мени бутунлай банд қилас, сенга баҳшида этишим мумкин бўлган оз-гинагина вақтимни нималарга сарф этганимни яхши биласан. Мен содда, ҳис-туйғудан, озгина бўлса ҳам нафосатдан маҳрум ишратга ҳеч бир асоссиз равишда берилган здим. Атрофимда эса, менинг ким эканли-гимдан қатъиназар, эркак кўнглини овламоқчи бўлган аёллар кўп зди. Кишиларга завқ бағишлийдиган бун-дай саргузаштларни мен ҳам осонлик билан бошимдан ўтказишим мумкин зди. Менинг ёшимдаги адвокатдан баъзи бир нарсаларни илтимос қилишлари табиий ва маълум хол. Лекин мен ҳурлиқоларга бўлган ишончни, тўғрироғи, ўзимдаги уларга ёқа олишга бўлган ишончни йўқотаётганди здим. Мен бир қараашдаёқ ўша аёллар-

нинг асл ниятларини билиб олардим. Уларнинг ҳаммалари ўзларига фойда ундириш ниятидалар, деган олдиндан чиқариб қўйилган хулоса мендаги ҳар қандай иштиёқни сўндириб қўярди. Нимани ҳам яширадим. Ҳеч ким мени севмайди, деган ўша мудҳиш фикрнинг ёнига боплаб алданишни истамаган бадавлат кимсанинг эҳтиёткорлиги ҳам қўшилган эди. Сенга келсак, “нафақангни” белгилаб қўйгандим; белгиланган миқдордан ортиқ бир франк ҳам бермайдиган одам эканлигимни яхши билардинг. Белгиланган пулнинг миқдори анчагина эди ва сен ўша миқдордан ортифи ни сўрамасдинг. Бу томондан менга ҳеч қандай хавф таҳдид солмаётган эди. Лекин бошқа аёлларга келсак! Мен аёлларни икки тоифага: беғараз маъшуқалар ва пул илинжида юрадиган фоҳишаларга тақсимлайдиган тентаклардан бири эдим. Аслида эса аёлларнинг кўпчилиги айни пайтда ҳам севгига, ҳам ёрдамга, ҳам химояга ва эркалашларга муҳтожлар. Олижаноблигим туфайли эмас, балки ўта эҳтиёткорлигим ва хасислигим сабабли ўзимни ўзим кўп нарсалардан маҳрум қилганимни мана 68 га кириб яққол кўриб турибман ва аламимдан баъзан ув тортиб юборай дейман. Бир неча марта бундай алоқалар бир лаҳза ичида поёнига етган ва бунга ё менинг оддийгина майлни тушуниб етмаслигим, ё қўланса феъл-атворим, буни сен яхши биласан, сабаб бўлган эди. Мен чой пули ҳақида ресторонда ёки аравакашларга ҳақ беришда тортишишни ёмон кўраман. Кимга қанча тўлашим кераклигини аввалдан билишни афзал биламан. Ишратнинг белгиланган баҳоси мени бузуқ йўлга киришга мажбур қилганди. Менга ўхшаган одамда юрак даъвати ва ҳирсни қондиришга бўлган интилиш орасида қандай қилиб ҳам монандлик бўлсин? Қалб истаклари, мен энди уларни рӯёбга чиқариш мумкин эканлигини тасаввур ҳам қилмасдим. Ҳали мурғак ҳолида уларни сўндирадим. Ишқий ҳиссиётларни бошқариш мумкин бўлган, эҳтиросга берилиш ёки берилмаслик ҳали ўз ихтиёrimda эканида ҳар қандай туйғуни йўқ қилиб ташлашга уста бўлиб кетгандим. Мен соддароқ бўлса ҳам, аниқ бел-

гиланган ақча әвазига ишрат қилишни афзал күрардим. Менга панд беришларини ёмон күраман, лекин тұлашим керак бўлган қийматни ҳар доим тұлайман. Сизлар мени қизғанчик, хасис дейсизлар. Ҳолбуки, ҳеч кимдан қарз эмасман, ҳар қандай ҳисоб-китобни вактида қиласман. Таъминотчиларим буни билишади ва мени хурмат қилишади. Кичкинагина қарз ҳам мен учун чидаб бўлмас азобдир. “Ишқ изҳорини” мен шу йўсинда, пул тўлай, тўлай англаб етганман... Қанчалар бадкорлик!

Йўқ, бир оз бўрттириб юборяпман, ўзимни лойга булғаяпман. Мен севганман, эҳтимол севилгандирман ҳам... 1909 йилда, ёшлигимнинг хотима даврида. Бу воқеа ҳақида индамай ўтиб кетишнинг нима кераги бор? Мендан ниманидир ундириб олиш керак бўлганида ўша воқеани юзимга согландинг.

Ёш боланинг қотили сифатида айбланаётган ўша ёш ўқитувчи аёлни ноҳақ жазодан қутқариб қолган эдим. У дастлаб миннатдорчилик юзасидан мен билан бирга бўлди, лекин кейинчалик... Ҳа, ўша йили мен муҳаббат нима эканлигини билдим. Аммо хасислигим, худбинлигим туфайли ҳамма нарсадан маҳрум ҳам бўлдим. Уни муҳтоҷлик, қашшоқликда кун кечиришга мажбур қилганим етмаётганидек, мен айтган жойдан жилмайсан, ҳеч ким билан учрашмайсан, деган талабларни кўйдим. Истаганимда уни холи кўришни, бағримга олишни; истаганимда эса ташлаб кўйишни, кейин яна ўзимники қилишни хоҳлаган эдим. Мен уни шахсий буюм ўрнида кўрардим. Менда нафақат буюмлар, балки одамлар устидан ҳам хўжайнлик қилишга, ишлатишга, ишлатиб бўлгач, ташлаб юборишга иштиёқ бор эди. Аслида кулдор бўлиб туғилишим керак эди. Умримда биринчи марта ўзини қурбон қилишга рози бўлган, менинг ҳамма талабларимга жавоб бера оладиган инсонни топғандек эдим. Мен унинг юриш-туриши, кимга, қаёққа қарашларигача назорат остига олгандим...

Бундай икир-чикирлар билан бошингни қотирмасликка ваъда бергандим, унугаёзибман. Хуллас, ўша аёл ортиқ чидай олмади, Парижга кетиб қолди.

# | Илониар Ҳамид |

– Сен фақат биз билан эмас, кўпчилик билан чиқиша олмайсан, – дегандинг менга бир неча марта. – Ахир Луи, наҳотки ҳамманинг сендан қўркишини, сендан ўзини четга олишини кўрмаётган бўлсанг?!

Буни жуда яхши қўриб турадим. Адлия саройида мен яккаланиб қолган эдим...Ҳакамлар ҳайъатига ҳам мени зўрға сайлашганди. Ўша чаласаводларнинг зўрлашларига қарамай, мен Адвокатлар коллегиясининг бошлиғи бўлишдан воз кечган эдим. Қолаверса, буни ҳеч қачон орзу ҳам қилмагандим. Тақдимот маросими, зиёфатлар уюштириш лозим бўларди. Бу дабдабалар анчагина қиммат турари, овора бўлганга арзимайди. Сен эса болаларни деб бунга рози бўлардинг. Бирон нарсани ҳеч қачон ўзинг учун амалга ошишини истамагансан. Ҳар доим “Шу ишни болалар учун қилгин”, дейсан.

Тўйимиз бўлиб ўтган йили, отанг биринчи юрак хуружини бошидан кечирди ва Сенон қасри биз учун ёпиб қўйилди. Сен тезда Калезни ўзингники қилиб олдинг. Узим ёқмасам ҳам, уй-жойим сенга жуда ёқкан эди. Менинг ҳовлимда илдиз отдинг, лекин илдизларимиз бир-бирига чирмашиб кетмади. Болаларинг ана шу уйда, ана шу боғда таътилларини ўтказардилар. Кенжатойимиз Мария ана шу уйда вафот этди. Мудхиш воқеадан айтарли даражада даҳшатга тушмадинг, лекин қизалогимизнинг ётоғини зиёратгоҳга айлантириб қўйдинг. Ана шу уйда сен товуқдек тухум қўйиб, жўжабирдек жон орттиридинг, касал бокдинг, бешик тебратдинг, энага ва тарбиячилар билан жанжаллашдинг. Ана шу олмаларнинг шохларига боғланган арқонларда маъсума жажжи Мариянинг қўйлаклари қуритилган. Ана шу меҳмонхонада аббат Ардуен болаларни атрофида тўплаб, ғазабимдан қўрққанидан уларга диний бўлмаган қўшикларни ўргатар эди.

Ёз оқшомлари, уй олдида трубка чекиб юrar эканман, уларнинг Люллининг ариясини куйлаётган тиниқ овозларини эшигардим: “Бу ўрмонлар, қоя булоқлар, оҳ, Қанчалар гўзал эканлар...” Ушбу сокин муҳаббат дунёси, маъсум болалик ва орзулар қароргоҳининг эшиклари мен учун берк эканини билардим.

Мехр-муҳаббат тўлкиnlари мен турган қирғокқа бир неча қадам қолганида яна орқага қайтмоқда эди.

Меҳмонхонага кирган заҳотим жимлик чўкарди. Женевъева бирон-бир китоб билан үзини четга оларди. Мариягина мендан кўрқмас, чақирсам чопиб келарди: мен уни куч билан бағримга босар, у ғужанак бўлиб, кучоғимга жойлашиб оларди. Мен унинг қуш юраги каби бежо тепаётган қалбини аниқ ҳис қиласдим... У ерга тушар-тушмас боғ томон чопарди... Қизгинам!

Болаларимиз менинг ибодатга бормаслигимдан, жума кунлари гўштли котлет ейишимдан анча эрта воқиф бўлдилар. Лекин иккимизнинг орамиздаги кураш, уларнинг кўз ўнгиларида фақат бир неча мартағина авжига минди ва деярли ҳар сафар мен мағлуб бўлавердим. Ҳар бир мағлубиятдан сўнг, пинҳоний жанг давом этарди. Калез буларнинг ҳаммасига саҳна вазифасини ўтарди, чунки шаҳардаги уйимизда мен сира бўлмаганман. Адлия хизматчиларининг таътиллари коллеж таътиллари билан бир вақтга тўғри келгани сабабли, август ва сентябрь ойларида ҳаммамиз ана шу ерга йиғилардик.

Иккаламиз жанжаллашган ўша кун ҳамон эсимда (бунга Муқаддас Тарихни мутолаа қилаётган Женевъеванинг олдида қилган ҳазилим сабаб бўлганди). Мен болаларимнинг ақл-идрокларини муҳофаза қилишга ҳаққим борлигини айтдим, сен эса уларнинг руҳониятларини ҳимоя қилиш асосий бурчинг эканини менга рўкач қилдинг. Биринчи сафар мен мағлуб бўлдим ва Губертни иезуитлар қўлига, қизалоқларимизни эса аёллар монастиридаги мактабга топширишга розилик бердим. Фондодежлар хонадонидаги урф-одатларнинг салмоғи, назаримда мени ана шу нарсага мажбур қилганди. Лекин ўч олишни истаётгандим: ўша куни мен ўзим учун жуда муҳим бўлган нарсани, яъни сени талвасага солиб қўя оладиган, менга бефарқ бўлишга чек қўя оладиган ва нафратланиб бўлса-да, эътиборингни менга қаратишга мажбур қиласдиган ягона мавзуни билib олгандим. Нихоят, сени қўлга туширдим ва бўла жак жанглар учун майдонни аниқлаб олдим. Якин-

дагина динга ишонмаганлиги сабабли олий табақа вакиллари бўлмиш ўртоқларидан дакки еб, ўкиниб юрган бадавлат дехқон фарзандининг бўм-бўш қалби муҳаббат алами ва чексиз нафрат билан тўлиб-тошмоқда эди.

Баҳс тушлик пайтида яна авжига чиқди (сендан, кайнатилган мол гўшти эмас, балиқ ейишингни кўриб Тангри қандай қониқиш олиши мумкинлигини сўраб колдим). Ўтирган ерингдан туриб кетдинг. Болаларнинг менга қандай қараш қиласланлари эсимда. Сени ўз хонангдан топдим. Кўзингда ёшдан асар ҳам йўқ эди. Ўта хотиржамлик билан гапира бошладинг. Ўша куни мен, ўзим тасаввур қиласланда даражада эътиборингдан четда эмаслигимни тушундим. Сен аллақандай хатлардан хабар топган эдинг. Уларнинг ёрдамида қўйди-чиқдини осонгина амалга ошириш мумкин эди.

– Сен билан болаларни деб яшаб юрибман. Лекин уларнинг тақводорликларига таҳдид соладиган бўлсанг, иккиланиб ўтирумайман.

Ха, сен ростдан ҳам мени ва пулларимни ташлаб кета олган бўлардинг. Болаларнинг онгларидан жой олган бидъат, яъни расм-русумлар, ривоятлар ва диний ақидаларни деб, ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр эдинг.

Ҳали Мариянинг ўлимидан кейин ҳақорат мазмунидаги ҳатингни ёзиб улгурмаган эдинг. Ўша кезлари тилинг узун эди. Орамиздаги жанжал туфайли мавқе имга путур етиб қолаёзганди. У вактларда бундай нарсалар билан ўйнашиб бўлмасди, айниқса қишлоқ жойларда. Менинг яширин тўгаракларга аъзолигим ҳақида аллақачон узунқулоқ гаплар тарқалганди, ғояларим мени одамлардан ажралиб қолишимга сабаб бўлаётганди. Оиланинг обрў-эътиборисиз жуда мушкул ахволга тушиб қолган бўлардим. Бундан ташқари... ажрашадиган бўлсак сенга қарашли бўлган Сувайш канали акцияларини қайтариб бериш лозим бўларди. Бу бойликни ўзимники, деб ҳисоблашга ўрганиб қолгандим. Улардан маҳрум бўлишни тасаввур қилсанм (отанг бизга ажратиб берган рентани ҳисобга олмаганди), изтиробга тушардим.

Мен мулойим тортиб ҳамма талабларга кўндинг, лекин бўш вактимда болаларнинг муҳаббатларини қозонишга қарор килдим. Бу қарорга мен 1896 йил августда келган эдим.

Эндиликда ўтмишга айланиб қолган ўша жазирама ва жимжит ёз фаслида юз берган воқеалар эса 1895 – 1900 йилларда, яъни беш йил мобайнида содир бўлганди.

Кичкинтойларнинг меҳр-муҳаббатини қозониш қийинлигини ўйлаб кўрмаган эканман. Мен оиласда отанинг обрў-эътиборига ва ўзимнинг заковатимга ишонгандим. Ўн яшар болани, икки кичик қизалоқни ўзимга ром қилиш ўйинчоқ ўйнагандек бўлади, деб тахмин қилгандим. Айланиб келишни таклиф қилганимда, уларнинг довдираб қолганлари, безовта бўлганлари ҳамон хотирамда турибди. Сен ҳовлида, аргувон дарахти соясида ўтирган эдинг. Болалар сенга савол назари билан қарадилар.

– Қўзичоқларим, мендан рухсат сўрашингизнинг кераги йўқ, – дединг сен.

Биз жўнаб кетдик. Болалар билан нималар ҳақида сўзлашсам экан? Жамоат вазирлигида ёки суд мажлисида айбланувчини ҳимоя қилаётганимда, залда ҳозир бўлганларнинг адоватига қарамай, раиснинг кўнглига ғулгула соладиган даражада сўзамол бўлган мендек кимса болалар олдида ҳамда оддий кишилар, дехқонлар ҳузурида ўзимни йўқотиб, довдираб қоламан. Ҳолбуки, ўзим дехқондан чикқанман.

Болалар менга хурмат ва эҳтиёткорлик билан қарашарди. Бу учала қалбни сен илгарироқ эгаллаб олган эдинг. Сенинг рухсатингсиз уларнинг қалблари мен учун ёпик эди. Нима ҳам қиласдим, ҳар қалай уларнинг назарларида ўз ўрним бор эди. Улар оталари ҳақ йўлга қайтиши ва бунинг учун Тангрига илтижо қилиши керак, деб ҳисоблардилар. Дин ҳақида нимаики демай, ҳатто динга шаъма қилиб гапиргудек бўлсан ҳам, болаларнинг менинг тўғримдаги соддадил таас-суротлари янада мустаҳкамланарди.

Фарзандларимиз эътиқод билан нишонланадиган

## | Ҳонум Қалаша |

диний байрамларга тұлиб-тошган ажойиб дунё ичида яшар здилар. Болалар биринчи ёндашув маросимидан қайтаётгандарыда ёки унга тайёргарлик күраётгандарыда, уларға маросим ҳакида гапириб, мақсадингни амалга оширап здинг. Оқшомлари Калезда, ҳовли сахнида улар Люллининг арияларинигина эмас, балки күпроқ диний құшикларни күйлашарди. Мен узокдан сизларни кузатардим, агар ойдин кеча бўлса, учала кичкинтойнинг гавдаларини илғай олардим.

Тош йўлка устида қадам товушим эшлилиши билан қўшиқ тўхтарди.

Якшанба кунларидаги ибодатга жўнаб кетиш тайёргарликлари мени уйғотиб юборарди. Сен ҳам доим якшанбалик зиёратдан кечга қолишга кўркардинг. Отлар депсинишаради. Кеч қолаётган ошпаз хотинни чакирадинглар. Болалардан бирортасининг дуо китобчаси эсдан чиқиб қоларди. Аллақандай ўткир овоз қулоққа чалинаради: “Бу Муқаддас Учлик қунидан кейин қайси якшанба?”

Болалар ибодатдан қайтишганда, мен ҳали ўрнимда ётган бўлардим. Ўрганган дуоларининг ҳаммасини менга бағишилаган кичкина Мария, руҳий силжиш бўлганига ишончи комил ва дикқат билан менга қаарди.

Фақат Мариягина менинг ғашимга тегмасди: унда кишини ҳаяжонлантирувчи самимилик, хизматкорлар, корандалар, қашшоқларга нисбатан ҳамдардлик бор эди. “Бу киз бор нарсасини улашиб беради, у пул ушлашни билмайди. Бу яхши албатта, лекин ҳар ҳолда унга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак бўлади...”, – дейишарди у ҳақда. “Хеч ким унга монелик қилмайди, ҳатто отаси ҳам”, – дейишарди яна. Мариянинг ўзи оқшомлари тиззамга чиқиб оларди. Бир марта у елкамга бошини қўйиб, ухлаб қолди. Унинг жингалак кокиллари юзимни қитиқлар, лекин мен қимир этмасдим. Соат 9 да энага уни олиб кетишга келди. Мен Марияни хонасига кўтариб, олиб чиқдим. Сизлар, бегуноҳ қурбони устида чарх ураётган йильтқиҷ күшни кўраётгандек ҳайратдан донг қотиб, мени кузатиб турардингиз.

Бир неча кундан кейин, 14 август куни эрталаб Мария менга:

– Бир нарса десам, хўп дейсизми, хўп дейман, деб ваъда қилинг, кейин айтаман?! – деб қолди (болаларнинг бунақа нарсаларга уста бўлишларини яхши билласан).

У менга эртаси куннинг соат 11 даги ибодат вақтида куйлашингни ва менинг ҳам у ерда бўлишимни истаётганини айтди.

– Хўп, деди! Хўп, деди! – деди Мария бўйнимдан кучоқлар экан. – Гап битта!

Мен розилигимни билдириш учун уни ўшиб қўйдим. Хонадонимизда шов-шув бўлиб кетди: ҳеч қачон черковга қадам босмайдиган хўжайин эртага ибодатга боради! Бу воқеа муҳим аҳамият касб этди.

Кечки овқат пайтида узок вақтгача асабийлашиб ўтирдим. Губерт сендан Дрейфус ҳакида алланимани сўради. Жавобингни менга ёқмаганлигини айтганим эсимда. Дастурхон атрофидан туриб кетдим. Жомадонимни йиғиштириб, 15 август куни эрталаб соат 6 даги поезд билан Бордога жўнадим ва у ерда куни бўйи сикилиб, дайдиб юрдим.

Ўша воқеадан кейин қайтиб Калезга келишим ғалати, албатта. Таътил вақтларимда саёҳат қилмай, нима учун сизлар билан бўлган эканман? Бунга кўп сабабларни келтириш мумкин. Тўғриси, иккиёқлама харажатдан қочганман. Уйни қулфламай ва қозонни сувга ташламай сафарга чиқиш ва ўйламай пул сарфлаш мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмас эдим. Уйда бўлмасам ҳам, рўзғорга аввалгидек харажат қилинаётганини билганим ҳолда, юртма-юрт юриш менга ҳеч бир ҳаловат бағишлимаган бўларди. Шунинг учун ҳам каламушхонамизга қайтиб келишга мажбур эдим. Модомики, кундалик насибам Калезда экан, қандай қилиб ўзга ерларда тамадди қиласай? Ушбу тежамкорлик менга онамдан мерос қолган ва қон-қонимга сингиб кетганди.

Шундай қилиб, қайтиб келдим, лекин адоватим ҳали босилмаган, ҳатто Мария ҳам унинг қаршисида иложисиз эди. Сенга қарши курашнинг янги усулини кашф этгандим. Эътиқодингга тўғридан-тўғри зарба

## | Ишончар қалыпта |

беришдан бутунлай воз кечдим, лекин ҳар бир кулай вазиятдан фойдалана бошладим. Бечора Изә, қанчалар эътиқодли христиан аёли бўлмагин, сени чув туширганимни тан олгин. Сахийлик муҳаббат ифодаси бўлса, сен буни эсингдан чиқариб юборгансан ва эҳтимол ҳеч қачон муҳаббат нима эканлигини билмагансан. Ушбу сўз замирида сен камбағалларга кўрсатиладиган тор маънодаги саховатни тушунардинг ва охиратингни ўйлаб бу ишни чидам билан адо этардинг. Бу жабҳада анчагина ўзгарганингни тан оламан: сен энди саратон касалига чалингланларни даволай бошладинг, тўғри! Лекин ўша вактларда, итоатингда бўлган бечора бандалардан, кўрсатган ёрдамингдан баҳраманд бўлганларидан кейин, ҳақингни ундириб олмасанг, кўнглинг жойига тушмасди. Сен хонадон бекаларининг оз пул сарфлаб, кўп даромад ундириш одатига содик қолган эдинг. Эргаталблари аравачасида сабзавот олиб келадиган ва шу ишдан ниҳоятда оз даромад кўрадиган кампирдан озгина кўкатни ҳам савдолашмай, нархини бир неча тийинга камайтирмай харид қилмасдинг, ҳолбуки, агар у хайр-эҳсон сўраса, албатта берган бўлардинг.

Хизматкорлар ва корандаларнинг зўрға ботиниб иш ҳақини ошириш ҳақидаги илтимослари, сени аввалига танг қиласар, қаҳр-ғазабингни уйғотарди ва мунозара сенинг фойдангга ҳал бўларди. Уларни сиз ҳеч нарсага муҳтож эмассиз, деб ишонтириш қобилиятига эга эдинг:

— Яшашга жойингиз бор, менинг емимни еб семирадиган чўчқанинг ярмисини берсам, сабзавотлар етиштиришга томорқангиз бўлса...

Шўрлик омилар шунчалик бадавлат эканларидан ҳайратга тушардилар. Сендан ойига 40 франк ҳақ оладиган оқсоҷ хотинга пулларини омонат кассага қўйиши зарурлигини таъкидлар эдинг.

— Ҳамма эски кўйлакларимни, юбкаларимни, бошмоқларимни унга беряпман. Пулнинг унга нима кераги бор? Яхшиси, оиласидагиларга совға-салом учун йиғиб қўйсин.

Лекин бетоб бўлгудек бўлсалар, уларни жон-жаҳ-

динг билан даволардинг; сен уларни ҳеч қачон ўз ҳолларига ташлаб қўймасдинг: кўнгилчан хўжайинлари ёмон кўрадиган ушбу инсонлар сени хурмат қилганини ва ҳатто сени севганларини тан оламан. Барча масалаларда ўз даврингнинг ва табақангнинг ғояларига содик эдинг. Лекин ҳеч қачон сен ушбу фикрлар Инжилга зид эканини тан олмагансан:

– Ана холос, – дердим мен, – ўйлардимки, Исо пайғамбар бу ҳақда... Сен ўзингни йўқотар ва тўхтаб қолардинг, болаларни ўйлаб жаҳлинг чикарди. Лекин барибири ҳар доим мен қўйган тузоқقا тушиб қолардинг.

“Сўзма-сўз амал қилиш шарт эмас...”, – деб минғирлардинг сен. Мен бу ерда ҳам осонгина устун келар ва сенга Инжилга сўзма-сўз итоат этиш билангина авлиё бўлиш мумкинлиги ҳақидаги мисолларни ёғдириб ташлардим. Агар сен бечора ўзингни авлиё эмаслигингни айтгудек бўлсанг, сенга ушбу ўтигини ўқирдим:

“Илоҳий отангиз етук бўлгани каби, етук бўлингиз”. Ўзим танлаган усулда сенга яхшилик қилганини тан олгин, модомики, ушбу кун саратон дардига мубтало бўлганларни даволаётган экансан, бу ишда менинг ҳам ҳиссам бор деб биламан! Болажонларингга бўлган меҳринг ўша пайлари сени бутунлай банд қилганди; сендаги барча саховат, садоқат уларга сарфланарди. Сен улардан бошқа ҳеч кимни кўрмас эдинг. Улар сени нафақат мендан, балки эл-юртдан юз ўгиришга мажбур қилдилар. Ҳаттоки, болаларга соғлиқ ва омадни Тангридан тилаб олиш тўғримикан, деб сўраганман ҳам. Сен гапни қисқа қиласардинг:

– Сен билан бошқа гаплашмайман, ақлинг етмаган нарсалар ҳақида гапиряпсан.

Бахтингга қарши, уйимизда, болаларимизни тарбияловчи, диний семинария талабаси, 23 ёшли аббат Ардуен бўларди. Ўзимнинг ҳақ эканлигимга ишонган ҳолларда, мен уни гувоҳлик беришга чақирава қийин аҳволга солиб қўярдим, чунки у бундай баҳсларда ўзининг фикрларини очиқ айтишга мажбур эди. Дрейфуснинг иши шов-шувларга сабаб бўла бошлагач, мен бечора аббатни сенга қарши қилиб қўйиш учун минглаб баҳона топгандим:

# | Қынайф қашидә |

— Аллақандай бир яхудийни деб бутун армиянинг тўс-тўс бўлиши.., — дердинг сен.

Ана шу гапингни эштибоқ, мен ўзимни жаҳлим чиқаётгандек қилиб кўрсатар ва то аббат Ардуенни: “Хеч бир христиан бегуноҳ кимсани айлашга бош кўшмаслиги керак, ҳатто бу нарса бутун бир мамлакатни кутқариш учун керак бўлса ҳам”, — деб ўғит беришга мажбур килмагунимча тўхтамас эдим.

Ушбу мавзу ҳақида фақаттина газеталар берадиган хабарлар асосида тушунчага эга бўлган сени ва болаларни фикрингиздан қайтармоқчи эдим. Ахиллигиниз метиндек мустаҳкам эди. Ҳатто менинг ҳақ эканлигим очик-ойдин бўлган пайтларда ҳам сизлар буни айёрликнинг оқибати эканлигига шубха қилмасдингиз. Оқибатда менинг ҳузуримда сукут сақлай бошладингиз. Ҳозиргидаги каби, яқинлашаётганимни кўрган заҳотингиз ҳар қандай баҳсларни тўхтатар эдингиз. Лекин баъзан дараҳтлар панасида беркиниб турганимни билмай қолардингиз ва ҳали сиз баҳсни тўхтатиб қўймасингиздан мен билан жанг қилишга мажбур қиласдим.

У — авлиё, — дегандинг аббат Ардуен ҳақида. — Лекин у жуда ёш ва қувлик нима эканлигини билмайди. Менинг эрим уни худди мушук сичқонни ўйнагандек эрмак қиласди. Шунинг учун диндорларни қанчалар ёмон кўрмасин, унинг шу ерда бўлишига монелик қилмайди.

Тўғрисини айтганда, руҳоний тарбиячини олишга розилик берганимга сабаб — ҳеч бир бошқа тарбиячи ойига 150 франк эвазига бутун таътил давомида ишлашга розилик бермаган бўларди. Корачадан келган, баланд бўйли, шабкўр ва ўлгудек уятчанг бу йигитни назаримга илмасдим ва унга оддий бир жиҳозга қарагандек қарадим. У болалар билан машғулотлар ўтказар, уларни сайр қилдирав, жуда кам овқат ер ва бир оғиз сўз демасди. Таомнинг охирги луқмасини ютиши биланоқ, хонасига чиқиб кетарди. Баъзан, уйда ҳеч ким йўқ пайтларида, у пианино чаларди. Мусикада ҳеч балони тушунмайман, лекин сенинг айтишингча: “У ёмон чалмасди”.

Содир бўлган бир воқеани яхши эсласанг керак, албатта. У аббат Ардуен билан менинг орамдаги муносабатларга оддий бир илиқлиқ киришига сабаб бўлганди ва сен бундан бутунлай бехабар эдинг. Бир куни болалар Кюре келяпти, деб қолиши. Мен, одатдагидек, ўша заҳотиёқ узумзор томонга қочиб қолдим. Бироқ, Губерт мени топиб, уни сен юборганингни ва Кюре менга фавқулодда муҳим хабар олиб келганини айтди. Мен норози бўлиб тўнғиллаганимча уйга қайтдим, чунки ўша пакана чолга сира ишонмасдим. У менга виждон азобидан қутулиш учун келганини айтди. У бизга диний бошқарма томонидан соғлиғи туфайли ўқищдан вақтинча четлатилган аббат Ардуенни ажойиб талаба сифатида тавсия қилган эди. Фавқулодда, диний фаолиятдан истеъфода бўлган Кюре, аббатнинг ўқищдан вақтинча четлатилишига интизомни бузганлиги сабаб бўлганини билиб қолади. Қанчалар художўй бўлмасин, аббат Ардуенининг кўнглини мусика ниҳоятда ром қилган эди ва у ўртоқларидан бирининг гапига кириб, Катта Театрда берилаётган хайрия концертини тинглашга боради. Улар ҳамма қатори кийинган бўлишларига қарамай, одамлар уларни таниб қоладилар ва керакли жойга хабар етказадилар. Дастурда Таис ролининг ижроиси Жоржетта Лебреннинг борлиги шов-шув гапларни жанжалга айланишига сабаб бўлади: унинг ялангоёқлиги, кумушранг белбоғлари бўлган юонон туникаси (“бор кийими шу, ҳатто елкалари ҳам беркитилмаган эди, деган гаплар ҳам тарқалган эди”) йиғилганларга ёқмайди. Иттифоқо ложада ўтирган аллақандай кекса жаноб: “Ҳар ҳолда бир озириб юборишибди, қаерда ўтирибмиз ўзи?” – деб хитоб қилади.

Аббат Ардуен ва унинг ўртоғи ана шундай томошанинг гувоҳига айланадилар! Гуноҳкорлардан бири ўша заҳотиёқ ўқищдан ҳайдалади. Ардуенни бўлса афв этадилар: ушбу воқеа аклга сиғмас даражада бўлса ҳам, бошлиқлар уни икки йил муддатга ўқищдан четлатадилар.

Аббат бизнинг ишончимизни буткул суистеъмол

## | Чюнгар қалаша |

қилганидан унга норозилик билдиришга қарор қилдик. Кюренинг норозилиги бизникидан кам бўлмади. Бундан буён мени алдаган ушбу толибга нисбатан соувқ муомалада бўламан, деганди у ўшанда. Бу воқеа эсингдан чиқмаган, лекин ўша куни очиқ айвонда чекиб турганимда, ойдинда мен томон келаётган айбдорнинг озғин киёфасини кўрганимни сен ҳеч қачон билмагансан. У қисиниб-қимтиниб олдимга келди ва хонадонимга ўзининг шармандали қилмишини яширган ҳолда ёллангани учун узр сўради. Унга қилган шўхлиги менга ёққанлигини айтган эдим, қаттиқ норози бўлди ва ўзини-ўзи қоралай бошлади. Аббатнинг айтишича, унинг қилган гуноҳини баҳолай олмасмишман: у айни пайтда тақводорликка, ўзидағи истеъдодга ва ахлоққа қарши гуноҳ иш қилган эди. У жанжалга лойиқ иш қилган ва қилмишини бутун умри давомида ювиши лозим эди... Унинг ойдинда эгилган узун қадди, айвон панжарасини иккига бўлган сояси ҳам кўз ўнгимда. Дин пешволарини қанчалар ёқтирамай, унинг чин юракдан номус қилаётгани ва изтироб чекаётганига шубҳа қилмадим. У бизга ҳеч нима демагани учун узр сўради ва Либурнада кунбай ишлаб кун кўрадиган нихоятда қашшоқ бева онасининг қўлига икки ой мобайнида қараб қолишга мажбур бўлганини айтди. Мен семинариядаги интизомга тааллукли бўлган воқеани бизга айтиб беришга уни ҳеч нима мажбур қилмаслигини айтган эдим, аббат қўлимни ушлаб ақлга сифмайдиган, илгари мен ҳеч қачон эшитмаган ва мени ҳайратга солган: “Сиз жуда олижанобсиз!” – деган сўзларни айтди.

Турмушимизнинг илк дамларида ҳаттоқи сенинг ҳам асабларингта таъсир кўрсатган, ёшлигимдан бошлаб атрофимдаги ҳар қандай яхши кайфиятни йўққа чиқара оладиган даражада заҳарханда кулишим борлигини биласан. Ўша оқшом ўқишдан ҳайдалган дароз аббат қаршисида кўнглимдагини яшира олмадим.

– Айтган сўзларингизни нақадар кулгили эканини билмайсиз, жаноб аббат, – дедим унга. – Яхши-ёмон эканлигимни мени танийдиганлардан сўранг. Оила аъ-

золаримга, ҳамкасбларимга савол бериб күринг, дилсиёхлик турмушимнинг маъносидир.

Аббат хижолат билан чинакамига ёмон одам ўзини ёмон демаслигини айтди.

— Сизни ишонтириб айтишим мумкинки,— дедим мен, — ҳаётим мобайнида сиз олижанобсиз, дейишга лойик бирон-бир ишни амалга оширганим йўқ.

Шунда у касбимга ишора тариқасида Исо пайғамбарнинг қуидаги сўзларини келтирди: “Банди эдим ва сиз келдингиз мени кўргани...”

— Бу ишдан мен фойда кўраман, жаноби аббат. Касбим шунаقا. Яқин-яқингинада ҳам керакли пайтда менинг номимни тутқунларга шипшишиб қўйишлари учун назоратчиларга пора берардим. Кўриб турибсизки...

Унинг нима деб жавоб қилгани хотирамда йўқ. Биз аргувонлар тагидан ўтиб бормоқда эдик. Сутана кийган ушбу одамнинг ёнимдалиги менга аллақандай хотиржамлик багишларди, десам нақадар ажаблансанг керак! Лекин чиндан ҳам шундай эди.

Куёш билан баравар уйғониб, тонг салқинидан нафас олиш учун пастга тушган вақтларим ҳам бўлган. Аббатнинг ибодатга кетаётганини кузатганман. У ниҳоятда тез ва шунчалар ўйчан қадам ташлардики, баъзан ёнгинамдан ўтиб бораётиб, мени пайқамасди. Ўша пайтларда сени мазах қилишни авжига чиқарган, эътиқодингни сенга қарама-қарши қўйишга жон-жаҳдим билан киришган эдим... Ҳар сафар сени хасислик ёки бағритошлиқ қилаётганингни кўрганимда, орала-рингизда энди Исо руҳидан асар ҳам йўқлигига ишонгандек бўлардим. Ҳолбуки, ҳеч ким билмагани ҳолда бошпанам остида ана шу руҳга содик қолиб яшаётган бир инсон борлигини билардим.

## Саккизинчи боб

Юз берган бир вокеа ўз-ўзимдан нафратланишинга сабаб бўлди. 96- ё 97- йилда, аниги сенинг ёдингда бўлса керак, поччанг барон Филипо оламдан ўтди. Эрта билан уйғонган опанг Маринетта унга ниманидир гапирган, у жавоб бермаган. Опанг деразаларни очгач, унинг олайиб кетган қўзларини ва осилиб қолган остки жағини қўрган: ўша лахзада бир неча соат мобайнида мурда билан ёнма-ён ухлаганлиги ҳакида ўйлаб ҳам қўрмаган.

Орангизда ҳеч ким шўринг қурғур қолдирган васижтнинг нақадар даҳшатли эканини тасаввур ҳам қилгани йўқ. Бунга ишончим комил. Марҳум, хотини бошқа эрга тегмаган тақдирда, унга мероснинг катта қисми тегишини, акс ҳолда жиянлари орасида тақсимланишини васият қилганди.

– Уни асло ёлғиз қолдирманглар, – деб такрорларди онанг. – Хайриятки, бир-бирини суядиган аҳил оиласиз. Болажоннинг ёнидан кетманглар.

Маринетта ўша пайтларда ўттизларда эди, лекин унинг қиз боладек кўринишини эслаб қўр. У ғинг демай чолга турмушга чиққан ва итоат билан турмуш кечирган эди. Унинг бевалик бурчини итоат билан ўташига ҳеч бирингиз шубҳа қилмасдингиз. Озодлик лахзасини, қоронги йўлакдан бирданига ёруғ дунёга чиқишининг қанчалик лаззатли эканлигини ҳисобга олмадингиз.

Кўркма, Иза, менга берилган имтиёзни суистельмол қилмоқчи эмасман. Ўша миллионларнинг оиласизда қолишини ва болаларимизга нафи тегишини исташим табиий эди. Сизлар ўн йил мобайнида мўйсафид эрга қилган хизмати эвазига келган бойликни Маринетта кўлдан чиқармаслиги керак, деган фикрда эдингиз. Бева қолиш сизларга одатий ҳолдек тууларди. Яқиндагина ўзинг ҳам ёш бўлганингни эслармидинг ўшанда? Асло, бу нарсага хотима берилганди. Сен она эдинг, сен учун ҳам, бошқалар учун ҳам ўзга нарсалар мавжуд эмасдек эди. Фаросат бобида оилан-

Из ҳеч қачон намуна бўлмаган. Ёлғиз колиш нафакат исонларга, ҳаттоки жониворларга ҳам нақадар оғир ёъсири қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрманингиз.

Беваликнинг биринчи ёзини Маринетта Калезда ўтказади, деган қарорга келинди. Унинг ўзи бунга бажонидил рози бўлди. Бунга сабаб сизларнинг ўта яқинлигингиз эмасди. У болаларимизга, айникса, кичкингий Марияга меҳр қўйганди. Менга келсак, уни ўхши билмасдим. Шунинг учун, аввалига унинг илтифотидан мамнун бўлдим. У сендан бир ёш катта бўлса-да, анча ёш кўринарди. Ҳомиладорлик ва фарзанд кўриш сени оғирлаштириб қўйганди. Маринеттага афтидан чол кўл теккизмаган эди. Унинг чехраси ёниб турар ва бокира эди. Сочларини баланд қилиб турмакларди. (Сочни бундай ажойиб турмаклаш одати ҳозир қолиб кетди). Кўзлари дум-думалоқ бўлганидан у ҳар доим ажабланаётганга ўхшарди. Баъзан ҳазиллашиб мен унинг “ариникидек ингичка” белидан кучоқлаб олардим, лекин катта кўкраклари, ялпанг оёқлари уни бесўнақай кўрсатарди. Ўша пайтнинг аёллари сунъий шароитда ўстирилаётган гулларга ўхшашарди.

Маринеттанинг бу қадар қувноқлигини кўриб ажабланардим. У болалар билан кўп вақтини ўтказар, бекинмачоқ ўйнар, оқшомлари эса жонли расм ўйинларини уюштиради.

– У бир оз енгил табиатроқ, – дегандинг сен, – қандай ахволга тушиб қолгани билан иши ҳам йўқ.

Ҳафта мобайнида оқ кўйлакларда юришига рози бўлганинг катта гап эди. Лекин унинг ибодат пайтида юзини беркитмай ва пальтосига мотам боғичини қадамай ўтиришини сен номаъқул деб топдинг. Куннинг исисиб кетганини эътиборга ҳам олмадинг. Маринеттанинг ёқтирган ягона нарсаси – эри билан бирга от мишиш бўлганди. Пойгаларда яхши танилган барон Филипо умрининг охирги кунигача отда сайр қилишни канда қилмаганди. Маринетта Калезга байталини олиб келтирди. У отда ёлғиз сайр қиласарди. Бу нарса жаҳлингни чиқарганди: уч ойлик бева ҳеч қандай жисмо-

## | Ишниар қолиши |

ний машқ билан шуғулланмаслиги керак, қўриқчисиз отда саир қилиши эса ҳаддан ошиши эди.

— Оила аъзоларимиз билан у ҳақда қандай фикрда эканлигимизни унга айтаман.., — деб тақрорлардинг сен.

Унга айтгандинг ҳам, лекин гапларинг Маринеттанинг у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетарди. Жанжаллардан тўйган Маринетта мени ўзига хамроҳ бўлишини сўраганди. У менга ювош от топиб беришни ваъда қилди (Турган гапки, ҳамма харажатлар унинг бўйнида эди).

Биз чивинлар кўплигидан ва қарағайзоргача икки чақиримчани секин юриб ўтиш зарурлигидан тонг саҳарда йўлга чиқардик. Отларни кираверишдаги зина олдига етаклаб келишарди. Маринетта от миниш учун тикирилган ихчам кийимига шудринг тушган атиргулни қадаб кўяркан, ётоғинг томонга қараб, тилини чиқаради. Кўнғироқнинг бўғиқ овози ибодатга чорлар, аббат Ардуен биз билан уялигина саломлашиб, узумзор устидан кўтарилаётган туман ичида ғойиб бўларди.

Ўрмонга етиб боргунча сухбатлашиб кетдик. Қайн-синглимнинг маълум ҳурматига сазовор эканимни пайқадим ва бунга Адлия саройида тутган мавқеим эмас, балки оила даврасида куфона фикрларим билан қўлга киритган ғалабаларим сабабчи эди. Дин ҳам, ғоялар ҳам аёл киши учун маълум қиёфага эгалар ва ушбу қиёфага у ё сажда қиласи, ё ундан нафратланади.

Ушбу исёнкор жувон назарида орттирган мавқеими мустаҳкамлаш менинг ўзимгагина боғлиқ эди. Лекин ажабо! У сизлардан нафратланганда, мен унга бажонидил қўшилардим, лекин турмушга чиқиши билан йўқотадиган беҳисоб бойликлардан жиркана бошласа, бир нима дейишга ожизлик килардим. Унинг фикрларига буткул қўшилишдан ва ўзимни олижаноб қалб эгаси қилиб қўрсатишдан ютган бўлардим: лекин соҳталик қўлимдан келмасди ва унинг меросдан маҳрум бўлиши ҳеч бир аҳамиятга эга эмаслиги ҳақида гапирганида, ёлғондан бўлса ҳам уни қўллаб-куватлай

олмасдим. Ҳаммасини айтишим шартмиカン? Унинг тўсатдан ўлиб қолиши мумкинлиги ва меросхўрларга айланиб қолишимиз мумкинлиги ҳақидаги тахминни ҳеч миямдан чиқара олмасдим. (Болаларни эмас, ўзими ни ўйлардим).

Бўлажак сухбатга яхшилаб тайёргарлик кўрдим, қайта-қайта машқ қилдим, лекин очкўзлик эркимдан устун чиқди:

– Етти миллион! Яхшилаб ўйлаб кўрдингизми, Маринетта, етти миллиондан воз кечилмайди. Бу бойликнинг бир қисмини ҳам қурбон қиласиган топилмайди, бу дунёда!

– Бахтиёр бўлишни ҳамма нарсадан устун қўяман, – деди у.

– Ҳеч ким шунча бойликни қўлдан чиқариб бахтиёр бўлолмайди, дея уни ишонтиришга ҳаракат қилдим.

– Эҳ, – деб хитоб қилди Маринетта, – сиз бекорга улардан нафратланиб юрган экансиз, аслида ўшалар тоифасидан экансиз.

Маринетта отини чоптириб кетди, мен унинг орқасидан имиллаб борардим. Ҳукм ўқилганди: шарманда бўлгандим. Пулга ташналик мени нималардан жудо қилмади! Эҳтимолки, Маринетта тимсолида ўзимга сингил, дўст топган бўлардим. Сизлар бўлса, бойликларимни қўлдан чиқаришимни истайсиз. Йўқ, асло, менга шу қадар қимматга тушган пулларимнинг бир тийинини ҳам охирги нафасим чикмагунча сизларга бермайман.

Шундай бўлса ҳам чарчаш нима эканини билмайсизлар. Якшанба куни хузуримга келган Губертнинг хотинини сизлар юбордингларми ё келишга ўзи қарор қилганмиди, билмадим. Бечора Олимпия! (Нега Фили унга Олимпия деб ном кўйди экан? Унинг асл исми ёдимииздан чиқиб кетган). Олдимга келиши ҳақида сизларга ҳеч нима демаган бўлса керак. У сизларнинг тўпингизда бегона, оиладаги аёлларга ўхшамайди. Бу жувон ўзининг тор дунёсидан ташқаридаги ҳар қандай нарсага бефарқ қарайди, борди-келидарга оид қоидаларнинг ҳеч бирини билмайди. Мени душман ҳисоб-

## | Қоңиғар қолшыра |

ламайди. Бу күнгли софлик ёки мени ёқтирганлиги-нинг натижаси эмас. Олимпия ҳеч қачон бошқаларни ўйламайди, шунинг учун нафратланиш нима эканини билмайди.

Унинг олдида мени ёмонласалар: “У ҳар доим мен билан яхши муносабатда бўлади!” – дея норозилик билдиради.

У менинг қизғанчик эканимни билмайди. Сизларга адоват юзасидан уни ҳаммангиздан ҳимоя қилгудек бўлсам, ўзини менга ёқади деб ишонади.

Унинг узук-юлук гапларидан шуни тушундимки, энди Губертнинг ақли кирган, бироқ у ўзининг бор нарсасини, шунингдек, хотинининг сепини гаровга кўйишга мажбур бўлган эди.

– У албатта пулимни кайтариб оламан деяпти.., – деди у. – Лекин дастмояга бир оз пул керакмиш. Бу пулни унга мерос ҳисобидан берар эмишсиз.

Мен бошимни қимирлатар, маъқуллар, гўё ўзимни гап мавзусидан минглаб чақирим узоқда қилиб кўрсатар эдим. Шундай дамларда нақадар беозор, содда қиёфага кираман!

Шўрлик Олимпия, ҳали ёшлигим билан буткул хайрлашмай туриб, пул учун нимани қурбон қилганимни билганида эди! Ўттиз беш ёшимнинг тонгларидан бирида, опанг ва мен отларимизнинг қадамига ҳамоҳанг бўлиб, дори сепилган узумзорлар оралаб келмоқда эдик. Қувноқ табиат ана шу аёлга миллионлардан воз кечмаслик ҳақида гапираётган эди. Хавф остида қолган бойликлар мавзусидан четга чиқкудек бўлсам, у мағрур табассум қилиб, мен билан биргалишиб куларди. Ўз-ўзимни оқлаш мақсадида, янада кўпроқ ёлғонга ботиб қолардим:

– Ахир мен сизни ўйлаб гапирияпман, Маринетта. Наҳотки, сиз мени болаларининг келажагидан бошқа нарсани ўйламайдиган кимса, деб билсангиз? Изга эса, бошқа гап, у мол-мулкингизни қўлдан чиқиб кетишини истамайди. Менга келсак.

Маринетта кулиб, кесатик оҳангида менга деганди:

– Чиндан ҳам жуда даҳшатли одамсиз.

– Фақат истиқболингизни ўйлаяпман, – деб норозилик билдиридим.

У ижирғаниш билан бош чайқади. Аслида, унинг ўзи буни асло тан олмаса-да, турмушга чиқишига унда-ётган нарса жисмоний етуклик эди.

Тушликдан кейин уйдагилар чарм диванлар, түкима ўриндиклар устига чўзилиб, мудрашга тушишарди. Мен жазирама иссиққа қарамай муздек уйни тарк этар ва ойнавандли эшикнинг дарпардасини очиб ўт пурка-ётган осмон остига чиқардим. Маринеттанинг мендан ўрнак олишини билардим. Тош йўлкада унинг қадам товушлари эшитилиб турарди. У юришга қийналар, баланд пошналари қотиб кетган замин устида қайрилиб кетай дерди. Биз айвоннинг тош панжараси устига тирсакларимизни қўйиб, атрофга назар солардик. Маринетта ўтдек қизиб кетган тош устига яланғоч билгини қачонгача босиб тура олишини билмоқчи бўларди.

Оёқларимиз остида ястанган водий узра сокинлик хукмрон эди. Кумтепаликлар пўлатранг осмон билан туташган жойда қора рангдаги камалак шаклини пайдо қилган эди. Соат тўртга қадар ҳеч бир инсон, ҳеч бир жонивор ташқарига чиқмайди. Пащшалар бир жойда туриб қанот қокади, водий устидаги ягона булут парчаси муаллақ туриб қолганга ўхшайди.

Ёнимдаги аёлнинг ҳеч қачон мени сева олмаслигини, унинг мендаги хислатлардан жирканишини билардим.

Бироқ ана шу сукунат, енгиб бўлмас ҳаяжон ичida биз танҳо нафас олаётган эдик. Оила аъзолари томонидан шафқатсиз таъқиб остига олинган ушбу ёш вужуд кунгабоқардек менга илтижо билан боқарди. У ёқмайдиган ҳар бир сўзимга ҳазил-хузул билан жавоб қайтарарди. Мен томондан килинадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни силтаб ташлашини ҳам яхши ҳис қиласдим.

Саҳар пайтлари қилинган ўша сайдлар, ҳаммани мудроқ босган пешин пайтида қурилган сухбатлар ҳақида нималарни ўйлаган эдинг, Из? Айтмоқчи, бир

куни меҳмонхонанинг дарпардалари ортида туриб, Калезда меҳмон бўлиб турган (ва шубҳасиз Маринеттани таъқиб остига олишни кучайтириш учун келган) онангга:

— Дунёқарашиб масаласида эримнинг унга таъсири салбий, лекин қолган масалаларда у Маринеттани овунтириб юрибди ва ушбу нарса бутқул заарсиз амалга ошаپти, — деяётганингни эшишиб қолдим.

— Ҳа,— деди онанг,— эринг уни овунтириб юрибди: муҳими ана шу.

Маринеттани овунтириб юрганимга сизлар хурсанд эдинглар.

— Лекин, — дея такрорлардингиз онанг билан сен, — таътил тугагач, бошқа бир овунчоқ топишга тўғри келади.

Мендан қанчалар нафратланмагин, Иза, ана шундай сўзларинг учун сендан кўпроқ нафратланардим. Шубҳа йўқки, муносабатларимизда зигирча ҳам хавф-хатар йўқлигига ишончинг комил эди. Эҳтиросдан холи бўлган аёллар унинг нима эканлигини унутиб қўядилар.

Тўғри, Маринетта иккимиз кундуз кунлари жар ёқасида турган кезларимизда ҳеч бир “гуноҳ ишнинг” содир бўлиши мумкин эмасди. Атроф кимсасиз бўлса ҳам, ушбу шийпонда ўзимизни сахнада, ҳамманинг кўзи ўнгида тургандек ҳис қиласдик. Агар кўшни фермалардан бирор кимса ушбу жазирама соатларда ухламасликка жазм қилган бўлса, ёнма-ён ўсган икки теракдек ҳаракатсиз туриб, ловиллаётган водийга кўз тикканича қотган, сал ҳаракат қилгудек бўлса, бир-бирига тегиниб кетаётган эркак ва аёлга кўзи тушган бўларди.

Тунги сайрларимиз бундан ҳам беозор кечар эди. Август оқшомларининг бирини ҳамон эслайман. Кечки овқат Дрейфус масаласи туфайли тўполон билан ўтди. Масалани мен билан бирга қайта қўриб чиқиши тарафдори бўлган Маринетта аббат Ардуенни саросимага солищда, уни бир қарорга келишда мажбур қилишда мендан ўзиб кетди. Сен Дюрмон ёзган мақола

Ҳакида сўзлаб берган эдинг. Маринетта черков хорида иштирок этадиган болаларнинг овози билан сўраб қолди:

– Жаноб аббат, яхудийлардан нафратланиш ижозат этилганми?

Аббатнинг ўша куни мавхум мавзулардан фойдаланиб ўтиргани бизга маъқул тушганди. У аслзода миллатнинг буюклиги, унинг олий даражадаги гувоҳлиги, аввалдан белгиланган эътиқодга юз тутажаклиги, дунёнинг охири ҳакида хабар келтиражаклиги тўғрисида гапирди. Губерт Тангримизнинг қотилларини нафрат ўти остига олиш керак, деб норозилик билдирган эди, аббат, ҳар биримиз Тангрининг ягона қотилини: “Фақат ўзимизни, бошқа ҳеч кимни...” нафратимизга сазовор деб ҳисоблашга ҳақлимиз, деди.

Сен саросимага тушдинг ва бундай ажойиб ақидалар Францияни муҳожирлар қулига топшириб қўйишга олиб келади, дединг. Жанна д’Арк ҳакида гап бошлишинг аббатни қийин аҳволдан куткарди ва сизларни яраштируди. Шийпонда турган болалардан бирининг овози келди:

– Қаранглар, қандай ойдин кеча!

Мен ташқарига чиқдим. Маринеттанинг ортимдан келишини билардим. Чиндан ҳам унинг бўғик товуши кулоғимга чалинди:

– Мени кутиб туринг.

У елкасига мўйна ёпинғич ташлаб олганди. Тўлин ой шарқ томондан кўтарилиб келмоқда эди. Маринетта майса устига қия бўлиб тушган сояларнинг ажойиб шаклларидан завқ оларди. Дехқонларнинг уйларига фақат эшик-деразалар томондан ёғду тушмоқда эди. Итларнинг вовуллаши қулоққа чалинарди. У мендан: “Наҳотки, ойдин туфайли дараҳтлар ҳам сукутга кетган бўлсалар”, – деб сўради. Кейин: “Бундай тунлар, сўққабошлар азоб чексин учун яратилган”, – деди ва бироздан сўнг қўшимча қилди: “Сохта безакнинг ўзгинаси!”.

Шундай лаҳзаларда қанча-қанча вужуд бир-бирлари сари интиладилар! Ошиклар ва табиат тил бирик-

## | Ишончар қалыпта |

тириб олғандек! Маринеттанинг киприги остидаги күз ёши томчисини яққол күриб турардим. Сукутга кет-ған борлық ичида ҳаракатта келиб турган ягона нарса унинг нафаси эди. 1900 йилда вафот этган Маринеттадан нима қолди экан? Үттиз йилдан бери ер қаърида ётган вужуддан нима ҳам коларди? Үша тундаги соч-ларининг бүйи ҳамон ёдимда. Эҳтимол таннинг қайта тирилишига ишонмоқ учун шу вужуднинг истаклари ни енга билиш даркордир. Таннинг истакларини суи-истеъмол қиласиганлар унинг қайта тирилиши мум-кинлигини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бу уларга юборилған жазодир.

Маринеттанинг қўлидан ушладим. Шу дамда у хафа бўлган боладек эди, назаримда. У ҳам боладек елкамга бош қўйди. Мен қаршилик килмадим, бандидан узилган шафтоли лойга тушмоқда эди. Ёнма-ён ўсганлиги сабабли шохлари бир-бирларига чирмашиб кетадиган дараҳтларга үхшаб ўзларига жуфт танлайдиган инсонлар кўпчиликни ташкил қиласди.

Иза, лекин ана шу лаҳзада сендан қасос олишим мумкинлигини, сени қийноққа солиш учун Маринеттадан фойдаланишни ўйладим. Бу бориб турган пасткашлиқ эди. Ушбу фикр ақлимни қанчалар қисқа муддат банд қилган бўлмасин, ниятим ушбу жиноятни амалга ошириш эди. Биз анор ва ясмин буталари томон, ой нури тушмаётган томонга ишонар-ишонмас бир нечта қадам қўйдик. Тақдирни кўрингки, узумзор сари олиб борадиган, аббат Ардуен ҳар куни ибодатга ўтадиган хиёбондан қадам товушлари эши билди. Шубҳасиз бу ўша эди... Унинг оқшомлардан бирида менга айтган сўзларини эсладим: “Сиз жуда олижанобсиз”. Қани энди у ўша лаҳзада кўнглимдан нималар кечайтганини билса! Эҳтимол, мени ўшандада номус ҳисси бу йўлдан қайтаргандир?

Мен Маринеттани яна ёруғ жойга бошлаб келдим ва скамейка устига ўтқаздим. Унинг кўзларини рўмочам билан артиб қўйдим. Ундаги ёлғизлик ҳисси, кўз ёшлари мени бир оз бўлса-да, ҳаяжонга солганини сездирмадим.

## Тұққизинчи боб

Эртаси куни эрталаб у от сайрига чиқмади. Мен Бордога кетдим. (Таътилда бўлишимга қарамай, ишларимни тұхтатмаслик учун ҳафтада икки кунни Бордо-да үтказардим.)

Калезга борадиган поездга ўтирганимда, жануб сари кетадиган тезюорар поезд вокзалда туради. “Бя-ритз” деб ёзилган вагон деразасидан кулранг либос кийган, юзига ёпингич ташламаган Маринеттани кўриб, хайратта тушдим. Дугоналаридан бирининг уни кўпдан бери Сен-Жан-де-Люзга таклиф қилиб юрганини эсладим. Маринетта безакли журнал қўриб ўтиради ва менинг имо-ишораларимни пайқамади. Оқшом сенга бу ҳақда гапирган эдим, сен деярли аҳамият бермадинг, чунки уни вақтинча кетиб қолди, деб ўйлаётган эдинг. Кетганимга кўп бўлмай Маринетта дугонасидан телеграмма олганини айтдинг. Бундан менинг хабарим йўқлигига ҳайрон эдинг. Эҳтимол, бизни Бордода яширинча учрашди, деб ўйлагандирсан?! Айтмоқчи, ўша кунлари Мария иситмалаб ётарди. Уни бир неча кундан бери ичи кетар ва бу нарса сени ташвишлантирмоқда эди. Шуни тан олиш керакки, болалардан биронтаси бетоб бўлгудек бўлса, ҳеч нарса кўзингга кўринмай қоларди.

Кейин бўлиб ўтган воқеаларни қани энди эсламасам. Ўттиз йилдан зиёд вакт ўтган бўлса ҳам, бу ҳақда ўйлаш менга ниҳоятда оғир. Мени нималарда айблаганингни яхши биламан. Табибларга кўрсатишни истамагансан, деб юзимга солғандинг. Ҳеч бир шубҳа йўқки, агар биз профессор Арнузанни олиб келганимизда, унинг грипп эмас, балки тиф билан оғриганини аниклаган бўлардик. Лекин бир эслаб кўр. Атиги бир мартагина, сен менга: “Арнузанни чақирсак, қалай бўларкин?” – дегандинг.

Ўшанда сенга доктор Аубрунинг бир қишлоқда худди ана шундай грипп бўлган йигирма нафар беморни даволаётганини айтгандим... Ортиқ гапирмадинг. Эртаси куни, Арнузанга телеграмма берайлик,

деб ялинганингни даъво қиласан. Шу гап рост бўлса, менинг эсимдан чикмаган бўларди. Кунлар ва тунлар мобайнида ушбу воқеаларни қайта-қайта хаёлдан ўтказганман, лекин буни эслай олмаганман. Мен хасис бўла қолай...лекин гап Мариянинг соғлиғи ҳақида бораётган бир пайтда қизғанчиқлик қилиш даражасида хасис эмасман. Профессор Арнузаннинг ниҳоятда художўйлиги ва инсонпарварлиги туфайли одамларни даволаши қанчалар ёлғон бўлса, бу гап ҳам ҳақиқатдан шунчалар йироқдир. Биз “Ичак йўлига ўтиб кетган оддий грипп” деб ишонган эдик, шунинг учун мен Арнузанни чакиртирганман. Ўша Аубру кучдан кетиб қолмасин деб Марияга овқат едирганди. Уни мен эмас, ўша ўлдирди. Арнузанни чакирмасликка ўзинг ҳам рози бўлгандинг, ёлғончи. Мариянинг ўлимида мен жавобгар эмасман. Менга бундай айб қўйиш даҳшат. Сен бўлсанг бу мудхиш воқеада айборлигимга ишонасан, бунга ишониб келгансан!

Ўша мудхиш ёз! Ўша ёзнинг жазирама иссиғи, чигирткаларнинг чириллашлари. Ҳеч қаердан муз топа олмаган эдик. Унинг тўхтовсиз терлаётган ва паша талаётган юзини туш пайтлари артиб ўтирадим. Арнузан жуда кеч қолиб келди. Парҳез буюрилганида, биз ундан аллақачон жудо бўлгандик. У алаҳсираётганга ўхшар ва: “Бу дадамга! Бу дадамга!” – деб кичкирарди.

Унинг: “Худойим, ахир мен ҳали ёш боламан-ку!” – деган гапини қайси оҳангда хитоб қилганини эслайсанми?

Кейин ўзига келарди-да:

– Йўқ, ҳали ҳам азобларга чидай оламан, – дерди. Аббат Ардуен унга булоқ суви берарди. Унинг чўзилиб кетган гавдаси устида бошларимиз ҳам бўлиб, ёнма-ён турардик, қўлларимиз бир-бирига тегиб кетмоқда эди. Ҳаммаси тугагач, сен мени тошбағирликда айبلاغандинг.

Ичимда нималар кечганини билишни истайсанми? Сенек бир тақводор аёлнинг мурдага ёпишиб олгани ғалати кўринганди. Ҳали куч керак бўлади, овқат еб олинг, деб сенга тоза ялинишганди. Лекин сени хона-

дан күч билан олиб чиқиб кетишга тұғри келди. Сен каравотнинг бир чеккасига үтириб, унинг пешонаси-ни, совиб қолган ёнокларини пайпаслардинг. Ҳали ҳаёт нафаси үчиб улгурмаган соchlарига лабингни босмокда, дам-бадам тиз чўкиб, дуо ўқишининг ўрни-га пешонангни унинг совиб қолган жажжи қўлларига тирамокда эдинг.

Аббат Ардуен сени турғазиб қўяр, Тангрининг Дар-гоҳига киришга мұяссар бўладиган болаларга ўхша-шимиз кераклиги ҳақида гапиради:

– У тирик, у бизларни қўриб турибди, у бизни ку-таяпти.

Сен бош чайқардинг. Бу сўзларнинг мазмунидан йирокда эдинг. Сенга эътиқодингнинг ҳеч бир ёрда-ми тегмаётган эди. Ана шу чирий бошлаган ва ерга кўмилиши керак бўлган вужуд ҳақидагина ўйлаётган эдинг. Мен, дахрий бўлсан Мариянинг тепасида турар эканман, “жасад” сўзи нимани англатса, шуни ҳис қилмоқда эдим. Мен рўй бериши муқаррар бўлган видолашув, айрилиқни ҳис қилмоқда эдим. “Мария энди йўқ, бу ётган энди Мария эмас. Сиз Марияни изляпсизми? У кетиб қолди”.

Кейинчалик, қизимизни тез унутиб юборганликда мени айблаган эдинг. Бироқ, унинг тобут ичида ётган жасадини сўнгги бор бағримга босар эканман, ичимдан нимадир узилиб кетганини яхши биламан. Лекин бу энди Мария эмасди. Деярли ҳар куни сен билан қабристонга бориб турмаганим учун мендан нафратлан-ган эдинг.

– У қабристонга сира бормайди! – дердинг сен қайта-қайта. – Ваҳоланки, фақат Мариягагина бироз муҳаббат қўйган эди.

Маринетта дағн этиш маросимига келди, лекин уч кундан кейин яна жўнаб кетди. Сен бошқа томондан келаётган хавфни кўрмаётган эдинг. Икки ойдан кейин, Маринеттанинг Бярритзда танишган адабиётчи, журналист билан унаштирилганлиги ҳақида хабарни эшитдик. Зарбанинг олдини олишни муддати ўтган эди. Сен бир сўзда туриб олдинг – йиғиб юрган бор

нафратингни Маринеттага қарши сочаётгандек эдинг; сен кўпчиликка ўхшаш оддий бир инсон бўлган ўша “шахсни” кўришни ҳам истамадинг. Унинг бор-йўқ гунохи болаларимизни бойликтан маҳрум қилганида эди. Айтмоқчи, ўша бойликтинг унга нафи йўқ эди, негаки унинг катта қисми Филипонинг жиянларига насиб қилганди.

Лекин ақлинг ҳеч қачон қуюлмаган: сенда виждан азобидан асар ҳам йўқ; сенчалик хотиржамлик билан адолатсизликка йўл қўядиган кимсани учратмаганман. Қайси майда-чуйда гуноҳларинг учун тавба қилганингни худо билади! Лекин Исо тилга олган ва умринг давомида сен оёқ ости қилмаган бирон-бир фазилат қолмади. Сен осонлик билан ўзингта ёқмаган нарсаларни ерга уришга баҳоналар топасан. Сен ҳеч қачон кўрмаган ва билмаган опангнинг эри ҳакида: “Опам Бярритзда саёқ бир муттаҳамнинг қўлига тушиб қолди...”, – дегандинг.

Шўрлик Маринетта тўлғоқ пайтида оламдан ўтганида (Менга Мария хусусида қанчалар шафқатсизлик билан баҳо берган бўлсанг, сени ҳам шундай баҳолашни истамаган бўлардим, албатта!) сенда ғам-қайғудан ҳеч бир асар кўринмади. Рўй берган воқеалар сенга дастак топиб бергандек, шундай бўлиши табиийдек эди. Уни ажал бошлаб кетган, сенда ҳеч бир айб йўқ. Сен бурчингни бажардинг; бадбаҳт қиз оиласининг эшиги унинг учун ҳар доим очиқ ва интизор эканини, бир оғизгина сўзи кифоя қилишини яхши биларди. Ҳар ҳолда bemalol ўзингни оқлай олдинг. Бу ишга сен бош қўшмаган эдинг. Бунинг учун сендан саботли бўлиш талаб қилинганди: “Қалбингиз буюрган ишни бажара олмайдиган вақтлар ҳам бўлиб туради”.

Йўқ, сени азобламоқчи эмасман. Умрининг охирига қадар Маринеттанинг ўғли, кичкинтой Люкни боққан онангнинг ўлимидан кейин унга яхши муомалада бўлганингни тан оламан. Таътил вақтларида ундан хабар олардинг, ҳар қишида бир марта Байон яқинида жойлашган коллежга бориб уни кўриб келардинг. Чунки отаси болани ташлаб қўйган эди, шунинг учун сен ўз бурчингни адо этаётган эдинг.

Люкнинг отаси билан 1914 йилнинг сентяброда қандай танишганимни сенга сира айтиб бермаганман. Мен бирон-бир банкдан ижарага пўлат сандик олиш илинжида юрардим. Қочқин парижликлар уларнинг ҳаммасини банд қилган эдилар. Ниҳоят Креди Лйоннэ банкининг директори мижозларидан бирининг Парижга қайтаётганини ва эҳтимол ўзининг пўлат сандигини менга қолдиришга рози бўлишини хабар қилди. У менга мижознинг кимлигини айтганида, мен гап Люкнинг отаси ҳақида бораётганини англадим. О йўқ, у сенинг тасаввурингдаги маҳлук эмас эди. Ўттиз саккизга кирган, қотма, жонсарак, безовта, ҳарбий кенгашнинг ҷақирикларидан ҳолдан тойган бу одам, мен ўн тўрт йил аввал Маринеттани кўмиш маросимида учратган ва иш юзасидан сұхбатлашган одамга сира ўхшамасди. У мен билан очиқчасига гаплашди. У бир аёл билан турмуш курган, лекин Люкни у билан таниширишни истамасди. Фарзандининг тинчини ўйлаб, ўғлини бувиси Фондодежта ташлаб қўйган эди. Менинг бечора Изам, ўшанда ана шу одамга нимани таклиф қилганимни сен ва болалар билганингизда эди! Энди буни сенга айтсам бўлади. У пўлат сандикни ўзининг номида қолдирган, менга эса ишонч қофозини берган бўларди. Менинг ҳаракатдаги барча мулким шу ерга қўйилиб, Люкнинг номига хатланган бўларди. Лекин ўлимимдан кейин, у яна пўлат сандикнинг сохибига айланар ва сизлар ҳеч нимани билмаган бўлардингиз...

Турган гапки, мен ҳам, менинг бор мулким ҳам ана шу одамнинг ихтиёрида қолардик. Ўша лаҳзада сизлардан жуда-жуда нафратланган бўлсам керак! Шундай қилиб у рози бўлмади. У ботина олмади. Яна номусни ўртага солди.

Қандай қилиб мен ана шундай телбалик қилишга қодир бўлиб қолдим? Ўша пайтлар болалар ўттизларга бориб қолишган, оила кўрган, узил-кесил сенинг томонингга ўтган, ҳамма нарсада мендан юз ўгирган эдилар. Сизлар пинҳона иш юритардинглар; мен душман эдим. Тангри шоҳид, сен улар билан, айниқса Женевьеве билан ахил эмасдинг. Сен уни ўзингни ёлғиз

ташлаб кўйганликда, ҳеч нарсани сен билан маслаҳат қилмаслика айблардинг. Бироқ менга қарши чиқишида ҳамжиҳат эдинглар. Шуни айтиш керакки, ҳамма нарса жимгина содир бўларди. Тантанали қунларни хисобга олмагандан, болаларнинг турмуш қуришлари пайтида қаттиқ жанжаллар бўлиб ўтган эди. Мен сеп бермай, рента<sup>3</sup> ажратиш билан кифояланиб қолишни истар эдим. Қариндош тутинаётган оиласларга бойлигимни миқдори ҳақида сўзлашдан бош тортардим. Мен тўғри иш юритганман, чунки ҳаммадан кучли эдим. Мени нафрат қўллаб-қувватлаганди ва бу нафрат муҳаббатга айланиб, кичкина Люкка меҳримни оширганди. Қариндошлар талабчанлик қилиб ўтирумадилар. Негаки, улар мероснинг ҳар ҳолда кичкина эмаслигидан умидвор эдилар.

Бироқ оғиз очмаслигимдан сизлар безовта эдингиз. Очиғини билмоқчи бўлардингиз. Женевьеве баъзан мени эритмоқчи бўларди. Бечора тўпорининг оғир бошмоқларни судраб келаётганини эшитардим! Унинг кўзларини очкўзлиқдан ёниб кетишини кўриш учунгина, унга тез-тез: “Улганимдан кейин, менга раҳмат дейсанлар”, – дердим. У сенга ушбу ажойиб сўзларни такрор-такрор айтарди. Бутун оила жазавага тушарди. Худди ана шу кезларда, пинҳон тутилиши мумкин бўлмаган нарсалардан бошқа ҳаммасидан сизларни маҳрум қилишнинг чорасини изламоқда эдим. Ҳаёлимни кичкингой Люкгина банд қилган эди. Ҳаттоки, ерларни ҳам гаровга қўймоқчи бўлгандим.

Шуни ҳам айтиш керакки, бир марта сизларнинг лўттивозликларингизга ишонган эдим. Мариянинг вафотидан кейинги йили мен касал бўлиб қолдим. Бетобликнинг баъзи белгилари қизалоғимизни олиб кетган дарднинг белгиларига ўхшаб кетарди. Мени даволашларини ёқтирумайман, докторлар ва дорилардан даҳшатга тушаман. Менга ўрнингдан турмасдан ёт ва Арнузанни чақиритириб кел, деб такрорлайвердинг.

Ўз-ўзидан маълумки, сен вафодорлик ва хавотир билан менга ғамхўрлик қилдинг, баъзан эса нималар-

<sup>3</sup> Рента – доимий даромад келтирадиган давлат облигациялари.

ни ҳис қилаётганим ҳакида савол берганингда, товушингда безовталикни сездим. Пешонамни, болаларникини қандай ушлаган бўлсанг, шу йўсинда ушлаб кўрардинг. Тунларни менинг хонамда ўтказдинг. Кечалари безовта бўлсам, ўрнингдан туриб сув берардинг. “Мени эҳтиёт қиляпти, деб ўйлардим... ким ўйлабди дейсиз?... Эҳтимол бунга бойлигим сабабчидир?” Йўқ, сен пулни яхши кўрмайсан... Балки ўлимим фарзандларингни аҳволини мушкуллаштириб қўйиши мумкинлиги сабаблидир? Бунга ишонса бўлади. Лекин бу тахмин ҳам тўғри эмасди.

Арнузан мени кўриб бўлгандан кейин, айвонга чиқиб у билан баланд овозда гаплашдинг:

“Мариянинг тифдан вафот этганини ҳаммага айтинг, доктор. Менинг шўрлик икки акам туфайли, уни сил олиб кетди, деган гаплар юрибди. Ёмон одамлар ўз сўзларидан қайтмаяптилар. Бу гапларнинг Губерт ва Женевьевага зарари тегмаса, деб қўрқаман. Эримнинг касали оғир бўлса, бу шов-шувларга жон кирган бўларди. Бир неча кундан бери ундан хавотирдаман: шўрлик болаларимни ўйлаб кетаман. Уйлангунга қадар унинг ҳам ўпкаси касал бўлганини биласиз. Бу нарса ошкор бўлиб қолган: ҳеч нарсани яшириб бўлмайди: одамларга ана шуниси жуда ёқади! Агар у бошқа бир юқумли касалликдан вафот этган тақдирда ҳам, одамлар, Марияга ишонмагандек, бунга ишонмаган бўлардилар: бу нарса яна болаларимга зарба бўларди. Унинг ўзини эҳтиёт қиласлигини кўрганимда, фиғоним фалакка чиқади. У қимирамай ётишни ҳам истамаган эди! Худди гап фақат унинг устида бораётгандек! Лекин у ҳеч қачон бошқаларни ўйламайди, ҳатто фарзандларини ҳам... Йўқ, йўқ, доктор, сиздек бир кимса ана шундай одамлар борлигига ишонмайсиз...”

Олдимга қайтиб кирганингда, мен ётган жойимда кулиб ётардим. Кулишимнинг сабабини сўрадинг. Мен иккаламиз тез-тез қўллайдиган сўзлар билан жавоб қилдим:

- Шунчаки, ўзим”.
- Нимага куляпсан?

# | Ишончар қалаша |

- Шунчаки, ўзим.
- Нимани ўйлаб қолдинг?
- Шунчаки ўзим...

## Ўнинчи боб

Бир ой давом этган хасталикдан кейин дафтарни яна қўлимга оляпман. Хасталик менга ёпишиб олиши билан оиланинг ҳамма аъзолари атрофимни ўраб олишди. Сизлар шу ердасиз, мендан кўз узмаяпсиз.

Ўтган якшанба олдимга Фили келди. Кун иссиқ: гапларига “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бера туриб, ўзимдан кетиб қолибман... Қанча вакт ўтди? Билолмадим. Унинг товуши мени уйғотиб юборди. Ғира-шира қоронғиликда унинг гавдаси, тик қулокларини кўзим илғаётганди. Кўзлари бўриваччаникига ўхшаб ёниб турганди. Кўлидаги соати ёнида тилла занжир тақилган, очик турган ёқасидан озғин кўкраги кўзга ташланарди. Яна ўзимни билмай қолибман, бошмокларининг ғижирлашидан ҳушимга келдим, киприкларим орасидан уни кузатдим. Фили курткамнинг картмоним солинадиган ички чўнтаги томонини пайпаслаб кўрмоқда эди. Юрагим қанчалар тез уриб кетмасин, ўзими қимирламай ётишга мажбур қилдим. Чўчидими, йўқми, ҳар қалай жойига келиб ўтирди. Ўзимни ҳозир уйғонгандек қилиб кўрсатдим.

- Узоқ вакт ухладимми? – деб сўрадим ундан.
- Бува, бир неча лаҳза, холос.

Безори болалар таъқиб қиласидиган кимсасиз қарияларда бўладиган қўрқув мени қамраб олди. Эсимни едимми? Назаримда, унинг қўлидан одам ўлдириш келади. Губерт бир куни, Филининг қўлидан ҳамма нарса келади, деганди.

Бахтсизлигимни сезяпсанми, Из. Бу сатрларни ўқиётганингда, ачинишга кеч бўлади. Лекин бир оз бўлса ҳам ачинарсан, деб умид қилиш менга хуш келяпти. Сенинг абадий дўзахингга ишонмайман, аммо ҳаётлигига лаънат остида бўлган, таҳқирланган, доимо хато

йўлдан юрган, одамлар ўйлагандек эмас, яшашнинг туб моҳиятини англай олмаган инсон бўлиш нима эканини тушунаман. Мен азоб чекяпман, Иза. Жануб шамоли ҳавони ёндирияпти. Менинг сув ичгим келяпти, олдимда эса ҳожатхонадан олиб келинган илиқ сувдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Миллионлаб пулим бор, лекин бир пиёла муздек сувга зорман.

Балки Фили менга бошқа бир болани, эндиликда ўттизлардан ошиши керак бўлган жиянимиз Люкни Эслатгандир; эҳтимол шунинг учун олдимда ўтиришига қаршилик қилмагандирман. Тақводорлигинги ҳеч қачон камситган эмасман, ўша болага муруват кўрсатдинг. Сен Люкни ёқтирмас эдинг. Зайтундек тим қора кўзли, қалта сочли бу бола Маринеттанинг ўғли эди ва Фондодежларга асло ўхшамасди. У ўзи яшаётган Байон коллежида яхши ўқимади. “Лекин, – дердинг сен, – буниси билан менинг ишим йўқ. Унга таътил вақтида қараётганим ҳам етади.”

Уни китоблар қизиқтирмас эди. Ҳеч қандай жони-вор учрамайдиган ана шу жойларда у ҳар куни бирон-бир ўлжа топишнинг пайида бўлар, йилда биз томонларга бир марта келиб қоладиган ягона қуённи ҳам тутиб оларди. Унинг қонга белангтан қуённи қулоғидан маҳкам ушлаб олиб, токзор томон кетган катта йўлдан қувониб қўл силкиши ҳамон кўз ўнгимда. Сахар пайтларида унинг кетаётганини эшишиб қолардим. Деразамни очардим ва у ўзининг ширали товуши билан менга туман орасидан туриб қичқираради:

– Қармоқларимдан хабар олиб келаман.

У менга тик бокиб турар, кўзларини олиб қочмас, мендан қўрқмас эди. Чунки ҳайиқиши уни хаёлига ҳам келмаган бўлса керак.

Үйдан бир неча кунга кетиб, огоҳлантирмасдан қайтиб келган кезларимда хонада сигара исини ҳис қиласар, меҳмонхонада гиламлар йиғишириб қўйилганлигини, тўхтаб қолган тантананинг бошқа белгиларини кўриб қолардим. Қатъян ман қилганимга қарамай, уйдан қорамни ўчиришим билан Женевьева ва Губерт дўустларини бошлаб келиб “Ўтириш” ташкил қилишар-

ди. Сен эса уларнинг ёнини олардинг ва: “Меҳмон ҳам чақириб туриш керак”, – дердинг. Мени жаҳлдан тушириш учун Люкни олдимга юборар эдинглар. У мендан қандай қўрқишиングларни кула-кула айтиб берарди:

– Меҳмонхонага кирсам рақс тушишаётган экан. Ана амаким келяпти! У сўқмоқ йўлдан келяпти, – деб бақирдим. Уларнинг саросимага тушганларини бир қўрсангиз эди! Изга холам билан Женевьевева сомсаларни омборхонага олиб бориб қўйиши. Ана тўполон!

Бутун дунёда ана шу кичкина болагина мендан қўрқмади. Баъзан унинг қармоқда балиқ овлаётганини кўриш учун дарё бўйига тушардим. Доимо югуриб, сакраб юрадиган ана шу вужуд, мажнунтолдек соатлар мобайнида диққатини бир ерга йифиб, қимирламай туришга қодир эди. “Бундан адабиётчи чиқмайди”, – деб Женевьевева тўғри айтган эди. У ҳеч қачон ойдинни томоша қилиш учун айвонга чиқиб ўтирасди. У атроф муҳитга меҳр қўйиш тушунчасини англамаса ҳам табиатнинг қўйнига сингиб, унинг бағрида қўз очган булоқдек эди.

Ана шу гўдакнинг ҳаётида юз берган мудхиш воқеалар ҳакида ўйлардим. Онасининг ўлими, уйимизда номи тилга олинмайдиган отаси, интернат ва ёлғизлик. Бундан озроғини бошимдан ўтказган бўлганимда ҳам ҳасрат ва надоматдан ёрилиб кетган бўлардим. Лекин ундан шодлик уфуриб турарди. Менга шуниси ғалати туюлардики, мендан бошқалар қанча нафратланса, уни шунчалик яхши кўришарди.

Ундаги софлик, ёмонликни билмаслик, бефарқлик мени тобора ҳайратга солмоқда эди. Бизнинг болаларимиз қобил болалар бўлишган, буни тан оламан. Ўзинг айтгандек, Губерт ҳаммага ўрнак бўлганди. Бу ўринда сен берган тарбиянинг меваларини тан олмоқ керак. Агар Люк балоғат ёшига етганда ҳам беозорлигича қолаверган бўлардими, йўқми? Унинг беғуборлиги онгли хатти-ҳаракатнинг маҳсули эмас, бу кўпроқ тошлар оралаб оқаётган сувнинг мусаффолиги эслатарди. Аллақандай ички бир хўрсиниш, мени ана шу ерга келганда тин олишга мажбур қиляпти.

Сенинг тор доирадаги фикрлашу кесатиқларинг, башарангни буриштиришларинг, заҳар-заққум тилинг, әзбларинг менга шу бола келтирған күлфат қаршисида ҳеч нарса эмас эди. Бу ҳақда мен узоқ вакт үтгандан кейин билдим. Инсондаги барча камчиликлар худодан, деб айтган эдинг-ку! Лекин ҳеч ким Люкдан бирон-бир камчилик излаб топа олмасди. У Яратганинг құлидан бутун ва баркамол бўлиб чиққан эди. Унинг олдида үзимни мажрухдек ҳис килардим.

Уни ўглим қатори кўрганман, деб айта олган бўлармишим? Йўқ, у менга ўхшамаганлиги сабабли ҳам уни яхши кўрганман. Губерт ва Женевьеве, бадфеъллик, ўзгаларни назарга илмаслик, мол-дунёга ҳирс қўйиш, бошқалардан нафратланиш хислатлари билан менга тортгандилар (Женевьеве эри Альфред билан менинг усулимда шафқатсизларча муомала қиласди), Люк эса менга ўхшамасди, бутунлай бошқа дунё эди.

Ҳеч қачон у тўғрида қайғурмасдим. Отаси уни янги йил арафаси ва Пасха байрамида ўзи билан олиб кетар, ёзги таътилда эса бизникига келарди. Люк бу ерларни октябрь ойида, қушлар билан бирга тарк этарди.

У худога ишонармиди? Сен бу ҳақда шундай дердинг:

— Ана шу шумтака Люкка ҳам Тангрининг таъсири бор. Якшанба кунларидағи ибодатни у канда қилмайди. Ҳа, айтмоқчи, хайр-эҳсон масаласида ҳам у жуда омилкор. Қолаверса, ҳар ким топганига яраша эҳсон қилсин, дейилган.

У менга ҳеч қачон бу нарсалар ҳақида гапирмас, бунга ишора ҳам қилмас, қўпроқ бу дунёга алоқадор бўлган нарсалар ҳақида фикр юритарди. Баъзан у чўнтағидан қаламтароши, қармоғи ёки чуғурчикларни чақириш учун ишлатадиган ҳуштагини олмоқчи бўлиб, кичкина қора тасбехни тушириб юборар ва шу заҳотиёқ уни ердан оларди. Якшанба кунлари эрталаб, у номаълум бир куч таъсирида оғир, хотиржам, вазминроқ кўринарди.

Мени Люкка боғлаб турган яна бир нарса бор. Мен уни ўн икки йил муқаддам абадий уйқуга кетган қизча-

миз Мариянинг акаси, деб билардим. Бироқ у қизимиздан жуда-жуда фарқ қиласарди. Мария ҳашаротга азоб берса ҳам изтиробга тушар ва дараҳт кавагига моҳ тӯшаб, устига Биби Марьямнинг ҳайкалчасини қўйишни жуда ёқтиарди. Буларнинг бари эсингдадир! Шундай қилиб, сен шумтака деб атайдиган Маринеттанинг ўғли қиёфасида бир пайтлар жўш урган ва қайтиб ер қаърига кириб кетган булоқ яна оёқларим остида жилдираб оқаётгандек эди.

Уруш бошланганида Люк ўн олти ёшларда эди. Губерт ёрдам кўрсатиш хизматига сафарбар қилинган, у чидам билан қатнайдиган чақириқ комиссиясининг мажлислари сени ташвишга соларди. Ўғлимиз баъзи бир таъна гаплардан қутулиш учун ҳарбий хизматга бориш истагида юрар, сен эса узоқ йиллар юрагингда сақлаб юрган сирни – унинг эски касали ҳақидаги гапларни ошкор айтадиган бўлиб қолгандинг.

Бечора Иза, яна таъна тоши отяпти деб қўрқма. Ўша пайтларда мен билан камроқ қизиқардинг. Қишки жангларнинг давом этишидан безовта бўлаётганимни сезмасдинг. Люкнинг отаси аллақандай бир вазирлик ихтиёрига юборилган, бола нафақат таътил мобайнида, балки, янги йил ва Пасха байрамларида ҳам биз билан бирга эди. Уруш унинг жону тани эди. У ўн саккиз ёшга тўлмасидан урушнинг тамом бўлиб қолишидан қўрқарди. Авваллари бирон-бир китобни қўлига ушламаган бўлса-да, эндиликда маҳсус китобларни тинмай мутолаа қиласар, хариталарни ўрганар, тинмай бадантарбия билан шуғулланар эди. Ўн олти ёшида унда бақувват одамнинг келбати бор эди. Бу бола ярадор бўлганлар ва ўлганлар устида эзилиб ўтиргмаган бўлар, хандақлардаги ҳаёт ҳақида энг машъум ҳикояларни унга ўқитганимда кўз ўнгидаги иштирок этиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайдиган даҳшатли ва қизиқарли жисмоний ўйин гавдаланарди. Шошилиш керак эди. Эҳ, кеч қолищдан қанчалар қўрқкан эди у! Телба отанинг рухсати аллақачон унинг чўнтағида эди. Ўн саккизинчи йилнинг январи яқинлашган сари мен қария Клемансонинг ишлари қандай бораётганини ички бир

ҳаяжон билан кузатардим. Тутқундагиларнинг отоналари ана шундай ҳаяжон билан Робеспьернинг интиҳосини кутган ва ўғиллари суд килингунча қадар золимнинг қулашига умид қилган бўлсалар керак.

Люк Суж ёнида қисмда жанговар машқларда қатнашаётган пайтда сен унга иссиқ кийимлар, ноз-неъматлар юбориб турдинг. Лекин: “Унинг орқасидан ҳеч ким йиғлаб қолмайди...” – деганингда, сени қотилга ўхшатгим келганди.

Ушбу сўзларингда жанжалга сабаб бўладиган ҳеч бир нарса йўклигини тан оламан.

Урушнинг Люк жўнайдиган кунга қадар тугамаслигига кўзим етиб, умидларим пучга чиқди. Жанглар Шмен-де-Дам атрофида давом этаётган кезларда у биз билан хайрлашгани келди. Начора! Кечалари безовта қиласидиган, ҳалигача юракка азоб бериб юрган воқеани эсламоқчиман: ўша куни хонамдан кўнчи буортмамга асосан тайёрлаган чарм белбоғни қидириб топдим. Курсилардан бирини оёғим остига қўйиб, китоб жавонининг устида турган Демостеннинг ганчдан ишланган бошини сугуриб олмоқчи бўлдим. Аммо уни жойидан қимирлатишнинг иложи бўлмади. Сафарбарлик эълон қилингандан бери уни олтин тангаларага тўлдириб қўйган эдим. Олтинларни белбогга жойладим. Белбоғ бўйнимга бўғма илон мисол ўралиб олган, зил-замбидек оғир эди.

Уни Люкка узатдим. Аввалига у нималигини тушунмади:

– Буни нима қиласман, амакижон?

– Ҳар хил шарт-шароитда бу сенга асқотади: бу билан кўп ишларни амалга ошириш мумкин.

– Ўзимнинг лаш-лушларим ортиқчалик қилиб турган бир пайтда, яна шунча пулни кўтариб юришга рози бўлади, деб ўйладингизми? – деди у кулиб. – Биринчи тепаликни олишдаёқ, уни буталар орасига улоқтиришга мажбур бўламан...

– Шундайку-я, лекин урушнинг бошида одамлар бойликларини ўzlари билан бирга олиб кетишганди, ўғлим.

## | Жониар қолиша |

— Улар ўзларини нималар кутаётганини билишмасди, амакижон.

Люк хонанинг ўртасида тик турарди. Олтин тўла белбоғни диван устига ташлади. У копдек ҳарбий уст-бошда жуда нозик кўринарди! Озғин бўйни кенг ўрага ўхшаш ёқа ичидан чиқиб турар, сочи олинганидан таниб бўлмасди. У кўзимга ўлимга ҳозирдек, аллақачон дом-дараксиз ғойиб бўлганлар орасидан ўрин олгандек туюлди. Люк бир зум белбоғга тикилиб қолди, кейин менга ҳам истехзо, ҳам нафрат билан назар соларкан, кучоқлаб ўпиб қўйди. Биз кўча эшигига қадар бирга бордик. У менга бурилиб қаради-да: “Буларнинг ҳаммасини Франция Банкига олиб бориб топширинг”, – деди. Лекин энди кўз ёшларим аралаш ҳеч нарсани кўрмаётгандим. Унга кулиб гапираётганингни эшитдим:

— Бунга умид қилмай қўя қол! Ундан кўп нарсани талаб қилиб юбординг чоғи!

Эшик ёпилгач, йўлакда туриб қолганимни кўриб: “Олтинларингни олишга рози бўлмаслигини билардинг. Буни тан олишинг керак. Ишончинг комил бўлганидан бу ишни қилдинг”, – дединг.

Белбоғни диван устида қолдиргандим. Ким билсин, хизматкорлардан биронтаси уни топиб олдими? Шошилиб юқорига кўтарилдим: белбоғим жойида эди, олтинларни ўз жойига, ҳайкалча ичига солиб қўйдим.

Бир неча йилдан бери ўлим тўшагида беҳуш ётган онам уч-тўрт кундан сўнг оламдан ўтди. Аввалига айрилиқнинг изтиробини сезмаган эканман. Энди ҳар куни эслайман. Қабристонларни кўтарга кўзим бўлмас-да, баъзи-баъзида қабрига зиёратга бориб тураман. Қабристондаги гулларни ўғирлашади, деб эшитганимдан бери, у ерга гул олиб бормайман. Гулларни одатда камбағаллар ўз марҳумлари учун ўғирлайдилар. Панжара буюрсам бўларди, лекин ҳамма нарса қиммат.

Люкка эса қабр насиб қилмади. У дом-дараксиз йўқолди. Унинг ягона хатини ҳанузгача ёнимда сақлайман: “Яхши юрибман, – деб ёзганди у миннатдорлик йўсинида. – Юборган нарсаларингизни олдим.

Эҳтиром билан...” Ҳар ҳолда ундан “эҳтиром” сўзини эшитиш мен учун катта қувонч эди.

## Ўн биринчи боб

Кечаси нафасим бўғилиб уйғондим. Ўрнимдан туриб, амаллаб ўриндигимгача бордим-да, сахифаларни қайта кўздан кечирдим. Ўзимни шу даражада паст тушганимдан ажабландим. Ёзишни бошлишдан олдин, дераза токчасига суюниб ташқарини кузатдим: шамол тинган эди. Калез юлдузли осмон қўйнида хордик оларди. Саҳарга яқин соат учларда кучли бўрон кўтарилиди, ёмғир томчилай бошлиди. Дўл ёғиб юбормасин-да, ишқилиб.

Узумлар гулинини тўккан, адирларда бўлғуси ҳосил етилмоқда.

Бироздан сўнг хафсалам пир бўлди. Нега энди ваҳимага тушиб қолдим. Менга бунинг нима кераги бор. Энди ҳеч қачон ҳеч нарсанинг ҳосилини ололмайман. Фақат ўз-ўзимни бироз чуқурроқ ўрганишим мумкин. Эшитяпсанми, Иза? Ўлимимдан сўнг васиятим битилгандан ҳужжатни топиб оласан. Бу ҳужжат Мариянинг ўлимидан сўнг, мен бетоб ётган ва сен болаларни ўйлаб қайғуриб юрган кезларда ёзилган. Унда мен ўз эътиқодим ҳақида, тахминан куйидаги сўзларни битганман: “Сўнгги нафасим олдидан руҳонийнинг ёнимда бўлишига розилик бергудек бўлсам, ҳозир аклий равшан ва хотирам мустаҳкам эканида бунга қаршилигимни маълум қиласман. Илло, бетоб одамнинг аклий ва жисмоний имкониятлари заифлашганидан фойдаланибгина заковатим инкор қиласдиган нарсага мени мажбур қилишлари мумкин”.

Хуллас, сенга бир сирни ошкор қилмоқчиман. Икки ойдан буён ўзимга бўлган нафрат ҳиссини енгигб, ички дунёимни дикқат билан кузатяпман. Нимадир мени таквадорликка ундармоқда. Ҳа, мени Яратган сари етаклайдиган ҳолатлар содир бўлиб туришини энди яширмайман. Агар ўзимдан нафратланишдан

# | Ишонар Қалиса |

тұхтай олиш даражасида үзгара олғанимда эди, ушбу истакни енгиш қийин бұлмасди. Ҳа, буни ожизлика йүйган ва оддийгина унугиб қүя қолган бұлардим. Лекин үзимнинг қандай инсон эканим, қанчалар тош бағирлигим, қалбимда меҳр деган нарсанинг йүклиги, шахсимга нисбатан нафрат үйғотиш ва яккаланиб қолищдек ноёб қобилият эгаси эканимни үйлаб қолгудек бұлсам дахшатта тушаман. Нимадандир умидвор бұлгим келади... Менга ишона олармикансан, Иза? Тангри ер юзига ташриф буюрмоқни истаса, сиз ҳақ-гүйларни деб эмас, балки биз гуноңкорларни жазолагани келади. Сен мени яхши билмасдинг. Ёзғанларим мен ҳақымдаги ёмон үйларинг уммонига яхшилик гулларини соча олармикан? Нима бұлғанда ҳам жажжи Мария бағримда үтирган, кичкіндей Люк уйимиз олдидаги курсига үтириб адирларни кузатған кезларида үйғонған түйғуларимни сезиб турибсан.

О, йүқ! Үзига ортиқча баҳо бериб юборяпти, деб үйлама! Мен юрагимни, илонлар чирмаб олған, заһарзакқум ютган юрагимни яхши биламан: газандалар оғушидан эса, қутулиш қийин, бу тугунни пичноқ ёхуд қилич билан кесиб ташлабгина ечиш мүмкін.

Бундан үттиз йил олдин тайёрлаб қўйган васиятномамни тан олмаганимдек, сенга ишониб ёзған сўзларимдан эртага воз кечмоғим мүмкін. Эътиқодингга ва унга боғлиқ барча нарсаларга бұлған нафратимни кечирадли ҳолат, деб хисоблайман. Бирок үзларини насроний деб атайдиган кимсаларга нисбатан бұлған нафратим ҳамон камайгани йўқ. Улар Яратганинг қиёғаси, сийратини нотўғри тасаввур қиласидилар. У дунёга жуда ҳам ишонавермайдилар. Сен бадбаҳт худонинг бандаларига бундай баҳо беришга нима ҳаққинг бор дерсан? Иза, наҳотки ҳеч бир фазилатта эга бўлмаган ана шу мурдорлар орасида сен ардоқлайдиган Зотга ўхшайдиган кимсалар бор бўлса? Бу гапларнинг ҳаммасини худога шак келтириш, деб биласан.

Нега мен билан гаплашмайсан? Балки дардимни енгиллаштирадиган бирор сўзинг бордир. Наҳотки, янгича турмуш кечиришимиз мүмкін эмас. Менимча,

мүмкін. Қани энди, Тангрини үртага қўйиб, ёзғанларимни охиригача үқиб чиқишиңгни илтижо қила олсам! Қани энди, ёзғанларимни үқиб бўлганингдан кейин сен билан учрашсан!

Қани энди, кўзингда ёш билан ётоғимга кириб келсанг ва менга қучоқ очсанг! Мен сендан узр сўрасам! Бир-биримизнинг қаршимизда тиз чўксак!

Бўрон тинганга ўхшаяпти. Тонг юлдузлари жимирилаб нур сочмоқда. Барглардан томчилар тўкилишини кўриб, яна ёмғир ёғяптими, деб ўйлабман. Жойимга ётсам, нафасим бўғилармикан? Ёзишга мадорим қолмади, қалам қўлимдан тушиб кетай деяпти, дафтар устига қўяман...

Шамол девдек увллайди, момақалдироқ кўкни ларзага солади, чақмоқ чақади. Адир томонда дехқонлар дўлга қарши портлатган бомбаларнинг гумбирлаши атрофни ваҳимага солади. Сел келишидан ваҳимага тушган Барсак ва Сотерилар ёқсан машъалалар зулматни ёритади. Кимdir бор кучи билан Сен-Венсен қишлоғининг кўнғироғини чаляпти. Кимdir дарахтлар устига бир ҳовуч майда тош ташлагандек, шатир-шутир овоз эшитилди: дўл ёға бошлади. Аввалиари бундай пайтларда деразадан сакраб чиқиб кетган бўлардим. Шошиб ўтаётган қўшнини гапга тутасан:

— Дўл қаттиқ зарар етказмасмикан?

— Бахтимизга ёмғир аралаш ёғяпти, — дея жавоб қилишади. Қўрқиб кетган кичкинтойлардан бири йўлакдан ялангоёқ чопиб ўтади. “Юз минг франк кўкка совурилди” деб ҳисоб қиласман, тарки одат деганларидек... Тўрт мучам соғ бўлганида, ҳозир ўрнимда ётмаган бўлардим. Бир куни тунда, мени токзорлар орасида кўришган. Ўшанда оёғимда шиппак, қўлимда ўчиб қолган шам бор эди. Дўл ураётган узумларни гавдам билан тўсиб қолмоқчи бўлгандим. Лекин энди, ҳатто ўз мулкимдан айрилиб ўтирибман. Аммо энди батамом озодман. Мени нима озод қилганини, ким озод қилганини билмайман. Изга, кишанлар узиб тушланди, мен парвозга отланяпман. Аллақандай куч мени эргаштириб кетяпти? Қайси куч? Нима? Балки бу муҳаббатдир? Балки бу – муҳаббат...

Үн иккинчи боб  
Париж, Бреа күчаси

Дафтаримни нарсаларим орасига жойлаш фикри қаердан туғилди?

Үзүндән-узоқ тавба-тазарруни нима қиласман? Оила аъзоларим билан борди-келдимиз бутунлай тугаган! Кечинмаларни ўқиши керак бўлган аёл энди йўқ. Бинобарин, уни давом эттиришдан нима фойда?! Факат ҳасратларим чангини тилсиз қоғозларга тўкиш билан бироз енгил торяпман, холос. Дўл ёқсан кечаси ёзилган сатрларни ўқиган одам мен ҳакимда қандай хаёлга бораркин? Телба деб ўйламасмикан? Йўқ, йўқ! Телбалик ҳакида бу ерда гапирмайлик. Телба деган сўзни оғизга ҳам олмайлик. Ёзганларим ғанимлар кўлига тушса, бундан ўринли фойдаланишлари тайин. Энди мен ҳеч кимга мурожаат қиласман. Оғирлашиб қолгудек бўлсам, уни йўқ қилмоқ керак!.. Балки уни Париждаги номаълум фарзандимга мерос қолдираман... Дафтарнинг 1909 йилдаги ишкий саргузаштларим битилган жойида Изага ўғлим борлигини ошкор қилмагандим, ҳолбуки ўшанда Парижга яшириниш учун йўл олган маъшуқамнинг оғир оёқ бўлганлигини тан олишимга сал қолган эди...

Урушдан олдин она-болага йилига олти минг франк пул юбориб туардим ва ўзимни ниҳоятда олижаноб ҳисоблардим. Сал кўпроқ юбориш кераклигини ўйлаб ҳам кўрмабман. Ана шу икки вужуднинг қаддиларини оғир меҳнатдан букилишига, уларнинг ҳор-зорликда яшаётганликларига мен айборман. Мен улар яшаётган даҳада, Бреа күчасидаги хонадонлардан бирида ижарада турибман. Жавон ва каравот ўртасида зўрға ўтириб ёзишга жой бор. Кўчадаги шовқинни айтмайсизми! Бизнинг замонларда Монпарнас тинч эди. Энди бу ерда ухламайдиган жиннилар яшаётганга ўхшайди. Ўша кечаси Калезда оиласмадагилар бунчалик шовқин солмаган эдилар. Ўшанда эшитган эдимки... Буларни эслаб ўтиришнинг ҳожати бормикан? Бироқ ўша машъум лаҳза ҳакида ёзиш менга енгиллик баҳш

этади... Қолаверса, нега энди ёзганларимни йўқ қилиб юборишим керак?

Меросхўримнинг мен ҳақимда билишини истайман. Зора тавба-тазарруимни ўқиб, мени кечирса ва нима учун ўзимдан узоқ тутганимни тушунса!

Афсус! Икки марга сухбатлашиб, унинг кимлигини билиб олдим. Бундай йигитга ёзганларимнинг зигирчалик ҳам нафи йўқ. Бу корчалон, бу югурдак, бу биржадевонаси нимани ҳам тушунарди?

Тунда Бордодан Парижга келаётиб ўзимни оқлаш учун баҳона қидирган эдим. Романлар ва театрларда тасвирланган воқеаларга қанчалар берилиб кетамиз! Мен унинг олижаноб қалб эгаси эканлигига шубҳа қилмасдим! Унда Люкдаги олижанобликни, Филидаги хушбичимликни кўрмоқчи бўлгандим. Уни ўзимга ўхшаган, деб ўйловдим. “Ўғлингиз сизга ўхшайди”, – дейишларидан хурсанд бўладиган оталар бормикан?

Уни кўриб, ўзимдан нафратландим. Люк менга ўхшамагани учун ўғлим деб, уни ардоқлаган эдим. Роберт энг осон имтиҳондан ўта олмабди. Қаторасига бир неча марта йиқилгандан кейин бу ишдан воз кечибди. Мана шу томони менга ўхшамасди. Волидасининг уни кўрарга кўзи йўқ. Икки гапнинг бирида ўғлидан нолийди; бола эса бош эгиб, ўқишига тўланган ақчанинг аламига чидолмайди. Бу одати менга ўхшайди. Айни пайтда у бойликни тасаввур қилишга ожизлик қиласди. Бу нарса унинг учун ҳеч нимани англатмайди, у бунга ишонмайди. Тўғрисини айтганда, унинг ҳам, онанинг ҳам юраклари бетламаяпти: “Ахир бу қонунга хилоф иш... Бизни қамаб қўйишлари мумкин...”

Тўладан келган, соchlари оқарган, рангпар, бир пайлари мен учун суюкли бўлган аёлнинг кўзлари ҳамон мафтункор.

“Агар кўчада сиз билан тўқнаш келгудек бўлсан, асло танимаган бўлардим”, – деганди у менга.

Мен-чи, мен уни танирмидим? Уни гина-кудурат қиласди, мени ҳайдаб юборади, деб ўйлагандим. Ундан ҳамма нарсани кутгандим, лекин бундай итоаткорликни кутмаган эдим. Кунига саккиз соатлаб ёзув машини

каси устида эгилиб ўтиришдан мияси қотиб қолган бу аёлнинг ғалваларга тоби йўқ. У адлия идоралари га ишонмайди, бир пайтлар иши тушиб кўрган. Мен уларга адлияликлар билан қандай “тиллашишини” яхшилаб тушунтираётгандим. Роберт банқдан ўз номига пўлат сандиқни ижарага олади; мен бор пулимни унга жойлаштираман. У яна менга сандиқдан фойдаланиш учун ваколат беради ва ўлимимга қадар унга қўл теккизмаслик мажбуриятини зиммасига олади. Турган гапки, у пўлат сандиқни ичидаги пулларнинг меники эканлигини тасдиқловчи ҳужжатга ҳам қўл қўйиб беради. Ҳар ҳолда мен уни яхши билмайман ва унга буткул ишонолмайман. Она-бала менинг ишларимга аралашишдан бош тортдилар.

Мен уларга, қишлоқда Буррю деган нотариус борлигини, унга қўп нафим текканини, у билан қирқ йилдан бери иш юритиб келаётганимни ва унга ишонса бўлишини тушунтиришга уриниб кўрдим. Адвокатнинг қўлида устига “ўлган куним ёқиб ташлансин”, деб ёзиб қўйилган сўргичланган конверт бор. У бу ишни қойилмақом бажаради. Роберт қўл қўйган ҳужжатни ҳам ўша конвертнинг ичига соламан. Буррюнинг конвертни ёқиб юборишига шубҳа йўқ. Аммо ҳужжатларни яшириб, бундан ўзи манфаатдор бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Лекин она-бала Буррю ўлимимдан кейин ҳужжатларни ёқиб юбормайди, деб ўйлашди. Улар алданишдан қўрқишиди. Мен бунинг чорасини ҳам кўриб қўйганман. “Қўлингизга шундай бир ҳужжат бераманки, – дедим мен, – агар Буррю ғинг деса, уни сургун қилиб юбориш мумкин. Буррю қўз ўнгингизда қоғозларни куйдириб юборгандан кейингина, мен сизларга берган куролни унга қайтариб берасиз. Бундан ортиқ сизларга яна нима керак?”

Улар барибир ҳеч нарсани тушунишмаётганди. Икки телбага миллионлаб пул олиб келсан-у, оёғим остига йиқилиш ўрнига, баҳслалишиб, пачакилашиб ўтиришса... Тўғри, бу иш маълум хавф-хатардан холи эмас! Лекин токқа чиқмасанг, дўлана қайда. Йўқ, улар

хужжатга құл қүйишни истамадилар: “Даромад солиғи деган нозик нарсалар бор... бошимиз ғалвага қолади”, – Эмиш.

Тағин, мен бу икки жоқилга ачиниб, уларнинг мушкул ахволларига үзгаларни айбдор санаб юрибман. Улар үзгалар ҳақида: “Улар сирни фош қиладилар..., устимиздан жиноий иш құзғайдилар”, – дейишиді. Нима ҳам дердим.

Уларнинг фикрича уйимдагилар аллақачон полицияни бундан огох килишган-у, кимдир менинг изимдан юрибди. Улар иш билан фақат кечалари қоронғи күчаларда учрашишга розилик бердилар. Саломатлигим жойида бұлса ҳам майли эди, таксида юриш осон эканми! Уйдагиларнинг мендан хавотирланишини хаёлимга ҳам келтирғаним йүқ. Биринчи марта ёлғиз сафарга чиқишим эмас. Улар ҳеч нимадан хабардор эмаслар. Изимга ҳам тушишгани йүқ. Бу сафар ниятимни амалга оширишга ҳеч ким халал бермайди. Роберт рози бұлса, тинч ётиб ухлашим мумкин. У құркок, әхтиёткорлик билан иш күради.

Бугун 13 июль. Кеч түшди. Оркестрнинг кучли садолари остида, Бреа күчасининг охирида ёш-яланглар рақс тушишмоқда. О, менинг сокин Калезим! У ерда үтказған сұнғғи тунимни ҳамон эслайман: докторнинг тақиқлашиға қарамай, уйқу доридан ютиб олдим-да, чукур уйқуга кетдім. Бир пайт чүчиб уйғондым, соатимга қарасам бир бұлған экан. Қадам товушларини эшлиб, юрагим орқага тортди, дераза очиқ эди. Ҳовлида ҳам, меҳмонхонада ҳам ҳеч ким күринмасди. Ҳожатхонага үтдім, унинг деразаси шамол томонға, шийпонға қараган. Кеч бұлиб қолганига қарамай, ҳамма үша ерда эди. Вақт алламақал бұлиб қолган эди, шунинг учун улар бирон кимсанинг эшлиб қолишидан асло чүчимаётған здилар.

Тун сокин ва илик. Ора-сира гап тұхтаганда Изанинг одатдагидек тезроқ нафас олиши, кимнингдир гүгүрт чақаётгани күлогимга кирап эди. Қылт эттан шабада йүқ. Деразадан әнгашиб қарашга журъат эта олмадим, лекин овозига, кулишиға қараб ҳар бир ға-

# | Шоистар ҳамига |

нимнинг ким эканлигини билиб олмоқда эдим. Улар баҳслашмаётган эдилар. Изами, Женевьевами бир нарса деганди, ўртага узоқ вақт жимлик чўкди. Сўнг Губерт нимадир деди. Бундан Фили тутоқиб кетди. Кейин ҳамма бараварига гапира кетди.

“Ойижон, пўлат сандик ичиди арзигулик қофозлар йўқлигига ишончингиз комилми? Хасис одам ҳар доим ҳам эҳтиёткор бўлавермайди. Эсингиздами, унинг Люкка бермоқчи бўлган олтиналари?... Айтмоқчи, уларни қаерда сақларкин?

– Пўлат сандиқнинг “Мария” деган сўз билан очишидан хабардор эканлигимни у яхши билади. Сандини суғурта ёки солиқ қофозлари керак бўлиб қолгандагина очади.

– Суғурта қофозидан пулларнинг миқдорини билиш мумкин-ку, ойи!

– Қофозлар фақат уй-жой-у, ер-сувларга алоқадор. Яхшилаб текширганман.

– У ҳамма эҳтиёт чораларини кўриб қўйган.

Фили, эсноқ аралаш, оҳиста деди:

– Вой айёр-ей! Келиб-келиб унга қариндош тути-нибман-а!...

– Менинча, Креди Лийонне банкида ҳам у ҳеч вақо сақламайди... Бунга нима дейсан, Жанина? – сўради Женевьеве. – Уни қўлга олишни билмагансизлар, ойижон! Унинг кўнглини топишга, забт этишга уриниб кўриш керак эди. Агар у Филини бунчалар ёмон кўрмаганида, бу иш менинг қўлимдан келган бўларди.

Губерт истехзо билан жиянининг гапини бўлди:

– Чиндан ҳам эрингнинг сурбетлиги бизга қимматга тушди...

Филининг кулгани эшитилди. Энгашиб қарадим. Гугурт ёруғида бир лаҳзага унинг қовушган қўллари, терлаган даҳани, қалин лаблари кўринди.

– Сизларни ёмон кўриб қолиш учун, у мени кутиб турган экан-да.

– Ҳа, бир вақтлар у биздан камроқ нафратланарди...

– Бувимиз бир нарса айтиб берган эдилар, эсингиздами, – деб яна гап бошлиди Фили. – Кенжатой қиз

вафот этган кезлар, у ўзини жуда ғалати тутган ва айтарли ачинмаган экан... Қабристонга эса қадам босмаганди, дейишади.

– Жуда ҳам ошириб юбордингиз, Фили. Унинг меҳрига сазовор бўла олган ягона инсон Мария эди.

Агар Иза паст ва титроқ товуш билан шундай деб эътиroz билдиrmаганда, мен ўзимни тутиб тура олмаган бўлардим. Пастаккина курси топиб ўтирдим, қаддимни бироз олдинга эгиб, дераза токчасига бошимни кўйдим.

– Агар Мария ҳаёт бўлганида, – деди Женевьева, – бу ишлар содир бўлмасди.

– Бўлмаган гап! Мария ҳам унинг кўнглига теккан бўларди. Унда ҳеч бир инсоний ҳиссиятлар қолмаган...

Иза яна норозилик билдириди:

– Ўтиниб сўрайман, Фили, болаларнинг олдида, менинг олдимда эrim тўғрисида бундай гапирманг. Сиз уни хурмат қилишингиз керак.

– Хурмат? Қанақа хурмат?

Назаримда у норози бўлиб тўнғиллади:

– Балки оиласиз аъзоси бўлганимдан боши осмонда, деб ўйларсиз мени.

– Ҳеч ким сизни мажбур қилгани йўқ, – деди қайна на куруқкина қилиб.

– Нега бўлмаса мени умидвор қилдинглар. Ана энди Жанина йиғлашга тушди. Хўш? Йиғлашга арзигулик нима дедим? Нима?

– Оббо, – деди у тушкун руҳда. Шундан кейин Жанинанинг пиқиллаб йиғлашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмай турди. “Юлдузларнинг кўплигини қаранглар!” – деди кимдир, кимлигини била олмадим. Шу пайт Сен-Венсен кўнғироқхонасидағи соат икки марта бонг урди.

“Болажонлар, энди бориб ухлаш керак”.

Губерт бирор тўхтамга келмасдан тарқалиб кетиши га розилик бермади. Ҳаракат қилиш учун фурсат келган эди. Фили унинг ёнини олди. Унинг фикрича, мен кўпга бормас эмишман. Фурсатни бой бериб қўйилса, кеч бўлармиш. Қария барча чораларини кўриб қўйган бўлиши керак.

# | Қлонлар қалыпта |

– Тұғрику-я, лекин мендан нимани истайсиз, болаларим? Құлимдан келганини қилиб күрдим. Бу ёғига ҳеч нарса дея олмайман.

– Йүқ, – деди Губерт. – Ҳали құлингиздан күп нарса келади...

У нималарниидир шивирлаб айтди. Эңг муҳим нарсаны эшитолмай қолдим. Изанинг гап оҳангидан қаттиқ ранжигани ва норози эканлиги сезилиб турарди:

– Йүқ, асло. Бу фикринг менга ёқмаяпти.

– Сизга ёқадими, йүқми, буниси билан ишимиз йүқ, ойи. Муҳими мол-мулкингизни сақлаб қолиш, вассалом!

Яна шивир-шивир бошланди. Иза бунга чек қўйди.

– Бу шафқатсизлик бўлади, болажоним!

– Бундан кейин ҳам унга ҳамтовоқ, шерик бўлиб қолаверасизми, бувижон?! Ахир, сизнинг розилигинингиз билан у бизни меросдан маҳрум қиляпти. Сиз уни қўллаб-қувватлаяпсиз.

– Жанина, қизалоғим, қандай тилинг борди...

Шўрлик Иза, ана шу йиғлоқини деб неча-неча тунларни бедор ўтказгандинг. У жуда йиғлоқи эди, бирор энага унга қарашга рози бўлмаганди.

Жанина менсимаган оҳангда гапираётган эди. Жаҳлим чиқиб кетиши учун ана шунинг ўзи кифоя эди.

– Бундай гапларни, бувижон, сизга гапириш, мен учун оғир, албатта. Лекин менинг бурчим!

Бурчи эмиш!

Бурч деганда у истагини қондиришни, такасалтанг эридан ажраб қолищдан кўрқиши тушунади...

Женевьевә қизининг фикрини маъқуллади: ноиложлик уларни бирлашишга ундаётган эди.

Иза чуқур хўрсинди:

– Унга хат билан мурожаат қылсак осонроқ бўлмасмикан, болажонларим?

– Э йүқ, айниқса хатнинг кераги йүқ, – деди Губерт норози оҳангда. – Хат одамни не балоларга гирифторм қилмайди. Илгари унга хат ёзмагандирсиз, онажон?

У икки ё уч марта ёзганман, деб тан олди.

– Дўқ-пўписа ёки хақорат қилиб ёзмаган эдингизми, ишқилиб?

Иза ўйланиб қолди. Менинг күлгим қистади... Унинг хат ёзгани рост эди, бу хатларни мен жуда эхти-ётлаб сақлаб келяпман. Хатларнинг иккитаси ҳақоратларга тұла, учинчиси эса нафис сұзлар билан ёзилғанди. Агар бу нокобил фарзандлар уни мәндән ажратиш учун судга мурожаат қилишга күндиригандарыда ҳам, шубхасиз, ғалаба менинг томонимда бўлади.

— Хат ёзибмидингиз, бувижон, ёки йўқми? Унинг кўлида биз учун хатарли бўлган хатлар йўқми, ишқилиб?

— Менимча, йўқ... Лекин эримга буткул қарам бўлиб қолган анави Сен-Венсенлик фирибгар ва алдоқчи нотариус Буррю бир куни ачингандек бўлиб: “Эҳ хоним афанди, бекорга унга хат ёзибсиз...” – деганди.

— Хатда нималар ёзилган эди? Ҳақоратомуз сұзлар йўқмиди, ишқилиб?

— Хатлардан бири таъналарга тұла бўлиб, жаҳл устида, Мариянинг ўлимидан кейин ёзилган эди. Иккинчисини 1905 йилда ёзғанман. Ўшанда у бир аёл билан чинакамига айланишиб қолган эди.

Губерт: “Жуда чатоқ иш бўлиби, жуда ҳам чатоқ”, – деб вайсай бошлаган эди, Изар уни хотиржам қилмоқчи бўлиб: “Хатоларим учун узр сўраганман. Хуллас, ҳамма иш жойида бўлган”, – деди.

— Ана холос, буниси энди ҳаммасидан ҳам ошиб тушди.

— Шундай қилиб, ажралиш ҳақида иш кўрилгудек бўлса, унинг қўрқадиган ери йўқ экан-да.

— Нияти қора эканлигини сиз қаердан биласиз?

— Бу ўз-ўзидан маълум. Кўр одамгина буни пайқамаслиги мумкин. Молия ишларининг буткул сир тутилиши; ҳар хил қочирим гаплар. Буррюга айтилган, лекин бошка бирор ҳам эшитиб қолган сұзлар; қариянинг ўлимидан сўнг улар шундай панд ейдиларки...

Баҳс қизигандан-қизиди, кекса онага бутунлай эътибор бермай қўйишиди. Изар алам билан ўрнидан қўзғалди. “Кеч кирганда беҳудага ташқарида ўтирдим, оёқ оғриғим хуруж қилиб қолмасайди”, – деди у. Болалардан ҳеч ким унга жавоб қилмади.

Кимнингдир унга: “Яхши ётиб туриңг!” – дегани қулоғимга чалинди. Изя стол атрофини айланиб, ҳаммани ўпиди чиқди. Болалар унинг ҳурмати учун ўринларидан турмадилар ҳам. Эҳтиёт шартдан ўрнимга ётиб олдим. Зина томондан оғир қадам товушлари эшитилди. У менинг эшигимга келиб тұхтади. Ҳарсиллаб нафас олиши баралла эшитиларди. У қўлидаги шамни ерга қўйди ва эшикни очди. Каравотимга яқин келди ва ухламаяпманми, йўқми, шуни билиш учун устимга энгашди. Шу ахволда узоқ турди. Ўзимни ошкор қилиб қўйишдан жуда кўрқдим. Ниҳоят, у хонани тарк этди ва эшикни ёпди. Унинг ётоғидаги эшик ҳам беркитилиши билан, мен яна ҳожатхонага – аввалги жоимга қайтиб бордим.

Болалар ҳамон ўша ерда эдилар. Улар паст овозда сўзлашардилар. Кўп сўзларни эшитолмай қолдим.

– Улар турли табақаларга мансуб бўлишган, – дерди Жанина. – бунинг таъсири бор, албатта. Фили, йўталяпсан-ку, жонгинам. Елканга пальтоингни ташлаб ол.

– У хотинини эмас, бизларни ёмон кўради, ақлга сиғмайди! Бундай ҳолат ҳаттоки китобларда ҳам учрамайди. Онамизни айблашга ҳаққимиз йўқ, бироқ у чолдан айтарли хафага ўхшамайди, – деб гапини тутатди Женевьевеева...

– Жин урсин, – деди Фили, – ахир у истаган пайтда сепини қайтариб олади! Бувамиз Фондодежга қарашли Сувайш канали акцияларининг баҳоси 1884 йилдан бери анчагина ошиб қолган бўлиши керак...

– Сувайш каналининг акциялари...? Улар сотилиб кетган...

Иккиланиб, қаловланиб гапиришидан унинг Женевьеванинг эри Альфред эканлигини билдим. Бечора Альфред ҳанузгача бир сўз демай ўтирган эди. Женевьевеева ҳар доимгидек эрини силтаб ташлади:

– Эсингни еб кўйдингми? Нега уларни сотилган дейсан?

Альфред май ойида қайнанасининг ҳонасига, у аллақандай қоғозларга қўл кўяётган пайтда кириб қолга-

нини ва қайнанаси унга: “Уларни сотишнинг айни пайти келди, ҳозир қиймати энг кўтарилиган пайт, бундан кейин улар арzonлашади” – деганини айтиб берди.

– Сен бўлсанг бизга ҳеч нима демадингми? – вайсади Женевьеве. – Фирт аҳмоқсан! Демак, отам онамга акцияларни сотиб юборишини буюрган. Эй, Парвардигор, қандай акциялар эди-я! Сен бўлсанг, гўё ҳеч нарса содир бўлмагандек, бу тўғрида хотиржам гапиряпсан...

– Ахир Женевьеве, онамиз сизларни бу тўғрида огоҳлантирган, деб ўйловдим. Қолаверса, никоҳ шартномасига кўра отангизнинг сепга нисбатан ҳуқуқлари бўлмаган...

– Тўғрику-я, лекин акцияларни сотишдан кўрилган фойдани у чўнтағига урган бўлса-чи? Сен нима дейсан, Губерт? Манави бўлса, бизни огоҳлантирмай ўтирибди! Тағин умримни ана шу одам билан ўтказиб келяпман, – деди Женевьеве.

Жанина: “Секирроқ гапиринглар, қизимни уйғотиб юборасизлар!” – деб илтимос қилди. Бирмунча вақт улар яна паст овозда сўзлашдилар, мен яна ҳеч нарсани англай олмай қолдим. Кейин Губертнинг овози қулоғимга чалинди:

– Ҳалигина сизлар таклиф қилган режа хаёлимдан чиқмаяпти. Бу ишга онамизни кўндириб бўлмайди. Жуда бўлмаганда, уни аста-секин тайёрлаш керак бўлади...

– Эҳтимол, бу нарса унга ажралишга қараганда маъқулроқ келар. Негаки, суд орқали ажрашиш никоҳнинг ҳам бекор қилинишига олиб келади. Бу эса онализнинг эътиқодига тўғри келмайди... Тўғри, Фили таклиф қилаётган нарса биринчи қараганда, номақбулдек кўринади... Аслини олганда эса, ахир ҳакамликни биз қилмаймиз-ку!.. Демак, хукм чиқариш ҳам бизнинг кўлимиизда бўлмайди. Бизнинг ишимиз масалани кўтаришдан иборат. Тегишли ташкилотлар лозим деб топган тақдирдагина ўйлаган нарсамиз амалга ошади.

– Менинг ўйлашимча, тузган режангиз сариқ чақага ҳам арзимайди, буни мен такрор айтяпман, – деди Олимпия.

# | Ишлар ҳалида |

Губертнинг хотини тоқати-тоқ бўлганидагина шундай баланд овозда гапиради. У мени оғир-босиқ, ниҳоятда равшан фикр соҳиби, деб таърифлади.

– Сизларга шуни айтишим керакки, – деб гапида давом этди Олимпия, – биз у билан тез-тез тил топишиб турамиз, агар сизлар ҳар сафар ишни бузиб қўймаганларингда, мен уни аллақачон қўлга олган бўлардим...

Филининг унга қандай бебурд сўз айтганлигини эшитолмай қолдим, лекин Олимпиянинг гаплари узук-юлуқ бўлиб қулоғимга кирмоқда эди:

– Беш йилдирки, у ҳимоя иши билан шуғулланмайди, шуғуллана олмайди.

– Юраги сабаблими?

– Юраги сабабли. Лекин Адлия саройини тарк этганда, у бетоб эмас эди. Баъзи бир тортишувларни қўрган гувоҳлар бор, бу ҳақда мен аллақачон керакли қоғозларни йигиб қўйганман...

Қулоғимни қанчалар динг килмай, Губерт ва Фили ёнма-ён ўтириб олишгани туфайли ҳеч нарсани эшитолмай қолдим. Бир муддатли шивир-шивирдан кейин Олимпия деди:

– Қўйсаларинг-чи! Бу уйда у билан ўқиган китобларим ҳақида гаплаша оламан, фикр алмашаман, сизлар бўлсангиз...

Фили унга бир нарсалар деди, лекин мен “эси паст” деган сўзларнигина илғай олдим. Камгап бўлган иккинчи куёв хирқироқ овозда деди:

– Қайнанамнинг хурматини жойига қўйишингизни талаб қиласман.

Фили: “Ҳазиллашдим, қолаверса, иккимизни ҳам алдадилар”, – деди. Кенжа куёв титроқ овозда ҳеч ким уни алдамаганини ва хотинига севиб уйланганини айтди. Шунда ўтирганларнинг ҳаммаси: “Мен ҳам севиб уйланганман, мен ҳам, мен ҳам!” – дейишиди.

– Хўш, сен-чи азизим? – сўради Женевьеве эридан.

– Балки сен ҳам отамнинг бойлигидан бехабар бўла туриб, менга уйлангандирсан? Лекин фотиҳамиз бўлган куни менга айтган гапларинг эсингдами? “Бойлигининг қанча эканлигини айтмаса, айтмас... Биз унинг бениҳоя катта эканлигини яхши биламиз”.

Ҳамма хахолаб кулиб юборди. Яна Губертнинг овози келди. Бир муддат у ёлғиз ўзигина гапирди. Мен унинг охирги гапларинигина илғай олдим:

– Мен адолат ва тұғрилик ҳақида гапирдим. Биз қонуний бүлган мулкимизни – оиласизнинг муқадdas ҳуқукларини ҳимоя қыляпмиз.

Энди овозлар аниқроқ эшитила бошлади:

– Уни кузатиб юришнинг иложи йўқ. Полиция маҳкамасида танишлари кўп. Буни яхши биламан. Уни огоҳлантириб қўйишлари турган гап...

Бир оз жим ўтирилар, кейин:

– Унинг қаттиққўллиги, қизғанчиликни ҳаммага маълум: судда икки ё уч марта ўзини қўполроқ тутган, дейишади. Лекин ақл-идроқи, вазминлигига келсак...

– Нима бўлганда ҳам, унинг бизларга нисбатан ғайриинсоний, ғайритабиий, шафқатсиз муносабатда эканлигини ҳеч ким инкор қила олмайди...

– Азизим Жанина, – деди Альфред қизига, – наҳотки унинг касал эканлигини исботлаш учун шуларнинг ўзигина кифоя қилади, деб ўйлаётган бўлсанг?

Масала мен учун равшан эди: булар ваҳшийлашган тўда, мен эса уларнинг үлжаси эдим. Изанинг кетиб қолганидан хурсанд бўлдим. Унинг олдида улар режаларини ошкор қилмаган. Бинобарин, мен бундан хабар топмаган бўлардим. Лекин болаларнинг режаларидан ваҳимага тушмадим. Бадбахтлар, телбалар! Мени мулкимдан маҳрум қилишга, жиннихонага тиқиб қўйишга қўлингиз калталиқ қилади! Биринчи навбатда Губертни аянчли аҳволга солишим мумкин. Унинг ҳаёт-матоти менинг қўлимда. Ўзи буни билмайди! Фили масаласида хужжатлар етарли. Лекин... улардан фойдаланишга тўғри келади, деб ўйламаганман. Ҳали ҳам уларни ишга солмайман, бир озгина учини чиқариб қўйсам кифоя!

Ҳаётимда биринчи марта ўзимдан ёмонроқ одамларни учратганимдан хурсанд эдим. Улардан интиқом олмоқчи эмасдим. Меросдан маҳрум қилиш билан уларни жазоламоқчи эдим, холос!

– Юлдуз учди! – деб хитоб қилди Фили. – Тилак тилашга улгурмай қолдим.

# | Ҳонимлар қолиши |

— Ўзи ҳар доим шунақа бўлади, — деди Жанина.  
Унинг гапини эри давом эттириди:

— Учаёттган юлдузни кўрсанг: “Миллионлар, келинглар!” — дегин.

— Канчалар ахмоқсан, Фили!

Ҳаммалари ўринларидан туришди. Боғдан курси-  
ларнинг тақ-туқи, эшикнинг қулфланаётгани, Жанина-  
нинг бўғиқ кулгиси эшишилди. Хоналарнинг эшиклари  
бирма-бир ёпилди. Мен узил-кесил бир тўхтамга кел-  
ган эдим. Икки ойдан бери юрагим хуруж қилмайди.  
Бинобарин, Парижга жўнаб кетишимига ҳеч бир моне-  
лик йўқ. Ҳар сафар индамай жўнаб кетаман. Лекин бу  
сафар қочди, дейишмасин. Эрталабгача режаларимни  
пухта ўйлаб, пишишиб чиқдим.

## Ўн учинчи боб

Қоқ тушда ўрнимдан турганимда, аҳволим яхши  
эди. Буррюга телефон қилиб тез олдимга келишини  
тайинладим. У тушликдан сўнг етиб келди. Иккови-  
миз деярли қирқ беш минут мобайнида йўлка бўйлаб  
у ёқдан-бу ёқقا юриб сайд қилдик ва сұхбатлашдик.  
Иза, Женевьеве ва Жанина бизни узоқдан кузатиб ту-  
ришди. Улар безовталанишар, бу менга ёқмоқда эди.  
Эркакларнинг Бордода эканликлари ёмон иш бўлди.  
Улар бечора нотариусни “Чолнинг вафодор ити” деб  
атайдилар. Буррю мен учун қўл-оёғи боғланган қулдек  
бўлиб қолган. Шўрликни фош қилувчи ҳужжатларни  
ворисимга бермаслигимни сўраб ялинишини бир кўр-  
сангиз эди...

— Кўркманг! — дедим мен. — У имзо чеккан ҳужжат-  
ни ёқиб юборишингиз билан қоғозларингизни қайта-  
риб оласиз...

У хонимларга узоқдан чуқур таъзим қилди-да, ша-  
лоқ велосипедини миниб жўнаб кетди. Мен аёллар-  
га Парижга жўнаб кетишими айтдим. Изанинг “Шу  
аҳволда саёҳат қилиш яхшимикин?” деган эътирозиги:  
“Молиявий ишларим билан шуғулланиб келмасам

бұлмайди. Билсанглар, билмасанглар сизлар учун жон күйдиряпман...”, – деб жавоб бердим.

Улар менга хавотирланиб қарашаётганди. Кесатигим мени фош қилиб күйди. Жанина онасига бир қараб олди-да, ботинмайгина деди:

– Бувим ёки Губерт амаким бирга боришса бўлмасмикин, буважон?

– Тўғри фикр, қизим... Ажойиб фикр! Лекин мен ҳамма ишни ўзим бажаришга ўрганиб қолганман. Бунинг устига, ҳеч кимга ишонмайман.

– Ўз болаларингизга ҳам-а? Вой буважон-эй!

Жанина “буважон” сўзига алохидা урғу берди. Унинг назарида, мен эриб кетишим керак эди. Ҳолбуки, тунги суҳбатда унинг ҳам чийилдоқ овозини эшигган эдим... Мен кулиб юбордим ва кулгунинг зўридан йўтала бошладим. Улар бирдан даҳшатга тушдилар. Изанинг изтиробли юзини сира унугомасам керак. Болалар уни жуда қийнашган. Уларнинг олдиларидан узоқлашишим билан Жанина: “Унинг кетишига йўл кўйманг” – деб бувисини тортқиласган кўринади. Лекин рафиқам ҳолдан тойган, курашишга ортиқ мадори қолмаганди. Бир неча кун илгари унинг Женевьевага: “Қани энди ухлаб қолиб, бошқа уйғонмасам”, – деганини эшигган эдим.

Изанинг ҳозирги аҳволига раҳмим келди. Бир вақтлар онам бечорага шундай раҳмим келган эди. Ана шу қариган, ҳолдан тойиб ҳеч нарсага ярамай қолган вужуддан болалар режаларини амалга оширишда калкон ўрнида фойдаланмоқда эдилар. Тўғри, улар оналарини ўз билғанларича севишади ҳам; вақти-вақти билан докторга кўриниб туришга, дори-дармон ичишга мажбур қилишади. Женевьевева билан Жанина нари кетишигач, Изга олдимга яқинроқ келди:

– Қулок сол, – деди у. – Менга пул керак бўлиб қолди.

– Бугун ойнинг ўнинчи куни. Сенга эса бир ойлик пулни берганман.

– Тўғрику-я, бироқ Жанинага бироз ёрдам беришга тўғри келди: улар ҳозир жуда мушкул аҳволда. Калез-

# | Чониғар Қалиса |

да тежаб-тергаб сарфлайман. Август ойининг ҳисобидан узилишиб кетамиз...

Мен Филига ўхшаган бекорчини боқиши ниятида эмаслигимни, пулни ўйлаб сарфлаш кераклигини айтдим.

– Мен қассобдан, баққолдан қарздорман... Мана, кўр, ишонмасанг.

У сумкачасидан қарз қоғозларини олди. Шунда мен унга тўлов учун чек бера олишимни айтдим. Шунда пулнинг бошқа нарсага сарфламаслиги аниқ. Изарози бўлди. Чек дафтаримни олаётганимда, Женевьевева билан Жанинанинг атиргул буталари ортидан бизни кузатаётганларини сезиб қолдим.

– Улар сени менга бошқа нарса хусусида сўзлаяпти, деб ўйлашлари мумкин, – дедим мен.

Иза титраб кетди.

– Нима ҳақда? – сўради у зўрға.

Юрагим санчди. Кўкрагимни чанглладим, ёнимга яқинроқ келди:

– Огрияптими?

Мен унга суюниб қолдим. Арғувон дараҳтлари экилган хиёбоннинг ўртасида чол билан кампир сухбатлашиб ўтиришарди. Мен секингина:

– Ҳозир ўтиб кетади, – дея Изани тинчлантиридим.

Бундай қулагай имконият бошқа келмайди, деб ўйлади шекилли, Изарогини бушатиб олмоқчи бўлди. Лекин унинг бундай ишларга мадори қолмаган эди. У хансирааб зўрға нафас оларди. Касалим қанчалар оғир бўлмасин, мен ҳам матонат билан дош берётган эдим.

У гапни нимадан бошлашни билмай, қизи ва набираси томонга ўғринча қараб қўймокда эди. Кейин менга қаради; нигоҳида чарчаш, ачиниш, ҳам уялишга ўхшаш бир маъно бор эди. Фарзандларимизнинг кечаги гаплари унга қаттиқ таъсир қилганди.

– Ёлғиз кетаётганинг мени хавотирга соляпти, – деди у ниҳоят.

Мен унга йўлда бирор кор-хол рўй берса, мени бу ерга келтириш шарт эмас, дедим.

У ёмон ният қилмасликни сўради.

— Тұғри-да, дедим мен. — Ортиқча харажатнинг көраги йүк. Икки қулоч ер ҳамма жойда ҳам топилади.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — деб хұрсинді у. Үлганимдан кейин хоҳлаган жойларига қүйишсін. Бир вактлар қабрим Марияники билан ёнма-ён бўлишини истовдим... Энди Мариядан ҳеч нарса қолмагандир...

Мария унинг учун хоки-тупроққа айланганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Йиллар мобайнида қизалоғимни тирик, деб билиб келганман. У баҳор шабадаси мисол бир неча бор ҳаёт йўлимни кесиб ўтганилиги ҳақида айтишга юрагим бетламади.

Женевьеве ва билан Жанинанинг бизни кузатишлари бехуда эди. Иза қаттиқ чарчаган қўринарди. Балки у бекорга шунча йил мобайнида эрим билан жанжаллашиб юрган эканман, деб афсусланаётгандир? Женевьеве ва Губерт болаларининг гиж-гижлашлари билан ана шу кампирни, мен билан бирга бир вактлар Бањер тунларининг хушбўй ҳидидан баҳраманд бўлган қайлиғим Изя Фондодежни менга қарши қўйиб келдилар.

Орамизга совуқлик тушганига яқинда эллик йил бўлади. Иккаламизнинг шунча йиллик курашдан сўнг бир-биrimиздан нафратлана-нафратлана келган жойимиз шу бўлди. Ҳаёт йўлимизнинг ўлим белгилайдиган чегарадан нарёғи бўшлиқ ва қоронгиликдан иборат. Мен шу фикрдаман. Изада эса, ўзи айтмоқчи, Яратганга бўлган эътиқодидан бўлак ҳеч вақоси қолмаган. У ҳам, мен ҳам жон-жаҳдимиз билан ёпишиб олган нарсалар бир зарб билан ғойиб бўлди. Тангри сари олиб борадиган йўлнинг очиқ экани унинг ҳам кўзига қўринаётгандикан? Йўқ, фарзандларининг талаби бу йўлда ғов бўлиб, уни тўсиб турибди. У болаларининг иродасига бўйсунишга ва қайтадан қаттиққўл, бағритош бўлишга мажбур. Үқитувчисининг топшириғига биноан уй вазифасини қайта бажаришга мажбур бўлган талаба мисол у яна фарзандлари учун пул топиши, уларнинг саломатликлари устида қайғуриши, улардаги шухратпарастлик ва ҳасад қаби қусурлар билан хисоблашиши керак.

Иза яна йўлка томон кўз ташлади. Женевьеве ва

# | Илониар Қалыңда |

Жанина ўзларини гулларни буташ билан шуғулдана-ётгандек күрсатмоқда эдилар. Изә улар томон юрди. Күн ниҳоятда дим, момақалдирик бўлиши аник. У минг машаққат билан қадам ташлар, “Ох, оёқларим! Оёқларим!” – деб нола қиласди. Қарилик эр-хотинлар ўртасидаги ҳар қандай ўтли адоваратни сусайтириш хусусиятига эга.

Рафиқам болажонларидан дакки эшитди чоғи, қизарип, бўзариб ёнимга қайтди. Кейин ҳасрат қила кетди:

– Момақалдирик бошланишидан олдин мазам қочади. Қон босимим ҳам баланд... Айтмоқчи, Луи, сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим... Сепим тариқасида берилган Сувайш каналининг акцияларини нима қилгансан? Баъзи бир қоғозларга кўл қўйдирив олганингни яхши эслайман...

Мен акцияларнинг қадри тушиб кетишига бир баҳя колганида, уларни сотиб катта фойда олганимни ва ўша пулга яна фойда келтирувчи қарз қоғозларини харид қилганимни тушунтирдим.

– Сепинг анчагина кўпайди, Изә, – дедим мен. – Франкнинг қадрсизланиши ҳисобига катта фойда кўрдинг! Бойлигинг Вестминстер банкида, ўз номингда турибди. Мен ўз пулимга ва у келтирган фойдага хўжайнман. Сенга тегишилисига эса ўзинг соҳибасан. Бориб анави фаришталарнинг кўнгилларини хотиржам қил.

У шартта билагимдан тортди.

– Нега уларни кўрарга кўзинг йўқ, Луи? Нега улардан нафратланасан?

– Мен эмас, сизлар мендан нафратланасизлар... Сенга келсак... Менинг бор-йўқлигим билан асло ишинг йўқ! Жаҳлим чиққан ёки мендан чўчиб кетган пайтларингни истисно қилганда, албатта.

– Қийнаган кезларимни, – деб қўшиб қўйсанг бўларди. Мени сира азоб чекмади, деб ўйлайсанми?

– Э қўйсанг-чи! Кўзингга болаларингдан бошқа ҳеч ким кўринмас эди..

– Ҳа, уларга жуда-жуда боғланиб қолган эдим, якка-ю ёлғиз овунчоғим ўшалар эди. Кейин у овозини бир оз пастлатиб давом этди:

– Сен мени бутунлай ташлаб қўйгансан, турмуш курганимизга бир йил бўлмасданоқ хиёнат қилгандинг.

– Азизам Иза, саёқ юришларимдан хафа бўлганингни айтмай қўя қол... Бундан иззат-нафсингга озор етган бўлиши мумкин. Келинчаклар кўнгилчан бўладилар...

У заҳархандалик билан кулди:

– Гапларинг самими! Наҳотки, ҳеч нарсани сезмаган бўлсанг?...

Юрагим орзиқиб кетди. Умид чироғи ёнди. Гап аллақачон ўчиб, унутилиб кетган ҳиссиётлар ҳақида бораётганида, ғалати бўларкансан киши. Наҳотки, қирқ йил илгари у мени севган бўлса-ю, мен бехабар қолган бўлсам?... Йўқ, ишонмайман...

– Сендан на бирон бир товуш, на бирон бир сўз чиқмаган... Болаларингга ёпишиб қолгандинг.

У қўллари билан юзини яширди. Унинг қўл томирларини ўйнаб кетганини, ажин босганини эндиғина кўраётган эдим.

– Болалар эмиш! Алоҳида-алоҳида хоналарда ёта бошлишимиз билан болаларни ўзимиздан ажратгандим, бетобликларига ҳам қарамай уларни алоҳида ётқизардим ва келишингни илҳақ бўлиб кутардим...

Кўз ёшлари унинг қўлларидан оқиб тушмоқда эди. Ана сизга Иза! Шарти кетиб, парти қолган кампирнинг бир вақт мен билан Нилуфарлар водийсига саёҳат қилган ҳурлиқо қиз бўлганини фақат мен тасаввур қилиш имкониятимизни ажин бўлсангни яширди.

– Кексайганда бундай нарсаларни эслаш уят ва кулгили... Ҳа, кулгили... Мени афв эт, Луи!

Мени шубҳа қамраб олган эди. Наҳотки, эллик йилдан буён ёнма-ён яшаб, унга бир томонлама назар солган бўлсан? Наҳотки, унинг хатти-ҳаракатларида, сўзларида фақат алам ва нафрат яраларини кўриб келган бўлсан? Одам одамни тан олмайди. Биз ўзгаларга бўлган нафратимизни асослай олиш учун уларни барча инсоний фазилатлардан хаёлан маҳрум қиласиз... Ҳаяжонланиб кетганимни Иза сезди шекилли, қўлга киритилган имкониятдан фойдаланмоқчи бўлди.

– Бугун жўнамайсанми?

# | Кинжал қолиша |

Унинг нигоҳида бир сонияга “бопладим” деган олов ёнди. Мен ўзимни ҳайрон бўлганга олдим ва жўнашими пайсалга сололмаслигимни, бунга бирон-бир сабаб йўқлигини айтдим. Биз уйга қайтдик. Мен ғалати аҳволга тушиб қолгандим. Кетишнинг балки кераги йўқдир... Кечинмалар ёзилган дафтарни Изага бериб қўйсам бўлармиди?... Борди-ю... Иза менга суюниб олди (Неча йиллардан бери у бундай қилмайди. Йўлка уйимизнинг шимол томонига олиб чиқарди).

– Казо ҳеч қачон курсиларни ўз вақтида йиғишириб қўймайди, – норози тўнғиллади Иза.

Мен хаёл суришни йиғишириб, атрофга разм солдим. Бўшаб қолган курсилар давра шаклида, бир-бirlарига яқин қилиб қўйилган эди. Бу курсиларни банд қилган одамлар шивирлаб сўзлашиш учун бир-бirlарига яқинроқ ўтиришга мажбур бўлганлар. Тепиниб ўтирганларидан ер ўйилиб кетган. Фили чекадиган сигаретнинг қолдиклари ҳамма ерда сочилиб ётибди. Ганимларим тунда шу ерда кенгаш қилгандилар. Юқорида ўз-ўзимдан нафратланишимни, юрагимни илонлар чирмаб олганини айтган эдим. Энди билсан, илонлар ичимдан чиқиб, тунда шу ерга йиғилган ва ўзларининг мудхиш гурунгларини ташкил қилгандилар. Мана уларнинг совук излари!

“Ха, Иза... – деб ўйладим мен. – Пулингни қайтариб бераман. Лекин бошқа ҳеч нарсадан умидвор бўлма! Уй-жой, боғ-рогларни ҳам сизларга бермайман. Калезни ҳам, ўрмонларимни ҳам сотаман. Ота-онамдан қолган ва ўзим орттирган ҳамма бойлик ўзим ҳали бирон марта кўрмаган ўғлимга ўтади. У билан эртагаёқ учрашаман. Қанақа одам эканлигидан қатъиназар у сизларни танимайди, сизлар билан тил бириктирмаган, мендан нафратланмайди, у мендан узокда тарбияланган.

Ғазаб билан Изанинг қўлини елкамдан олиб ташладим-да, юрагимнинг хасталигини унутиб, уй сари тез-тез кўтарила бошладим.

– Луи! – деб қичқирди Иза...

Ортимга қарамадим.

## Ўн тўртинчи боб

Уйкум қочди, кийиниб кўчага чикдим. Монпарнас хиёбони сари борар эканман, жуфт-жуфт бўлиб рақс тушаётган йигит ва қизлар орасидан ўтишимга тўғри келди. Республиканиг менга ўхшаган ашаддий тарафдорлари ҳам бир вақтлар ўн тўртинчи июль куни ўюштириладиган сайлларда иштирок этишдан тортишишарди. Ўзини тутиб олган ҳар бир одам кўча лаззатларидан баҳраманд бўлишни ўзига эп кўрмасди. Бреа кўчасида ва Рожонда майдонида ракс тушаётганлар орасида безориларни учратмадим. Дайди, саёқлар ҳам йўқ: ҳаммаси келишган, бошяланг йигитлар, баъзи бирлари ёқаси очик, енги калта кўйлак кийиб олишган. Рақс тушаётган аёллар орасида эса, енгил табиатлари жуда кам... Ўтиб кетаётган такси машиналари рақсларига халақит бергудек бўлса, улар беозорлик билан машина ғилдиракларига кўл текказиб қўядилар. Мени кўрмасдан туртиб юборган йигитча “Бобойга йўл беринглар”, – деб қичқирди. Мен шод-хуррам одамларнинг орасидан ўтиб келдим. “Уйқу келмаяптими, бува?” – сўради калта сочи пешонасига тушиб турган йигит. Люк ҳам ана шуларга ўхшаб кулган, кўчада рақс тушган бўларди. У мени, ҳеч қачон дам олиш, чин кўнгилдан хушчақчақлик қилиш нима эканлигини билмаган одамни ҳам, хаётдан завқланишга ўргатарди. Болагинамни роса эркалатган, пулга кўмиб ташлаган бўлардим. Афсуски, унинг устига тупроқ тортилди.

Қаҳвахонанинг айвонида ўтириб, очик ҳавода ҳам кўкрагимдаги санчиқни хис қила туриб, ана шулар тўғрисида ўйладим.

Тўсатдан йўлкалар ва тош кўча бўйлаб аста ҳаракатланаётган одамлар орасида ўзимга ўхшаб кетадиган қиёфага кўзим тушди: бу Роберт эди. Унинг ёнида ўртоғи, пачоққина ўсмир бор эди. Робертнинг узун оёқлари, калта гавдаси меникига жуда ҳам ўхшар, у ҳам менга ўхшаб бошини ичига тортиб юради. Барча жисмоний нуқсонларим унда яна ҳам қучлироқ акс этганди. Масалан, юзим чўзинчоқ бўлса, Робертникини

# | Илонтар қолиша |

от калла, деб атаса бўларди. Елкалари эса букирникини ёдга соларди. Ҳатто товуши ҳам букирларникига хос эди.

Уни чақирдим. Ошнасини қолдириб олдимга келди ва атрофга безовта назар солди.

– Фақат бу ерда эмас! – шивирлади Роберт. – Кампан-Премьер кўчасига келинг, ўнг томондаги йўлка устида кутиб тураман.

Унга, ана шу тўс-тўполонда бизни ҳеч ким сезиб колмаслигининг эҳтимоли кўпроқ, дедим. Бундан у хотиржам бўлгандек туюлди, ўртоғи билан хайрлашиб ёнимга келиб ўтирди.

Унинг кўлида спорт журнали бор эди. Нокулай жимликка чек кўйиш мақсадида отлар мавзусида гапира бошладим. Қария Фондодеж бу мавзуда мен билан тез-тез суҳбатлашиб туарар ва мени кўп нарсадан хабардор қилганди. Мен Робертга қайнатам пойгаларда қимор ўйнагани, у ёки бу отга пул тикишда нафақат унинг шажарасини, балки турли бошқа ҳолатларни ҳам, ҳатто қандай йўлкадан осонроқ югуришини ҳам хисобга олгани тўғрисида сўзлаб бердим. Роберт гапимни бўлди:

– Бизнинг магазинимизда ютиб олиш имкониятлари тўғрисида ҳар доим маълумот олиш мумкин (Ўзининг барча мағлубиятларидан кейин у Пти-Шан кўчасидаги Дэрмас кийим магазинига ишга жойлашганди).

Уни фақат ютуқ қизиқтириши маълум бўлди. У отларни яхши кўрмасди.

– Мен бошқа нарсага ишқибозман, – деди у яна, – велосипед! – Унинг кўзлари ёна бошлади.

– Яқинда яна бир нарсага ишқибоз бўлиб қоласиз, автомобилингиз бўлади!

– Наҳотки?!

– У бармоғини тупуги билан ҳўллади, китобчасидан юпқа қоғоз олди ва папирос ўради. Яна жимлик чўқди. Ундан хизмат қилаётган ширкатида ишлар яхши кетяптими, деб сўрадим. У ходимларнинг бир қисмини ишдан бўшатишганини, лекин ўзи хатардан холи эканини айтди. Унинг фикрлари тор, шахсий ман-

фаатлар доирасидан ташқарига асло чиқмаётганди. Ана шу мискин мавжудот тез орада тиллага күмилиб кетиши керак эди.

Миллионларимни хайрли ишларга сарфлаб юборсам-чи. Ҳаммасини қўлма-қўл қилиб улашиб юборсаммикан? Йўқ, улар албатта хабар топадилар ва устимдан васийлик ўрнатилишига эришадилар... Ва-сиятнома орқали қилсанчи? Лекин бевосита меросхўрлар тириклигида уларнинг улушини камайтириб бўлмайди. Эҳ, Люк, қани энди тирик бўлганингда! Тўғрисини айтганда, у бойликларни асло қабул қилмаган бўларди... Мен эса барибир уни бой қилишнинг йўлини топган бўлардим. У бу ишни мен қилганимни билмаган бўларди... Масалан у яхши кўрган аёлга сеп берган бўлардим...

— Кулок солинг, жаноб... — деди Роберт, йўғон бармоқли қўли билан юзининг чаккасини силар экан.  
— Биласизми, мен, ўша сизнинг иш бошқарувчингиз Буррю аризамни ёқиб ташлашдан аввалроқ ўлиб қолади, деб кўрқаман.

— Нима бўлибди, ўрнига ўғли ўтиради. Мен қўлингизга берадиган Буррюга қарши қурол зарурат туғилганида унинг ўғлига қарши қаратилиши мумкин.

Роберт индамай юзини силашда давом этмоқда эди. Гаплашишни бошқа истамаётгандим. Кўкрак қафасимни сиқаётган оғриқ бор эътиборимни банд қилганди.

— Яхши, — деди Роберт, — Буррю аризамни йиртиб ташлади дейлик, ўшанда унга ваъда қилинган ҳужжатни бердим, деб фараз қилайлик. Лекин у ворисларингиз хузурига чиқиб: “Истайсизларми, сизларга бир сирни сотаман? Унинг баҳоси шунча, агар хазина топсангиз, яна бунча берасиз”, — дейишига ким монеълик қила олади. Буррю ўзининг исми ҳеч қаерда тилга олинмаслиги тўғрисида келишиб олиши ҳам мумкин-ку... Ўшанда у ҳеч нарсадан қўрқмаса ҳам бўлаверади. Шунда суриштирув ўтказилади, менинг ўғлингиз эканим, онам иккимиз ўлимингиздан аввалдагига нисбатан бадавлат яшаётганимиз фош қилинади... Ўшанда

# | Чонгар қалса |

икки йўл қолади: ё солиқ бошқармасига даромадлар тўғрисида аниқ декларация топшириш, ёки қайсиdir йўллар билан уларни яшириш...

У аниқ ва тушунарли сўзлаётганди. Унинг акли мудроқдан халос бўлган, машина ишга тушиб кетган ва энди тўхтамаслиги равshan эди.

Ушбу гумаштада дехқонларга хос хислатлар яхшигина ривожланганлиги маълум бўлди; у эҳтиёткор, бирорга ишонавермайдиган, хавф-хатардан ўта қўрқадиган, ҳеч нарсада таваккал қилишга интилмайдиган эди. Шубҳа йўқки, бунчалар катта бойликни беркитиб юргандан кўра, юз мингни қўлдан-қўлга ўтишини афзал қўрган бўларди.

Кўкрагимдаги санчиқнинг сусайишини кутиб, бир дам жим қолдим.

— Гапингизда жон бор,— дедим кескин оҳангда. — Яхши розиман. Ҳеч қандай қофозга қўл қўйманг. Сизга ишонаман. Истаган вақтимда пулнинг менга қарашли эканлигини исботлай оламан. Энди бунинг ҳеч бир аҳамияти йўқ; олти ой, узоғи билан бир йилдан кейин бу дунё билан хайрлашаман.

У эътиroz билдирамди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганида, кўнглимни кўтарадиган бирон-бир сўз айтган бўларди. Роберт ўзига ўхшаган ўсмирларга қарангда бағри тошрок эмасди. У тарбия қўрмаганди, холос.

— У тақдирда, мен розиман,— деди у ва бир оз мулоҳазадан сўнг, кўшимча қилди:

— Кўзингиз очиқлигига, вақти-вақти билан банкка бориб туришимга тўғри келади. У ердагилар менга ўрганишлари керак. Сизга пул зарур бўлиб қолганида бориб турсам ҳам бўлади...

— Умуман олганда, менинг чет элдаги бир неча банкларда ҳам пулларим бор. Агар лозим топсангиз...

— Париждан кетайми? Э йўқ, ундан бўлса!

Мен унга Парижда яшайверишини, керак бўлиб қолган тақдирдагина хорижга чикажагини айтдим. У мендан мулкнинг нимадан иборат эканлигини сўради ва уни ўз ихтиёрим билан мерос тариқасида қолдир-

ялман, мазмунида тилхат ёзиб беришимни илтимос қилди. “Шунда, – деди у, – сир очилиб қолса, ҳеч ким мени үғрилиқда айблай олмайди. Қолаверса, күнглим ҳам хотиржам бўлади”.

Кейин у ерёнгоқ сотиб олди ва очкўзлик билан ея бошлади.

– Айтинг-чи, улар сизга нима ёмонлик қилишган ўзи? – сўради у томдан тараша тушгандек.

– Узумини енг, боғини суриштируманг, – дедим мен қуруққина қилиб.

Унинг рангпар ёноқларига қизиллик югурди, зўрма-зўраки жилмайди. Хўжайндан дакки эшитганда шундай ўнғайсиз ҳолатга тушса керак. Жилмаяркан кўримсиз башаранинг ягона безаги – оппоқ ўткир тишлари кўзга ташланди.

У эсанкираб қолганга ўхшамас, уни бой қилиб юбориши керак бўлган пухта ўйланган ҳийла ортидаги арзимас хавф-хатар қаршисида қопқонда пишлок кўрган сичқондек, олсаммикан, олмасаммикан, дея довдираб турарди. Унинг юрагига ғулғула солишга уриниб кўрдим:

– Кўз остига олиб қўйганингиз борми? Унга уйланишингиз, гўзал ҳаёт кечиришингиз мумкин.

У қўлини силтаб, бошини сарак-сарак қилди. Мен сўзимда давом этдим:

– Қолаверса, сиз истаган одамингизга уйланишингиз мумкин. Сизга ёқадиган аёл бордир?

У қулоқларини динг қилди ва мен илк маротаба унинг кўзларида ёшлиқ ўтини кўргандек бўлдим:

– Наҳотки ойимқиз Брюгерга уйланишнинг иложи бўлса?!

– Ким ўзи у, ойимқиз Брюгер?

– Дермаснинг дўконида катта сотувчи вазифасида ишлайди. Ажойиб аёл. Мени назар-писанд қилмайди. Йўқ, ақлга сиғмайди!

Унга тегадиган бойликнинг йигирмадан бир қисмига эга бўлинган тақдирда ҳам пойтахтдаги истаган “катта сотувчига” уйлана олишини айтдим.

– Ойимқиз Брюгер! – деди у яна. Кейин елкасини қисиб: – Йўқ, ақлга сиғмайди! – деб кўйди.

## | Чөннүүр Қамыда |

Күкрагимда ҳамон санчик бор эди. Ҳисоб беришларини сүрадим. Шунда Роберт мени ҳайрон қолдириб:

– Күйинг, тақсир, шу харажатни мен тұлай, – деб қолди.

Мен мамнунлик билан пулимни чүнтагимга солдим. Үрнимиздан турдик. Машишоқлар асбобларини ғилофларга жойламоқда. Күчани ёритиб турған ранг-баранг чироклар үчган. Роберт энди мен билан ёнма-ён юришдан құрқмаса ҳам бўларди.

– Сизни кузатиб қўяман, – деди у.

Юрагим безовта эди, ундан секинроқ юришни илтимос килдим. Унинг бир холосага келишда шошқалоқ эмаслиги менга маъқул бўлганини айтдим. “Лекин, шу бугун кечаси ўлиб қолгудек бўлсан, – дедим унга, – жуда катта бойликдан маҳрум бўласиз”. Бунга жавобан у елкасини кисиб қўя қолди. Тўғрисини айтсан, бу ўспириннинг тинчгина ҳаётига ғулгула солаётган эдим. Бўйларимиз деярли teng эди. Бадавлат одам бўлиш унинг қўлидан келармикан? Меросхўримнинг куриниши жуда аянчли эди. Уларни буткул ташлаб қўйганимдан виждоним қийналаётганини айтдим. Чамамда, у ҳайрон бўлди: фикрича, уларга ойма-ой арзимаган миқдорда пул юбориб турганим “Ута олижаноб иш” бўлган эди.

– Шуни ҳам қизғанадиган одамлар кўп, – деди у. Кейин менга куйидаги аччиқ ҳақиқатни айтди: – Колаверса, у сиздан бошқаларни ҳам қўрган.

Ҳар қандай йигит ҳам онаси ҳақида бунчалик беандиша гапиравермайди. Нима учун у онасидан нафратланаркин?

Мен турған уйнинг эшигига яқинлашдик. Кутилмаганда у мендан: “Касбимни биржа ишларига монанд қилиб ўзгартирсаммикан?” – деб сўраб қолди. Бу тахмин, албатта. Нима сабабдан бирданига бой бўлиб кетганимни тушунтиришим осонроқ бўлармиди!

– Бу нарсани хаёлингиздан чиқариб ташланг, – дедим унга. – Биржада бор давлатингизни бой берасиз.

У ўйчанлик билан ер чизиб турарди.

– Даромад солиғини ўйлајпман-да, текширувчи кавлаштириб қолса...

— Ахир гап дунёда сиздан бошқа ҳеч кимнинг очишига ваколати бўлмаган пўлат сандиқларда сақланаётган, накд ақчадан иборат бойлик ҳақида боряпти...

— Шундайку-я, лекин...

Хунобим ошиб, уни йўлакка итариб чиқардим-да, шартта эшикни ёпдим.

## Ўн бешинчи боб

Қамалиб қолган пашша жон-жаҳди билан ўзини ойнага уряпти. Узоқдан сукунаттга чўмган адирлар қўзга ташланади. Шамол увиллаб водийга соя ташлаб турган қора булуларни ҳайдайди. Атрофга сув қуйғандек жимлик чўқади, ҳали замон момокалдироқ гумбирлайди.

Бундан ўттиз йил олдин, шундай кунларнинг бирида Мария: “Узумзор юрагига қўркув тушди”, – деганди. Дафтарни очаман. Кўзимга яқинлаштириб, сатрлар остидаги тирноқ изларини кўздан кечираман. Ҳикоямни охирига етказмай қўймайман. У кимга аталганини энди яхши биламан. Фақат қўпгина саҳифаларни йўқ қилиб ташлашга тўғри келади, акс ҳолда уни охиригача ўкиб чиқишига уларнинг бардошлари етмайди. Баъзи саҳифаларни ҳатто ўзим ҳам хотиржам ўқий олмайман. Ҳа деб тўхтаб қолавераман ва қўлларим билан юзимни ёпиб оламан. Ҳа, мен ҳам ўзимни одамман деб юрибман. Мендан нафратланишингиз мумкин. Лекин мен ҳали ҳаётман, тирикман.

Ўн учинчи июлдан ўн тўртинчи июлга ўтар кечаси Робертдан қутилгач, зўрға хонамга етиб олдим, амаллаб ечиниб, ўринга ётдим. Кўкрагимнинг устида оғир юқ бордек, нафасим қаттиқ сиқилди, лекин ўлмай қолдим. Дераза очиқ эди, бешинчи қаватда бўлганимда борми..., бироқ иккинчи қаватдан ташлагудек бўлсам, ўлмай қолишим мумкин, деган истиҳолагина мени ушлаб қолди. Дардимни енгиллаштирадиган дори-дармонлар турган стол устига зўрға қўлим етди.

Эрталаб доктор келди. Укол олгач, нафасим анча

енгиллашди. У менга қимир этмай ётишни маслаҳат берди. Қаттиқ оғриқ кишини ёш боладек итоаткор қилиб құяркан, қимир этмай ётдим. Оғриқ босилди. Энди ёттан хонамдаги бадбүй ҳид, деворга ёпиширилган гулқоғоз ва жиҳозларнинг ўта хунуклиги, ўн тұртингчи июлдаги байрам сурони – ҳеч нима мени безовта құлмасди. Менда хотиржам дам олишдан ўзга тилак ҳам йўқ эди. Оқшомлардан бирида Роберт келиб кетди ва бошқа кўзимга кўринмади. Лекин волидаси ҳар куни ишдан чиқиб, тұғри олдимга келар, чамаси икки соат мобайнида хизматимни бажаар, хатларни келтириб берарди (Уйдан хат-хабар йўқ эди). Мен оҳвоҳ құлмасдан, мўмин-қобил бўлиб, буюрилган барча дори-дармонларни ичиб ётдим. Робертнинг волидасига амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳақида гап очгудек бўлсам: “Бу нарсалар шошилинч эмас”, – дея гапни бошқа томонга буриб юбораверди.. Мен нега шошилинч бўлмасин, дея уф тортар, чап кўкрагимга ишора қиласардим.

– Онам сизницидан оғирроқ дард билан саксон йил умр кўрдилар, – дерди у.

Бир куни эрталаб ниҳоятда енгил рух билан ўрнимдан турдим. Кўпдан бери ўзимни бунчалар яхши хис қилмаган эдим. Корним оч эди, бу ердаги овқатни оғизга олиб бўлмасди. Хаёлимда Сен-Жермен даҳасида жойлашган кичик бир ресторонга бориб овқатланиш фикри туғилди. У ерда овқатни яхши тайёрлашади, нархи ҳам одатда мен кириб юрадиган бошқа Париж ресторонлардагидан арzonроқ. Аммо негадир, енгил тамадди қилиб бўлганимдан сўнг, ўзимни хонавайрон бўлаётгандек хис қиласман, хисобни такдим қилаётгандарида ҳар доим ғазаб ва норозилик қамраб олади.

Такси мени Ренн кўчасидаги муюлишга элтиб қўйди. Мадоримни синааб кўриш мақсадида бир неча қадам босдим. Ҳаммаси жойида. Соат ўн иккига бонг урди. Ҳали вақт эрта, Де Маго қаҳвахонасига кириб, бир стакан виши ичишга қарор қилдим. Юмшок курсида ўтириб кўчани кузата бошладим.

Яна юрагим санчди. Ташқарида, ойнаванд тўсиқ

ортida тепакал, бўйнидаги соchlари оқара бошлаган, шалпанг қулок таниш кимсага кўзим тушди. Бу Губерт эди. У шабкўр бўлганидан газетани ҳидлаб ўқиётганга ўхшарди. Қаҳвахонага кирганимни сезгани йўқ. Юрагимнинг тез-тез уриши пасайди. Ич-ичимдан суюн-дим.

Губертни бадавлатлар яшайдиган Хиёбонлар даҳасидаги қаҳвахоналарнигина хуш кўради, деб ўйлаб юрардим. Бу ерларда нега санғиб юрибди? Бирон-бир аниқ мақсади бўлиши керак. Истаган пайтимда чиқиб кета олиш учун, вишининг пулини олдиндан тўлаб қўйдим.

Губерт соатидан кўз узмас, кимнидир кутаётганди. Ким билан учрашмоқчи экан, деб ўйлаб турганимда, Женевьеванинг эрини кўриб, ҳафсалам пир бўлди. Альфред шляпасини қийшайтириб кийиб олган: одати шунаقا, кирқ яшар пакана бакалоқ хотинидан нари кетди дегунча, олифта бўлиб қолади. Эгнида пўрим костюм, оёғида сап-сариқ туфли. Губертнинг кийиниши содда ва айни пайтда ўзига ярашган эди. Изга ўғлини: “Ҳақиқий Фондодежлардек кийинади”, – деганида ҳак эди.

Альфред шляпасини қўлига олиб терлаб кетган пешонасини артди. У бир кўтаришда олдида турган қадаҳни бўшатди. Губерт аллақачон ўрнидан туриб, сабрсизлик билан соатига тикиларди. Мен уларнинг изидан боришга тайёр эдим. Улар таксига ўтириб кетишиша керак, деб ўйладим. Мен ҳам такси олиб изларидан бораман. Уларнинг йўлга тушишларини кутиб турдим. Қайнаға ва куёв майдонни кесиб ўтиб, Сен-Жермен-де-Прэ томонга қараб юрдилар. Ишнинг осон кўчганини кўриб, хурсанд бўлдим. Улар черковга киришди. Тузоқقا тушаётган ўгрини кўрган полициячи ҳам мендек ҳаяжонга тушмаса керак. Бир оз кутиб турдим: ўглим шабкўр бўлгани билан қуёвимнинг кўзи ниҳоятда ўткир. Қанчалар сабрим чидамаётган бўлмасин, кўчада икки минут чамаси кутиб турдим, кейин мен ҳам ичкарига кирдим.

Вақт тушдан ошганди. Черков деярли бўш, эҳтиёт

бұлиб қадам ташлаяпман. Улар мени күришган шекилли, изларини йүкотиш учун бу ерга киришган ва бошқа эшикдан чиқиб кетишган, деган фикр хаёлимга келди. Мен изимга қайтдим ва саҳнанинг үнг томонидан, баҳайбат устунларни панааб юра бошладим. Улар қоронғи бурчакда, кунга тескари томонда үтиришарди. Уларнинг үргаларида бүйни хокисорлик билан зигилган кимса үтиради. Бу құрқок ва пасткаш Роберт эди.

Унинг хиёнат күчасига кириши мумкинлигини күнглем сезган эди, лекин чарчаганимдан бу ҳақда чукурроқ үйлаб күришга эрингандим. Биринчи учрашувимиздаёқ унинг құрқок эканлигини билгандим. Волидаси унга үйимдагилар билан тил топишишни ва менинг сиримни қимматрокқа сотишига маслашат берган. Мен телба Робертнинг бүйинини күриб туар, икки бақувват буржуа уни исканжага олган эдилар. Юмшоқ күнгил Альфред үз манфаатларидан бошқа ҳеч нимани илғамасди. Бирок севимли үғлем Губертнинг мулоқотда баланд келиши, чұрткесарлыги менга үхшарди. Роберт унга бүйсунишга мажбур эди. Мен уларни устун орқасидан туриб кузатдым. Одатда үргимчак ва унинг тузофига тушган пашшани шундай кузатадилар, үргимчакни ҳам, пашшани ҳам эзіб йүқ қилиш истагида эдим. Робертнинг бүйни тобора зигилб борарди. Бошида у “Тенг бұлишамиз...” деган шартни қўйганга үхшайди. У бу үйинда ютиб чиқишини кўзлаган. Лекин анавилар унинг латталигини тез англашган ва оғиз очиртирмай қўйишиган. Мен бу курашнинг бефойда эканлигини яхши билардим. Үша дамда үзимни нотавон ҳашоротларни зэғилаб ташлашга қодир тангридек хис қилмоқда ва ич-ичимдан кулмоқда эдим.

Робертнинг овози бутунлай үчди. Губертнинг жаги тинмас, афтидан кўрсатма бераётгани аниқ эди. Роберт тўхтовсиз бошини силкитар, қадди зигилиб, камалак шаклига кирганди. Альфред оёқларини чалкаштириб, чалқанча ҳолатда бошини орқага қилиб ётиб олганди. Юзини тиканакдек қоп-қора соқол босиб кетган, мамнунлигини күриб туардим.

Ниҳоят ўринларидан туришди, кузатишда давом этдим. Улар Робертни бандидек ўртага олиб кетишарди. Роберт кулранг ифлос шляпасини ғижимлаб олганди. Эшикка яқинлашганларида Губерт муқаддас сув солинган идишга қўлини солди, кейин меҳробга ўгирилиб чўқинди. Энди менинг шошадиган еrim йўқ, кўнглим хотиржам эди. Уларни кузатишнинг ҳожати ҳам йўқ. Ўша куни кечқурун ёки эртасигаёқ Робертнинг режамни тезрок амалга оширишга ундаши аниқ эди. Уни қандай қарши олсам экан? Ўйлаб кўришимга ҳали вақт бор эди. Чарчаганимни сеза бошладим. Ўтиридим. Губертнинг разилона қилмишидан жуда ғазабланаётгандим. Бутун борлиғимни шу ҳиссиёт қамраб олганди. Камтарона кийинган, ёшгина, айтарли чиройли бўлмаган бир қиз мендан олдинги қатордаги стуллардан бирига ўтириди ва шляпа солинган қофоз қутини ёнига қўйиб тиз чўкди. Қизнинг эгик бўйнини мен ён томондан кўриб турадим. У меҳроб олдидаги кичкина дарчага караб туради. Черковга диний семинариянинг икки талабаси кириб келди. Улардан бири ўта озғин ва ўта новча бўлиб, менга аббат Ардуенни эслатди. Иккинчиси эса паст бўйли, юзи ёш болаларникидек дўмбок эди. Улар ёнма-ён тиз чўкишди. Улар қараётган томонга тикилдим. Умуман олганда, деб ўйладим мен, бу ерда сукунат, соя-салқиндан, нам тортган эски тош деворларнинг ҳидидан ўзга нарса йўқ. Бояги камтар қизчанинг юз ифодаси яна диққатимни ўзига жалб килди. Энди унинг кўзлари юмуқ эди, узун киприклари, ковоклари ўлим тўшагида ётган Маријанинг киприкларини эсимга солди. Мен ёнгинамда, қўл узатсам етгудек масофада ва айни пайтда мендан йироқда эзгулик олами борлигини ҳис килаётгандим. “Сен фақат разолатни кўрасан... сен ҳамма ерда ёмонликни кўрасан”...— деган эди Иза бир неча марта менга. У ҳам ҳақ, ҳам ноҳақ эди.

## Үн олтинчи боб

Кувноқ кайфиятда тушлик қилдим. Күпдан бери ўзимни бундай енгил ҳис қилмаган эдим. Назаримда Робертнинг хиёнати режаларимни амалга ошишига кўмаклашаётганди. Ҳаёти қил устида турган мендек қариянинг соғлигини эмас, кайфиятини ўйлаши бемаъниликтан бошқа нарса эмасди. Прометей ҳақидаги афсона хаста жигар дунёни қоронғи кўришга сабаб бўлишининг рамзий исботидир. Лекин ана шу оддий ва қўпол ҳақиқатни ҳамма ҳам тан олавермайди. Оғриқлар энди менга азоб бермаётган эди. Аксинча чала қовурилган бифштекснинг мазасидан роҳатланаётган эдим. Овқатнинг кўплигидан хурсанд бўлдим. Демак, иккинчи таомга пул сарфлаб ўтирмайман. Ширинлик ўрнига пишлок буюришга қарор қилдим, чунки нархи арzon ва тўқ тутади.

“Роберт билан муомалада ўзимни қандай тутсам экан, – дея ўйлардим мен. Эҳтиёт бўлишга тўғри келади. Лекин режа тузиш, ушбу мавзуларда бош қотириш учун ҳозир чарчаганман. Шароитга қараб иш тутаман, васссалом”. Тан олишга ботинмасам-да, Роберт билан бўладиган мушук-сичқон ўйинининг менга хузур бағишлишини олдиндан сезаётгандим. У сотқинлиги ни билиб қолганимни тасаввур ҳам қилмасдим. Шундай қилиш мен томонимдан бераҳмликни англатмасдими? Умуман олганда, мен бераҳм эдимми, йўқми? Ҳа, бераҳм эдим. Лекин бошқалардан, оиласдаги эркаклар ёки аёллардан раҳмсизроқ эмасдим. Ҳамма қатори (Сен-Жермен-де-Пре черковидаги талаба қизни эсладим), итоаткор қўзичоқни эсламайдиган одамлар каби бераҳм эдим.

Таксида Бреа кўчасига қайтиб келдим ва ўрнимга чўзилдим. Мусоғирхонанинг асосий ижараҳўлари – талабалар таътилга жўнаб кетишган, атрофда сукунат ҳукмрон. Ҳордик чиқаришимга ҳалакит берадиган жонзот йўқ. Лекин ойнавандли эшикнинг ифлос пардаси ғашимга тегмоқда. Генрих II услубида ясалган каравотнинг нақшли безаклари кўча бошлаган. Кўчиб

тушган бүлаклар каминнинг олтин суви юритилган токчаларидан бирига авайлаб тахлаб кўйилган. Деворга ёпиширилган зарҳал гул қоғозларга турли-туман доғлар теккан. Пардоз жавонидан дераза очик турган маҳалда ҳам бадбўй ҳид анкыйди. Стол устига ёш боланинг ичи ўтган рангини эслатувчи гилам дастурхон ёзилган. Ясама дабдаба – калтафаҳмликнинг белгиси, холос!

Оёқ товушидан чўчиб уйғондим. Робертнинг онаси тепамда турарди. Сохта мулозамат хиёнатдан дарак беради. Мен ҳам зўрма-зўраки жилмайдим ва ўзими ни анча яхши ҳис қиляпман, деб уни ишонтиридим. Йигирма йил бурун унинг бурни бу қадар бесунақай эмасди, оғзи садафдек оппоқ тишлар билан тұла эди. Энди эса ясама тишлари уни хунук кўрсатмоқдайди. Афтидан у чопиб келганди, ундан пардоз жавоннинг бадбўй ҳиди анқимокда эди. Деразани каттароқ очиб қўйишни илтимос қилдим. У илтимосимни бажаргач, ёнимга келиб табассум қилди. “Модомики ўзингизни анча яхши ҳис қилаётган экансиз, – деди у, – Роберт билан бемалол гаплашиб олишингиз мумкин: у эртага бўш бўлади”. Мен шанба кунлари банклар туш пайтигача очик бўлишларини айтдим. Унда Роберт душанба кунига рухсат олади. Бу ишни осонгина бажаради. Колаверса, энди у хўжайинлари билан ҳисоблашиб ўтирмаса ҳам бўлаверади.

Робертнинг бир неча ҳафта ишдан бўшамай тургани маъқул, деган фикрим аёлни таажжубга солди. У кетишга ҳозирланар экан, эртага ўғли билан келажагини айтди. Мен Робертнинг ёлғиз ўзи келсин, гувоҳларсиз гаплашиб олмоқчиман ва унга яхшилаб ўргатмоқчиман, дедим... Соддадил аёл безовталигини яширомади, у ўғлим сирини ошкор қилиб қўяди, деб кўркаётган эди. Робертни болаларим билан тил топишга ана шу алвастининг ўзи ундаган: бу юраги йўқ кўркоқни жуда яхши биламан ва қабул қилган қароридан қанчалар даҳшатга тушаётганини фаҳмлаб турибман!

Бадбахт эртаси кун эрталаб келди ва мен бир қарашда унинг азоб чекаётганини англадим. Ухламаган

## | Чөннүүр қалыпта |

шекилли, қовоқлари шишган, күзлари аланг-жаланг. Уни ўтиришга таклиф этиб, хаста күринишидан бе-зовта эканимни айтдим. Тажрибали адвокатларга хос сүзамоллик билан уни қандай ажойиб истиқбол кута-ёттганини гапирдим.

Унга Сен-Жермен даҳасидан ўн гектар боғ уй олиб беришимиңи айтдим. Уй қадимий жиҳозларга тұла бўлади. Балиқларга бой ҳовуз, тўртта машина сиғади-ган гараж ва бошқа хаёлимга келган нарсаларни санай кетдим. Машина ҳақида гапира туриб, америкаликлар-нинг энг катта машинасини сотиб олишни таклиф кильдим. Унинг ичини ит тирнаётгани аниқ эди.

“Энди сизни ҳеч нарса безовта қилмайди, – деб гапимда давом этдим мен. – Харид ҳақида ҳужжатларга ўзингиз қўл қўясиз. Сизни йилига юз минг франк миқдорида рента билан таъминлаш учун керак бўлган кимматбаҳо ҳужжатларни тайёрлаб қўйдим. Душанба куни уларни оласиз. Бундай ақча билан хотиржам кун кечирса бўлади. Бироқ нақд пулнинг энг катта қисми Амстердамда сакланяпти. Керакли ишларни амалга ошириш учун биз кейинги ҳафта саёҳатга жўнаймиз... Сизга нима бўлди, Роберт?”

У тутила, тутила гапира бошлади:

– Йўқ тақсир, йўқ! Кўзингиз тириклигига ҳеч нарса олишни истамайман! Қўлим бормайди бу ишга. Сизни талон-торож қилишни истамайман. Мени мажбур қилманг!

У жавонга суюнганча тирноқларини қемирмоқда эди. Робертга тикилиб қараб турардим. Суд мажлисларида рақиб томондагилар ўтли нигоҳимдан жуда қўрқишаради; жабрланувчи томоннинг ҳимоячиси си-фатида сўзга чиқар эканман кўзларимни айбланувчи-дан олмасдим. Улар қаҳрли нигоҳимга дош беролмай, ийқилиб қолардилар.

Ичимда Робертдан миннатдор эдим. Елкамдан тоғ ағдарилган эди: ҳаётимнинг сўнгги дамларини ана шу пасткаш билан ўтказишдек даҳшатдан халос бўлгандим. Ундан нафратланаётган ҳам эмасдим. Уни секингина бир чеккага суриб қўяман. Бироқ яна ўзимни тия олмадим:

— Жуда олижаноб экансиз, Роберт! Дунёдан кўз юмишимни кутиб турмоқчи эканлигингиз мақтовга сазовор албатта. Бироқ, мен бундай саховатни қабул қила олмайман. Душанба қуни ҳамма нарса қўлингизга тегади, ҳафтанинг охирига келиб эса бойлигимнинг катта қисмини номингизга ўтказаман!

Унинг норози бўлаётганини кўргач:

— Ё “ҳа”, ё “йўқ” денг, — дедим.

У кўзимга қарамаган ҳолда, ўйлаб кўриш учун муҳлат сўради. Бордодагиларга хат ёзиб, улардан кўрсатма олиш учун унга вақт керак эди, аҳмоқ!

— Ишонинг Роберт, мени ҳайратга соляпсиз. Ўзингизни жуда ғалати тутяпсиз. Бунинг иложи бўлмаса-да, кўз қарашимни юмшатдим, деб ўйлагандим — назарим ўзимдан ҳам қаттиқ.

— Нега менга бундай қарайпсиз, — деб қолди у дағдағ титраб.

— Нега сенга бундай қарайпман? — дедим ўзининг гап оҳангига. — Сен-чи? Нега сен қарашимга дош бера олмаяпсан?

Ёқимтой одамлар ўзлари ҳам билмаган ҳолда ҳаммани ром қиласидан сўзлар ва хатти-ҳаракатларни беихтиёр, ўз-ўзидан топиб ишлатадилар. Мен эса, одамлар мени ёмон кўришларига, мендан нафратланишларига шунчалик ўрганиб кетганманки, ўзим сезмаган ҳолда кўз қорачиқларим, киприкларим, овозим ва ҳатто кулишим ҳам гоҳида ана шу қўркинчли қобилиятнинг кўмакчиларига айланиб қоладилар. Ўша пайтларда самимий бўлишга қанчалик ҳаракат қилмай, бунинг уддасидан чиқолмайман. Бу сафар ҳам шундай бўлди: кўз қарашимда ҳамдардлик ифода бўлишига қанчалар ҳаракат қилмай, бечора бола даҳшатдан тўлғона бошлади. Кулиб юбордим, кулгим унга даҳшатли туюлди. Унга сўнгги зарбани бериш учун жилмайишдан шартта тўхтаб:

— Анавилар сенга қанча бермокчи бўлишяпти? — деб сўрадим.

Дўқ билан гапиришм нафратимни ошкор қилди

— Анавилар деганингиз ким? — деди у зўрга.

## | Ишончлар қалаша |

— Икки жаноб, — дедим унга, — бири семиз ва бири озғин...

Бу ўйинни тезроқ тугатиш истагида эдим. Оғир ўйлар мени ҳаддан ошиқ эзиб юборганди. (Мингёёқни кўрганда одатда дастлаб даҳшатга тушамиз, кейин товонимиз билан янчиб ташлаймиз).

— Ўзингизни босиб олинг, — дедим ниҳоят. — Сизни афв этман!

— Мен буни истамагандим. Мени бу ишга...

Қўлимни унинг оғзига босдим. Бутун айбни онасига ағдараётганини эшлишини истамасдим.

— Жим бўлинг! Ҳеч кимнинг номини сотманг... Хўш, улар сизга қанча пул таклиф қилишди? Бир миллионми? Беш юз мингми? Балки озрокдир? Бўлиши мумкин эмас! Уч юз мингми? Икки юз мингми?

Унинг аҳволи ачинарли бўлиб, хадеб бошини чайқамоқда эди.

— Йўқ, — деди у бўғиқ овозда. — Рента тўлаймиз, деб бошимни айлантиришди. Бу ишончлироқ-да, йилига ўн икки минг франк ваъда қилишди.

— Бугундан бошлабми?

— Йўқ, меросни бўлиб олишлари билан... Улар мулкни ҳозирдан бошлаб менинг номимга ўтказишингизни хаёлларига ҳам келтирганлари йўқ. Наҳотки, энди кеч бўлган бўлса? Ахир, улар бизни судма-суд тортқилаб юришлари мумкин эди. Тўғри, улардан сир тутилмаган тақдирда... Эҳ, нақадар аҳмоқ эканман! Мана энди жазоимни тортяпман!

У каравотга ўтириб, хўнграб йиғлай бошлади. Шу тобда у кўзимга жуда хунук кўринди: унинг қонталаш, бесўнақай кўли шалвираб осилиб қолганди.

— Ҳар қалай ўғлингизман, — деди у пиқиллаб. — Мени тарк этман.

Кейин бачканалик билан бўйнимдан қучоқламокчи бўлди. Уни нари итардим. Кейин деразанинг олдига бордим-да, ортимга қарамай туриб, қуйидагиларни айтдим:

— 1 августдан бошлаб ойма-ой бир ярим минг франкдан пул олиб турасиз. Ушбу рентани сизга умрингиз

давомида тұлаб туришлари учун керакли күрсатмаларни ҳозирок бериб құйман. Бирор гап бұлса, рента онангизга тұланади. Сен-Жермен-де-Предаги фитнанинг менга ошкор бұлиб қолганини оиласындағылар асло билмасликлари керак (чековнинг номини эшиганды у сакраб түшди). Оғзингиздан гуллаб құйгудек бұлсанғыз, ҳамма нарсадан маҳрум бўлишиңгизни яхши билсанғыз керак. Гуноҳингизни ювиш учун менга қарши қилинаётган ҳар бир хатти-ҳаракатдан мени хабардор қилиб турасиз.

У мендан ҳеч нарсани яшириб бўлмаслигини ва мени соттудек бўлса, нималарни бой беришини яхши англаб олган эди. Унга ўзини ҳам, онасини ҳам кўргим йўқлигини айтдим. Хатларни ўзига маълум идорага, йўқлаб олинадиган қилиб юборинглар, дедим.

— Сен-Жермен-де-Предаги шерикларингиз Парижни қачон тарк этишлари керак?

Улар тунги поезд билан жұнаб кетгандар, деб онт ичди. Миннатдорчилик изҳор эта бошлаган эди ҳамки, шартта гапини бўлдим. Турган гапки у ҳайратда эди. Ниятлари мавҳум афсонавий илоҳ, хиёнатга қарамай уни кўкларга кўтарар, тубсиз жарликка улоқтираш ва яна тутиб оларди... Унинг юраги увишар, кўзларини юмиб, ҳамма нарсага итоат қила бошлаганди... Гарданини букиб қулоқларини тушириб олган қўтирилган кўпнак мен ташлаган сүякни судралиб олиб кетмоқда эди.

У хонамдан чиқаётіб бирданига ўзига келди ва мен айтган рентани қайси йўл билан тұланишини сўради.

— Сизга албатта рентани тұлашади. Мен бир сўзли одамман! Қолгани билан ишиңгиз бўлмасин.

Кўлини эшик тутқичига кўяркан Робертни яна шубха қамраб олди:

— Бирон-бир обрўлироқ суғурта уюшмаси орқали тұланса яхши бўларди. Суғурта пули доимий рента тарикасида... Шунда мен хотиржамроқ бўлардим.

Мен ярим ёпиқ эшикни ланг очдим-да, уни итариб чиқарип юбордим.

## Үн еттинчи боб

Беихтиёр жез сават ичига солиб қўйилган сиртига лок берилган нақшинкор ёғоч парчаларини ўчоқقا суяганимча санай бошладим.

Мен узок йиллар Робертни учратишни орзу қилиб келдим. Бир кун келиб уни топишимга, дардимга малҳам бўлишига ишончим катта эди. У камтарлик билан кун кечиради, бу нарса бизни янада бир-бировимизга яқинлаштиради, деб ўйлагандим.

Йўқ, у қонуний ўглимга ўхшамайди. Шу нарса менга таскин берарди. Мен унда оддий инсонларга хос бўлган камтарликни, ота-онага бўлган меҳрибонликни кўрмадим. У менинг сўнгти умидим эди. Бу ҳам пучга чиқди. Энди ҳеч кимдан нажот кутмай, деворга караб ғужанак бўлиб ётишдан ўзга илож йўқ. Қирқ йил мобайнида ёмон кўришга, ёмон кўринишларга кўнишиб қолгандек эдим. Лекин менинг ҳам ширин орзуларим бор эди, ана шу орзулар бир кун амалга ошади, деб ўзимга-ўзим таскин берардим. Энди бу орзулар ҳам ҳавога учди.

Энди менга ёмонлик тилаганлари сабабли уларни меросдан маҳрум қилиш учун режалар тузишдек шармандали эҳтиросга қул бўлолмайман. Роберт уларни тўғри йўлга солиб қўйди. Энди улар пўлат сандиқларни, ҳатто ўзгаларнинг номига олингандарни ҳам осонгина топиб оладилар. Бошқа ҳийла ўйлаб топсаммикан? Эҳ, қани энди яна бир оз яшасам-у, бор мол-дунёймни совурсам! Кейин оламдан ўтсам! Ҳатто ўлигимни қўмишга ҳам ҳеч вақо қолдирмасам. Лекин мен ҳар бир тийин учун минг бир азоб кўрганман. Шунча йил хасисликнинг гапига кириб, баҳил бўлиб келганман. Мол-дунёни совуриш қўлимдан келармикан? У ёғини сўрасангиз, болаларнинг доимий назоратидаман. Бемалол пул сарфлай олмайман! Ҳар бир ноўрин ҳаракат менга қарши зарба бўлиб хизмат қилиши мумкин... Ҳеч кимга билдирмасдан, секин-аста хонавайрон бўлишга тўғри келади!

Минг афсуски, ўзимни-ўзим хонавайрон қилол-

майман! Пулларимни йўқ қилиб юбориш ҳам қўлимдан келмайди! Қани энди, уларни ўзим билан гўримга олиб кетолсам! Қани энди, олтинларимни, қоғоз пулларимни, даромад келтирадиган хужжатларимни чангалимда маҳкам тутган ҳолда ер қаърида ором олсан ва мол-дунёни у дунёга олиб кетиб бўлмайди, деган гапларни ёлгонга чиқарсан!

Айтмоқчи, хайрия ишлари деган нарса ҳам бор: хайр-эҳсонни ҳамма нарсани ютиб юборадиган ўпконга тенг қилиш мумкин. Пулларимни номаълум одамнинг номидан хайрия идораларига, камбағалларга бошпана берувчи ғарибхоналардаги тақводор аёлларга жўнатсаммикан? Душманга айланган болаларимдан ўзга кишилар ҳакида ҳам ўйлашга ҳаққим бор-ку! Лекин шуниси даҳшатлики, қарилик умрнинг ҳосиласи демакдир ва ҳеч биримиз ана шу якуний ҳосиладаги бирон-бир рақамни ўзгартира олмаймиз. Олтмиш саккиз йиллик ҳаётнинг интиҳоси шу бўлдики, мен яқинларимга нафрат билан тўлиб тошган чолга айландим, шундайлигимча ҳаётимга нукта қўйилади. Қандай бўлсан, шундайлигимча қоламан. Қани энди, бутунлай бошқача одамга айланиб қолсан! Тангрим, ... қани энди, чиндан ҳам бор бўлсанг!

Коронги туша бошлаганида хизматчи қиз келиб ўрнимни тўғрилаб берди. У деразани ёпмасдан чиқиб кетди. Чироқ ёқмасдан ўрнимга чўзилдим. Шовқин-сурон, кўча чирокларининг шуъласи ухлашимга халақит бермаётган эди. Поездда мудраб кетаёттган одам бекатларда кўзини очгани каби, мен ҳам вақти-вақти билан уйғонар кейин яна ухлаб қолардим. Ҳеч қаерим оғриётган бўлмаса ҳам кимдир “Сабр қилиб турсанг мудроқ абадий уйқу билан алмашинади”, – деяётган-дек бўларди.

Хали Робертга вайда қилинган рентани тўлашлари учун керакли кўрсатмаларни беришим, кейин почтага боришим керак эди. Уч кундан буён почтадан ҳеч ким хабар олгани йўқ.

Хат-хабар ташвиши мени эртаси куни туш пайтида ўрнимдан туришга ва почтага боришга мажбур қил-

ди. Ёмғир ёғаётганди, соябонимни олмабман, деворга ёпишиброқ юришга мажбур бўлдим. Қадам олишим бошқачароқ эди шекилли, одамлар менга ажабланиб қараашарди.

Уларни жеркиб ташламоқчи ҳам бўлдим. Мени ақлдан озган деб ўйлајпсиз чоғи? Фақат болаларга бу ҳақда ҳеч нима деманг, акс ҳолда улар бундан фойдаланишлари мумкин. Менга бундай қараманг. Мен ҳам сизларга ўхшаган одамман. Фақат болаларимнинг мени кўрарга кўзлари йўқ, шунинг учун қўлимдан келганича ўзимни ҳимоя қилишга мажбурман. Лекин бу ақлдан озганман дегани эмас. Йўталимни босиш учун истеъмол қиласиган дориларимга қўшилган қора дори асабларимга таъсир қиласиган вақтлар ҳам бўлади, буни тан оламан. Ҳа, ўзим билан ўзим гаплашяпман. Инсон ким биландир гаплашиб туриши керак, ахир. Кўлларини силкитиб, ўзи билан гаплашиб кетаётган одамнинг нимаси галати?

Номимга босмахона услубида битилган хабарномалар, банклардан юборилган бир нечта хат ва учта телеграмма келган экан.

Биржа томонидан ижро этилмаган топшириқ ҳақида шошилинч телеграмма юборилган бўлса керак. Уларни очиб ўқиши учун қахвахоналардан бирига кириб ўтиридим. Узун қилиб қўйилган столларнинг атрофига турли ёшдаги тош терувчилар ўтиришарди. Бу одамлар деярли сўзлашмас, олдиларига қўйилган ёвғон овқатни еб, вино ҳўплашмоқда. Улар бир яримдан бошлаб яна ишларини давом эттиришлари керак. Июль ойининг охири эди. Вокзаллар одамлар билан тўлган... Қизиқ, ана шу тош терувчилар аҳволимни тушунган бўларми билар? Албатта, тушунган бўлар эдилар. Менингдек кекса адвокатга бу нарса жуда яхши маълум. Биринчи иш жараёнида мўйсафид отани бокишини истамаётган фарзандлар билан тўқнаш келган эдим. Бечора ота ҳар уч ойда кўлдан-кўлга ўтар, ҳамма ерда сўкиш эшитар, фарзандлари ундан, у фарзандларидан тезроқ қутилишлари учун жон чиқар дамни илҳақ бўлиб кутишарди. Фермаларда эса кўп марталаб мўйса-

фидлар бошига тушган фожиаларни кузаттганман. Аввалига қариб қолган ота пулинин чангалида маҳкам ушлаб, узоқ вақтгача уни ҳеч кимга бермай юради, кейин тилёғлама гаплардан боши айланиб, бор нарсасини улашиб беради. Кейин болалари уни тинимсиз меҳнат ва очликка маҳкум қилиб, ўлдириб юборадилар... Ҳа, икки қадам нарида ўтирган, тишлари тушиб кетган, томирлари бўртиб чиқкан ва шошилмасдан нон кавшаётган анави озгин тош терувчи бундай воқеаларни кўплаб эшишган бўлса, эҳтимол.

Яхши кийинган қариянинг қаҳвахонада ўтириши эндилиқда ҳеч кимни ажаблантирмайди. Оқиш рангдаги қуён гўштини чайнар эканман, дераза ойнасида ёмғир томчиларининг бир-бирларини қувлашларини кузатаман, кейин ойнанинг нариги томонида ёзилган қаҳвахона соҳибининг номини ўқиб кўрмоқчи бўламан. Чўнтағимдан дастрўмолимни олаётганимда хатлар ва телеграммалар эсимга тушди. Кўзойнагимни тақдим-да, қўлимга илинган биринчи телеграммани очдим: “Онамни кўмиш маросими эртага, 23 июль, соат 9 да, жаноза Сен-Луи черковида ўқилади”. Бу телеграмма шу бугун эрталаб жўнатилганди. Қолган иккитаси, бир неча соатлик фарқ билан, ўтган куни жўнатилган эди. Уларнинг бирида: “Онамнинг ахволи оғир. Тез етиб келинг”, иккинчисида “Онам оламдан ўтди”, деган сўзлар бор эди. Уччала телеграммага Губерт имзо чекканди.

Телеграммани тижимладим-да, овқатланишда давом этдим. “Бугун кечки поездга ўтиришга кучим етармикан”, – деган фикр менга тинчлик бермаётган эди. Бир неча дақиқа мен ана шу тўғрида ўйладим. Кейин миямга бошқа фикр келди: Изанинг мендан олдин оламдан ўтиши ажабланарли эди. Ахир менинг ўлим ёқасида турганим ҳаммага маълум эди. Биринчи бўлиб кетишимга ҳеч ким, жумладан ўзим ҳам шубҳа қилмаётгандим. Режалар, хийлалар, фитналар яқинлашиб қолган ўлимимдан кейин келадиган кунларни мўлжаллаб тузилган эди. На мен ва на оила аъзоларим бунга асло шубҳа қилмасдик. Хотинимни бева қиёфа-

# | Илониар Ҳамига |

сида, юзига қора түр парда тутган ҳолда пұлат сандик-ни қийналиб очаётганини тасаввур қилғанман. Қиёмат-қойим бўлиши ҳақидаги хабар мени камроқ ажаблантирган ва камроқ азият етказган бўлар эди. Нима бўлганда ҳам ишビルармонлигимга бордим ва вужудга келган вазиятдан қандай қилиб душманларимга қарши курашда фойдаланишни ўйлай бошладим. Поезд қўзғалгунга қадар хаёлимни банд қилган фикрлар ана шулар эди.

Кейин тасаввурим ишга тушди: мен кеча ва ўтган куни Изанинг ўлим тўшагида ётганини кўз олдимга келтирдим. Изанинг Калездаги ётоқхонасини, унинг ичидаги барча анжомларни бирма-бир эсладим (унинг Бордода ўлганидан бехабар эдим). “Тобутга солиб бўлишган”, – деб шивирладим ва бу сўзлардан енгил тортганим учун ўз-ўзимдан жиркандим. Акс ҳолда, ўзимни қандай тутишга, болаларимнинг сукут ичидаги адоватли нигоҳлари остида ички кечинмаларимни ифода этишга қийналган бўлардим. Бу муаммо ҳал бўлганди. Етиб боришм билан кўрпа-тўшак қилиб ётиб олишга мажбур бўламан. Бу қолган барча масалалар ўз-ўзидан ҳал бўлади дегани эди. Дафи маросимида қатнаша олмаслигим аниқ эди, чунки ахволим маълум, мана ҳозир ҳам ҳожатхонага зўрға бориб келдим. Бундай мадорсизлик энди мени даҳшатга солмаётган эди: модомики, Изя оламдан ўтган экан, мен ҳали-бери ўлмайман: навбатим ўтди. Шунга қарамасдан юрагими ни хуруж қилиб қолишидан кўрқардим, бунинг устига купеда ёлғиз эдим. Уйда эса мени кутиб олишларига ишонардим (телеграмма бергандим). Губерт вокзалга келса керак...

Губертни эмас, уйкусизликдан юzlари шишиб кетган Альфредни кўриб енгил тортдим. Кўринишимдан у хавотирга тушди. Унга суюнишга тўғри келди, машинага ҳам унинг ёрдами билан ўтирдим. Машина ёмғирли тонгда Бордо шаҳрининг гўшт дўконлар, мактаблар жойлашган тунд даҳаси кўчалари бўйлаб елиб кетди. Альфреддан суриштирмасам ҳам, бўлиб ўтган воқеаларни, Изя истироҳат боягининг пальмалар экил-

ган бурчагида ҳушидан кетгани, уни шифохонага олиб боришгани, иккинчи қаватга зўрға кўтариб чиқишиганини, қон олишгани ва қилинган бошқа муолажаларни батафсил айтиб берди... Миясига қон куюлган бўлишига қарамай, туни билан Изанинг эси ўзида бўлган. У имо-ишора билан мени чақириб келишларини талаб қилган. Имон келтириш учун зарур бўлган муқаддас мойларни олиб рухоний келганида у ўзидан кетган.

– Бир кун олдин у ибодатга бориб келганди, – деди Альфред.

У дафн маросими бошлангунга қадар кийиниб келиш баҳонасида мени уйимиз олдида тушириб қолдирмоқчи эди. Лекин зинадан чиқишимга ёрдам беришга мажбур бўлди. Кираверишдаги хонани танимай қолдим: деворларга қора мато тортилган: атрофига сон-саноқсиз шамлар ёқиб қўйилган каттакон чамбар. Кўзимни бир юмиб очдим. Буларнинг бари тушга ўхшарди. Бу ердаги нарсаларни ва анави икки роҳибани дафн маросимлари идораси юборган кўринади.

Ушбу дафн газламалари, гуллар, титроқ шуълаларни унниқиб кетган гилам поёндоз ташланган зина воситасида тарк этиб, иккинчи қаватга, одатий ҳаёт шароитига чиқиларди. Зина устида Губерт пайдо бўлди. У дид билан кийинган, салобатли ва хушбичим эди. Кўлининузатиб нималарнидир гапирди, лекин назаримда овози узок-узоклардан келаётгандек эди. Унга нималардир дедим, бироқ овозим ўзимга эшитилмади. Кейин у менга яқин келиб энгашди, юзи ташвишли тус олди. Кўз олдим қоронгилашди. Кейинчалик менга айтишларича, уч, уч ярим минут мобайнида бехуш ётибман. Адвокатлик билан шуғулланганимда қабулхона вазифасини ўтаган чоғроқкина хонада ўзимга келдим. Тузларнинг ўткир ҳиди димоғимга урилди. Женевьеванинг овози қулоғимга чалинди.

– У ўзига келяпти!

Кўзимни очдим. Ҳаммалари менга қараб туришарди. Уларнинг юз кўринишлари ўзгариб кетган, баъзи бирлариники қизарган, бошқалариники кўкариб, заҳил тус олганди. Тўладан келган Жанина онаси билан

тенгдошга ўхшаб қолган эди. Ғам чекишдан айниқса Губертнинг юзи ўзгариб, ўта хунуклашиб кетган, лекин болалигига йиғлагудек бўлса, Иза: “Болажоним кичкина, ташвиши тоғдек!..” – деб эркалаган кезларидагидек ўта ифодали эди. Париж ва Берлиннинг барча қаҳвахоналарини кезиб чиқсан пайтларида камзулини кийиб олган ёқимтой Филининг юзи бефарқ ва тунд эди; зиёфатга бориб, ундан маст-аласт қайтган, ҳали кийимини ечишга улгурмаган пайтларида шундай кўринган бўлса эҳтимол (бўйинбоғини боғлаб олишга ҳали улгурмаганди). Унинг орқасида юзларига мотам пардасини ташлаб олган Олимпия ва унинг қизлари туришарди. Яна аллакимлар бор эди.

Женевьеве лабимга стаканни яқинлаштириди ва мен бир неча қултум сув ичдим. Кейин ўзимни анча яхши ҳис қиляпман, дедим. У юмшоқ ва меҳрибон овозда ётишни истаётган-истамаётганлигимни сўради. Мен оғзимга келган гапни қайтармасдан айтдим: “Уни сўнгги йўлга кузатиш ниятида эдим. Ахир у билан хайрлаша олмадим”.

Ролини машқ қилаётган актёр мисол: “Ахир у билан хайрлаша олмадим...” – деган сўзларни такрор ва такрор айтдим ва ҳануз ўзим англаб етмаган ҳақиқатни кашф этдим: энди уни ҳеч қачон кўра олмайман: биз энди ҳеч қачон баҳслаша олмаймиз, у ҳеч қачон ушбу саҳифаларни ўқимайди. Ҳамма нарса мен Калездан жўнаб кетаётганимда қайси аҳволда бўлса, шундайлигича абадул-абад қолади. Ҳаётимизни қайта бошлишнинг, муносабатларимизни қайта қуришнинг энди иложи йўқ: Иза мени ваҳший ва жаллод ўрнидагина кўриб, инсон эканимни билмасдан оламдан ўтди. Агар сўнгги лаҳзаларда етиб кела олганимда, рози-ризолик сўрашнинг иложи бўлмаган тақдирда ҳам, у оқаётган кўз ёшларимни кўрган ва менинг ғам-андуҳ чекаётганимни кўриб, дунёдан кўз юмган бўларди.

Энди эса аҳволимга фақат фарзандларим шохид эдилар ва ҳайратдан донг қотиб турардилар. Эҳтимол улар бир умр менинг йиғлаганимни кўришмагандир. Нигоҳига ҳеч ким дош беролмайдиган Медуза мисол

даҳшатли ва қаҳрли башарам чин инсон қиёфасини олмокда эди.

— Қанийди, кетмаган бўлганингизда... Нега ахир кетиб қолдингиз? — деди кимдир (овозидан Жанинага ўхшади).

Чиндан ҳам, нимага кетдим? Бироқ вақтида етиб келсам ҳам бўларди-ку. Улар телеграммани тўғри Бреа кўчасига йўллаганларида эди, бунинг иложи бўларди...

Губерт эҳтиётсизлик билан орага суқилди:

— Қаерда бўлишингизни айтмасдан, жўнаб кетибсиз... Ахир фолбин бўлмасак...

Шунда миямда йилт этган бир гумон ойдинлаши. Ўриндикнинг икки четига қўлларимни тираб ўрнимдан турдим ва ғазаб билан Губертга қараб бақирдим:

— Ёлғон!

— Эсингизни еб қўйибсиз, ота! — деди у тутила-тутила.

Мен гапимни давом эттирдим:

— Ҳаммангиз ёлғончисиз! Манзилим сизларга маълум эди. Кўзимга қараб йўқ, деб кўр-чи!

Губерт ботинмайгина деди:

— Қаёқдан маълум бўлсин?

— Сен менга яқин кишиларнинг ҳеч бири билан муомалада бўлмадингми? Қани, йўқ, деб кўр-чи? Йўқ, де!

Оила аъзоларимнинг барчаси тош қотиб менга қараб туришарди. Губерт ёлғон гапириб қўлга тушиб қолган боладек бошини ҳам қилиб турарди.

— Айтмокчи, унинг сотқинлигини жуда арzon баҳолабсиз! Сахийроқ ҳам бўлмабсиз, болаларим! Сизларга бутун бошли давлатни қайтариб бериш эвазига, бечора болага ўн икки минг франклиқ рента. Сув текинга тушибди, — дедим мен ва қаттиқ кулиб, йўтала бошладим. Фарзандларимнинг биронтасидан садо чиқмади. Филиғижиниб: “Яҳши иш бўлмабди”, — деб қўйди.

Губертнинг имо-ишораларига қарамай унга оғиз очирмадим ва овозимни бир парда пасайтириб, гапимда давом этдим:

— Уни кўролмай қолганимга сизлар айбдорсиз. Мени кузатиб юрганингизни, ҳамма ишларимдан ха-

бардор эканингизни билиб қолишимни истамагансиз. Агар тұғри Бреа күласига телеграмма жұнатганингизда, менга хиёнат қилаётгандынгизни билиб қолган бўлардим. Ҳеч нарса, ҳатто ўлим тұшагида ётган онангизнинг илтижолари ҳам сизларни бу ишни қилишга мажбур қилолмаган. Бошингизга мусибат тушган бўлса ҳам, маккорликни давом эттиргансиз! Бу сўзлардан ташқари янада аччикроқ нарсалар ҳақида ҳам уларга гапирдим.

— Уни бир амаллаб жим қил, Женевьеве,— деб ялина бошлади Губерт синикқан овозда. — Ёлбораман, жим қил уни! Одамлар эшишиб қолишади.

Женевьеве елкамдан қучиб, креслога ўтказди:

— Ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас, ота. Озрок тин олайлик, кейин ҳаммасини гаплашиб оламиз. Сиздан, мархума онам ҳурмати, илтимос қиласман...

Шалвираб қолган Губерт “жим” дегандек бармоғини лабига олиб борди: дағн маросимини бошқарувчи тобутни кузатиб боришга таклиф қилингандарнинг рўйхатини олиб кирди. Ўрнимдан туриб бир неча қадам ташладим. Ёрдам беришларини истамадим, ўзим юрдим. Оила аъзоларим эҳтиром билан йўл бўшатишиди. Атрофига шамлар ёқиб қўйилган тобут турган хонага кириб, тиз чўқдим.

Губерт ва Женевьеве ёнимга келиб қўлтиғимдан олишди. Қаршилик қилмадим. Зинадан юкори кўтарилиш қийин бўлди. Дағн маросими ўтгунга қадар монах аёллардан бири менга қараб турадиган бўлди. Хонани тарк этишдан аввал Губерт орамизда ҳеч нарса бўлмагандек тобутни кузатиб борувчи казо-казолар рўйхатига адвокатлар табақасининг оқсоқолини кўшиб тўғри иш қилибманми, деб сўради. Унга орқа ўгириб, ёмғир томчилари оқиб тушаётган дераза ойнасига қарадим ва ҳеч нарса демадим.

Келаётган одамларнинг қадам товушлари баралла эшитила бошлади. Таъзия билдиришга бутун шаҳар келса керак. Фондодежлар орқали жуда кўпчилик билан чатишиб кетгандымиз. Менинг эса суд, адвокатура, банклар, барча ишбилармон гурухлар билан алоқам

бор... Ўзини оқлай олган одамдек ўзимни енгил хис қилаётган эдим. Болаларимнинг айбларини бўйниларига қўя олдим: улар айбдор эканликларини тан олдилар. Мусиқасиз зиёфат бўлаётгандек, уйда дафн маросимининг ғала-ғовури авжига чиққан бир пайтда мен болаларимнинг қилган гуноҳлари ҳақида ўзимни ўйлашга мажбур қилдим: Иза билан рози-ризолик қила олмаганимга ёлғиз улар сабабчи бўлишди... Лекин нафрат оти чарчаган, уни қамчилаш зое кетаётганди. Дам олаётганим, болалар билан бўлган баҳсада ютиб чиқишдан қоникишим сабаб бўлдими, билмадим, ҳар ҳолда беихтиёр енгил торта бошлаган эдим.

Ғала-ғовурлар, рухонийларнинг бир маромда ўқиётган дуолари эшигилмай қолди. Калездаги каби каттакон уйга жимлик чўкди. Уйдагиларнинг барчаси, катта-ю кичик, болалар, хизматкорларгача Изани кузатгани кетишиди. Уйда фақат мену, тасбех ўгириб, ўқиётган дуосини давом эттираётган монах аёлдан бошқа ҳеч ким қолмади.

Бу сукунат борса-келмасга риҳлат қилган, мени бир умрга ташлаб кетган кимсани яна эсимга солди.

Юрагим ўргана бошлади. Тамом, биз энди ҳеч қачон Иза билан сухбат қура олмаймиз! Бемалол нафас олишим учун қўлтиғимга қўйилган ёстикларга суюниб қаравот устида ўтирас эканман, икковимиз тўйдан олдин Бардье дўконида танлаган Людовиг XIII услубидаги жиҳозларга кўзим тушди. Онасидан мерос жиҳозлар келгунга қадар бу нарсалар Изаники эди. Мана бу қаравот эса аламларини ичларига ютиб, бир-бирларидан гина-кудуратларини яширган ва сукут сақлаган эр-хотиннинг гўшаси бўлиб хизмат қилган...

Олдимга Губерт ва Женевьевева киришиди, қолганлар йўлакда туришарди. Қўз ёшларим уларни ажаблантироқ мокда эди. Ака-сингил каравотимнинг ёнида туриб колишиди. Коқ туш бўлишига қарамай Губерт фрак кийиб олганди. Женевьевева қора матога ўраб ташланган миңорага ўхшар, фақат дастрўмолигина оппоқ эди. Тўр пардани қўтариб қўйгач, унинг шишиб кетган думалоқ юзи қўринди. Гам барчамизнинг қиёфамизни ўзгарти-

риб құйған ва бизлар бир-биримизни танимасдан қолған әдик.

Үзимни қандай хис қилаётганимни сұрашды.

– Деярли бутун шаҳар уни қабристонгача кузатиб борди. Уни жуда яхши күришарди, – деди Женевьеве.

Иза ҳақида сүрадим.

– Мазалари йўқроқ әди... Кўнгиллари сезган бўлиши ҳам мумкин. Негаки, Бордога кетишдан бир кун олдин, хоналаридан чиқмасдан, аллақандай хат-қоғозларни куйдирдилар. Чиқаётган тутунни кўриб, ўт тушибдими, деб ўйладик.

Унинг гапини бўлдим. Хаёлимга бир фикр қелган әди. Нега илгарироқ бу ҳақда ўйлаб кўрмабман?

– Айт-чи, Женевьеве, менинг кетишим унга таъсир қилмаганмикан?

– Кетганингиздан кейин онамнинг чуқур изтиробда бўлганлари шубҳасиз!

– Унга ҳеч нима демаганмидинглар? Ниятим сизларга ошкор бўлиб қолганлигини унга айтган эдингларми?

Женевьеве акасига “тушунганимни билдираверайми” дегандек савол назари билан қаради. Кўринишим даҳшатли тус олди шекилли, aka-сингилнинг эсхонаси чиқиб кетди. Женевьеве ўрнашиброқ ўтириб олишимга ёрдам берар экан, Губерт шошилиб онасининг мен жўнаб кетганимдан кейин ўн кун ўтгач, бетоб бўлиб қолганлигини, шундан кейин бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳеч нарса демасликка қарор қилишганини айтиб берди. Гапларига ишонсам бўлармикан, деб ўйлаб турганимда, Губерт титроқ овозда давом этди:

– Сабримиз чидамай, айтиб қўйған бўлганимизда, ўлимига биз айбордor бўлардик...

У юзини четга ўтириди ва елкаларини титратиб, унсиз йифламоққа бошлади. Кимдир эшикни қия очиб: “Качон овқатланамиз?” – деб сўради. Қулоғимга Филининг овози чалинди:

– Қорним таталаб кетаётган бўлса, мен айборманми? Нима демоқчисизлар ўзи?

Женевьеве кўз ёш аралаш: “Нима ейсиз?” – деб

сўради. Губерт тушлиқдан кейин олдимга келиб, агар бардошим етса, бор гапни очиқ-ойдин гаплашиб олмоқчи эканлигини айтди. Бош қимирлатиб розилигими ни айтдим.

Улар чиқиб кетишгач, монах аёл ёрдамида ўрнимдан туриб ювиндим, бир коса товук шўрванинг сувидан ичдим. Олдинда турган даҳанаки жангда рақиб томоннинг шафқати ва марҳаматига зор бўлган даражада мажолсиз бўлишни истамадим.

Болалар қайтиб киришганда, ачинишга лойик бетоб қария ўрнида бутунлай бошқа одам ўтиради. Ҳабдорилардан ютиб олдим, қадимни кўтардим. Бирор билан ётиб гаплашсам, ўзимни камситилаётгандек ҳис қиласман.

Губерт тантаналарда киядиган кийимини, Женевьевана онасининг эски халатини кийиб олганди.

Одатдаги мулозаматдан кейин, Губерт гап бошлади:  
— Мен кўп ўйладим.

У нутқини яхшилаб пишитиб олган эди, жанжал чиқмасин деб, эҳтиёткорлик билан гапирмоқда эди:

— Марҳума онамнинг тобути ёнида ўтириб, виждонимга назар солишга уриниб кўрдим: қарашларими ни ўзгартиришга, ўзимни сизнинг ўрнингизга кўйиб кўришга ҳаракат қилдим. Бизнингча, сиз фарзандларини меросдан маҳрум қилишга узил-кесил қарор қилган ота эдингиз. Шу сабабли сизга нисбатан бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатимизни қонуний ёки ҳеч бўлмаганда узрли, деб ҳисоблашга ҳаққимиз бор, деган фикрдаман. Тўғри, орамиздаги шафқатсиз кураща маънавий устунлик сизнинг томонингизда бўлиб келди. Тўғри, бунга бизнинг...

Унинг керакли жумлани топа олмаётганини кўриб, ўрнига ўзим секингина қўшиб қўйдим:

— Ёвуз кирдикорларимиз сабаб бўлди!

Губерт қизариб кетди. Женевьеванинг асаблари дош беролмади:

— Нима учун “ёвуз”? Ахир, сиз бизлардан кучлироқсиз...

— Қўйсанг-чи, сиздек ёш бўрилар галасига қарши бетоб мўйсафиднинг ёлғиз ўзи...

– Ўша бетоб мўйсафид, бизнинг хонадондек мақонда қатор имтиёзларга эга: у ўз хонасини тарк этмаса-да, хушёргилигини йўқотмайди: барча оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларини ўрганиб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланади. У зарбаларни зимдан, ёлғиз ўзи тайёрлайди ва бўш вақтини зарба бериш учун режа тузиш билан ўтказади. Ўзгалар хақида ҳамма нарсани билади. Лекин унинг ўзи тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. У қаерда ўтириб гап пойлашни билади... (Ўзимни тутолмай жилмайдим, ака-сингил ҳам жилмайиши). Тўғри-да, ҳар қандай инсон ўз уйда эҳтиёткорликни бир чеккага йиғиштириб қўяди. У баҳслashiши, овозини баланд кўтариши мумкин. Баъзан ҳамма бараварига беихтиёр бақиришга тушиб кетиши мумкин. Биз эскича қилиб курилган уйнинг қалин деворларига ишониб юраверибмиз—у, полларининг юпқа эканлигини унутиб қўйибмиз. Айтмоқчи, деразанинг очиқ қолиши ҳам бор.

Бу хилдаги қочирма гаплар сухбатимизга илиқлиқ бахш этгандай эди. Биринчи бўлиб Губерт ўзига келди ва жиддий оҳангда гапини давом эттирди:

– Бизни айбдор, деб ҳисоблайсиз. Лекин ўз-ўзимизни қонуний ҳимоя қилишимиз мумкин-ку! Бироқ, мен сухбатимизга оғу соладиган ҳар қандай мавзудан ўзимни тияман. Ушбу афсусга лойик жанжални ким бошлаб берган, деган саволга ҳам тўхталиб ўтирмайман. Гуноҳкорни ҳимоя қилишга ҳам тайёрман. Лекин бир нарсани тўғри тушунишингизни истайман... (Губерт ўрнидан турди ва кўзойнагини арта бошлади. Унинг кўзлари пирпирап, юзи чўзилиб, қовоғи солинганди). Мен болаларимнинг обрўси ва келажаги учун курашдим, буни тушунишингизни истайман. Қандай ахволда эканлигимизни тасаввур ҳам қилолмаймиз, сиз ўзга давр вакилисиз: ишбилармон кишилар пулларини қандай ва нимага сарфлашни яхши билган замонда яшагансиз. Ҳар қандай шарт-шароитда ҳам ғолиб чиқишининг иложини қилиб келгансиз, буни тан оламан. Масалан, молия оламида бўхрон яқинлашаётганини ҳаммадан олдин билиб, акцияларни сотишга

ултургансиз... Лекин шуни айтишим керакки, сиз иш билан, ҳақиқий иш билан шуғулланмагансиз, шунинг учун ҳам шарт-шароитга осонлик билан тұғри баҳо бера олгансиз ва шунга яраша иш тутгансиз. Менга үхшаб қулогингизгача қарзға ботиб, иш юритмагансиз... Биз кутилмаганда зарба едик. Орқага қайтишга фурсат ҳам бўлгани йўқ. Биринчи марта банкнинг ҳамма бўлимларида иш путурдан кетиши. Кўрилган зиённинг ўрнини қоплашу, бу чоҳ ичидан чиқиб олишнинг ҳеччам иложи йўқ...

У “иложи йўқ” иборасини аянч билан бир неча марта айтди. Қизиқ, қанча қарзи бор экан? Жар ёқасига қанчалар яқин борган экан? Сирини ошкор қилиб қўйишдан қўрқкан Губерт ўзини тутиб олди ва ҳаммага маълум бўлган нарсалар ҳақида гапира бошлиди. Урушдан кейинги техниканинг маҳсулдорлиги, керагидан ортиқ миқдорда ишлаб чиқариш, истеъмол жабҳасидаги тушкунлик... Мен унинг гапларига деярли қулоқ солмадим. Эътиборимни ундаги безовталик жалб қилди. Худди ана шу дамда нафратимнинг барҳам еганини, интиқом олишни истамаётганимни сезиб қолдим. Нафратимга чек қўйилганига эҳтимол кўп вақт бўлганди. Ҳар сафар ярамни янгилаб, нафрат оловини сунъий равишда ёқиб келгандим. Лекин ҳақиқатни тан олиб айтишим керакки, ўғлим қаршисида ўтирас эканман, мени фавқулодда ва айни пайтда қизиқ бир ҳиссиёт қамраб олган эди. Бир оғиз сўз билан бечоранинг изтиробига, юрагидаги қўркув ва ташвишларга барҳам бера олган бўлардим. Мен яқиндагина ҳаётимнинг бор-йўқ мазмунини ташкил қилган, инъом қилмоқчи ё бўлмаса йўқ қилиб юбормоқчи бўлган, ўз ихтиёrim билан фойдаланишим мумкин бўлмаган бойлигимни кўз ўнгимга келтирдим ва кутилмаганда у энди мени қизиқтирмаётганини, ҳеч бир аҳамият касб этмаётганини аниқ ҳис қилдим. Жим бўлиб қолган Губерт кўзойнаги ортидан мендан кўз узмай қараб турарди. “Отам яна нималарни ўйлаб топаркин? Қайси томондан зарба ер эканман”, – деган саволлар уни қийноққа солаётганди. У калтак ейишдан қўрқиб, ўзини

# | Қлоншар қалыңда |

химоя қилаётган бола сингари құлини ярим күтариб, тортинибгина деди:

– Мени озгинагина құллаб юборишиңгизни үтиниб сүрайман. Онамдан тегадиган меросни ҳисобға олсак, менга (пулнинг миқдорини айтишдан олдин у бир лаҳ-за иккиланиб қолди) бир миллион кифоя қилған бўларди. Ишларимни юргизиб ололсам, у ёғига үзим эплаб кетаман. Қолганини нима қилишни үзингиз биласиз. Сиз чиқарадиган қарорга бўйсунишга ваъда бераман.

Губерт ютинди. У мендан кўз узмас, лекин тошдек котган юзимдан ҳеч бир ифода топа олмас эди.

– Хўш, қизим, – дедим Женевьевага үгирилиб, – сенинг аҳволинг тузукроқдир? Эринг ақлли одам-ку!

Бирор эрини мақтаса, доим жаҳли чиқадиган Женевьеве ширкат ёпилганини, Альфреднинг икки йилдан бери ичкилик сотиб олмай қўйганини ва үзича тўғри иш қилаётганини айтди. Тўғри, уларнинг ейиш-ичишларида камчилик йўқ. Бироқ Фили хотинига ташлаб кетаман, деб дўқ қилишни қўймаяпти. Агар ҳеч вақо бермайдиган бўлсан, пўписасини амалга ошироқчи.

– Шу ҳам ташвиш бўлди-ю! – деб шивирладим мен.

Женевьеве шошиб-пишиб гапимни оғзимдан олди:

– Тўғри, Филининг ярамас кимса эканлигини ҳаммамиз биламиз. Жанинага ҳам маълум. Лекин эри ташлаб кетса, у үзини ўлдиради. Ҳа, ҳа, үзини ўлдириши аниқ. Сиз бўлмаган гап дейишиңгиз мумкин. Ахир муҳаббат, ҳиссиёт деган нарсаларнинг мавжуд эканлигига ишонмайсиз. Бироқ ўткир заковатингиз билан үзингиз ҳис қилмайдиган нарсаларни ҳам тушуна оласиз.

– Женевьеве, отамизни чарчатиб қўясан. Губернинг назарида, бефаросат синглиси ишни “бузиб” қўйиши ва менинг иззат-нафсимга тегиши мумкин эди. У менинг безовта бўлаётганимни пайқаб қолган, бироқ бунинг асл сабабини билмасди. Женевьеве ярамни янгилашиб қўйди, Губерт буни тушунмаётган эди.

– Фили баҳтли экан! – деб хўрсиндим. Ака-сингил бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

Улар аллакачон мени эси пастга чиқариб қўйишган, лозим бўлса, иложи бўлса, жиннихонага ташлаб келишга тайёр эдилар.

– Фили муттаҳам, – деб тўнғиллади Губерт, – у билан ҳисоблашишга мажбурмиз.

– Кайнатаси эса Филини яхши кўради – дедим мен. Альфред куёвини “ёмон бола эмас”, дейди.

Женевьевева ловуллаб кетди.

– У Альфредни ҳам қўлга олган. Бутун шаҳар “куёв қайнатасини йўлдан урган” лигини билади. Уларни суюқоёқ хотинлар билан кўрганлар бор! Ана шармандалик! Уларни деб онам ич-ичларидан куяр эдилар!

Женевьевева кўзларини ишқай бошлади. Губерт отамиз бизларни асосий мавзудан четга тортяпти, деб ўйлади чоғи, гижиниб деди:

– Биз бошқа нарсалар ҳақида гапиришимиз керак, Женевьевева. Дунёда фақат сен-у, болаларинг бордек гапирияпсан.

Женевьеванинг жаҳли чиқди ва: “Иккимиздан қайси биримизнинг кўпроқ худбин эканлигимизни билгим келяпти”, – деди.

– Тўғри, ҳар ким энг аввал ўз фарзанди тўғрисида қайғуради. Мархума онамиз каби мен ҳам Жанина учун жонимни жабборга беришга тайёрман ва бу билан фахрланаман. Керак бўлса, улар учун ўзимни ўтга ташлашдан ҳам қайтмайман.

– Сен бошқаларни ҳам ўтга ташлашга тайёрсан, – деди Губерт кесатиб. (Ана шунаقا қиликлари билан у менга ўхшаб кетади).

Аввалги вақтлар бундай баҳс менга ёқкан бўларди. Буни мен мероснинг қолдиқлари учун бўладиган шафқатсиз жангнинг хабарчилари деб билган ва бундан кувонган бўлардим. Энди уларнинг жанжали менга ёқмас, юрагимни сиқаётганди... Мерос масаласи, пул масаласини ҳозир, узил-кесил ҳал қилиш керак! Тинчлик билан жон беришни истайман!

– Шуниси қизиқки, болаларим, – дедим мен, – ўзим бир умр телбалик деб санаб келган ишни барибир қиласидиганга ўхшаяпман.

# | Ҳонағар қалыпта |

Ана холос. Уларнинг баҳслари таққа тұхтади. Ака-сингил менга ишончсизлик билан қараб қолишиди.

– Мен бола-чақасига бор-йүгіни улашиб берган кекса ижарачи фермернинг ишини такрорламайман, деб юрардим. Фарзандлари уни очидан үлдириб юбо-ришганди. Баъзан бошқача йўл ҳам тутадилар: жон таслим қилиш узоққа чўзилиб кетса, устига ёстиқ ташлаб қўя қоладилар...

– Нималар деяпсиз, ота?!

Улар ҳушёр тортган эдилар. Мен гап оҳангини шартта ўзгартирдим:

– Анчагина тер тўкишинг керак бўлади, Губерт. Мулкни тақсимлаш осон бўлмайди. Бу ерда, Парижда, хориждаги банкларда омонатларим бор. Яна ер-сув, боғ-роғ, иморат, деганларидек...

Гапирган сари ака-сингилнинг кўзлари мoshдек очилмоқда эди. Лекин улар ишониш-ишонмасликни билмай қолгандилар. Губертнинг қўллари ҳадеб очи-либ-ёпилаётганини сезиб қолдим.

– Ҳамма иш қазоим етмасдан ҳал бўла қолсин. Айни пайтда онангиздан қолган меросни ҳам тақсим-лаб оласизлар. Калезни яхши кўрганим учун у ерда-ги уйни ва боғни ўзимга олиб қоламан – уларга қараб туриш харажатлари зиммангизда бўлади. Токзорлар ҳақида эшитишни ҳам истамайман. Ҳар ойда тўланадиган рента миқдорини келишиб олганимиздан кейин, уни менга нотариус орқали тўлаб турасизлар... Менга ҳамёнимни олиб бер-чи! Ҳа, камзулимнинг чап чўнта-гида турибди. Губерт титроқ қўллари билан ҳамённи узатди. Мен унинг ичидан конвертни олдим. Мана бу ерда менга қарашли жами мулкнинг миқдори ҳақида маълумотлар бор. Уни нотариус Аркамга бериб қўй-ишинг мумкин... Йўқ, яхшиси унга телефон қилиб бу ерга чақир, конвертни унга ўзим топшираман ва се-нинг хузурингда ўз хоҳишимга шоҳидлик келтираман.

Губерт конвертни олди ва хавотир билан мендан сўради:

– Ҳазиллашмаяпсизми, ишқилиб?

– Нотариусга телефон қил. Ҳазиллашяпманми, йўқ-ми, билиб оласан!

У шошиб эшик томон юрди, кейин ўзини тутиб олди қоғи:

– Йўқ, айнан бугун бу ишни қилиш одобдан эмас! Бир ҳафтагача сабр қилиш керак, – деди.

У қўлини қўзига олиб борди. У онасини эслаган ва қилмишидан уялаётган эди.

– Унда конвертни оча қол! Рухсат бераман! – дедим. Губерт шошиб деразанинг олдига борди ва конвертнинг сўрғичини олиб ташлаб, ҳужжатни ўқий бошлиди. Женевьеванинг сабри чидамади. У ўрнидан туриб, акасининг елкаси оша ҳужжатга очкўзларча нигоҳ ташлади.

Уларни кузатар эканман, ахволларига қараб ажабланмаётган эдим. Губерт ишлари орқага кетган банк гумаштаси, оила бошлиғи, Женевьевева ҳам оила бекаси. Улар қўлимиздан чиқди, деб ўйлаган сон-саноқсиз бойлик қайтиб қўлларига кираётган эди. Мени бошқа нарса, ўзимдаги бефарқлик ҳайратга solaётган эди. Мен операциядан сўнг ўзига келиб, ҳеч қаерида оғрикни сезмаётган одамга ўхшаб қолгандим. Ўзим жуда ардоқлаган, меҳр-муҳаббатим чексиз деб ўйлаган нарсани юрагимдан юлиб олиб бераётган эдим. Зеро, бу қилмишим оқибатида елкамдан тоғ ағдарилган, нафас олишим енгиллашганди. Қолаверса, бойлигимни бирон-бир кимсага инъом этиш йўлини бир умр излагандим, ўша кимса уйимдагилардан бири бўлмаслиги керак эди. Ҳеч қачон нимани орзу қилаётганимни билмаганман. Нимани истаётганимизни ўзимиз билмаймиз, ёқтирган нарсамизга эришгудек бўлсак, ундан тезда совий бошлаймиз.

Губерт синглисига:

– Бениҳоя... бениҳоя... бениҳоя катта бойлик! – деяётгани қулоғимга чалинди.

Улар тезгина шивирлашиб олишгач, Женевьевева ҳамма нарсадан ўзингизни маҳрум қилишингизга, бор-йўғингизни қурбон қилишингизга рози бўлолмаймиз, деб қолди.

“Маҳрум қилиш”, “Қурбон қилиш” деган сўзлар қулоғимга эриш туюлди. Губерт синглисингизни давом эттирид:

– Бугун күп ҳаяжонландингиз, касалим оғир деб, хато үйләяпсиз. Ҳали етмишга ҳам борганингиз йўқ. Сизнинг касалингиз билан одамлар жуда узоқ яшайдилар. Маълум фурсат ўтгач, қилган ишингиздан пушаймон бўлиб юрасиз. Истасангиз ер-сув, токзорлар, уй-жойларни назорат қилиш масалаларини зиммамга олишим мумкин. Лекин ҳаммаси ўз номингизда тураверсин. Биз ҳамма нарсанинг тўғри ҳал бўлишини истаймиз ва ҳар доим адолат тарафдори бўлиб келганимиз.

Қаттиқ чарчагандим, кўзларим ўз-ўзидан юмила бошлади. Уларга қарорим қатъий эканини ва бу ҳақда нотариус ҳузуридагина гапни давом эттиражагимни айтдим. Ака-сингил эшикка йўл олишди.

– Сизларга айтиш эсимдан чиқаёзибди, – дедим уларга бошимни бурмасдан туриб, – ўғлим Робертга ойма-ой тўланадиган қилиб бир ярим минг франк миқдорида рента ваъда қилганман. Ҳужжатларга қўл қўяётганимизда эсимга солгин.

Губерт қизариб кетди. Бу зарбани у кутмаган эди. Соддадил Женевьеве буни тўғриликча тушунди. У бир зумда ҳисоб-китоб қилиб бўлди-да, кўзларини катта-катта очиб, деди:

– Бир йилига ўн саккиз минг дегани-ку?! Кўп эмасмикан, дада?!

## Ўн саккизинчи боб

Ёмғир ювиб қўйган она замин, оёқ остидаги топ-тоза яшил майсалар кўзни қувонтиради. Кўлмакларда ложувард осмон акс этади. Ҳамма нарса Калезга хўжайнлик қила бошлаган пайтларимдагидек менга завқ бағишлайди. Энди бу ерда ҳеч нарса менини эмас, лекин ўзимни камбағал, деб ҳис қилмаяпман. Аммо ёмғир томчиласа аввалгидек ташвишга тушаман; узумзорни, ҳосилни үйлайман! Мулкка бўлган хасисларча муносабатим дехқонларга хос табиий туйғу эди. Менга тўланадиган рента нотариуснинг қўлида сакланади-

ган бўлди. Мен ҳеч қачон ҳеч нимага зориқмаганман. Умрим поёнига етиб қолган бир пайтда қайта туғилгандек бўляпман! Қани энди, яна бир неча йил ёки бир неча ой, ҳеч бўлмаганда бир неча ҳафта умр кўрсам...

Ҳамшира шаҳарга қайтиб кетди, ўзимни анча яхши ҳис қиляпман. Изанинг хизматида бўлган Амели ва Эрнестлар менга қараб турадиган бўлишди; улар укол қилишни биладилар, керакли дорилар – морфин ва нитрит ёнимда турибди. Губерт билан Женевьевеева шаҳардан бери келишмайди, уларнинг ишлари кўпайиб қолган. Мулк хусусида бирон-бир маълумот керак бўлиб қолгандагина ёки бирор нарсанинг баҳосини билиш учунгина келиб кетадилар. Ҳамма нарса деярли жанжалсиз ҳал бўляпти. Мулкни тақсимлаш пайтида алданиб қолмаслик учун улар телбанамо хуносага келгандар – ҳамма нарсани, ҳаттоки дастурхондан тортиб идиш-товоққача, teng бўлиб олишга қарор қилганлар. Улар бирон-бир гиламни бир-бирларига инъом қилгандан кўра, ўргасидан қирқиб олишни афзал кўрадилар. Ака-сингил нарсаларни турли қисмларга бўлиб ташлашга ҳам тайёрлар, икковларига баробар тегса бўлди. Улар биз адолат тарафдоримиз, деб таъкидлашни ёқтирадилар; қилаётган ишлари эса, адолат юзасидан эмиш. Умларини энг пасткаш ҳиссиётларга сарф этмоқдалар. Йўқ, йўқ, бу сўзларни ўчириб ташлаш керак. Ким билсин, балки уларда ҳам шунга ўхшаш хислатлар ҳали бутунлай илдиз отиб кетмагандир?

Қизик, мен тўғримда улар қандай фикрда экан? Мени ютқазди, таслим бўлди, “чолни бопладик” деб ўйлашаётганмикан? Шундай бўлса-да, ака-сингил ҳар сафар Калезга келганларида, менга эҳтиром билан муомалада бўладилар ва миннатдорчилик билдиришни қўймайдилар. Лекин, барибир менинг ҳатти-ҳаракатимдан улар ҳайратдалар. Айниқса, Губерт мендан кўзини узмайди, ишонмайди, чол ҳали таслим бўлмаган деб ўйлади. Ташибланма, ўғлим! Ҳолим танг бўлиб Калезга қайтиб келган кунимдан бошлабоқ сизларга хавфли бўлмай қолгандим.

Ҳозир бўлса...

Буталар ва тераклар билан ўралган далалардан туман, ёқилаётган ўт-ўланларнинг тутуни ва ёмғирдан кейинги ҳовур кўтарилади. Авжи куз палласи. Август ойидаги тўхтовсиз ёмғирлар узум бошларининг етилишига зиён етказди. Лекин биз инсонлар учун ҳечнинг кечи бўлмайди. Ҳа, мен ўзимга доим шундай дейман: инсон учун ҳеч қачон ҳеч нарсанинг кечи бўлмайди.

Бу ерга келган кунимнинг эртасига Изанинг хонасига киргандим. Бу ишни қилишга мени эзгу туйғулар эмас, балки қишлоқдаги одатдаги бекорчилик, тўғрироги зерикиш мажбур қилди. Йўлакдаги чап томонда қия очик қолган биринчи эшикни очиб, ичкарига кирдим. Дераза ва жавонларнинг эшиклари очик қолганди. Хизматкорлар ҳамма нарсани олиб чиқиб кетган эдилар.

Қуёш нурлари риҳлатга юз тутган инсон ҳаётининг кўз илғамас қолдиқларини ёритмоқда эди. Сентябрнинг ушбу илиқ кунида паашшалар ҳамон ғужғон учиб юришар, ҳовлидаги дараҳтларнинг буришиб кетган таналарида чириш аломатлари сезиларди. Адирлар ложувард осмон қўйнида дам олар, узокдан қуёш нурида олтиндек товланаётган шляпа кийган қизларнинг кулгуси қулоққа чалинмоқда эди. Узум узиш мавсуми бошланган.

Лекин Изанинг хонасида ҳаёт нафаси сезилмайди; жавоннинг пастида ётган бир жуфт қўлқоп ва соябоннинг энди ҳеч кимга кераги йўқ. Кўхна тош ўчоққа назар ташладим. Ўчоқнинг ўрта қисмини безайдиган тошга хаскаш, белкурак, ўрок ва бир боғлам буғдой бошоғининг тасвири туширилган. Катта-катта ғулалар ҳам бемалол ёниб кетадиган бу ўчоқларнинг оғзилари ёз пайтларида расмли матолар билан тўсиб қўйиларди. Расмда омочга қўшилган ҳўқизлар тасвирланган. Болалигимда нимадандир жаҳлим чиқиб расмни қаламтарош билан ўйиб ташлаган эдим. Расм ўчоққа қийшайтириброқ осиб қўйилганди. Уни тўғрилаб қўяман деб тушириб юбордим, шунда кўзим ўчоқдаги кулга тушди ва болаларнинг Изанинг сўнгги куни ҳақидаги ҳикояларини эсладим: “Ҳар хил хат-хужжатларни куйдир-

дилар, ўт тушди деб ўйладик. “Иза ўлими яқинлашиб яқинлашиб қолганини сезган”. Ўша лаҳзада мен буни яққол тасаввур қилдим. Инсон ҳеч қачон бир пайтнинг ўзида ҳам ўзининг, ҳам ўзгаларнинг ўлими ҳақида ўйлай олмайди. Ўлимим яқинлашиб қолди, деб юраверибман, Изанинг асабий бўлиб қолганини сезмабман. Бефаҳм фарзандларимиз эса: “Ҳечқиси йўқ! Қаричилик!” – деб юраверишган. Лекин Изанинг ўзи ана шу катта гулханни ёқа туриб, ажалнинг яқинлашиб қолган нафасини ҳис қилган. Из қолдирмаслик, буткул йўқ бўлиб кетиш ниятида ана шу ишни қилган. Ўчоқдаги кул уюмiga қарапканман, оташкуракка кўзим тушди. Уни қўлимга олиб, гўё ҳаётимизнинг сирини яшириб ётган кулни титкилай бошладим. Оташкурак чуқур тушган сари кул қатламлари ҳам қаттиқлашиб борди. Ёқилган қоғоз тахламлари қалин бўлганидан омон қолган бир нечта қоғоз парчаларини суғуриб олдим. Аммо уларда айрим сўзлар, тушунарсиз иборалардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Улар менга номаълум дастхат билан ёзилган эди. Кўлларим титраб, кавлаштиришда давом этдим. Коракуяга беланган кичкинагина қоғоз парчасида қуйидаги сўзларни ўқидим: “ОСОЙИШТАЛИК”. Остида бутнинг тасвири. Кейин: “23 февраль 1913. Азиз қизалоғимга”. Қуйиб кетган сахифадаги ибораларни бирлаштириб кўришга астойдил уриндим ва қуйидаги сатрларниги тиклай олдим: “Ушбу бола туфайли юзага келган нафрат учун сизлар жавобгар эмассизлар, мабодо нафратга қулоқ осгудек бўлсангиз, гуноҳга ботасизлар. Сизлар эса....” Қийналиб-қийналиб яна бир-икки сўзни ўқидим: “Марҳумларни қўрқмасдан айбламоқчи бўласизлар, унинг Люкка бўлган меҳри исботи эмас”. Коракуя теккан жойларни ўқиш қийин эди, пастдаги жумлагина сақланиб қолганди: “Гуноҳи нима эканлигини сўрамасдан туриб, уни афв этинг. Унга ўзингизни инъом этинг...”

Ҳаммасининг мағзини кейин чақаман, ҳозир эса яна изламоқ керақ, балки сақланиб қолган парчалар бордир. Энгашиб, нафасим оғзимга тиқилиб кавлашда давом этдим. Бут-бутун, ғадир-будур муқовали даф-

тарчани топиб олиб ҳаяжондан энтиккан этдим ҳамки, муковадан бўлак ҳеч бир саҳифа сақланиб қолмаганини кўриб ҳафсалам пир бўлаёзди. Муқованинг орка томонида Изанинг дастхати билан ёзилган куйидаги сўзларнигина ўқий олдим: РУҲИЙ ТҮПЛАМ. Пастроқда эса: “Менинг исмим ЛАЪНАТЛОВЧИ эмас, исмим ИСОдир (Франциск Сальский “Исо ҳақида”). Ундан кейинги кўчирмаларни ўқиб бўлмади. Кулни яна узоқ титкиладим, лекин бўлак ҳеч вақо топмадим. Қўлларим қоп-қора бўлганини, ойнага қараганда пешонамга ҳам қора текканини кўрдим. Ўсмирилигимда бўлгани каби узоқларга кетиб қолгим келди, юрагимнинг хасталигини унугиб пастга тушдим.

Узумзорга келмай қўйганимга анча бўлди, ҳосилининг бир қисмидан маҳрум бўлган токлар қишки уйқуга кетиш арафасида эди. Мусаффо, тип-тиник, ложувард ва енгил борлик бир вақтлар Мария найдадан пуфлаб чиқарган совун кўпикларини эслатади. Куёш ва шамол арава ғилдараклари ва ҳўқизларнинг изини қурита бошлаган. Сайр қилишда давом этар эканман, хаёлимдан Иза шу пайтгача мен яхши билмаган, Тангридан ўзга ҳеч ким жиловлаши мумкин бўлмаган, эҳтиросларнинг қули бўлган аёл сиймоси гавдаланди. Хонадонимнинг бекаси мени опасидан рашқ қилган экан. Кичкинтой Люкни қўаррга қўзи бўлмаган экан. Наҳотки, рафиқам фарзандларини деб бегуноҳ боладан нафратланган бўлса? Люкни ўз фарзандларимдан ҳам аъло қўрганим бунга сабабчи бўлгандир? Бироқ Иза опасини ҳам ёмон кўрган. Демак, у мен туфайли азоб чекан; демак, уни қийноққа солиш ёки солмаслик менинг ихтиёrimda бўлган. Қанчалар бемаънилиқ! Маринетта ҳам, Люк ҳам, Иза ҳам йўқ энди! Улар риҳлатга юз тутдилар. Мен қария эса, уларни ўз комига тортган чоҳ ёқасида туриб, марҳума аёл менга бефарқ бўлмаганидан, мен туфайли азоб чекканидан хурсанд бўляпман.

Кулгили ҳол албатта! Нафасим сиқилаётганига ва ёлғизлигимга қарамай, ток зангини ушлаб олиб, истехзо билан кула бошладим. Қаршимда қишлоқлар, чер-

ковлар, йўллар ва уларнинг четидаги тераклар оппок туман ичидан элас-элас кўзга ташланади. Ботаётган қуёш нурлари ушбу туманга бурканган олам оралаб ўзига зўрға йўл топмоқда эди.

Камчилигимни яққол кўриб, бор вужудим билан хис қилаётгандим. Айбим илонлар уя қуриб олган қалбим, фарзандларимга бўлган нафрат, интиқом олишга интилиш, пулга хирс қўйишдангина эмас, заҳарли газандалардан бошқа нарсани пайқамаганим, кўрмаганимдан ҳам иборат эди. Ана шу газандалар тўдасига шунчалар боғланиб қолган эдимки, назаримда қалбим ғуж-ғуж бўлиб ётган илонлардан иборат, уларнинг тўлғонишлари юрагимнинг уриши билан ҳамоҳанг эди. Деярли ярим аср мобайнида ўзим ҳакимда сохта тасаввурга эга бўлиб келганим етмаганидек, бошқаларга ҳам шундай муносабат қилибман. Фарзандларимнинг қиёфаларида акс этган қусурлар мени чалтиб келди. Робертнинг чехрасида калтафаҳмликни кўра билибман, холос. Ҳеч қачон одамларнинг ташки қиёфаси йиртиб ташланиши керак бўлган парда эканини, уларни билиш учун парда олиб ташланиши кераклигини тасаввур қилмабман.

Ўттиз ёки ҳеч бўлмаганда кирқ ёшимда шундай хулосага келишим керак эди. Умр ўтди, энди мўйсафидман, юрагим секин, мадорсиз уряпти; токзорни кезиб юрган, уни туман ва шафаққа буркаётган кузни сўнгги марта кўриб турибман. Муҳаббатимга сазовор бўлиши керак бўлганлар ҳам, менга кўнгил қўйишлари мумкин бўлганлар ҳам оламдан ўтиб кетдилар. Тирик қолганларнинг қалбларига йўл топиш, уларнинг ички дунёларини кашф қилиш учун эса менинг на мадорим, на вақтим бор. Энди мендаги бор нарса, ҳатто овозим, ҳатти-ҳаракатларим ҳам менинг исмимни кўтариб юрган, ўзини бутун дунёга қарши қўйган бадбашара маҳлукқа тегишли.

Ботаётган қуёш нурларига чўмган Икем адирлари-га назар соларканман хаёлимни ана шу фикрлар банд этганди. Мен ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган яна бир воқеа барчасига аниқлик киритди. Ўша оқшом уйга

## | Ишмур Ҳалида |

қайтарканман хаёлларим таъсирида эдим. Замин сукунат қўйнида, соялар узайиб кўринарди, борлиқ барча нарсаларни бағрига сингдирган; мудрок адирлар елкаларини эгиб, уйкуга кетиш учун тун қоронғилиги ва туман тушишини кутаётган пахлавонларга ўхшарди.

Женевьеве ва Губертни уйда учратаман, деб ўйлагандим, улар бирга тушлик қиласиз, деган эдилар. Умримда биринчи марта уларнинг келишларини илҳақ бўлиб кутаётган ва бундан қувонаётгандим. Уларга ўзимнинг янгиланган қалбимни очмоқчи эдим. Мен уларни, улар мени тезроқ билиб олсинлар, вактни, лаҳзаларни бой бериш ярамайди. Ўлимим олдидан қилган кашифийетимни синааб кўриш учун фурсат етармикан? Болаларимнинг қалбларига йўл топиш учун имиллаб ўтирумайман ва барча тусикларни қуюндеқ енгиги ўтаман. Қалбимни чирмаб олган илонлардан ниҳоят ха-лос бўлдим. Болаларимнинг меҳрларини шунчалик тез қозониб оламанки, ўлганимда улар менга ачиниб ийғлайдилар.

Улар ҳали шаҳардан келмаган эдилар. Йўл чеккасидаги курсига ўтириб, машина келиб қолармикан, деб қулоқ сола бошладим. Тоқатим тоқ бўлиб, уларни кўргим келаверди. Кутимаганда эски ғазабим қўзғалиб қолди: кутаманми-йўқми, уларга барибир. Хавотир олаётганимнинг ҳам улар учун ҳеч бир қизифи йўқ; жўрттага шундай қилишяпти. Кейин ўзимни қўлга олдим: нима сабабдан ушланиб қолганликларининг сабабини билмайман-ку, ахир! Бекорга улардан хафа бўляпман. Тушликка қўнғироқ чалинди. Ошхонага бориб, Амелига бироз сабр қилишни буюрдим. Шиплари қорайиб кетган, сур гўштлар осилган ошхонага камдан-кам ҳоллардагина қадам ранжида қиласман. Оловга яқинроқ ўтиредим. Ҳозиргина қаҳ-қаҳ уриб сўзлашаётган Амели, унинг эри ва иш бошқарувчимиз Казонинг мени кўришлари билан овозлари ўчди. Мен пайдо бўлган жойда эҳтиром ва қўркув хукмронлик қиласди. Ҳеч қачон хизматкорлар билан сухбатлашган эмасман. Бунга инжиқлигим ёки талабчанлигим эмас, балки уларни назарга илмаслигим сабаб эди. Лекин

ўша оқшом улар билан бирга эканлигимдан хурсанд эдим. Модомики, болалар келмаётган эканлар, хизматкор хотин қийма чиқараётган столнинг бир чеккасида овқатланиб оламан, деб ўйладим.

Казо қочиб қолганди. Эрнест тушлик пайтида менга хизмат кўрсатиб туриш учун оқ камзулини кийиб олди. Унинг лом-лим демаслигидан юрагим сиқила бошлади. Унга бирон нарса дейишга ожиз эдим. Йигирма йилдан бери бизга садоқат билан хизмат қилиб келаётган ана шу икки инсон ҳақида ҳеч нарса билмасдим. Ниҳоят, уларнинг Совтер-де-Гийси деган жойда турмушга чиққан ва бир вақтлар күён кўтариб ота-онасини кўришга келган қизлари эсимга тушди. Ўшанда Изя қизнинг бизникида еб-ичаётганини рўкач қилиб, қуённинг ҳақини бермаган эди.

– Хўш, Амели, – дедим мен шоша-пиша кўзимни бир нуқтага тикиб. – Қизингиз яхши юрибдими? Ҳали ҳам Совтерда турадими?

Амели унниқиб кетган юзини менга буриб, кўзларимга тикилиб боқди:

– Тақсирим, унинг вафот этиб кетганини билсалар керак... Ойнинг 29 куни, яъни ҳаворий Михаил куни ўлганига ўн йил бўлади. Наҳотки тақсиримнинг эсларидан чиққан бўлса?

Эрнестнинг ҳамон дами чиқмасди. Бироқ у менга совуқ назар ташлади: хўжайнин бошимизга тушган кулфатни била туриб жўрттага ана шу саволни берди, деб ўйлаётгани шубҳасиз эди.

– Мени афв этинг... қаричилик, – дедим дудуқланиб.

Ноқулай аҳволга тушиб қолсам ёки бирор нарсадан торгинсан, ишшаядиган одатим бор. Бу сафар ҳам хунук тиржайишдан ўзимни тута олмадим.

Ўрнимдан тез туриб хира ёритилган емакхонага кирдим ва Изя ўтирадиган курсининг қаршиисига ўтиредим. Мана бу Женевьеванинг ёнидагиси аббат Арденнинг, наригиси Губертнинг жойи! Дераза ва жавон ўртасида эса Мариянинг орқаси баланд курсиси турганини эсладим, кейинчалик курси Жанинага, ундан

## | Ишонч қолида |

кейин эса қизига хизмат қилди. Бир-икки ютум овқат еган бўлдим. Менга овқат узатиб турган кимсанинг назари совук эди.

Мехмонхонадаги каминга ток пояларидан ўт ёқилганди. Денгиз суви қайтган маҳал қирғоқда қоладиган чиғаноқлар каби, ўтиб кетган ҳар бир авлод ана шу хонада ўзидан хотира қилиб расм солинадиган дафтарларни, турли-туман қутичаларни, фотосуратларни, мойчироқларни қолдирган. Ойнаванд жавонлар турли ўйинчоқлар, кўнгил очар буюмлар билан лиқ тұла. Ҳовлидаги узумнинг сувини оладиган мосламанинг ғирчиллаши ва уни айлантираётган отнинг оғир қадам ташлаши негадир юрагимни эзиз юборди. “Нега келмаяпсиз, болажонларим?” – деган ҳайқириқ ичичимдан отилиб чиқди. Агар хизматкорлар эшик ортидан туриб ана шу сўзларимни эшитган бўлганларида, шубҳасиз меҳмонхонага бегона кириб қолибди, деб ўйлаган бўлардилар.

Хотиним, фарзандларим, хўжайнлару хизматкорлар менга қарши тил бириктирган, жирканч вазифани бажаришимга мажбур қилган эдилар. Улар мени золим киёфасида кўришни истаган ва мен ана шу киёфада тош қотган эдим. 68 га кирганимда, бошқача одам бўлганлигимни уларга исботлашга интилиш кучли оқимга қарши сузиш билан баробар эди. Биз ўзимиз одатланиб колган нарсаларнигина тан оламиз. Сизларни эса, болажонларим, чин инсоний қиёфада кўрмаяпман. Балки ёшроқ бўлганимда юрагимдаги доғлар камроқ кўзга ташланган, одатларим бу қадар илдиз отиб кетмаган бўлармиди? Барибир агар ёш бўлганимда ҳам, бу сеҳрли кучнинг таъсиридан чиқиб кета олмаган бўлардим. Ўз-ўзимга бир неча маротаба бунинг учун куч керак, дегандим. Қандай куч? Кимдир қўллаб-қувватлаши керак. Ҳа, ўша кимдир билан ҳамфир бўлишими, у ғалаба қозона олиши, елкамга ортилган жирканч юқдан мени халос қилиши, ўша вазифани бажаришни ўзининг зиммасига олиши керак эди.

Энг ақлли, энг кучли инсон ҳам бировнинг кўмагисиз ишқ санъатини эгаллай олмайди. Кулгили ахвол-

га тушиб қолмаслик, хатоларни ва қусурларни четлаб ўтиш учун одамлар эндиликда унутиб юборган инсоний муҳаббат сирларидан хабардор бўлишлари керак. Бу сирни қайта қашф қилас эканлар, инсонларнинг яшаш шароитларини ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай хатти-ҳаракатлари зое кетади: мен ўзимни иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан четга тортиб келганман ва илгарилари буни худбинликдан, деб ўйлардим. Тўғри, мен танҳоликни ёқтирадиган ва ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган махлуқ эдим. Лекин бир нарсага ишончим комил бўлиб келган: турли хил инқилоблару дунёning ташқи қиёфасини ўзгартириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Дунёning қалбига йўл топа билиш керак. Бундай ғалабага эришиш фақат Унинг қўлидан келади ва мен Уни излаяпман: у ҳамма қалбларнинг Қалби, дунёдаги жамики ишқнинг Маркази бўлмоғи керак. Мендаги бу истак Тангрига илтижо қилишга кўпроқ ўхшаб кетади. Ўриндиққа суюниб тиз чўкишимга сал қолди: ёз оқшомлари Изга шундай қиларди, учала бола эса унинг этагини тутиб туришарди. Айвонда туриб уларни кузатардим: “Қаршингда ер ўпиб турар эканман, Тангirim, сени қалбим билан ҳис қилиш ва севиш имкониятини менга берганинг учун шукроналар қиласман”.

Ҳонанинг ўртасида, бирор мени итариб юборган-дек, мувозанатимни зўрға ушлаб турибман. Ўтган ҳаётим, кечмишим кўз ўнгимга келади. Ушбу кучли лойка оқимига қарши бориб бўлмайди. Шунчалар ёмон одамманки, ўтган умрим мобайнода битта ҳам дўст орттирмабман. Эҳтимол юзимга ниқоб така олмаганим бунга сабаб бўлгандир. Қани энди, ҳамма одамлар мен эллик йил давомида қилиб келган ишни қилсалар – юзларидаги ниқобларини ечиб юрсалар! Ростини айтганда, ҳеч ким ниқобсиз юрмайди, ҳеч ким! Кўпчилик дабдабага, ўзини олижаноб кўрсатишга мойил. Улар ўзгаларга ёки бадиий асар қаҳрамонларига тақлид қиласилар. Авлиёлар инсоннинг қалбидаги нималар кечаётганини кўра билганлар ва шунинг учун ўзларидан нафратланганлар. Агар очиқчасига ўзимни ҳар

# | Ишонар Қолиша |

томондан кўрсатмаганимда, мендан бунчалик нафратланмаган бўлардилар.

Нимқоронги меҳмонхонада каловланиб юрар эканман, хаёлимни ана шундай фикрлар банд қилган эди. Қизил ва қора дараҳтдан ясалган жиҳозлар оиласизнинг эндилиқда тупроққа айланган қанча аъзоларига хизмат қилган. 1870 йили рангли журналларни вараклаб ўтириш учун диванга бошмоқчаларини ечмай чиқсан кичкинтойларнинг излари ҳанузгача турибди. Шамол увиллайди, япроқларни сочиб ўйнайди. Аллақайси хонанинг деразаси ёпилмасдан қолганга ўхшайди.

## Ўн тўққизинчи боб

Эртаси куни сабрсизлик ва хавотир билан почтани келтиришларини кутдим. Изга болалар кеч қолгудек бўлсалар хавотир олиб юргани каби, мен ҳам уйимиз олдидаги хиёбонда у ёқдан-бу ёққа бориб келавердим. “Уришиб қолишдимикан? Ёки бирортаси касал бўлиб қолдими?” Шайтон хаёлимни минг ёққа олиб кетди. Ваҳима қилишда Изадан ҳам ўтадиганга ўхшаб қолдим. Бирон-бир ташвиш сабабли ич-этини тирнаётган барча инсонлар каби атрофимда нималар бўлаётганини пайқамаган ҳолда токзорлар оралаб дайдиб юрдим; хавотир олиш қўлимдан келаётганига ўзимдан хурсанд ҳам эдим. Водий қуюқ туманга бурканган, кўз ҳеч нарсани илғамаса-да, турли-туман овозлар кулоққа яққол эшитилади. Ҳали айниб улгурмаган узум шодаларига чуғурчиқ ва беданалар гала-гала бўлиб ёпирилишади. Эрта кузнинг ана шундай манзараларини таътилга келган Люк жуда-жуда ёқтиарди...

Губерт Париждан икки энликкина хат ёзиб юборибди. “Шошилинч жўнаб кетишга мажбур бўлдим, – деб ёзган эди у. – Кўнгилсиз воқеа юз берди. Қолганини индинга олдингизга борганимда тушунтираман”. Солиқ тўлаш хусусида англашилмовчилик юз берган бўлса керак, деган хаёлга бордим. Балки Губерт қонунни четлаб ўтмоқчи бўлгандир?!“

“Энди сира ҳам ёлғиз йўлга чиқмайман”, – деб ўз-ўзимга сўз берганимга қарамай, сабрим чидамасдан вокзалга элтиб қўйишларини айтдим ва Бордога жўнаб кетдим. Бизнинг илгариги уйимизни Женевьеве банд килган эди. Уни кираверишда, афтидан докторни кузататётганида учратдим.

– Губерт сизга хабар қилмадими?

Женевьеве мени дағні маросими куни ўзимдан кетиб қолган меҳмонхонага олиб кирди. Филининг қочиб кетганини эшитиб енгил нафас олдим: бирон-бир баҳтсизлик юз бердими, деб жуда кўрқкан эдим. Фили аллақандай бир аёлнинг “домига” тушиб қолиб, ўша билан қочиб кетибди. Ундан олдин Фили билан Жанина ўртасида катта жанжал бўлган ва Фили хотинини бутунлай ташлаб кетишини айтган. Энди бўлса Жанина телбанамо бир суратга айланган, доктор уни бу аҳволдан кутқариш йўлини топа олмай гаранг бўлаётган эмиш. Альфред билан Губерт қочокни Парижда топишга муваффақ бўлишган, бироқ яқинда юборган телеграммаларига қараганда ҳеч бир иш чиқара олишмаган.

– Сира ақлимга сигдиролмайман. Ахир биз уларга ёрдам бўлсин, деб анчагина пул тўлаб турган эдик. Эҳтиёт шарт деб улар учун улуш ажратмагандик, лекин олаётган ренталари мўмайгина эди. Тангрига аён, Жанина эрига жуда кўнгли бўш эди. Фили қизимдан хоҳлаган нарсасини ундириб оладиган бўлиб қолувди. Сизнинг бизларга ҳеч вақо бермас экан деб ўйлаб бир вақтлар Жанинани ташлаб кетаман, деб юрганлари эсимда турибди. Нега энди бор давлатингизни бизларга улашиб берганингиздан кейин у қочиб қолиши керак, буни қандай тушунса бўлади?

У қошлиарини чимириб, қаршимга келиб тўхтади ва кўзларини катта очиб, менга қаради. Кейин иситгичга суюнган ҳолда, жунжикиб қўлларини бир-бирига ишқай бошлади.

– Афтидан, – дедим мен, – ўша аёл жуда бой бўлса керак.

– Каёқда дейсиз! Мусиқадан дарс беради... Айт-

## | Ишончар қалаша |

моқчи, уни танийсиз, Велар хоним! Айтарли ёш ҳам эмас, мингта күчани кўриб чиқкан. Тирикчилигини зўрға ўтказиб юради. Буни қандай изоҳласа бўлади? – дея такрор сўради Женевьевана.

Жавобимни кутмасданоқ, у яна вайсаб кетди. Худди шу пайт хонага Жанина кириб келди. У халат кийиб олганди. Ёнимга келиб менга пешонасини тутди. Жанина озмаган эди. Лекин унинг шишиб, хунуги чиқиб кетган юзида илгариги менга ёқмайдиган белгиларни умидсизлик ювив юборгандек эди. Олдинги ялтоқла-нишларидан, беўхшов қилиқларидан асар ҳам қолма-ган, қаршимда оддийгина жувон турарди. Чироқнинг ёруғи унга тик тушаётганига қарамасдан, киприк ҳам қоқмасди.

– Сизга ҳам етказишдими? – деб сўради у мендан, чўзинчоқ курсига ўтирар экан. Онасининг Фили жўнаб кетганидан бери нолиб гапираётган гаплари унинг ку-лоғига кирганмикан?

– Ақл бовар қилмайди.

Ақл нима, ақл билан иш кўриш нима эканлигини билмайдиган Женевьевана ҳар сафар гап бошланганида ана шу ҳайратомуз иборани қўллади.

– Ақл бовар қилмайди, – дея яна зорланди Женевьевана. Қанчалар нонкўрлик! Жуда ёшлигига қўлига кирган меросни йигирма икки ёшидаёқ совуриб юборганига қарамай, чиройли қизимизга куёв қилгандик (Фили етимча бўлиб, яқин қариндошлари ҳам йўқ эди. Унга васийликни ҳам зиммамизга олгандик). Саёқ юришларига ҳам тишимизни тишимизга қўйиб чида-ган эдик... Мана унинг миннатдорчилиги!

Тошиб келаётган ғазабимни жиловлай олмадим. Яна илгаригидек жаҳлим чиқа бошлаганди. Ахир Филини ҳол-жонига қўймай, ваъдалар бериб, умидвор қилиб, куёвликка рози қилган ана шу Женевьеванинг ўзи, Альфред, Изабелла ва уларнинг ҳамтоворқлари эмасми-ди?

– Қизиги шундаки, – дедим мен жаҳл билан, – гапларингга ўзинг ҳам ишонаётган кўринасан. Ҳолбуки, ҳаммангиз Филининг кетидан югуриб юрувдингиз.

– Дада, наҳотки унинг ёнини олмоқчи бўлсангиз?...

– Ҳеч ким унинг ёнини олмоқчи эмас! Биз Филининг пасткашлигига керагидан ортиқ баҳо бериб хато қилганмиз. Бойликдан умидвор экан, ҳар қандай хакоратларга ҳам чидайверади, ҳеч қаерга кетиб қолмайди, деб ўйлашимиизни унга билдириб қўйганмиз. Ҳамма ҳам пасткаш деганлари билан пасткаш бўлиб кетавермайди.

– Ақл бовар қилмайди... Наҳотки ёшгина хотини билан қизчасини ташлаб кетган бадбаҳтнинг ёнини олсангиз?...

– Женевьеве, – дедим мен овозимни кўтариб, жаҳл билан. – Мени тушунмаяпсан. Ўзинг бир ўйлаб кўр: хотини билан қизини ташлаб кетиш ёмон, албатта. Куёвинг бу ишини пасткашлигидан қилган бўлиши мумкин, лекин айни пайтда эзгу ниятлари йўлида амалга оширган бўлиши ҳам мумкин...

– Шунаقا денг, – деди Женевьеве қайсарлик билан.

– Йигирма икки яшар хотини ва қизалогини ташлаб кетиш ҳали эзгулик бўлиб қолдими?!

Калтафаҳм Женевьеве ҳеч нарсани тушунишни хоҳламас, билганидан қолмасди.

– Ё чиндан ҳам аҳмоқсан, ё ўзингни тушунмаганга оляпсан! Кулоқ сол, юз берган воқеадан кейин Фили менга биз ўйлаган даражада пасткаш эмасдек туялпти.

Женевьеве гапимни бўлиб: “Жанинанинг олдида эрини ҳимоя қилиб, уни ҳақорат қиляпсиз”, – деди. Шунда, шу пайтгача лом-лим демай ўтирган набирам ўзиникига ўхшамай қолган овозда онасига деди:

– Инкор қилишнинг нима кераги бор ойи? Филини жуда ҳам ерга уриб юборувдик. Эсингиздами, меросни бўлиб олган кунимиздан бошлаб унинг устидан ҳукм юрита бошлаганимиз? Бўйнига занжир солиб олгандим. У мени севмайди, деган хаёлга бормасдим, бундан деярли изтироб ҳам чекмасдим. У менинг мулкимга айланиб қолганди: ҳамма пул менинг қўлимда эди: уни истаган кўйимга солардим. Бу гапни сиз айтган эдингиз, ойи. Эсингиздами, бир куни менга: “Энди

# | Июнар Ҳалида |

уни истаган кўйга солишинг мумкин” – дегандингиз. Биз Филини ҳамма нарсадан пулни афзал кўради, деб ўйлардик. Эҳтимол у ҳам шундай деб ўйлагандир, бироқ номус ва нафрат устунроқ чиқди. У ўша аёлни севмайди, буни менга жўнаб кетаётганида ўзи айтди. Бунга ишонса бўлади. Фили аччик бир ҳакикатни юзимга айтди. Ўша аёл ундан нафратланмас, уни ерга ҳам урмас экан. Аёл уни сотиб олишни хаёлига ҳам келтирмаган, балки ўзини унга тортиқ қилган. Мен бўлсам, унга хусусий мулкдек муомалада бўлдим.

Жанина бу сўзларни ич-ичидан эзилиб, афсусланиб гапирди. Волидаси эса елка учирив кўя қолди ва қизининг йифлаётганини кўриб, хурсанд бўлди. “Юрагини бушатиб олади...”

Кейин у яна гап бошлади:

– Кўркма қизим, у ҳали олдингга қайтиб келади. Очлик бўрини ҳам ўрмондан чиқишига мажбур қиласди. Номаъқул бузоқнинг гўштига яхшилаб тўйиб олсин, қашшоқлик нима эканлигини билсин, кейин.

Набирамга бу гапларни эшитиш оғир бўлаётганини сезиб туардим. Бу уйда кечгача туришга сабрим чидамаслигини билиб ўрнимдан турдим ва шляпамни кўлимга олдим. Қизимга машина ёллаганман ва ҳозирнинг ўзида Калезга қайтиб кетишими айтдим. Жанина кутилмагандан:

– Мени бу ердан олиб кетинг, буважон! – деб қолди.  
– Эсингни еб қўйибсан, – деди унга онаси. – Сен шу ерда бўлишинг керак. Суддагиларга керак бўлиб қолишинг мумкин. Қолаверса, Калезда ўзингни еб қўясан.

Йўлакда мен билан хайрлаша туриб, Женевьевана Жанинанинг эрини мақтаганингиз яхши бўлмади, деб ўпкалаган бўлди.

– Ўша ярамасни хаёлидан чиқара олганда, ташвишими анча камаярди. Никоҳни бекор қилиш учун эса баҳона топиш қийин эмас. Шунча пул билан Жанина истаган одамига турмушга чиқа олади. Лекин энг аввал у эрини хаёлидан буткул чиқариб ташлаши керак. Сиз бўлсангиз Филини унинг олдида мақтаб ўтирибсиз, ўзингиз эса уни доим ёмон кўриб келгансиз. Йўқ,

уни Калезга жўнатмайман. Бу ерда биз Жанинанинг кўнглини овлашга уриниб кўрамиз. Бир куни келиб у эрини эсидан чиқаради.

— Агар ўлиб қолмаса, дея хаёл қилдим мен, ўшанда ҳам умри надомат билан ўтади. Жанина мен, кекса адвокат яхши биладиган аёлларнинг тоифасига кирса эҳтимол: бундай аёллар умид қилиш деб аталувчи тузалмас дардга мубтало бўладилар ва орадан йигирма йил ўтса ҳам, вафодор ит сингари эшикка термулиб ўтиришни тарк қилмайдилар.

Жанина ўтирган хонага қайтиб кирдим.

— Истаган пайтингда олдимга боравер, қизим! Қачон борсанг ҳам хурсанд бўламан!

Унинг авзойидан гапимни тушунган-тушунмаганини англай олмадим. Женевьеве қайтиб кирди ва мендан шубҳаланиб сўради:

— Унга нима дедингиз?

Кейинчалик Женевьеве: “Ана шу бир неча лаҳза ичида Жанинани йўлдан урди, бизларни мазах қилиш учун унинг миясини хомхаёлга тўлдириб кетди”, — дея мени айблаб юрди. Ўшанда, зинадан пастга тушар эканман, набирамнинг: “Мени бу ердан олиб кетинг...”— деб зорланганини хаёлимдан чиқармаётган эдим. Менинг Фили ҳақида тусмоллаб айтган гапларим, Жанинанинг қалвидаги дарди бўлиб чиқди: унинг дилини оғритмаган ягона одам, эҳтимол, мен эдим.

Ўкув йилининг бошланиши муносабати билан байрамона безатилган Бордо кўчаларида дайдиб юрдим. Туман аралаш ёмғирдан нам тортган йўлкалар туссиз ранг билан жилоланади. Одамларнинг туш пайтидаги шовқин-сурони трамвайларнинг овозидан ҳам ўтиб тушади. Болалигимда шаҳарнинг ҳиди бутунлай бошқача эди. Ўша ҳидни Дюрфур-Дюбержье ёки Гоос-Клош кўчаларидан топсам эҳтимол. Ким билсин, эҳтимол ҳали ҳам бирорта кампир зимистон кўчанинг бурчагида аниш ҳиди таралаётган кўзачасини бағрига босиб тургандир. Йўқ, кайфиятимда тушкунлик аломати йўқ эди. Мени эшитадиган, тушунадиган одам топилганди. Биз энди Жанина билан иттифоқдош эдик. Бу ға-

лаба эди. Женевьеве билан эса тил топишиб бўлмайди, ундаги телбаликни енгишга ожизлик қилдим. Жиноят йўлига кирган, энг оғир иллатларнинг соҳиби бўлган, лекин кўнгли очиқ инсоннинг қалбига йўл топса бўлади, аммо калтафаҳмликни енгиб бўлмайди. Начора! Буни ҳисобга олиб кўямиз, бағритошларнинг қалбларини юмшатиш мушкул иш. Ажал соатим етиб келгунга қадар, ақалли бир кишининг қалбига йўл топа олсан, бахтиёр бўлардим.

Ўша куни меҳмонхонада тунадим ва эртасига Калезга қайтиб бордим. Бир неча кундан кейин олдимга Альфред келди ва ундан Женевьеве билан бўлган сұхбатимнинг оғир оқибатларини билиб олдим: Жанина эрига ахмоқона хат ёзиб, тавба қилганмиш ва ундан кечирим сўраганмиш. Аёлларнинг ақли калта бўлади.

Оққўнгил ва бақалоқ куёвим фикрини давом эттиришга ва “Жанина бувисидан ўrnак оляпти”, – дейишга ботина олмади.

Альфред ажрим масаласида маглубиятга учрашимиз аниқ эканлигини ва Женевьеве бу ишга мени айбдор қилаётганини айтди, гўёки мен Жанинанинг бошини жўрттага айлантирган эмишман. Куёвимдан мени бу ишга нима мажбурлаганини сўрадим. Альфред норози оҳангда хотинининг фикрига қўшилмаслигини, лекин Женевьевеванинг айтишича, эрмак учун, интиқом олиш учун ёки “ёвуз ниятда” ана шу ишни қилган эмишман.

Шундан кейин болаларим олдимга келмай қўйишиди. Икки ҳафтадан кейин Женевьеве хат билан, Жанинани руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишга мажбур бўлишганини хабар қилди. Тўғри, унда телбалиқдан асар ҳам йўқ эди. Лекин врачлар ташқи дунёдан ажратиб даволаш наф келтиради, деб айтишганди.

Мен ҳам ёлғиз эдим, лекин изтироб чекмаётгандим. Юрагим ҳам безовта қилмай қўйганди. Ана шу ўтган икки ҳафта мобайнида ва ундан кейин ҳам илиқ куз фасли табиатга ҳукмронлик қилди. Ҳали дараҳтлардан бирон япроқ тўкилмаган, раъно гуллари эса гуллай бошлиганди. Болаларимдан яна четлашиб қолга-

нимдан хафа эдим. Губерт фақат иш юзасидан келиб кетар, башараси тунд, муомаласи совук эди. У менинг ҳурматимни ҳамон жойига қўйса-да, эҳтиёткор бўлиб қолганди. Уларнинг назарларида мен яна рақибга, ҳамма нарсага қодир баджаҳл қарияга айланиб қолгандим. Қолаверса, мени тушуниши мумкин бўлган ягона инсонни ташқи оламдан ажратиб, банди қилган эдилар. Шундай бўлса ҳам, ниҳоятда хотиржам эдим. Ҳамма нарсамдан ажралган, ҳамма мендан юз ўтирган, даҳшатли ажал тепамда чарх уриб турган бўлса ҳам, кўнглим тинч, руҳим тетик, ақлим равшан эди... Надоматли ҳаётим ҳақидаги ўйлар мени қийнамай қўйганди. Танҳоликда ўтказилган йилларнинг оғир юкини сезмаётгандим, оғир дард ва мўйсафидлик унутилгандек, ҳали бутун умрим олдинда тургандек, аллақандай жонли ва улуғ мавжудот кўнглимга хотиржамлик бахш этаётгандек эди.

## Йигирманчи боб

Шифохонадан қочган Жанина бир ойдан буён меникида турибди, лекин соғайганича йўқ.

– Фитнанинг қурбони бўлдим! – деди у. – Филига айб қўйищни истамаганим, никоҳ шартномасини бекор қилишни ва ажратишларини талаб қилмаганим учун мени жиннихонага қамаб қўйиши.

Қариндошларимизнинг фикрича, Жанинанинг бундай ҳолатга тушишига мен сабабчи эмишман, ҳолбуки уззукун Калезда ўтириб унинг хато фикрларига ва тасавурига қарши курашиб келяпман. Ташқарида ёмғир ёғяпти. Қорайиб чирий бошлаган япроқларга ёмғир томчилари лой сачратади. Шағал ётқизилган ҳовлидан оёқ товушлари эштилади, кимдир бошини сумкаси билан пана қилиб ўтиб кетди. Боғ ҳувиллаб қолган. Хоналарни зах босган, кечқурунлари алламаҳалгача иссиқ меҳмонхонада ўтирамиз. Набирамни ота-онанг, аканг, амакинг сенга ҳеч бир ёмонликни раво кўришмайди, деб ишонтиришда давом этаман. Иложи бори-

ча унинг хаёлини шифохона мавзуидан четга тортишга уринаман. Гап ҳа деб Филига бориб тақалаверади.

— Унинг қандай одам эканлигини тасаввур қила олмайсиз. Унинг ким эканлигини билмайсиз.

Жанина Филисини аввал кўкларга кўтариб мақтайди, кейин лой чаплайди. Мақтовори ҳам, баҳоналари ҳам менга асоссиздек туюлади. Уни муҳаббат шу кўйга солган.

Тасаввур қилиш нима эканлигини билмайдиган бадбаҳт ўша Филиингни яхши биламан; ўткинчи ёшликнинг беҳаё ҳавасига берилган такасалтанг у! Ана шу эркатой “тайёрга айёр” болани гоҳ олижаноб, оқ кўнгил деб мақтайсан, гоҳ унинг барча ниятларини қора деб, маккорликда айблайсан; ҳолбуки унинг барча хатти-ҳаракатларига тўғри баҳо бермоқ лозим. Уни тушуна билмадинглар. Авваламбор, унинг ҳам барча эркаклар сингари, иззат-нафси бор эди. Уни “истаган кўйга солиш” керак эмас эди; бундайлар истаган ноғорага ўйнашмайди, керак бўлса, миннатсиз неъмат бериладиган жойга қочиб кетади. Шундай бўлди ҳам!

Бечора Жанина, Филисига баҳо беришга ожизлик қиласди. У эрининг ёқимтой эркалашларини, қайтиб келишини қўмсаяпти, холос! Уша дайдининг ярамас одам эканлигини билса ҳам ортидан чопишга тайёр. Отанинг меҳри кўзида бўлади, дейдилар. Жанина менинг неварам, холос. Шундай бўлса ҳам унга ўз қизимга қарагандек баҳо бера оламан. У бошқаларга ўхшамайди, қадам олиши оғир, лекин эркакларнинг эътиборини тортавермайди, у кишида хиссиёт уйғотмайдиган аёллар тоифасига киради. Бироқ ўша кезларда, ишқий тушкунлик ва алам унга тақрорланмас бир чирой бағишилагандек эди. Балки шундай ҳолатда бирон-бир эркакнинг кўнглига чўғ ташлаган бўлармиди?

Жанинага ачинардим. Шунинг учун ҳам унинг Фили ҳақидаги ҳикояларини эшитишдан чарчамасдим. Ҳамма оқ капалаклар бир-бирига ўхшаганидек Фили ҳам бошқалардек оддий йигит эди. Лекин Жанинага шу қадар ўтли эҳтирос бағишилаганидан ҳайратда эдим. Бу эҳтирос таъсирида неварам ташки дунё-

дан узилиб қолди. Унинг кўзига эридан бошқа нарса кўринмасди. Эсиз одам!

Жанина қоронги тушиши билан меҳмонхонага се-кингина кириб келадиган қизига ҳам унчалик эътибор бермайди. Аммо шу қизи туфайлигина у эрини таъ-қиб қилишдан воз кечди, йўқса Филини тинчитмаган, жанжал чиқариб ҳамманинг олдида шармандасини чиқарган бўларди. Қизчаси бўлмаганида якка ўзим уни ушлаб туролмасдим. Кечки овқат пайтида қизалоқ қучоғимга кириб оларди. Унинг соchlаридан келаётган қуш уясининг хиди менга Марияни эслатарди. Кўзларимни юмиб унинг соchlарига лабимни босар эканман, қалбим ич-ичидан ўртаниб, марҳума қизимни қўм-садим. Айни пайтда Люкни бағримга босаётгандек бўлардим. Номсиз хушбўй ҳидлар димоғимга урилиб, хаёлга чўмардим. Мухабbat асираси Жанина эса хона ичида тўхтамасдан у ёқдан-бу ёққа юарди.

Эсимда, оқшомларнинг бирида у мендан:

– Изтироб чекмаслик учун нима қилса бўлади? Ҳаммаси эсимдан чиқиб кетармикан? – деб сўраб қолди. Ўша куни қаттиқ совуқ эди, Жанина деразани очиб совуқда туриб қолди. Уни камин олдига олиб келдим ва ёнига ўтириб, қўлимни елкасига қўйдим.

– Айт-чи, сенда эътиқод борми? – сўрадим ундан.

Жанина паришонлик билан сўради:

– Эътиқод?

– Ҳа, худога ишонасанми демоқчиман?!

– Бу нарсаларнинг бир-бирларига bogлиқ эканлигини кўрмаяпман!

– Ишонасанми, йўқми? – қайта сўрадим ундан.

– Ҳа, албатта. Мен тақводорман. Ибодат қиласман, барча расм-русларга риоя қиласман. Лекин нега мендан буни сўрайapsиз? Устимдан кулмоқчимисиз?

– Айтчи, Фили чиндан ҳам мактовларингга арзийдими?

Унинг жаҳли чиқди; гапни тушунмаса, жавоб беришни билмаса ва панд еб қолицдан кўркса, одамга ўқрайиб қараш одати бор. Ҳозир у менга шундай қарамоқда эди.

— Бу нарсаларнинг бир-бирига боғлиқ жойи йўқ,  
 — деди у. — Бу ишларга эътиқодни аралаштиришни  
 ёқтирумайман. Ҳа, мен такводорман, шунинг учун ҳам  
 куфронга таққослашларга қаршиман. Барча расм-русларни  
 адо этиб келяпман.

Мен ана шу нарсани, сохта насронийча тақводорликни, диндорликка беўхшов тақлид қилишни бир умр ёмон кўриб келганман: улардан бемалол нафратлана олиш учун ўзимни тақводор кўрсатганман. Узинг ёмон кўрадиган нарсанинг юзига тик қарай билиш керак. Лекин ўзим-чи? Ўзимни-ўзим алдаб юрганимни энди билдим-ку! Ўшанда аббат Ардуен, ана шу ерда, Калезда, айвонда туриб менга: “Сиз жуда олижанобсиз”, — деган эди. Кейинроқ бориб эса жон таслим қилаётган Мариянинг сўнгти сўзларини эшитмаслик учун қулоқларимни беркитиб олгандим. Лекин ўшанда, унинг тепасида турганимда, инсон ҳаётининг ва ўлимининг сиридан воқиф бўлган эдим. Қизалоғим мени деб бу дунё билан хайрлашаётган эди. Буни унтишга уриниб ҳам кўргандим.

Ўша оқшом мен ана шулар ҳақида ўйладим. Эсимда, ўрнимдан турар эканман, курсини шундай тарақлатиб юбордимки, Жанина чўчиб тушди. У ғам-ғуссани бир оз унутгандек эди. Олов тафти борган сари пасайиб хона совиб борарди. Жанина курсисини каминга якинроқ қўйиб олган, оёклари қул бўлаёзган кўмирга тегай-тегай дерди, у қўлларини олдинга чўзиб, иситмоқчи бўларди. Мен нимқоронғи меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа юарканман, унга ёрдам беришга ожиз эканимни ҳис қиласдим. “Болагинам...” Унинг кўнглини кўтарадиган сўзларни излардим, лекин тополмасдим. Мазкур сатрларни қоғозга туширас эканман, нафасим сиқилаётганини ҳис қиласпман, ўша улуғ Зотга муҳаббат билан тўлиб-тошган юрагим тарс ёрилгудек санчиб оғрияпти. Энди унинг табаррук отини биласман, у...

Калез. 193....йил, 10 декабрь.

## Қадрли Женевьевеа!

Бу ерда жавонлар ҳар хил қоғозларга тұла. Шу ҳафта ичидә уларни тартибға солиб бўламан.

24 ноябрь куни эрталаб Амели хонага кирганида, отамиз дафтарға юз қўйиб, жон таслим қилганидан хабаринг бор. Шу дафтарни сенга етказишни бурчим, деб биламан.

Шубҳасиз, дафтарни ўқиб чиқишига қийналасан. Бу нарса менга ҳам қийин бўлди, яхшиямки, бундан хизматкорлар хабар топмаган. Аввалига дафтарни сенга жўнатишни лозим топмадим, чунки отам сенинг тўғрингда анчагина оғир гапларни ёзганлар. Лекин иккаламизга тегишли гаплардан сени маҳрум қилишга ҳаққим йўқ. Ота-онамиздан қолган мероснингadolat юзасидан тақсимланиши тарафдориман. Шунинг учун ҳам фикримни ўзгартирдим.

Айтмоқчи, заҳархандалик ва аччик алам билан ёзилган саҳифаларда ҳаммамизга ҳам тегишли гаплар бор. Таассуфки, унинг бизга бўлган муносабати ҳаммамизга кўпдан буён аён эди. Отамга бўлган нафрат ўспиринлик йилларимга оғу солган. Унинг шафқатсиз кўзларини кўрганимда, ўзимни ўта ожиз ҳис қиласдим ва йиллар ўтибгина ўз қадримга етадиган бўлдим.

Ҳаммаси учун уни афв этдим, жумладан, ўғиллик бурчи мени мазкур ҳужжатни сенга етказишга унда-моқда. Отам ҳақидаги фикрларингни яхши биламан. Дафтарни ўқиб чиққанингдан кейин, уни олижаноб деб айтиш қийин, лекин одамийроқ бўлганини билиб оласан. (Отамнинг марҳума синглимиз Марияга, кичкинтой Люкка бўлган муҳаббатини назарда тутяпман: дафтарда бу ҳақда кишини ҳаяжонга соладиган сатрлар бор). Энди мен нима учун отамизнинг онамнинг тобути устида, ҳаммамизни ҳайратга солиб, шунчалик ғамга ботганини сабабини билгандекман. Ӯшанда сен уни ёлғончига чиқаргандинг. Ана шу бўйсунмас ва мағрур инсоннинг қалбида нималар яширинганини билиш учун ҳам унинг сўнгги тавбасини қийин бўлса ҳам сабр билан ўқиб чиқишинг керак.

Дафтарни ўқиб чиққач, виждон азобидан сокит

бўлдим. Сенинг ҳам хотиржам тортишингга аминман. Болалигимдан таъбим нозик. Ўзимни ҳак деб ҳисоблашга мингта асосим бўлганда ҳам, битта арзимаган баҳонани деб виждоним ўрганиб юришим мумкин. Ҳа, менингдек кўнгилчан одам учун яшаш – мушкул иш. Отамнинг назаридан қолиб, таъқибга дучор бўлиб, ўзимни ҳимоя қилиш ниятида амалга оширган хатти-ҳаракатларим мени виждон азобига дучор этган, кўнглимга нотинчлик солганди. Агар оила бошлиғи, оиласизнинг ор-номуси, болаларимизнинг келажаги учун жавобгар бўлмаганимда эди, ўзинг бир неча марта шоҳид бўлган оиласий жанжаллар, кишини ерга урадиган баҳсларда қатнашгандан кўра, отам билан курашишдан воз кечган бўлардим.

Яратганга шукурки, отам ёзган сатрлар ўзимни оқлаш ҳуқуқини беради. Адвокат Буррю ва Роберт аталмиш шахсни ўз ҳукмига солиш учун ишлатган хийла-найранглари ҳақидаги сатрларни ўқир эканман, шундай отам борлигидан афсусланганимни яширмайман. Майли, ёпиқ қозон ёпиқлигича қолсин. Лекин шуни айтиш керакки, маккорона тузилган режаларни барбод қилиш менинг бурчим эди. Ниятимга етдим, натижа ёмон бўлмади. Ҳозир мен туфайли бойвучча бўлиб ўтирибсан, синглим. Бунга шубҳа қилмасанг ҳам бўлади. Дафтарда бечора отам бизга бўлган нафратини бирданига сўниб қолди деб, ўзини ишонтиromoқчи бўлади: у ўткинчи дунёнинг барча неъматларидан тўсатдан воз кечгиси келиб қолганини ҳикоя қиласди (ана шу сатрларни ўқиб кулгим қистаб кетганини тан оламан). Лекин бу кескин бурилиш қачон содир бўлганига эътибор қилгин-а! Ҳа, бу ўзгариш унинг режалари барбод бўлганидан кейин ва ҳаромзода ўғил сирни бизга фош қилиб қўйгандан кейин содир бўлди. Шунчалик катта давлатни йўқ қилиб юбориш осон иш эмасди. Йиллар давомида тайёрлаб келинган режани бир неча кун мобайнида ўзгартириш унинг қўлидан келмасди. Ҳақиқат шундан иборатки, бечора чолнинг кўнгли ўлими яқинлашиб қолганини сезган ва фарзандларини меросдан маҳрум қилишнинг бошқача усулини ўйлаб

топишга вақти ҳам, иложи ҳам йўқлигини тушунган. Унинг аввалги режасини фош қилишда Тангрининг ўзи бизга мададкор бўлганди.

Тажрибали адвокат бўлган отам ҳеч кимдан ҳеч қачон мағлуб бўлишни истамаган, шу боис ярим алдов йўлига ўтган: у ўзининг мағлубиятини ахлоқий ғалаба деб эълон қилишгacha борган, самимиликка юз тутгани, манфаатлардан воз кечганини очиқ эътироф этган. Хўш, бундан бошқа у нима ҳам қила оларди? Мени алдаш осон иш эмас, отамиздан завқланишга ҳам, ундан миннатдор бўлишга ҳам асосимиз йўқ, деб ўйлайман.

Дафтарда мени виждон азобидан буткул қутқарган саҳифалар ҳам бор. Бу масалада мен талабчан виждон амри билан ўзимнинг хатти-ҳаракатимни қаттиқ туриб таҳлил қилиб келгандим ва узоқ вақтгача қийналиб юргандим. Мен отамнинг ақлий имкониятларини аниклаш мақсадида уни мутахассисларга кўрсатмоқчи бўлгандим. Хотинимнинг гаплари ҳам мени анчагина шубҳага солиб қўйганди. Унинг гапларига кўп ҳам аҳамият бермаслитимни биласан, фаросат улашаётганда у кечроқ қолган қўринади. Лекин у менга кечаси ҳам, кундузи ҳам тинчлик бермай безор қилиб юборди ва унинг баъзи бир гаплари мени ўйлантириб қўйганини тан оламан.. Пировардида, у мени машхур адвокатнинг ишбилармон, молиявий ишларнинг пири, ўткир психолог, энг оғир, энг босиқ киши эканлигига ишонтириди. Турган гапки, меросдан маҳрум бўлишдан кўркиб, қариб қолган оталарини шифохонага тикиб қўймоқчи бўлган фарзандлар ҳакида бўлмағур гапларни айтиш, уларни ваҳший деб аташ қийин иш эмас! Ўзинг кўриб тургандек, мен гапни чайнамасдан, очиғини айтиб қўя қоляпман. Тангри шоҳид, саноқсиз тунларни бедор ўтказдим.

Шундай қилиб, азизам Женевьеве, мазкур дафтар, айниқса унинг сўнгти саҳифалари бечора отамизнинг вақти-вақти билан эсини йўқотиб юрганлигидан шоҳидлик беради. Менимча, асаб касалликлари бўйича ҳар қандай мутахассисни ушбу саҳифалар жуда-жуда қизиқтирган бўларди. Лекин фарзандларимизнинг

тақдири учун ниҳоятда хавфли бўлган ушбу саҳифаларни ҳеч кимга овоза қилмасликни ўзимнинг биринчи бурчим деб биламан. Дафтарни ўқиб чиқишинг билан ёқиб юборишинг шарт. У бегоналар қўлига тушмаслиги керак.

Оиласизда бўлиб ўтган барча гапларни сир сақлаб келганимизни биласан, синглим, нима бўлганда ҳам отамизнинг руҳий ҳолати ҳақидаги шубҳаларимизни ҳам ҳеч ким билмаслиги учун чораларни кўргандим, бироқ оиласизда юз бераётган баъзи бир ғалати воқеалар ҳақидаги айрим гаплар кимнингдир эҳтиёtsизлиги ва оғзи бўшлиги туфайли бегона қулоқларга бориб етган. Чунончи, куёвинг бўлмағур гапларни тарқатиб юрганимиш. Унинг гаплари бизга қимматга тушяпти, бундан ўзинг ҳам хабардорсан: қўпчилик шаҳарда Жаннинанинг асабийлигини бувасининг руҳий касаллиги билан изоҳлашга уриняпти, Филининг иғвогарлиги бунга сабаб бўляпти.

Шундай қилиб, бу дафтарни йиртиб ташла, у ҳакда ҳеч кимга гапирма ҳам. Сен ҳам, мен ҳам бу тўғрида сира оғиз очмайлик. Тўғрисини айтсам, дафтарнинг йўқ бўлиб кетиши бир оз ачинарли, албатта. Унда инсоннинг ички дунёси ва табиат манзаралари ҳақида шунчалар чиройли гаплар айтилганки, адвокат отамизда ёзувчилик қобилияти бўлган экан, деб тахмин қилиш мумкин. Дафтарни йиртиб ташлаш учун бу яна бир асосдир. Фарзандларимиздан биронтаси бир кун келиб уни нашр қилдирса, нима бўлади? Даҳшатнинг ўзи-ку!

Лекин бир-биримиздан беркитадиган сиримиз йўқ, дафтарни ўқиб чиққанингдан кейин отамизнинг яrim телба бўлганлигига сенда ҳам ишонч ҳосил бўлади. Қизинг бир куни: “Бувам, мен учратган одамлар ичida энг тақводори”, – деганди. Ўшанда мен касаллиги, асаблари чарчаганлиги туфайли шундай деяпти, деб қўя қолгандим.. Энди тушунгандек бўляпман, бечора қиз мияси айниганд ҷолнинг алаҳисиравлари ва довдирашларини жиддий деб ўйлаганга ўхшайди. Наҳотки, жигарбандларининг душмани, ҳамманинг нафратига

сазовор бўлган, бирорта ҳам дўст орттиргаган, муҳабатда омади келмаган (дафтарда бу ҳақда кулгили сатрлар ҳам бор, ўзинг ўқиб оларсан), қизлигида кимнидир яхши кўргани учун бегуноҳ рафиқасини кечира олмаган инсон умрининг охирига келиб ибодат қилишдан таскин излаган бўлса? Бунга сира ишонмайман. Бу ҳақида унинг ўзи ёзган сатрлардан бутунлай бошқа хулоса чиқариш мумкин: қаршимизда атрофдагиларни душман деб билиб келган, илоҳий алаҳсирашга дучор бўлган ва натижада заковатига путур етган оддий бир кимса турибди. Балки ундаги бу ҳолат асл тақводорликнинг белгисидир, деб сўрарсан мендан? Йўқ, бу масалани билганим учун шуни ишонч билан айта оламки, бундай тахмин қилишимизга ҳеч бир асос йўқ. Тўғрисини айтсам отамизнинг алаҳсираб Тангрини тилга олиши ғашимга тегди. Эҳтимол, аёл сифатида сен буни бошқача баҳоларсан. Уни тақводор деб билсанг отамизнинг ҳеч қачон ҳеч кимни ёқтиргаганлигини, бирорга жаҳл қилибгина, бошқаларга ёқимтой кўринишга ҳаракат қилганини бир эслагин! Унинг дин ва Яратган Эгамиз ҳақидаги фикрлари болалигимиздан онам томонидан бизга сингдирилган диний ақидаларни танқид қилишнинг бир усули, холос!

Сени чарчатиб қўймаслик учун мулоҳазаларимни шу ерда тўхтатаман. Шунча гапирганим ҳам етар, бу ёгини ўзинг ўқиб оласан. Дафтар ҳақидаги фикрингни тезроқ билгим келяпти.

Хатим чўзилиб кетди, ҳали муҳим саволларингга жавоб берганим йўқ.

Қадрли Женевьеве, иқтисодий тушкунликни бошдан кечираётган бир пайтимида биз муҳим ва ташвишли муаммони ҳал қилиб олишимиз керак. Агар нақд пулларни банкнинг пўлат сандигида сақлайдиган бўлсак, ўз имкониятларимизга яраша тирикчилик ўтказишимиизга тўғри келади. Бу эса қашшоқликда кун кечириш демакдир. Борди-ю, биржада акциялар сотиб олиб, фойдасининг ҳузурини кўрмоқчи бўлсак, натижада биз кутгандек бўлмайди, чунки уларнинг қадри кун сайин пасайиб боряпти. Модомики, у ёки бу ҳол-

да ютқазишга мажбур эканмиз, Француз банки чиқарған қофоз пулларни құлдан чикармай туриш максадға мувофиқдир. Тұғри франкнинг қиймати эндилікда бор-йүғи түрт суга<sup>4</sup> тент, лекин у давлатнинг беҳисоб олтинглари билан таъмин этилган. Бу масалада отамиз узокни күзлаб иш юритган, биз ундан ўрнак олсак арзиди. Французларда құлидаги ортиқча пулни муомалага күйиб, фойда ундиришга бўлган алдамчи истак мавжуд. Сен бор кучинг билан бунга қарши боришинг керак. Ҳамма нарсани тежаб-тергаб сарфлашга, камтарона умр кечиришга тұғри келади. Бирор масалада маслаҳатта мұхтоҗ бўлсанг, доимо хизматингга тайёрман. Замона оғир, лекин яқин орада фойда чикадиган ишлар билан шуғулланиш имконияти туғилиб қолиши мумкин: шу кунларда Кина деб аталған конъяк нави билан анис ароғини күз остиғма олиб юрибман. Бундай нарсалар билан савдо қилувчи одамлар ютқазмайдилар. Менимча, биз ҳам қўрқмасдан ва айни пайтда эҳтиёткорлик билан ана шу йўлдан борсак бўлади.

Жанина ҳақида ёзган яхши гапларингдан хурсандман. Ундаги фавқулодда кучли тақводорликдан ҳозирча хавотирланмасанг ҳам бўлади. Мухими, Филини ўйламаса бўлди. Яқин орада у ўзига келиб қолади. Жанина бизнинг уруғдан-ку, ахир! Уруғимиз эса ҳеч қачон ҳаёт лаззатларидан ўзини маҳрум қилмаган.

*Сешанба кунигача хайр, қадрли Женевьеве.*

*Мөхрибон аканг,  
ГУБЕРТ*

### **Жанинанинг Губертга хати**

“Амакижон, ўтиниб сўрайман, онам иккимизнинг ўртамиздаги баҳсни ажрим қилишга ёрдам беринг. Онам бувамнинг “кундалигини” менга беришдан бош тортяпти. Унинг айтишича, агар дафтарни ўқиб чиқкудек бўлсам, бувамга бўлган ҳурматимдан асар ҳам қолмас эмиш. Бувам ҳақидаги муқаддас хотираляримга путур етказишни истамаса, нега ҳар куни: “Сен

<sup>4</sup> Су – Францияда эски майдада пул бирлиги.

тұғрингда нақадар ёмон гапларни ёзганини тасаввур ҳам қила олмайсан. Ҳаттоки, ташқи күринишиңгни ҳам аяб үтиrmабди”, – деб айтаверади? Мени яна ҳайрон қылған нарса шу бұлдики, онам үша сизнинг шархингизни үқиб чиқишимга бажонидил рози бўлди...

Жанжал қиласверишимдан безор бўлгач, амакинг рози бўлса, бувангни ёзганларини сенга бераман, деб айтди. Бу ёғи энди сизга боғлиқ. Бу масаланиadolат билан ҳал қилишингизни илтижо қиласман.

Масаланинг ижобий ҳал бўлишига имкон бермаётган ва фақат менгагина тегишли бўлган тўсиқни бартараф қилишга ижозат беринг. Дафтарда бувам менинг ҳақимда қанчалик шафқатсизлик билан фикр юритган бўлмасинлар, үзимга баҳо беришда мен улардан шафқатсизроқман. Бутун куз давомида, то үлимига қадар үзи билан ёнма-ён яшаган шўрлик аёл ҳақида унинг одил фикр юритганига ишончим комил.

Мени афв этасиз амакижон, лекин муҳим бир мавзуда сизнинг фикрингизга қўшила олмайман: бувамнинг сўнгги кунларининг ягона шоҳиди менман ва унинг онгида, туйғуларида содир бўлган үзгаришлардан хабардорман. Ундаги тақводорликни тушуниб бўлмас, ғалати, деб танқид қилибсиз. Калезда у Кюре билан уч марта (октябрьнинг охирида ва икки марта ноябрь ойида) учрашган ва у билан суҳбатлашган эди. Мен бунга гувоҳман. Нега Кюредан бу ҳақда ҳеч нима сўрамайсиз. Онамнинг айтишича, бувам үзининг “кундалигида” икир-чикирларгача қайд қилиб үтган, бироқ Кюре билан бўлган суҳбатлар ҳақида лом-лим демаган, агар унинг онгида чиндан ҳам катта үзгаришлар содир бўлганида, бу нарса ёзувларда акс этган бўларди. Бироқ, онамнинг үзи яна шуни айтдики, кундалиқдаги сўнгги жумла узилиб қолган. Ҳеч шубҳа йўқки, бувам ичидағи гапни тўкиб солмоқчи бўлиб турган лаҳзада жон берган. Агар у тавба қылған бўлганида черковга ибодатга борарди, деб даъво қилиш эса беъманилиkdir. Үлимидан бир кун олдин буважонимнинг менга айтган гаплари эсимда: черковга бориб ибодат қилиш

ниятида эди у, Исо пайғамбарнинг таваллуд кунига-ча сабр қилмоқчи эди. Менга ишонмасликка ҳеч бир асосингиз йўқ. Нега мени хаёлпастликда айблайсиз? Ахир аниқ эсимда турибди, чоршанба куни, ўлимидан икки кун олдин Калездаги уйнинг меҳмонхонасида ўша байрамнинг тезроқ келишини истаётганини ҳаяжон билан, хаста овозда гапирган эдилар.

Бувамни авлиё қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Унинг кўрқинчли, пайти келганида даҳшатли одам эди, деган фикрингизга қўшиламан. Лекин ҳар ҳолда ҳаётининг сўнғти кунларига келиб, у Тангрининг марҳаматидан, ҳақиқат ёғусининг нуридан баҳраманд бўлди ва ёлғиз бувамгина бошимни икки қўлининг орасига олиб, мени бўлмағур хаёллардан юз ўгиришга мажбур килди.

Агар биз ҳаммамиз бошқача одам бўлганимизда, бувам ҳам бошқача бўлармилиар?! Бунга нима дейсиз? Жияним, менга тош отяпти деб ўйламанг: сизнинг яхши томонларингизни биламан, бувамнинг сизга, онамга нисбатан шафқатсизлик ва ҳақсизлик қилганикларини ҳам биламан. Аммо баҳти қаролигимиз шундаки, бувам бизларни чин тақводор деб билгандар... Илтимос қиласман, мен билан тортишманг. Бувамнинг вафотидан кейин камчиликларга, қусурларга эга бўлган, лекин ишонч даъвати билан яшаётган, шу сабабдан қалблари эзгулик билан тўлиб-тошган инсонлар билан танишдим. Ким билсин, агар бувам шундай одамлар орасида яшаганида, куни битган чоғидагина кўзи илгаган дарвозани кўп йиллар илгари кашф қилган бўлармиди?

Оиламизнинг сержахл бошлиғини деб ҳаммани айбор қилмоқчи эмаслигимни яна бир марта таъкидламоқчиман. Энг муҳими шўрлик бувимнинг ҳаёти унинг кўзини очиши керак эди, у бўлса узоқ йиллар мобайнида аламзадалик билан интиқом олишдан бўлак нарсани ўйламай келди. Лекин барибир бувами ҳақ деб биламан. Нега бундай хулосага келганимни айтишга рухсат беринг; биз хазина турган ерга қалбимизни ҳам олиб бориб қўйгандик. Фикр-ёдимиз йўқо-

тилаётган ўша меросда эди. Түгри, ўзимизни оқлашга баҳоналар етарли; сиз ишбилармон киши әдінгиз, мен эсам муштипар аёл... Лекин бувимдан бошқа ҳеч би-римизда ишимиз билан сұзимиз бир эмас эди. Лабла-римиздан дуо аримаса-да, фикр-зикримиз, истаклари-миз, килаётган ишларимиз диний ақидаларга тамоми-ла тескари эди. Биз бор кучимизни ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишга қаратган эдик, бувам бўлса... у ўз қалбини хазинаси турган ерга олиб бориб қўймаганди десам хато бўлмас! “Кундалик”даги фикрлар сўзла-римни узил-кесил исботлайди деб онт ичишга тайёр-ман.

Зийраклигингиз ва заковатингиздан умид қиласман ва ишонч билан жавоб кутиб қоламан.

*Жанина.*

### *T A M O M*

| *Лючий Калинга* |



## Мундарижа

Биринчи боб .....	3
Иккинчи боб .....	10
Учинчи боб .....	18
Тұртинги боб .....	29
Бешинчи боб .....	37
Олтинги боб .....	44
Еттинги боб .....	49
Сакқизинчи боб .....	64
Тұққизинчи боб .....	73
Үнинчи боб .....	80
Үн биринчи боб .....	87
Үн иккинчи боб .....	90
Үн учинчи боб .....	102
Үн тұртинги боб .....	109
Үн бешинчи боб .....	115
Үн олтинги боб .....	120
Үн еттинги боб .....	126
Үн сакқизинчи боб .....	144
Үн тұққизинчи боб .....	154
Йигірманчи боб .....	161

**УЎК 821.133.1-31**

**КБК 84(4Фра)б**

**М 75**

Мориак, Франсуа.

Илонлар комида [Матн]: роман / Ф. Мориак. - Тошкент : «Offset-Print» МЧЖ, «Nihol» нашриёти, 2017. - 176 б.

**УЎК 821.133.1-31**

**КБК 84(4Фра)б**

**ISBN 978-9943-23-109-2**

# *Илонлар комида*

**Роман**

*(Қайта кўрилган ва тўлдирилган  
иккинчи нашри)*

Нашрга тайёрловчи

ва таржимон:

Бош мухаррир:

Мухаррир:

Тақризчи:

Мусахҳиха:

Дизайнер ва саҳифаловчи:

Техник мухаррир:

**Ш. Миноваров**

**М. Нурмухамедова**

**Ҳ. Самсакова**

**Р. Ширинова**

**Г. Миноварова**

**А. Ладина**

**Б. Нурмухамедов**

Нашриёт лицензияси AI № 219, санаси: 3.08.2012 йил.

Босишига 06.03.2017 йилда руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Офсет қофози. Офсет босма.

Times New Roman гарнитураси. Кегль 11.

Шартли босма табоги 9,24. Босма табоги 5,5.

Адади 1000 нусха. Буюртма №1.

«Offset print» МЧЖ босмахонасида босилди.

Босмахона ва нашриёт манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,

Махтумкули, 1-уй.

Тел.: 249-90-14.



JOHN



ISBN 978-9943-23-109-2

9 789943 231092